



**Ilmiy amaliy
jurnal
№ 5 (7)
2024**

**YANGI
O'ZBEKISTON
IQTISODIYOTI**

“YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI” *jurnali* 5-son 2024 yil

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY TA’LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**

**MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI
O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI**

YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI

5

ISBN 978-9943-5256-3-4

Toshkent – 2024

UDK: 818.213

BBK: 84.61

B- 29

Butun kuch va salohiyatimizni yagona ulug‘ maqsadimiz – Yangi O‘zbekistonni barpo etishga qaratamiz.

Yangi O‘zbekiston – bu, avvalo, yangi iqtisodiy munosabatlar, yangi iqtisodiy dunyoqarash demakdir.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti
Shavkat Mirziyoyev

Все свои силы и потенциал мы направим на достижение нашей общей великой цели - построение нового Узбекистана. Новый Узбекистан – это, прежде всего, новые экономические отношения, новое экономическое мировоззрение.

Президент Республики Узбекистан
Шавкат Мирзиёев

© Yangi O‘zbekiston iqtisodiyoti

© «**KLASSIC PRINT**» nashriyoti

Ilmiy-uslubiy jurnal 1.09.2022-yildan boshlab chiqa boshlagan, yiliga 6 marta chop etiladi.

Ta’sischi:

MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI

Bosh muharrir

Bosh muharrir o‘rinbosari

Mas’ul kotib

i.f.d., prof. A.Qodirov

DSc, dots. X.X.Rejapov

PhD. K.A.Muxitdinova

Jamoatchilik kengashi:

Prof. I.U.Madjidov (rais), prof. Sh.Toshmatov, PhD E.Yodgorov, i.f.n., dots. A.T.Umarov, i.f.d., prof. A.Qodirov

Tahrir hay’ati:

Prof. Sh.O.Toshmatov, i.f.d., prof. A.Qodirov, prof. A.V.Vaxabov, prof. X.P.Abdulqosimov, prof. F.T.Egamberdiyev, prof. Sh.G.Yo‘ldashev, prof. A.M.Sodiqov, prof. Q.Muftaydinov, prof. K.Ubaydullayev, i.f.d. Q.K.Mambetjanov, prof. I.Y.Umarov, i.f.d. B.Tagayev, i.f.d. Z.T. G‘oipnazarova, i.f.d., G.N.Maxmudova, prof. P.Z.Xashimov, i.f.d., dots. X.X.Rejapov, dots. A.T.Umarov, i.f.d. B.B. Baxtiyorov, dots. Sh.S.Nasretdinova, dots. B.B.Mullaboyev, dots. Z.Jumaqulov, dots. N.A.Artiqov, dots. K.A.Muxiddinova, dots. D.I.Ro‘ziyeva, dots. A.Ambartsumyan, dots. R.Abdullayeva dots. A.Boboyev, dots. X.Baratov, dots. N.A.Kudratxodjayeva, dots. M.I.Saidkarimova, dots. B. Adilov, dots. N.Z. Umarova, PhD K.Jabborov, PhD Sh.Abdullayeva, PhD M.Mamanazarov.

Tahririyat manzili:

10095, Toshkent - 95, Universitet ko‘chasi, 4. tel: (+99899) 821-20-72

Журнал сайти: <https://journal.econuu.uz>

Jurnal O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administrasiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikasiyalar agentligi tomonidan 17.07.2022-yilda № 4715-son bilan ro‘yxatga olingan.

Buyurtma: ISSN 978-9943-5256-3-4

Jurnal OAK ro‘yxatiga 2023 yil 1 iyuldan kiritilgan (OAK rayosat qarori 04.07.2023 yil № 340/5).

Jurnalda ma’lumotlar bosilganda dalillar ko‘rsatilishi shart. Jurnalda chop etilgan ma’lumot va keltirilgan dalilarning aniqligi uchun muallif javobgardir.

MUNDARIJA

Кадилов А., Тулаганов Э.Ж. Корхоналарда инсон капитали назарий-услубий ва боҳолаш	6
Ешимбетов У.Х. Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ривожланишининг минтақавий ўзига хос хусусиятлари.....	11
Toshtemirova Z.M. Mahalla institutlarini shakllantirish va uning transformatsiyasi	17
Abdulazizova N.B. Yaponiya pensiya ta'minoti tizimi tajribasi.....	21
Alimjanov N.X. O'zbekiston sug'urta bozorining o'ziga xos xususiyatlari	26
To'xtayev U.Sh. Turizm industriyasi raqobatbardoshligini oshirishning muqobil senariyalari.....	31
Жаббаров К.Й. Циклик тебранишларнинг иқтисодий ривожланишга таъсири.....	37
Назарова Р.Р., Султонова Ш.А. Поддержка отечественных производителей: расширение промышленных кооперационных связей и повышение уровня локализации производств в АО «Узбекнефтегаз»	40
G'oymatova D.G'. Yengil sanoatni iqtisodiyotni rivojlanishidagi o'rni.....	45
Ташматов Ш. Х. Иқтисодий ислохотлар шароитида банк хизматларини тартибга солинишини бошқариш.....	48
Дадабоева М.М. Кичик бизнесни ривожлантириш тенденцияларини моделлаштириш	54
Акимиязов Т.Б. Возможности государственно-частного партнерства для эффективной реализации инфраструктурных проектов.....	59
Махкамова Н.С., Сабитова М. А. Устойчивое развитие в банковском секторе Узбекистана: текущее положение и возможности интеграции.....	63
Камилова А. Н. Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш	68
Murtazayeva G.I. Mintaqalarda tibbiy turizmni o'rganishning ayrim nazariy va amaliy jihatlar.....	71
Komilova N. K. Urbanizatsiyalashgan mintaqalar ekologik-iqtisodiy holatini o'rganishning ba'zi bir nazariy jihatlar (Toshkent shahri misolida).....	78
Liu Lu The impact of digital economy development on employment scale.....	85
Абдуллаева Х. Н. Корхона фаолиятида маркетинг дастурлари амал қилишининг назарий асослари эволюцияси	89
Yadgarova N.R. O'zbekistondagi tashqi xalqaro savdo va kichik biznes o'rtasidagi murakkab munosabatlarning statistik tahlili	96
Saidova M. J. Hududlar barqaror rivojlanishini ta'minlash istiqbollari.....	103
Маткаримов А.М. Давлат-хусусий шериклик лойиҳалари ва уларни бошқаришнинг илмий-назарий асослари.....	107
Эгамкул И.Н. “ESG” Омиллар асосида инвестициялар киритиш: методологик ёндашув....	111
Abdumominov A.A. O'zbekistonda oziq-ovqat sanoatini rivojlantirishning asosiy yo'nalishlari	122
Қобилов Ш. Ўзбекистон мустақиллик арафасида: ижтимоий ва иқтисодий вазиятнинг илмий-назарий таҳлили	126
Абдурахмонов И. Яширин иқтисодиётга нисбатан илмий-назарий ёндашувлар.....	135
Xusanova D.Sh. Moliya sohasidagi raqamli texnologiyalar: evolyutsiya va rivojlanishning asosiy tendentsiyalari.....	141
Uraimjonov A.R. The role and prospects of the electrotechnical industry in ensuring sustainable economic growth.....	146
Амбарцумян А.А. О некоторых аспектах методики преподавания экономических дисциплин.....	151
Maxmudov O.X. O'zbekiston soliq siyosatining rivojlanishining asosiy yo'nalishlari.....	159
Хамдамов Ш.К. Усовершенствование финансовых стратегий для снижения бедности и повышения социальной защиты в Узбекистане.....	164
Исаев А.Д. Внедрение цифровой валюты в Узбекистане: проблемы и решения.....	167
Yokubjanov D.I. “Yashil” innovatsiya tushunchasi va uning ahamiyati.....	173
Таълим ва илм-фан орқали обрў-эътибор топган олим	179

КОРХОНАЛАРДА ИНСОН КАПИТАЛИ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ ВА БОҲОЛАШ

ЧЕЛОВЕЧЕСКИЙ КАПИТАЛ ПРЕДПРИЯТИЙ ТЕОРИЯ И МЕТОДИКА

THE ORETICAL-METHODICAL AND EVALUATION OF HUMAN CAPITAL IN ENTERPRISES

А. Кадиров

ЎзМУ, “Иқтисодиёт назарияси” кафедраси профессори, и.ф.д.

Тулаганов Э.Ж.

Ангрен университети доц.

Аннотация

Мақолада инсон капитали ҳозирги иқтисодий таракқиётидаги ўрни корхона ишлаб чиқаришида юқори даражада аҳамиятга эга. Мақолада инсон капиталининг самарадорлигини аниқлашнинг айрим масалалари таҳлил қилинган. Инсон капиталини иқтисодий самарадорлигини аниқлаш услуги таклиф қилинган.

Калит сўзлар: Инсон, инсон капитали, интеллектуал мулк, ишлаб чиқариш, иқтисодий ўсиш.

В статье рассмотрен развитие человеческого капитала её место в производственном процес предприятий. В статье рассмотрены некоторые вопросы определение экономической эффективность человеческого капитала. Методика определение эффективности человеческого капитала.

Ключевые слова: Человек, человеческий капитал, интеллектуальная собственность, производство, экономический рост.

The article examines the development of human capital and its place in the production process of enterprises. The article discusses some issues of determining the economic efficiency of human capital. Methodology for determining the effectiveness of human capital.

Key words: Human, human capital, intellectual property, production, economic growth.

Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш корхоналарини иқтисодий жиҳатдан барқарор ва самарали равишда ривожланиб боришида инсон капиталининг ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан моҳияти бекиёси катта. Инсон капиталини кенг маънога моҳияти бу ишлаб чиқариш жараёнларини ишлаб чиқариш корхоналарида интенсив асосда ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этишнинг асосий омили бўлиб унинг бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнини самарали ва эркин рақобатга асосланган ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этувчи асосий омил деб ҳисоблаш зарур. Инсон капитали на фақат корхоналарда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш балки ижтимоий жамиятни, оилани барқарор ривожлантириши асосида ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларини малакавий даражада тайёрлашда иқтисодиётни асосий интеллектуал омили сифатида меҳнатни, ишлаб чиқариш воситаларини, инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқариш асосида ишлаб чиқариш жараёнини асосий омили сифатида қатнашади. Инсон капитали унинг интеллектуал ҳолатини, соғлиқлик, илмий даражасини ва меҳнат фаолиятини сифатли ва унумдорликни сифатли даражасини ўзида мужассамлаштиришда ифода этади.

Инсон капиталини ривожланиши ва сифатини ўсиб бориши инновацион иқтисодий ва иқтисодий илмий даражасини ривожланиб бориши уларнинг эркинлик даражасига боғлиқ. Ривожланган мамлакатларда миллий бойликни ишлаб чиқаришда уларнинг ўрни ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмини 70-80 фоизини ташкил этади. Инсон капитали иқтисодий категория бўлиб уни ўрганиш асосан XX асрнинг ўрталаридан бошлаб дастлаб Америкалик

иқтисодчи олимлардан Теадор Шултс ва Генри Беккерлар ўрганган. Чикаго мактабининг вакили бўлиб қишлоқ хўжалиги иқтисодиётини, мамлакатда хўжалик ва иқтисодиётни ривожланиши, капитал қийматларини инсон олдида бўлган инсон капиталида таъсирини ўрганган.

Теадор Шултс «инсон капиталини» чуқур ўрганган олим бўлиб ўзининг «Иқтисодий мактаб ва таълим» ҳамда «мактаб ва янги эра» илмий ишларида «инсон капиталини» кенг маънода уни инвестицияга боғлаб уй ишлаб чиқариш, соғлиқни сақлаш билим даражаларини оширишга илмга капитал қийматларидан сарфлашга кўрган[1]. Инсон капитали назарияси XX асрнинг иккинчи ярмида Америка иқтисодчи олимларидан Теадор Шултс Генри Беккер томонидан инсон капитали назариясини яратганлари учун улар Нобел мукофоти лаурияти бўлганлар. Инсон капитали инсон омили ва инсон ресурслари тушунчаларини давоми бўлиб у умумлашган ҳолда инсон капиталини ифода этади.

Инсон капитали иқтисодий категория бўлиб у бир неча йиллар ичида давомий равишда инсонни меҳнат қилиш қобилиятини ўрганиш асосида инсон капитал ижтимоий капитал тариқасида ўрганилган ва уни ривожланиб бориш ижтимоий нуктаи назаридан ўрганиб борилган. Инсон ишлаб чиқариш жараёнини омили сифатида ўрганилиши унинг меҳнат қилиш қобилиятини ривожлантириш ва унинг меҳнатини ташкил этиш учун ижтимоий шарт-шароитларни на фақат ишлаб чиқариш жойларида балки уларнинг турмуш шароитларини ҳам ижтимоий ҳолатларини яхшилаб бориш уларнинг меҳнат қилиш қобилиятларини ўсиб боришига олиб келади деган ижтимоий-иқтисодий қарашлар мавжуд бўлган.

Теадор Шултс инсон капитали институтсионал носинфий назарияларга, Нокейс ва бошқа хусусий назарияларига асосланган. Теадор Шултс иқтисодий ва турли носинфий аралаш илмий назарияларга асосланган ҳолда иқтисодий ривожланиш ва инсонларнинг турмуш жараёнларини ривожланиш ўсиб боришни ва инсонларни ижтимоий турмуш даражаларини каноатлантириши ўрганиш мақсадида ижтимоий ва иқтисодий тараққиётга инсонни ижтимоий бойликни жамғаришини ўсиб боришига унга таъсир этувчи омили интеллектуал даражасини ўсиб бориш нафақат унинг ижтимоий-иқтисодий турмуш даражасига балки у инсон капитали сифатида умумий иқтисодиётни ривожлантиришда муҳим ишлаб чиқариш омили эканлигини инсонни капиталлашувида кўрган. Инсон капитали назариясини иқтисодий тараққиётга иқтисодиётни ривожланишига ўсиб боришига олиб келади. Миллий иқтисодиётни ривожланиб бориши ва уни ўсишини асосий манбаи инсон капитали эканлиги иқтисодий равишда иқтисодиётни ривожланиши умум ижтимоий иқтисодий ҳолатни ўсиши инсон капиталини асосий ишлаб чиқариш ва ижтимоий ривожланиш омили сифатида жамиятни иқтисодий ва ижтимоий ҳолатини ривожланиб бораётганини кўрсатмоқда.

Инсон капитали иқтисодий категория сифатида шаклланиши маълум давр ичида шаклланган. Дастлаб инсон ишлаб чиқариш жараёнини асосий омилларидан бири тариқасида меҳнат ресурслари тариқасида шаклланган. Инсон капитали категориясини иқтисодий маъноси жиҳатдан инсон капиталига нисбатан инсон капитали чуқур ва кенг маънога эга.

Америкалик иқтисодчи Гери Беккер ўзининг илмий тадқиқотларида инсон капитали назариясини ривожлантиришда унинг роли катта, ўзининг илмий тадқиқот ишларига Беккер иқтисодий тараққиётини макроиқтисодий даражада таҳлил қилиш асосида инсон капиталини ҳаракат қилиш ҳолатини ва ўзаро боғлиқлигини бозор иқтисодиётида ташқарисида кўрган. У ўзининг XX асрнинг 60 йилларида «Инсон капиталини» ўрганиш асосида “Инсон капиталини назарий ва эмпирик таҳлил” асарида таълимга сарфланган йирик харажатлар келажак учун тайёрланадиган мутахассисларни тайёрлашга сарфланиши, соғлиқни сақлашга турли ижтимоий соҳаларни ривожлантиришга уни сақлашга ва кадрларни такрор ишлаб чиқаришга сарфланган харажатлар янги машиналарни техник жиҳозларни харид қилиб олий келажакда кўпроқ хусусий бизнесда ва жамиятга фойда олишни таъминлайди[2] деб ҳисоблаган. Беккер «инсон омилини» ўзининг илмий ишларида иқтисодий ҳолатларини ўрганиш асосида янги истъеомол назариясини яратган. Унинг «инсон капитали» назариясига асосан янги асосий ишлаб чиқарилаётган истъеомол маҳсулотлари, таълим бозор

товарларидан инсон томонидан фойдаланиш кадрларни ишлаб чиқариш ва дастлабки меҳнат тақсимотини тақсимлайди[3] деб ҳисоблайди. Америкалик иқтисодчилардан бири Г.А. Саймой[4] ўзининг илмий тадқиқот ишларида ахборотлар назарияси, билиш жараёнини компьютер асосида моделлаштириш жараёнида билиш, назарий жиҳатдан ташкил этишни моддий жиҳатдан интелектни ва назарий қарорларни қабул қилишда иқтисодий муаммоларни ҳал этишда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаруви амалга оширишда «Административ юритиш» (1947) йилда чоп этилган адабиёт деб тан олинган. Унинг классик жиҳатдан аҳамиятга эга бўлган «Административ юритиш» асарида административ тизимни моддий, инсоний ва ижтимоий компонентлардан ташкил топган бу асарида коммуникатсион тармоқни унинг аъзо ходимлари бир бирлари билан иқтисодий мақсадни амалга оширишдаги мақсадни ифода этиш кўриб чиқилганлиги жиҳатдан бу илмий назарий жиҳатдан аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Г.А.Саймон ўзининг 1957 йилда чоп этган «Инсон модели» асарида ўзининг асосий назарий қарашларида инсонларни ҳуқуқларини ва билиб олиш қобилиятларини илмий ахборотларни ва қарор қабул қилиш қобилиятларини тушуниб олиш қобилиятлари даражасини ўрганган.

Инсон капитали кенг маънода эга бўлиб унинг шаклланишида бошқа омилларни уни ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган омиллардан унинг сиҳат-саломатлиги, уни ёшлигидан бошлаб олиб борилган тарбиявий ишлар, дастлабки билим олиш, ўрта билимга эга бўлиш ва махсус касбий билимни олиш билан боғлиқ бўлган харажатлар, ишлаб чиқариш жараёнида оладиган амалий билимлар ҳам инсонни капиталлашувида қатнашуви айниқса унинг яшаш ва турмуш даражаси ҳам инсонни капиталлашувида муҳим аҳамиятга эга.


Айрим иқтисодчи олимлардан Ю. А. Корчагина ўзининг “Российский человеческий капитал: фактори развития или деградции” монографиясида инсон капиталини фақат иқтисодий томондан унга қараса кенгроқ маънога эга[5] деб ҳисоблайди. Иқтисодчи Г.А.Хмелёва инсон капиталини умумлашган ҳолда уни инсон капитали сифатида таърифлашда инсон капиталини инвестициялаш, инсон капитали унинг қобилиятини захирасидан, қобилиятидан ва даромад ишлаб чиқариш янгиликларини билиш ва уни умумлашган капитал сифатида ва инсон капитали ишлаб чиқариш омили сифатида қарайди[6]. Инсон капиталига иқтисодчи олимлар томонидан берилган таърифларга қўшилган ҳолда инсон капитали бу ўзида мактабгача бўлган таълим, ўрта мактабдан, ўрта махсус касбга ўргатувчи коллеж, техникум, олий таълим муассасаси берган касбий таълим, амалий таълим ва унинг сиҳат ва саломатлигини ифода етувчи омиллар инсонни капиталини ифода этади деб ҳисоблаймиз. Инсон капитали инсоннинг бутун ҳаёти даврида ижобий равишда ўсиб боради деб ҳисоблаймиз.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти қонунларига ва ишлаб чиқариш жараёнини турли мулк эгалиги асосида ташкил топган ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнида унинг объектлари бўлган корхоналарнинг иқтисодий жиҳатдан барқарор ва самарали ривожланишини таъминлашда ишлаб чиқариш омиллари ичида инсон капиталини ижтимоий ва иқтисодий роли беқиёс аҳамиятга эга бўлади. Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш субъектларининг асосий мақсади иложи борица фойда олишни ўсиб боришни таъминлаш ишлаб чиқариш жараёнини рақобатдошлик даражасига боғлиқ.

Ишлаб чиқариш корхоналарини рақобатдошлиги уларнинг ишлаб чиқариш жараёнида меҳнатни ташкил этишни тежамкорлигига ва ишлаб чиқарган истъемол маҳсулотларни инновацион сифат даражаларига ва уни истъемол бозорларига харид қилиб олиш даражасига боғлиқ. Бозор иқтисодиёти ишлаб чиқариш корхоналари олдида қўйган асосий талабни бажарилишини амалга оширишда нафақат ишлаб чиқариш жараёнини инновацион тарзда ишлаб чиқариш учун зарур бўлган фан ва техника соҳаларида ютуқларидан фойдаланиш ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва уни олиб бориш жараёнларига унда ташкил топаётган янги бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитида инсонни ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш янги талабгор ва арзон истъемол нархларида товарларини ишлаб чиқаришни ташкил этишга боғлиқ.

Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришни ташкил этиш уни самарадорлик даражасини аниқлашда ишлаб чиқариш корхоналарини иқтисодий ҳолатини ташкил топишини иқтисодий таҳлил қилиш асосида унга иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан уларга баҳо берилади. Ишлаб чиқариш корхоналарини иқтисодий ҳолатга баҳо берилишида ишлаб чиқариш жараёнини асосан икки ишлаб чиқариш омилларини ташкил етувчи моддий ресурслар хомашёлар яъни айланма капитал ва асосий ишлаб чиқариш фондларини иқтисодий таҳлил қилиш услуби асосида корхоналарни ишлаб чиқаришдаги ютуқларига қараб баҳо берадилар.

Лекин ишлаб чиқариш корхоналари эришилган иқтисодий ютуқларни қўлга киритилишини таъминловчи омил бу инсон меҳнатни уни капиталлашуви асосий омил ҳисоблайди. Инсон капитали ишлаб чиқариш жараёни бозор иқтисодиётининг асосий иқтисодий қонуни талаб ва таклиф қонуни талаблари ўртасидаги нисбатни барқарорлигини таъминловчи асосий омил инсон капиталидир. Инсон капитал на фақат ишлаб чиқаришни инновацион тарзда ташкил этиш омили, балки корхона рақобатдошлигини ҳам таъминловчи омилдир. Бозор иқтисодиёти шароитида на фақат асосий ва айланма ишлаб чиқариш фондлари шу билан бирга уларнинг хизмат кўрсатиш белгилари товарлар белгилари ва номоддий активлар, корхона ишлаб чиқаришида банд бўлган уларнинг интеллектуал мулкларини ўзида ифода этган инсон капитали ишлаб чиқариш жараёнини асосий капитали сифатида қўрилмаган. Шунга асосланган ҳолда корхоналар асосий ишлаб чиқариш капиталини аниқлаш услубияти корхонанинг умумий мулк қийматини инсон капитали қийматисиз аниқлаш корхона асосий капиталининг аниқлашда инсон капиталини унинг асосий активи сифатида қараш зарур деб ҳисоблаймиз. Инсон капитали ишлаб чиқариш корхоналарининг асосий капитал эканлиги ва уни ишлаб чиқариш жараёнини этишда ишлаб чиқариш фаолиятларини олиб боровчи инсон капитали унинг асосий капиталини ўсиб бориши унинг интеллектуал илмий ва амалий, касбий малакавий даражаларини ўсиб бориши унинг капиталлашув даражасини ўсиб боришни таъминлайди. Инсонни интеллектуал жиҳатидан капиталлашуви даражасини ўсиб боришини таъминловчи асосий омиллар қўйидагилардан (1-расм) иборат.



Баҳолашда унинг сиҳат-саломатлиги, таълим ва тарбия ишларига, ижтимоий яшаш шароитларини такомиллаштириш билан боғлиқ харажатларини инсонни капиталлашувига бўлган таъсирини унинг самарадорлик даражасини ўсиб боришини ўрганиб бориш асосида интеллектуал капитални ривожлантириш ишлаб чиқариш харажатларини асосий йўналишларидан бири эканлигини кўрсатади. Инсон капиталини бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқариш субъектларини рақобатдошлик даражаларини юқори даражада бўлиши ишлаб чиқариш иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожланишини таъминлайди.

Айрим иқтисодчилар инсон капитални капиталлашувида номоддий ишлаб чиқариш жараёнини ривожлантириш инсонни капиталлашувига керак бўлган шарт-шароитларини яратади деб ҳисоблайдилар. Айримлари еса инсон капитални ишлаб чиқаришини омили сифатида кўриб ундан самарали фойдаланиш ишлаб чиқариш жараёнида меҳнат унумдорлигини асосий манбаи деб ҳисоблайдилар. Инсонни капиталлашуви учун соҳасини улардаги касбий янгиликлар ишлаб чиқаришда олинган тажрибалар, уларнинг маънавий психологик ҳолатларини ва жисмоний жиҳатдан соғ ва саломатлигида фикримизча (1-расм)га келтирилган инсон капитални жисмоний ва интеллектуал даражада таркибий тузилишига қарашда бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш корхоналарда уларнинг илмий-билими ва амалий жиҳатидан капиталлашувини ўсиб боришини ишлаб чиқариш жараёнини инновацион тарзда ривожлантиришни ва ишлаб чиқариш жараёнини бошқарувини ишлаб чиқариш жараёнини таркибий жиҳатдан ташкил етиш самарадорлигини барқарор ва самарали ривожланишини таъминлайди.

Инсон капитални қийматини таркибий тузилишини жиҳатдан уни капиталлашуви даражасини корхона ишлаб чиқаришидаги ролини ўсиб бориши инсон капитални қийматини аниқлаш услубияти асосида унинг ривожланишига таъсир кўрсатувчи бошқа омилларни инсонни капиталлашувига бўлган таъсирини мустақил равишда уларни асосий омиллар сифатида ўрганиб боришни талаб этади.

Корхона ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқаришнинг асосий омили бўлган интеллектуал капитал унинг илмий ва билмий даражасини ифодаловчи бир иқтисодий категория сифатида қараш билан бирга инсон капитал бу инсонни интеллектуал мулкни ҳам ифода этади. Инсонни интеллектуал капитални махсус ўзига хос хусусиятига эга бўлган капитал бўлиб у номоддий актив капитални емас балки асосий актив капитални инсонни капиталлашувига олиб келади деб ҳисоблайдилар. Айрим иқтисодчилар инсон капитални инсонни меҳнат қилиш ҳолати даражасини тавсифлайди деб ҳисоблайдилар. Инсон капитални бўйича келтирилаётган инсон капитални бўйича қарашлар бир-бирига қарашли қаратилган илмий қарашлар бўлиб улар инсон капиталига берилаётган тарифлар Америкалик иқтисодчи Гери Беккер ва Теадор Шултс томонидан берилган инсон капитални аниқлаш назарияларини маълум бир томонларини ўрганишларида кўриш мумкин.

Айтиш мумкин инсон капитални шаклланиши тўғрисида бир ягона умумлашган таъриф юқ деса бўлади. Умумлашган ҳолда инсон капитални шаклланиши бўйича қўйидаги фермерларни билдирадилар. Инсон капитални умумлашган ҳолда қўйидагилардан ташкил топади яъни инсонни туғма қобилияти, соғлиғи, уни фикр ва мулоҳазаларни, ижодкорлиги ва номоддий қобилияти жамғарилиши ва уни билмий инвестициявий билиш ва касбий моҳоратини меҳнат унумдорлигига ўсишига ва даромад олиб келишилди деб ҳисоблайдилар.

Инсонни капиталлашувини Америкалик иқтисодчи олимлар еса инсон капитални самарадорлигини инсонни капиталлашувига сарфланган капитални самарадорлигини таълимга сарфланган инвестицияни самарадорлигига инсон капиталига сарфланган инвестиция сарф харажатларини самарадорлик даражасини иқтисодчи олимлардан А.М.Дабрикин, С.А.Дятав ва С.А.Курганскийлар ҳам уни тасдиқлайдилар.

Иқтисодчи И.П.Пестов инсон капитални иқтисодий самарадорлигини аниқлаш бўйича унинг самарадорлигини инсон капиталига сарфланган инвестиция асосида инсонни капиталлашувини ташкил топишида барча назарий ва амалий ёндашувлар бу инвестиция харажатларини инсонни интеллектуал даражасини ўсиб боришида кўради. Инсон капитални иқтисодий самарадорлигини умуман таълим тизимини мажмуасига сарфланган кетган инвестиция харажатларида кўради. Инсон капитални самарадорлик даражасини ўсиб бориши билан ифодалаш ҳам бизнинг фикримизга тўлиқ уни самарали ривожланишини моҳиятини ошиб бермайди.

Бизнинг фикримизга умуман инсон капитални шаклланиши асосий манбаларини тўлиқ аниқлаш ва унга сарф бўладиган инвестиция харажатларини самарадорлигини аниқлаш мумкин. Инсон капитални ривожланиши аввалом бор инсонни яшаш жараёнини ижтимоий ва иқтисодий ҳолатига ва яшаш даврига боғлиқ. Демак инсонни капиталлашуви

уни бутун умри бўйича мактабгача бўлган даврида иш тарбиялашга, мактаб давридан ўрта махсус касбий ва олий таълим олиши билан ва ўзининг илмий амалий даражада билимларини ошириш билан боғлиқ бўлган инвестиция харажатларини ва соғлиқни сақлаш билан боғлиқ бўлган харажатлар инвестиция харажатларини умумлашган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнида қўлга киритилаётган ютуқлар инсонни капиталлашувига сарфланган инвестиция сарфлари натижасини амалиётда инновацион қўлга киритилган ижтимоий-иқтисодий ютуқларда кўриш мумкин.

Инсонни капиталлашувига ва миллий иқтисодиётни барқарор ривожлантиришни асосий омили эканлигини тан олинган ҳолда мамлакатимизда олий таълим тизимда малакали кадрлар тайёрлашни кундузги, сиртқи, кечки таълим тизим йўналишлари тайёрлашга катта эътибор берилиши натижасида 70 дан ортиқ юқори малакали кадрлар тайёрлаш хусусий олийгоҳлари ёшларни касбий илмий даражаларини ошириш ва уларнинг капиталлашув даражаларини ўсиб боришини таъминлашда фаол қатнашмоқдалар. Инсон капиталини инновацион тарзда ўсиб бориши самарадорлигини аниқлаш бўйича ҳам ягона инсон капиталини самарадорлигини аниқлаш услуби ҳозирги вақтгача ишлаб чиқилмаган.

Биз инсонни капиталлашувига сарфланган инвестиция харажатларини самарадорлигини аниқлашда асосий усул қилиб олиш мумкин ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этилган умумий инвестиция маблағларини моддий ресурсларни ва меҳнат ресурсларини ишлаб чиқариш учун сарфланган инвестиция маблағлари ўртасидаги нисбатга асосан олинган соф фойдани ҳам моддий ишлаб чиқариш ва меҳнат ресурсларини ташкил этиш харажатлари нисбатида инсон капиталини иқтисодий самарадорлигини аниқлаш мумкин. Инсон капиталини самарадорлигини ўсиб боришини ташкил этиш персонал билан ишловчи менежерларни уларнинг меҳнатларини ташкил этиш даражаларига боғлиқ.

Ишлаб чиқариш жараёнини олиб боришда ишлаб чиқариш ходимларидан фойдаланишни тўғри ташкил этиш ишлаб чиқаришда ходимлар бандлигини қисқаришига олиб келади. Ишлаб чиқариш ҳажмини ўзгармагани ҳолда корхона даромадини ўсиб боришини таъминлайди. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун сарфланиши лозим бўлган инвестиция маблағларини тежамкорлигини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Экономическая энциклопедия. М.: 1999 С 970
2. Экономическая энциклопедия. Экономика. М.: 1999 с.64
3. Экономическая энциклопедия. Экономика. М.: 1999 с.705-706
4. Экономическая энциклопедия. Экономика. М.: 1999 с.707-708
5. Корчагина Ю.А. Российский человеческий капитал: факторы развития и дегратсии: воропеш: 2005,252с [УРЛ:ХТТП://WWW.лерс.ру/art=58](http://www.лерс.ру/art=58)
6. Хмелево Г.А. Человеческий капитал: дефиниция множством неизвестных//Вестник Саратовского мунитсипального института управления. 2011. №3 с.7-15

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ
МИНТАҚАВИЙ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

**«МЕТОДИКА ПРЕПОДАВАНИЕ ГЕОГРАФИИ»
РЕГИОНАЛЬНЫЕ ОСОБЕННОСТИ РАЗВИТИЯ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА
КАРАКАЛПАКСТАНА**

**REGIONAL FEATURES OF AGRICULTURAL DEVELOPMENT IN
KARAKALPAKSTAN**

Ешимбетов Уктамжон Худайбергенович
Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти
“География ўқитиш методикаси” кафедраси доценти,
иктисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
u.eshimbetov1981@gmail.com

Аннотация

Мақолада Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ривожланишининг минтақавий хусусиятлари таҳлил қилинган. Унда асосий эътибор ҳудуд табиий шароити, аграр соҳага киритилган инвестициялар, қишлоқ хўжалиги экин ерлари ва маҳсулот етиштириш динамикаси ва аҳоли жон бошига маҳсулот етиштириш кўрсаткичлари таҳлил қилинган. Шунингдек, тармоқни ривожлантириш бўйича ҳулоса ва таклифлар берилган.

Таянч сўзлар: қишлоқ хўжалиги, деҳқончилик, чорвачилик, минтақа, ресурс, экин ерлари, маҳсулот етиштириш.

В статье анализируются региональные особенности развития сельского хозяйства Республики Каракалпакстан. В нем основное внимание уделяется природным условиям региона, инвестициям в аграрный сектор, динамике сельскохозяйственных земель и производства, а также показателям производства продукции на душу населения. Также даны выводы и предложения по развитию отрасли.

Ключевые слова: сельское хозяйство, земледелие, животноводство, регион, ресурс, пашня, производства продукции.

The article analyzes the regional features of the development of agriculture in the Republic of Karakalpakstan. It focuses on the region's natural conditions, agricultural investment, agricultural land and production dynamics, and per capita production rates. Conclusions and proposals for the development of the industry are also given.

Keywords: agriculture, husbandry, livestock, region, resource, arable land, production.

Қорақалпоғистон Республикасининг умумий ер майдони 16656,1 минг гектарни, шундан 503,0 минг гектарини (3,0 фоиз) суғориладиган ерлар ташкил қилади [9]. Ер фондининг асосийси қисми қишлоқ хўжалигида фойдаланадиган ерлар ҳисобланади. Ушбу тоифадаги ерлар республикада 5706,4 минг гектар бўлиб, у жами ер фондининг 34,3 фоизига тенг. Миқдор жиҳатидан пичанзор ва яйловлар умумий ер майдонининг 31,6, экин ерлар 2,5 фоизини ишғол қилган [9].

Ўзбекистондаги суғориладиган майдонларнинг 11,9, пичанзор ва яйловлар 24,8, экин ерларнинг 10,4 фоизи тадқиқот ҳудуди ҳиссасига тўғри келади [9]. Ушбу кўрсаткичлар Қорақалпоғистон Ўзбекистондаги йирик қишлоқ хўжалиги минтақаларидан бири эканлигидан далолат беради.

Қорақалпоғистонда деҳқончилик ва чорвачиликнинг деярли барча тармоқлари, айниқса пахтачилик, шoliчилик, қоракўлчилик ва сут-гўшт чорвачилиги тараққий этган. Кейинги


йилларда боғдорчилик, сабзавотчилик ва асаларичиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Бугунги кунда полиз ва сабзавот экинлари ҳар бир деҳқончилик билан шуғулланадиган хўжаликлар ер майдонларининг бир қисмини эгаллаган. Бу экин турларини ривожлантириш ер фондининг энг қимматли қисми – суғориладиган экин майдонларидан фойдаланишга асосланган. Суғориш учун яроқли ерларнинг умумий майдони 1,6 млн. га дан ортиқ [4].

Минтақа қишлоқ хўжалиги иқтисодиётининг муҳим тармоғи сифатида, енгил ва озиқ овқат саноат тармоқларини қишлоқ хўжалиги хомашё ресурслари билан таъминлаш билан бир қаторда, қишлоқ аҳолисининг даромад манбаи ҳисобланади. Унинг улушига ЯХМ 29,6 фоизи ва иқтисодиётда банд аҳолининг 25,2 фоизи тўғри келади. Мутлоқ рақамларда 183,0 минг кишига тенг. (2022 й.).

Қишлоқ хўжалиги таркибида чорвачилик тармоғи нисбатан устунликка эга. Ялпи маҳсулот ҳажмида чорвачилик улуши 47,7 фоизга, деҳқончилик 45,1 фоизга тенг бўлган (2022 й.). Чорвачилик айниқса, деҳқон ва томорқа хўжаликларида ривож топган.

Қорақалпоғистонда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш мақсадида олиб борилаётган ислохатлар тармоққа молиявий ресурс ва субсидиялар ажратилмоқда. Жумладан, 2020 йили аграр соҳага (деҳқончилик, чорвачилик, овлаш ва уларга хизмат кўрсатиш) 1397,7 млрд. сўм инвестиция киритилган. Бу миқдор жами киритилган инвестициянинг 19,7 фоизига тўғри келган. Ушбу кўрсаткичлар 2017 йил 233,2 млрд. сўм ёки 8,3 фоизга тенг бўлган (1-диаграмма). Бошқача айтганда аграр соҳага киритилган инвестиция улуши ошган.

Шунга қарамадан мазкур ҳудуд 2022 йилда Ўзбекистондаги жами қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг салкам 4,0; пахтанинг 6,6; донли экинларнинг 3,9; буғдойнинг 2,8; картошканинг 2,7; сабзавотнинг 2,9; полизнинг 7,2; мева ва резаворларнинг 2,1; узумнинг 0,6; гўштнинг 4,4; сутнинг 3,7; тухимнинг 4,8; қоракўл терисининг 7,2 ва пилланинг 3,3 фоизини етиштириб берган. Бу мавжуд имкониятлардан анча паст ҳисобланади. Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар, айниқса, қишлоқ хўжалигининг ривожланиш даражаси бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистоннинг бошқа минтақалари орасида охириги ўринлардан бирини эгаллайди [3]. Юқорида таъкидлаганимиздек, Қорақалпоғистон Ўзбекистон ҳудудидаги қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун катта имкониятларга эга ҳудуд ҳисобланади.



1-диаграмма. Иқтисодиёт тармоқларига киритилган инвестициялар ҳажмида қишлоқ хўжалигининг улуши, фоизда

Манба: Диаграмма Қорақалпоғистон Республикаси статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Аммо кўпгина бошқа нақулай шарт-шароитлар (сув ресурсларининг етишмаслиги, иккиламчи шўрланиш натижасида тупроқ унумдорлигининг пасайиши, алмашлаб экиш тизимининг йўлдан чиқиши, тупроқ таркибида чиринди миқдорининг камайиши, ва ҳ.к.) қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштиришни мураккаблаштирамоқда. Айниқса, экин

ерларнинг шўрланиш даражасининг юқорилиги қишлоқ хўжалигида барқарор маҳсулот етиштиришга тармоқ иқтисодий кўрсаткичларига жиддий салбий таъсир кўрсатмоқда. Жумладан, Орол денгизининг қуриши ва шўрланишининг тезлашуви оқибатида сўнгги йилларда 50 минг гектарга яқин экин майдони қишлоқ хўжалигида фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолган [8]. Натижада, қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулот миқдори ҳам муносиб равишда қисқариш кузатилмоқда, яъни аниқланишича минтақада бир гектар ердан 2020 йилда ўртача 37,2 миллион сўм даромад олинган. Бу дегани ерларнинг яроқсиз бўлиши натижасида 1859,2 миллиард сўм қийматга эга бўлган зарарни келтириб чиқармоқда [6].

Минтақадаги мавжуд муаммоларни юмшатиш бўйича ҳукумат томонидан катта кўламдаги тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2020 йилда давлат бюджети харажатлари 144 трлн. 142,7 млрд. сўмни ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 24,8 фоизни ташкил этгани ҳолда Оролбўйи минтақасида амалга оширилаётган экологик тадбирлар учун 44,1 млрд. сўм миқдордаги маблағлар сарфланган [6]. Шунингдек, 2020 йил Оролбўйи минтақасини ривожлантириш дастури доирасида Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида амалга ошириладиган 149 та лойҳаларга ажратилган маблағлар миқдори 207,1 млрд. сўмни ташкил этган. Бугунги кунда ҳалқаро молиявий институтларининг қиймати 1326,7 млн. АҚШ долларига тенг 20 та лойҳаларни амалга ошириш ишлари олиб борилмоқда [10]. Ушбу лойҳалар доирасида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш тадбирлари ҳам амалга оширилмоқда.

Мамлакатда аграр соҳада олиб борилаётган ислохотлар натижасида минтақа қишлоқ хўжалигида ҳам таркибий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Статистик маълумотларни таҳлил қилиш асосида тузилган 1-жадвалдан кўриниб турибдики, сўнгги йилларда минтақа қишлоқ хўжалиги экин майдонлари таркибида донли экинлар асосан, буғдой экин майдонлари кўпаймоқда. Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга қаратилган ислохотлар натижасида полиз, сабзавот, картошка экин майдонлари, тоқзор ва боғ майдонлари ҳам кўпайиб борган. Шу вақтнинг ўзида пахта ва чорва учун озуқа экин майдонлари камайганлигини кузатиш мумкин. Айниқса, озуқа экинлари таркибида беда майдонлари кескин камайиб кетди. Пахта экин майдонларининг камайишига қарамасдан экин майдонлари таркибида етакчилик қилмоқда.

1-жадвал

Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ хўжалиги экин майдонлари таркиби ва унинг ўзгариши, минг га ҳисобида

Экин майдонлари	2000	Улуши фоизда	2010	Улуши фоизда	2020	Улуши фоизда	2022	Улуши фоизда
Жами экин майдони	337,4	100	265,8	100	263,7	100	283,1	100
Шундан: буғдой	38,9	11,5	66,7	25,1	62,0	23,5	62,4	22,1
Шоли	60,1	17,8	30,1	11,3	27,9	10,6	18,8	6,6
Пахта	129,8	38,5	101,0	38,0	87,5	33,2	108,8	38,4
Картошка	1,8	0,5	5,6	2,1	6,8	2,6	7,0	2,5
Сабзавот	7,3	2,2	6,8	2,6	16,3	6,2	17,4	6,1
Полиз	7,2	2,1	5,9	2,2	11,8	4,5	12,6	4,5
Озуқа экинлари	54,9	16,3	35,9	13,5	23,6	8,9	17,1	6,0
Бошқа экинлар	21,5	6,4	13,8	5,2	27,8	10,5	39,0	13,8

Жадвал Бектемиров К.К. Устойчивое развитие регионов экологического кризиса: методология и инструментальный применения в Приаралье. Т.: Фан. 2006. С.73., Қорақалпоғистон Республикаси статистика бошқармаси ва Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги 2019-2022 (Т.: 2023) статистик тўплам маълумотлари асосида тузилган.

Озуқа экинларининг камайиши ўз навбатида чорвачилик ем-хашак базасига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бундан ташқари, ем-хашак экинларини етиштириш қиммат бўлиши деҳқон-фермер хўжаликларида чорвачиликнинг паст рентабелли тармоққа айланишига олиб келмоқда. Қорақалпоғистонда беда нафақат ўзининг юқори ҳосилдорлиги, озуқабоп ем-хашак сифатида балки, тупроқ унумдорлигини оширишда, ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланишда кенг қўлланилган.

Минтақада беда етиштириш ва унинг донини экспорт қилиш бўйича имкониятлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Кейинги йилларда хўжаликларда беда экин майдонининг камайиш натижасида алмашлаб экиш тизими издан чиқди. Шунингдек, беданинг парваришидаги нуқсонлар сабабли ҳосилдорлик ва ялпи ҳосил кескин камайди.

Шу нуқтаи назардан, бедачиликни пахта ва шоли билан алмашлаб экишни кенг йўлга қўйиш қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини оширишга, чорвачилик маҳсулотларини кўпайтириш, бутун қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигини таъминлаш вазифаларини ҳал этишга имконият яратади.

Сувдан оқилона фойдаланишда суғорма деҳқончилиқнинг умумий экин майдонида беда улушини ошириш ҳам мақсадга мувофиқдир. Пахта ва беда, шоли ва беда экин майдонларини суғориш учун зарур сувнинг баҳор ва куз мавсумида тўғри келмаслиги сув ресурслари суғориш тизимлари қувватидан йил давомида янада оқилона ва тўлиқ фойдаланишга хизмат қилади [11].

2-жадвал

Қорақалпоғистон Республикасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш динамикаси, минг тонна ҳисобида

Қишлоқ хўжалиги маҳсулот турлари	2010	2012	2014	2016	2018	2020	2022	2022 й. 2010 й нис, %
Донли экинлар	299,8	278,2	217,4	295,2	246,8	277,9	312,2	104,1
Шундан: боғдой	201,0	156,6	161,7	182,8	169,0	175,8	173,7	86,4
Шоли	79,5	97,0	18,7	73,6	32,8	47,2	57,8	72,7
Пахта	188,0	215,8	203,2	205,6	155,4	201,3	239,8	127,5
Картошка	31,1	36,4	44,7	52,5	70,3	85,7	93,6	3 марта
Сабзавот	134,2	166,4	227,5	256,3	253,0	286,8	319,1	2,4 марта
Полиз	69,5	86,3	106,0	127,5	134,4	152,6	173,5	2,5 марта
Мева ва резаворлар	24,7	30,4	36,8	43,7	49,3	57,9	63,5	2,6 марта
Ўзум	3,5	4,2	5,3	6,0	7,5	10,4	11,4	3,3 марта
Гўшт (тирик вазнда)	58,9	69,2	82,7	95,2	105,2	111,1	120,9	2,0 марта
Сут	183,5	224,8	296,5	347,0	378,0	404,8	434,4	2,4 марта
Тухум (млн. дона)	46,0	96,8	185,9	236,0	307,3	341,3	387,0	8,4 марта
Жун	861,0	1023,0	1100,0	1241,0	1260	1358	1505	174,8
Қоракўл териси (минг штук)	68,5	85,0	82,9	81,1	81,4	83,5	92,7	135,3
Пилла (тонна)	814,4	816,3	890,6	852,6	607,0	704,4	802,1	98,5
Оланган балиқ (минг тонна)	0,6	1,9	2,7	4,5	9,9	14,4		

Жадвал Қорақалпоғистон Республикаси статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Таҳлиллардан маълумки, 2010-2022 йиллар мабойнида экин ва чорва маҳсулот турлари бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш турлича ўсиб борган. Жумладан, картошка, сабзавот, полиз, мева, узум, гўшт, сут ва тухум етиштириш муттасил кўпайиб борган. Бу жараён республикада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида картошка, полиз ва сабзавот экин майдонларини кенгайтириш, ҳосилдорлигини ошириш ва импортга қарамлигини босқичма-босқич камайтириб боришга қаратилган ислохотлар натижаси ҳисобланади. Мазкур йилларда минтақа қишлоқ хўжалигининг асоси ҳисобланган буғдой, шоли ва пахта етиштириш барқарорлигини йўқотган, ҳаттоки баъзи йилларда кескин камайган. (2-жадвал).

Шоли етиштиришнинг кескин камайиб кетиши сув ресурсларининг етишмаслиги билан изоҳланса, пахтачиликда ҳосилдорликнинг камайиши умумий кўрсаткичга ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Минтақада қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш барқарор кўпайиб боришига қарамай, аҳоли жон бошига айрим маҳсулот етиштириш Ўзбекистоннинг истеъмол рацион меъёрига етмайди. Жумладан, рационга нисбатан картошка 49,6 кг; мева 50,9 кг; сут 193,2 кг ва тухум 78,2 донага кам (3-жадвал).

3-жадвал


Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикаларида аҳоли жон бошига қишлоқ хўжалиги айрим тур маҳсулотларини етиштириш, 2022 йил бўйича

Маҳсулот турлари	Ўзбекистонда истеъмолнинг рационал меъёри (бир киши бошига)	Ўзбекистонда аҳоли жон бошига	Рационга нисбатан, +, -	Қорақалпоғистонда аҳоли жон бошига	Рационга нисбатан, +, -
Картошка	кг	95,6	-1,4	47,4	-49,6
Сабзавот	кг	309,9	+175,9	161,5	+27,5
Мева	кг	83,3	+0,3	32,1	-50,9
Гўшт	44,2 кг	75,7	+31,5	61,2	+17
Сут	413 кг	322,7	-90,3	219,8	-193,2
Тухум	274 дона	225,7	-48,3	195,8	-78,2

Жадвал Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги 2019-2022 статистик тўпلام маълумотлари (Т.: 2023), Исломов И.Н. Тошкент шаҳри атрофи қишлоқ хўжалигининг ҳудудий таркиби ва уни такомиллаштириш. География фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати (Т.: 2024.) асосида тузилган.

Шунингдек, 3-жадвалдан маълумки, минтақа аҳоли жон бошига маҳсулот етиштириш Ўзбекистоннинг ўртача кўрсаткичидан паст ҳисобланади.

Бундан маълумки, тадқиқот ҳудудида мавжуд қишлоқ хўжалиги салоҳиятидан самарали фойдаланиш бўйича муаммоларнинг мавжудлигидан далолат бермоқда.



2-диаграмма. Қорақалпоғистонда аҳоли жон бошига асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, кг ҳисобида

Манба: Диаграмма Қорақалпоғистон Республикаси статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Лекин шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, 2015-2022 йиллар мабойнида асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотларини аҳоли жон бошига етиштириш кўпайиб борган (2-диаграмма). Бошқача айтганда тармоқда маҳсулот етиштириш аҳоли сони ўсишидан юқори тенденция касб этмоқда. Бизнинг фикримизча, ушбу кўрсаткич яқин йиллар давомида сақланиб қолади. Сабаби кейинги йилларда республика аҳолиси кўпайиш суръатлари пасаймоқда.

Юқоридаги олиб борилган таҳлил ва ўрганишларга асосланиб қуйдагиларни хулоса қилиш мумкин:

- ўрганилаётган ҳудудда қишлоқ хўжалигининг минтақавий ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, қишлоқ хўжалиги асоси ҳисобланган деҳқончилик ва чорвачилик тармақлари шаклланган ва ривожланмоқда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда чорвачилик тармоғининг улуши юқори ҳисобланади. Чорвачилик маҳсулотларининг асосий қисмини деҳқон ва томорқа хўжаликлари томонидан етиштирилади;

- ҳудудда Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг катта қисми жойлашишига қармастан маҳсулот етиштиришда мавжуд салоҳиятидан анча паст. Минтақадаги қишлоқ хўжалиги имкониятларидан тўлиқ фойдаланмаслиқнинг бош сабаби сув ресурсларининг етишмаслиги билан изоҳланади;

- Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги кўп тармоқли бўлсада, асосий экинлари ғўза ва бошокли экин турлари етакилик қилади. Кейинги йилларда озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадида картошка, полиз ва сабзавот экин майдонлари кўпаймоқда. Юқоридаги фикримизнинг далили сифатида, айтиш мумкинки, асосий экин ва чорва маҳсулотларини (шолидан ташқари) етиштиришда кўпайиш тенденцияси кузатилмоқда. Лекин, Ўзбекистонда белгиланган истемол рацион миқдорига нисбатан паст.

Кўрсатилган муаммоларни босқичма-босқич камайитиришда бизнинг фикримизча, суғориладиган ерлар мелиоратив ҳолатини яхшилаш, экин ерлари ҳосилдорлигини оширишда алмашлаб экишни амалиётга кенг татбиқ қилиш, сув тежовчи технологиялардан фойдаланишни йўлга қўйиш, ҳудуднинг иқлим хусусиятларидан келиб чиқиб экин турларини районлаштириш, аграр соҳада бозор механизмларини такомиллаштириш ва бошқа тадбирларни олиб бориш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Бектемиров К.К. Устойчивое развитие регионов экологического кризиса: методология и инструментарий применения в Приаралье. Т.: Фан. 2006. 160 с.
2. Ешимбетов У.Х., Раджапов М.Я., Атамуратов И. Қишлоқ хўжалиги ривожланишининг минтақавий ўзига хос хусусиятлари. «Фан ва жамият» 2022. №2. 38-40 бетлар.
3. Маденова Э.Н. “Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ривожлантиришнинг узок муддатли стратегияси” Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси автореферати. 2019 24 б.
4. Медетуллаев Ж. Проблемы комплексного освоения земель. Нукус. Каракалпакстан. 1976. 352 с.
5. Послание Президента Республики Узбекистана Шавката Мирзиёева Олий Мажлису. 24.01.2020. <https://president.uz/ru/lists/view/3324>
6. Сауханов Ж.К. Аграр тармоқда ташқи самараларни оптимал тартиблаштириш ва трансакция харажатларини пасайтириш: муаммолар, усуллар ва моделлар. Т.: Lesson Press. 2022. 269 б.
7. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги 2019-2022 йиллар статистик тўплам. Т.: 2023.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 февралдаги “Орол денгизи тубидаги суви қуриган ҳудудларда “яшил копламалар” – ҳимоя ўрмонзорлари барпо этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 132-сон Қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги кадастр агентлигининг давлат кадастрлари палатаси. Ўзбекистон Республикасининг ер фонди. Т.: 2023. 211 б.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши
<https://senat.uz/uz/lists/view/2901>
11. Умаров Е.К. Проблемы совершенствования территориальной структуры производительных сил Республики Каракалпакстан. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора географических наук. Т.: с. 29.

UDK:314.07

**MAHALLA INSTITUTLARINI SHAKLLANTIRISH VA UNING
TRANSFORMATSIYASI**

**ФОРМИРОВАНИЯ ИНСТИТУТОВ СОСЕДСТВА И ЕГО
ТРАНСФОРМАЦИЯ**

**FORMATION OF NEIGHBORHOOD INSTITUTIONS AND ITS
TRANSFORMATION**

Toshtemirova Zilola Madaminjonovna
Andijon viloyati, University of economics and pedagogy
NOTM “Iqtisodiyot va ijtimoiy fanlar” kafedrası assistenti.
toshtemirova_zilolaxon@gmail.com

Annotatsiya

Ushbu maqolada mahalliy o‘zini o‘zi boshqarish instituti huquqiy davlat alomatlaridan biri bo‘lib, fuqarolarning davlat va mahalliy hamjamiyat ishlarini boshqarishda ishtirok etishlaridagi huquqlarini ta‘minlashning muhim kafolati bo‘lib xizmat qiladi. Ushbu maqola orqali mazkur institut fuqarolik jamiyatining shakllanish jarayonida muhim ahamiyatga ega ekanligi haqida ma‘lumotlar bayon etilgan.

Kalit so‘zlar: “Inson qadri uchun”, “odamlarni rozi qilish”, “Inson qadri – ulug‘”, “mahalla yettiligi, mahalliy institutlar, demokratik, lokal parlamentarizm, evolyutsiya, metodologiyalar, inklyuziv va jonli jamoalar.

Институт местного самоуправления является одним из признаков правового государства и служит важной гарантией обеспечения прав граждан на участие в управлении делами государства и местного сообщества. Благодаря этой статье вы сможете получить информацию о значении этого института в процессе формирования гражданского общества.

Ключевые слова: «За человеческое достоинство», «угодение людям», «Человеческое достоинство велико», «семерка», местные институты, демократия, местный парламентаризм, эволюция, методологии, инклюзивные и живые сообщества.

The institution of local self-government is one of the signs of a rule of law state and serves as an important guarantee of ensuring the rights of citizens to participate in the management of the affairs of the state and local community. Thanks to this article you will be able to obtain information about the importance of this institution in the process of forming civil society.

Key words: “For human dignity”, “pleasing people”, “Human dignity is great”, “seven”, local institutions, democracy, local parliamentarism, evolution, methodologies, inclusive and living communities.

**Shavkat Mirziyoyev,
O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti**

Mamlakatimizda fuqarolik hamjamiyatining muhim bo‘g‘ini sifatida mahalla qadim zamonlardan buyon mamlakatimizda ma‘rifat maskani, fuqarolarning o‘zini o‘zi boshqarish tizimining samarali shakli, odamlarga eng yaqin ijtimoiy tuzilma, fuqarolik jamiyatining o‘ziga xos instituti bo‘lib kelgan. Ko‘p millatli jamiyatda avloddan-avlodga o‘tib kelayotgan milliy va umuminsoniy qadriyatlar, madaniyatlararo muloqot, turmush tarzi, tafakkur, ma‘naviyatni saqlab qolish hamda rivojlantirishda mahallaning o‘rni va ahamiyati beqiyosdir.

Mahalla - Sharq tamadduni, xususan, Markaziy Osiyo xalqlari turmush tarzi, tafakkuri va qadriyatlariga xos bo‘lgan jamiyat hayotini tashkil etadigan an‘anaviy ijtimoiy institut. “Mahalla” so‘zi (محلة) arab tilidan tarjima qilinganda “turar joy”, “lager”, “qo‘nalg‘a”, “shaharning bir qismi” degan ma‘nolarni anglatadi[1].

Mahalla lokal parlamentarizm, o‘zini o‘zi boshqarishni amalga oshiruvchi tuzilma sifatida chuqur tarixiy ildizlarga ega. Qadimda mahalla nafaqat ijtimoiy, balki ma‘muriy-hududiy tuzilma tarzida ham e‘tirof etilgan[2]. Ulug‘ mutafakkir Nosir Xisrav o‘zining 1043-1052 yillarda Yaqin Sharq mamlakatlariga qilgan sayohati davomida yozgan “Safarnoma” asarida “Qohira shahri 10 ta mahalladan iborat”, deya ta‘kidlaydi[3].

Buxoro vohasining Narshax qishlog‘ida tavallud topgan tarixchi olim Abu Bakr Narshaxiy arab tilida yozgan va Somoniylar davlati hukmdori Abu Muhammad ibn Ismoil Somoniyga bag‘ishlagan «Tarixi Buxoro» nomli nodir asarida bundan qariyb 1000 yil ilgari mahalla xalqning boshqaruv uslubi ekanini qayd etgan. Asarda Buxoro shahrining qad ko‘tarishi, Poykand, Afshona, Varaxsha, Romiton, Vardona kabi qadimiy qishloqlarning barpo bo‘lishi, Markaziy Osiyoda islom dinining tarqalishi, Somoniylar davridagi davlat idorasi, shaharning iqtisodiy-ijtimoiy va madaniy hayotiga doir muhim tarixiy ma‘lumotlar keltirilgan. Xususan, Buxoroda yuksak tarzda rivojlangan hunarmandchilik haqida so‘z yuritilib, har bir qishloq o‘z mahsuloti bilan shuhrat topgani, masalan, Zandana qishlog‘ida to‘qiladigan ipak matolar “zandaniy matolar” nomi bilan butun Sharqqa mashhur bo‘lgani, mahsulotlar Fors, Hindiston, Iroq, Shom, Misr kabi o‘lkalarga olib borilgani, hududda savdo munosabatlari keng yoyilganligi sababli Buxoro shahriga “Madinatut-tujjor” (Savdogarlar shahri) deb nom berilgani ta‘kidlanadi.

Alisher Navoiyning «Hayrat ul-abror» (Yaxshi insonlarning hayrati) asarida quyidagi bayt mavjud:

***Shaharlar otini mahalot etib,
Bo‘ldi chu yuz shahar Hiri ot etib***[4].

Ushbu satrlarda mahalla «shahar ichidagi shaharcha» deya e‘tirof etiladi. Darhaqiqat, o‘rta asrlarda Hiri (Hiro) yuzta kichik «shaharcha» - mahallalardan tashkil topgan.

Mahmud Koshg‘ariyning “Devonu lug‘ati-turk” (Turk tillari devoni) asarida savdo va hunarmandchilik kvartallarini bildiruvchi ibora sifatida “mahalla” so‘zi qo‘llanilgan. Qadimgi davrlarda odamlar kasb-koriga ko‘ra shaharlarga joylashgan, bu ko‘plab mahallalarning nomlari bilan tasdiqlanadi. Masalan, Toshkent, Buxoro, Kesh, Samarqand, Nasaf shaharlarida kulollar, temirchilar, chilangarlar, savdogarlar, ko‘zagaronlar, to‘quvchilar, zargarlar, qurolsozlar, sovunchilar, poyabzalchilar, maxsido‘zlar mahallalari mavjud bo‘lgan.

Shuningdek, mahallalarda etnik xususiyatga ko‘ra joylashuv ham kuzatiladi: Turk mahalla, Tojik mahalla. Ushbu muassasaning asosiy ahamiyati qo‘shni jamoalar doirasida aholining uy-ro‘zg‘or va kasbiy faoliyatini ijtimoiy-hududiy tashkil etilishida edi.

Ulug‘ mutafakkir Abu Nasr Forobiy “Fozil shahar aholisi haqidagi mulohazalar” asarida odamlar sonining ko‘payishi sababli inson jamoalariga bo‘lgan ehtiyoj g‘oyasini ochib beradi: “Har bir inson tabiiy ravishda shu tarzda joylashtirilgan, yashash va obodonlashtirishga intilish uchun

unga ko‘p narsalar kerak, ammo u yolg‘iz o‘zi ularni o‘zlashtira olmaydi, bunga erishish uchun insoniyat hamjamiyatiga ehtiyoj paydo bo‘ladi. Jamiyat a‘zolarining birgalikdagi faoliyati ularga o‘sha narsalarga erishish va o‘zlashtirish imkoniyatini beradi”.

Qomusiy olim Abu Ali ibn Sino “Uy-ro‘zg‘or to‘g‘risida” nomli risolasida “Insonlar bir-birlarining ehtiyojlarini qondirish uchun ularga umumiy intilish va maqsadlar kerak”, deya ta’kidlaydi.

Zahiriddin Muhammad Bobur “Boburnoma” asarida ma’muriy-hududiy boshqaruvning eng quyi qismini anglatuvchi tushuncha sifatida ta’rifida “mahalla” atamasidan foydalanadi. Movarounnahrning Samarqand, Kesh (Shahrisabz) kabi shaharlari tasvirlashda u shunday yozadi: “Qal’a atrofi mahallalar tomonidan to‘liq qurshovga olingan”, “O‘sh mahallalari orqali o‘tib, Andijonga kirib boradi”.

Ta’kidlash joiz, mahalla xalqimizning dardu tashvishi, muammolari, orzu-niyatlari aniqlanadigan va yechim topiladigan maslahat markazi ham sanaladi. Shu bois, keyingi yillarda sohada olib borilayotgan islohotlar natijasida u hayotimizga daxldor bo‘lgan barcha masalalarni hal etishda xalq va davlatni bir-biriga yaqinlashtirib, munosabatlarni tartibga soluvchi muhim tuzilmaga aylanmoqda.

O‘zbekiston Respublikasida mahalliy o‘zini o‘zi boshqarishning shakllanishi davlat va nodavlat tashkilotlarining faol hamkorligi, fuqarolarning siyosiy ongi va huquqiy madaniyati kabi omillar bilan bog‘liq bo‘lgan ijtimoiy jarayondir. Zamonaviy jamiyatlarda davlat ravnaqi va farovonligi fuqarolarning siyosiy-ijtimoiy faolligi va qobiliyatlaridan samarali foydalanish bilan belgilanadi.

Shuning uchun aksariyat rivojlangan davlatlar mahalliy o‘zini o‘zi boshqarish modellarini takomillashtirishga intilmoqda. Ushbu hokimiyat darajasi aholiga eng yaqin, aholining asosiy hayotiy ehtiyojlarini qondirish muammolari bo‘yicha subsidiar qaror qabul qilish huquqiga ega.

Yangi O‘zbekistonning “Inson qadri uchun” tamoyiliga asosan ishlab chiqilgan 2022–2026 yillarga mo‘ljallangan taraqqiyot strategiyasida ustuvor yo‘nalish sifatida inson qadri yuksaltirish va erkin fuqarolik jamiyatini yanada rivojlantirish orqali xalqparvar davlat barpo etish, inson kapitalini rivojlantirish, axborot jamiyati kontekstida relevant infratuzilmani yaratish, mahallaning “faol” modelini joriy etish, uni aholi muammolarini bevosita hal qilish hamda hududni rivojlantirish uchun zarur resurs va imkoniyatlar bilan ta’minlash ilgari surilmoqda.

Bunday keng ko‘lamli yangilanishlar jarayonida noyob boshqaruv tizimi – mahallaning o‘rni tobora ortib borayotir. Ayniqsa, aholini aniq manzilli ijtimoiy himoya qilish, xususiy tadbirkorlik va oilaviy biznesni rivojlantirishga ko‘maklashish, davlat hokimiyati va boshqaruvi organlari bilan yaqin munosabat o‘rnatish, jamiyatda ahillik va totuvlikni ta’minlashda mahallaning o‘rni beqiyos.

Fuqarolarning o‘zini o‘zi boshqarish tizimi rivojlanishi aholining jamiyat hayotida faol ishtiroki orqali adolatli fuqarolik hamjamiyatini shakllantirish, inson huquqlari va qonun ustuvorligini ta’minlash, ijtimoiy adolatni o‘rnatishning zarur sharti hisoblanadi. Xalqimiz dunyoqarashi, fe‘l-atvori, milliy mentaliteti haqida gap ketganda, shaxsning ijtimoiylashuvida jamoatchilikning o‘rni alohida ahamiyat kasb etishini ta’kidlash zarur. Ingliz siyosatshunosi, pedagogi, faylasufi Jon Lokk inson tabiiy erkinliklarga egaligini shunday asoslaydi: “Tabiiy, aqliy va jismoniy qobiliyatlari bir xil bo‘lganlarning barchasi tabiatan tengdirlar va ular teng huquq va imtiyozlardan foydalanishi lozim”[5].

Mahalla ajdodlarimizning yuksak tafakkurini, urf-odatlar va an‘analarini o‘zida mujassam etgan, jahon ahli havas qiladigan ezgu qadriyatlarimiz ko‘zgusi. Bugungi kunda bu noyob tuzilmaga yangicha ma’no-mazmun baxsh etilayotgani inson qadri ulug‘lash, odamlarni hayotdan rozi qilish, ertangi kunga ishonch bilan harakat qilishda hal qiluvchi ahamiyat kasb etmoqda.

Bugun odamlarni rozi qilish – jamiyatimiz ulkan salohiyat va qudrat kasb etishini ta’minlaydi. Bu – inkor qilib bo‘lmas haqiqat. Chunki, baxtli odamlargina dunyoni yangilashga, o‘zgartirishga qodir.

Davlatimiz rahbari SH.Mirziyoyev ta’kidlaganidek, “Inson qadri – ulug‘. U ertaga emas, uzoq kelajakda emas, aynan bugun o‘z hayotidan rozi va mamnun bo‘lib yashashi kerak”.

Mamlakatimiz siyosiy, ijtimoiy, iqtisodiy, ma’naviy-ma’rifiy sohalarida jo‘shqin hamda jadal islohotlar davriga kirdi. Erkin fuqarolik jamiyatini rivojlantirish orqali xalqparvar davlat barpo etish, inson qadr-qimmatini va uning qonuniy manfaatlarini ta’minlashga qaratilgan keng ko‘lamli islohotlarni yangi pog‘onaga ko‘tarishga yo‘naltirilgan vazifalardan iborat. Ular hayotimizga tatbiq etilishi orqali millati, tili va dinidan qat’iy nazar, yurtimizda yashayotgan har bir fuqaroning, butun xalqimizning farovonligini ta’minlashga xizmat qiladigan “Yangi O‘zbekiston – xalqchil va insonparvar davlat” g‘oyasini amalga oshirishga alohida e’tibor qaratilib, “Inson qadri uchun” degan ustuvor tamoyil to‘laqonli ro‘yobga chiqariladi.

Qayd etish kerakki, mahalla asrlar osha milliy urf-odat va an’analarimizni bezavol saqlab, xalqimiz uchun ezgulik va tarbiya beshigi, yaxshi qo‘shnichilik va hamjihatlik maskani bo‘lib kelmoqda.

Ayni paytda, yurtimizda yashayotgan har bir inson millati, tili va dinidan qat’iy nazar, o‘z hayotini, quvonchu tashvishlarini mahalladan ayri holda tasavvur eta olmaydi. So‘nggi yillarda mahalla institutini xalqimizning chinakam ko‘makdoshiga aylantirish borasida qator amaliy choralar ko‘rildi. Xususan, sohaga oid 50 dan ortiq, shu jumladan 5 ta qonun, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 8 ta farmon va qarori, Hukumatning 36 ta qarori qabul qilindi[6].

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2024 yil 15 martdagi tegishli qarori bilan 2021 yil 18 iyundagi “Fuqarolarning o‘zini o‘zi boshqarish organlari faoliyatini yanada takomillashtirish bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi Hukumat qaroriga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritildi. Unga ko‘ra, fuqarolarning o‘zini o‘zi boshqarish organlarining namunaviy tuzilmasiga “mahalla yettiligi” kiritildi.

“Fuqarolar yig‘ini huzuridagi jamoatchilik tuzilmalari to‘g‘risida”gi namunaviy Nizomga har bir fuqarolar yig‘ini huzurida mahalla raisi rahbarligida “mahalla yettiligi” tashkil qilish, uning funksiyalari, vazifalari, huquqlari va majburiyatlarini belgilash bo‘yicha qo‘shimchalar kiritildi. Xususan, “mahalla yettiligi”ning maqsadi

— mahallaning ichki resurslarini aniqlash hamda ijtimoiy xizmatlar va yordam ko‘rsatish uchun safarbar etishdan iborat.

Davlatimiz rahbarining topshirig‘i bilan mahallalarda **“yettilik”** faoliyati yo‘lga qo‘yilgan bo‘lib, ularga quyidagi asosiy vazifalar yuklangan:

- mahalla raisi – ehtiyojmand oilalarga uy-joyini yaxshilashga ko‘maklashish;
- hokim yordamchisi – ishsizlarga ish topishga ko‘maklashish;
- yoshlar yetakchisi – yoshlarni sport, musiqa va to‘garaklarga jalb etish;
- xotin-qizlar faoli – ayollarni tadbirkorlik, kasanachilik, hunarmandchilikka jalb qilish;
- Profilaktika inspektori Mahallada huquqbuzarliklarning oldini olish, jamoat tartibini saqlash va xavfsiz muhitni ta’minlash, fuqarolarning qulay atrof-muhitga bo‘lgan huquqlarini amalga oshirishda ko‘maklashish.

- soliq xodimi – mahalladagi imkoniyatlarni ishga solib, soliq bazasini kengaytirish, tadbirkorlik faoliyatini qonuniylashtirishga hamda o‘zini o‘zi band qilganlarga kichik biznes toifasiga o‘tishga ko‘maklashish;

- ijtimoiy xodim – yolg‘iz keksa, nogiron va boshqa muhtojlarga ijtimoiy xizmat ko‘rsatish kabi aniq vazifalar bilan shug‘ullanish.

Asosiy vazifalari sirasiga oilalarning iqtisodiy-ijtimoiy ahvoli va ehtiyojlarini o‘rganish, fuqarolarni ijtimoiy daftarlarga kiritish to‘g‘risida qaror qabul qilish, ularga «Temir daftar», «Yoshlar daftari», «Ayollar daftari», Aholini tadbirkorlikka jalb qilish jamg‘armasi, Bandlikka ko‘maklashish davlat jamg‘armasi hamda Hunarmandchilik va kasanachilikni qo‘llab-quvvatlash jamg‘armasi orqali ijtimoiy yordam ko‘rsatish va subsidiyalar ajratish vazifasi kiritildi. Qolaversa, “yettilik” vakillari fuqarolarning og‘ir ijtimoiy ahvolga tushib qolishining oldini olish va bunday vaziyatga tushganlarni og‘ir vaziyatdan chiqarish maqsadida ijtimoiy xodim kiritgan xulosa asosida «Saxovat va ko‘mak» jamg‘armasi hisobidan yordam berish bo‘yicha kollegial qaror qabul qiladi.

Yangi tartibga ko‘ra, jamoatchilik tuzilmalari qarorlarining tavsiyaviy xususiyatga ega ekani to‘g‘risidagi qoida “mahalla yettiligi”ning jismoniy shaxslarga ijtimoiy yordam ko‘rsatish va subsidiyalar ajratish yuzasidan qabul qiladigan qarorlariga nisbatan tatbiq etilmaydi. Hukumat

qaroriga ko‘ra, “mahalla yettiligi” tarkibiga 7 nafar a‘zo — mahalla raisi, hokim yordamchisi, yoshlar yetakchisi, xotin-qizlar faoli, profilaktika inspektori, ijtimoiy xodim va soliq inspektori kiritiladi. “Mahalla yettiligi”ga fuqarolar yig‘ini raisi rahbarlik qiladi. Qolgan a‘zolar o‘z faoliyatini jamoatchilik asosida amalga oshiradi.

Mahalla raisi “mahalla yettiligi” faoliyatini tashkil qiladi va muvofiqlashtiradi, xodimlarga yuklangan vazifalarning bajarilishini ta‘minlaydi, majlislar chaqiradi va o‘tkazadi, “Mahalla yettiligi” nomidan chiqadigan hujjatlarni imzolaydi. “Mahalla yettiligi” kotibi vazifasini bajarish mahallaga biriktirilgan hokim yordamchisiga yuklanadi. “Mahalla yettiligi”ning yig‘ilishi, agar unda a‘zolarining kamida uchdan ikki qismi (kvorum) ishtirok etgan taqdirda, vakolatli hisoblanadi. Yig‘ilish qarori unda ishtirok etadigan a‘zolarining oddiy ko‘pchilik ovozi bilan qabul qilinadi. Ovozlar teng bo‘lib qolgan taqdirda, mahalla raisining ovozi hal qiluvchi hisoblanadi. «Mahalla yettiligi» o‘z faoliyati yuzasidan har oyda mahalla fuqarolar yig‘ini kengashiga, yilning har choragida fuqarolar yig‘ini majlisiga (fuqarolar vakillari yig‘ilishiga) hisobot berishi qo‘yildi.

Xulosa o‘rnida shunday deyish mumkinki, «O‘zbekiston — 2030» strategiyasida ustuvor yo‘nalish sifatida belgilangan aholi farovonligini ta‘minlash va hududlarda kundalik masalalarni hal etishda “mahalla”ni jamoatchilik hamda davlat organlari o‘rtasidagi «tayanch ko‘prik»ka aylantirish degan tamoiylini bugungi xayotimiz, isloxotlarimiz jarayonidagi o‘rni va ahamiyatini yaqqol ko‘rsatmoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. “Oila va xotin-qizlar” ilmiy-tadqiqot institutining <https://moiti.uz/> saytidan olindi
2. <https://uz.wikibooks.org/> O‘zbekiston tarixi darsligi
3. M.Xoliqova, “Mahalla va oila” ilmiy-tadqiqot instituti bo‘lim boshlig‘i, falsafa doktori, dotsent
4. <https://www.ziyouz.com/> Ma‘naviyat asoslari darsligi V.Qo‘chqorov, O.Mahmudov. Z.Zamonov
5. <https://sektor-api.argos.uz> M.Qirg‘izboyev, “Fuqarolik jamiyati: nazariya va xorijiy tajriba”
6. <https://kun.uz> “Mahalla instituti: so‘nggi yillarda nimalar o‘zgardi?”

UDK:336.61

YAPONIYA PENSIYA TA‘MINOTI TIZIMI TAJRIBASI

EXPERIENCE OF THE JAPANESE PENSION SYSTEM

ОПЫТ ЯПОНСКОЙ ПЕНСИОННОЙ СИСТЕМЫ

Abdulazizova N.B.

**O‘zbekiston Respublikasidagi Yaponiya elchixonasi-iqtisodiy hamkorlik bo‘limi
hodimi /Toshkent davlat sharqshunoslik universiteti mustaqil izlanuvchisi**

<https://orcid.org/0009-0005-6350-8471>

email: n.abdulazizova91@mail.ru

Annotatsiya

Yaponiya keksalar jamiyatiga aylangan bo‘lib, 65 yoshdan oshganlar aholining tahminan 30 foizini tashkil etib, dunyoda eng katta ko‘rsatkichni ko‘rsatmoqda. Tug‘ilish darajasi so‘nggi 40 yil ichida keskin qisqarib, o‘rtacha umr davomiyligi esa 1950 yildan beri 30 yilga oshdi. 65 yoshdan kattalarning ishchi kuchiga nisbati 52,4 ni tashkil etadi. Ijtimoiy ta‘minot tizimining barqarorligi Yaponiya hukumatining asosiy vazifalaridan biridir. Shu maqsadda Hukumat tegishli ijtimoiy institutlarni isloh qilish bo‘yicha bir qator chora-tadbirlarni amalga oshirgan. Ushbu maqolada Yaponiyaning pensiya ta‘minoti tizimi, uning ikki darajali tizimining o‘ziga xos xususiyatlari, pensiya tizimini isloh qilish xronologiyasi va uni takomillashtirish bo‘yicha ko‘rilayotgan chora-tadbirlar haqida tadqiq qilingan. Bundan tashqari, pensiya islohotlarini amalga oshirishda e‘tibor

qaratish lozim bo‘lgan muhim jihatlar ham o‘rganiladi. Maqolada, shuningdek, Yaponiya mehnat bozoridagi asosiy o‘zgarishlar, doimiy bo‘lmagan ishda ishlovchilar sonining ko‘payishi va uning pensiya tizimiga salbiy ta'siri haqida ma'lumotlar keltirilgan.

Kalit so‘zlar: Yaponiyaning pensiya tizimi, milliy pensiya tizimi, xodimlarning pensiya sug‘urtasi, qarish, nafaqa yoshi.

Japan has become a society of the elderly, with about 30 per cent of its population over the age of 65, the highest share anywhere in the world. Fertility rates had fallen sharply over the previous 40 years and life expectancy had increased by 30 years since 1950. Ratio of over 65 year-olds to the labour force is 52,4. Sustainability of social security system is a major concern of the Japanese government. In order to do that, the government has a number of measures have been taken to reform the relevant social institutions. This article will focus on Japan's pension system, its two-tier system characteristics, chronology of pension system reform and the measures taken to improve it. In addition, explored important aspects to focus on for pension reforms. The article also includes information on the major changes in Japan's labour market, the growing number of non-permanently employed people and its negative effects on the pension system.

Key words: Japanese pension system, National pension scheme, employee's pension insurance, ageing, retirement age.

Япония стала обществом пожилых людей, около 30 процентов ее населения старше 65 лет, что является самым высоким показателем в мире. Уровень рождаемости резко снизился за предыдущие 40 лет, а средняя продолжительность жизни увеличилась на 30 лет с 1950 года. Отношение числа людей старше 65 лет к численности рабочей силы составляет 52,4. Устойчивость системы социального обеспечения - одна из главных задач японского правительства. Для этого правительство приняло ряд мер по реформированию соответствующих социальных институтов. В данной статье речь пойдет о пенсионной системе Японии, характеристиках ее двухуровневой системы, хронологии реформирования пенсионной системы и мерах, принятых для ее улучшения. Кроме того, исследованы важные аспекты, на которых следует сосредоточиться при проведении пенсионных реформ. Статья также содержит информацию об основных изменениях на рынке труда Японии, росте числа непостоянно занятых людей и его негативном влиянии на пенсионную систему.

Ключевые слова: Пенсионная система Японии, национальная пенсионная система, пенсионное страхование работников, старение, пенсионный возраст.


Yaponiya tez va sezilarli demografik qarishni boshdan kechirayotgan, aholi umr davomiyligining oshishi va tug‘ilishning pasayishi oqibatida pensiya tizimida jiddiy muammoga duch kelgan sharq mamlakatlaridan biriga aylandi. Bu borada pensiya tizimini takomillashtirish bo‘yicha boy tajribaga ega bo‘lib, Yaponiyaning pensiya tizimini isloh qilish borasidagi amaliyotini o‘rganish O‘zbekiston uchun ham muhim ahamiyatga ega. Binobarin, demografik o‘zgarishlar dunyoning barcha mamlakatlarida kuzatilmoqda. Mamlakatimiz pensiya tiziminining moliyaviy barqarorligini oshirish, mavjud tizimni takomillashtirish, ijtimoiy pensiya ta‘minotining manzilliligini oshirish bo‘yicha ilg‘or tajribalarni o‘rganish va ularni O‘zbekiston sharoitiga moslashtirish va qo‘llash imkoniyatlarini tahlil qilish dolzarb masalalardan sanaladi. 2022-2026 yillarga mo‘ljallangan yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasida ham Pensiya ta‘minoti tizimini takomillashtirish maqsadida Xalqaro tamoyil va standartlarga muvofiq ko‘p bosqichli va davlat tomonidan kafolatlangan pensiya ta‘minoti tizimini joriy qilish, fuqarolarning pensiya miqdorlari mamlakatning iqtisodiy ko‘rsatkichlariga muvofiq izchil oshib borishini ta‘minlash belgilab qo‘yilganligi, ushbu ishning nazariy-amaliy ahamiyatini oshiradi.

Ijtimoiy ta‘minot pensiyalarining ikki asosiy talabi mavjud bo‘lib, ular moliyaviy barqarorlik va yetarli darajadagi nafaqa bilan ta‘minlashdan iboratdir. Yaponiyada davlat pensiya ta‘minoti bilan to‘ldirilgan xususiy pensiya tizimlari amal qiladi. Mamlakatda ikki darajali pensiya tizimi joriy qilingan bo‘lib, birinchi daraja – Milliy pensiya (NPI) ta‘minoti tizimida ro‘yxatdan o‘tgan

barcha fuqarolarga 65 yoshga to‘lgandan keyin, ish joyidan qat’i nazar, “asosiy pensiya” to‘lashdan iborat. 20 yoshdan 60 yoshgacha bo‘lgan Yaponiyaning har bir rezidenti majburiy ravishda Milliy pensiya dasturi bilan qoplanadi.

Ikkinchi daraja, hodimlarning pensiya sug‘urtasi tizimi (EPI) bo‘lib, xususiy sektorda ishlovchi hodimlarni majburiy qamrab olinadi. Ilk bor bu yo‘nalishdagi dastur yapon korxonalarida 1942 yildan joriy qilindi. Unga ko‘ra, hodim maoshining 18%ini 50/50 shaklida ish beruvchi bilan birgalikda sug‘urta fondiga to‘lab boradi. Ushbu umumiy foiz har yili 0,25% ga oshadi. Odatda, hodimlarni pensiya sug‘urta tizimiga ro‘yxatdan o‘tkazish va uning belgilangan qismini to‘lash ish beruvchining majburiyati hisoblanadi. Lekin, ushbu tizimdan ro‘yxatdan o‘tmagan hodimlar ham mavjud bo‘lib, ular pensiya badallarining barcha qismini o‘zlari to‘lashlariga to‘g‘ri keladi.

Agar u davlat sektorida, masalan, milliy hukumatda, mahalliy davlat hokimiyati organlarida va boshqalarda ishlovchi davlat xizmatchisi bo‘lsa, u o‘zaro yordam birlashmalaridan biri (MAA) tomonidan majburiy ravishda qoplanadi. Quyidagi rasmda Yaponiya pensiya tizimi tuzilishini ko‘rish mumkin (Rasm 1).



Rasm 1. Yaponiyada ijtimoiy ta'minot pensiya dasturlari

Yaponiya mehnat bozorida "yo'qotilgan avlod", "ish bilan bandlikning muzlik davri" atamasi keng tarqalgan bo'lib, u 1990 va 2000-yillardagi ("sovun pufagi samarasi" natijasida) oliy ma'lumotli kadrlarning omadsiz karyerasi bilan tavsiflanadi. O'sha paytda iqtisodiyotdagi inqiroz, tuzilmaviy o'zgarishlar kompaniyalar doimiy hodimlarni yillik ishga qabulini keskin qisqartirishiga sabab bo'ldi. Natijada yosh kadrlar doimiy asosda ishga joylashish imkoniyatini qo'ldan boy berib, kam maosh to'lanadigan ishlarda biridan keyin boshqasiga o'tib ishlashlariga to'g'ri keldi. Albatta bu holatda mehnat faoliyatini yuritib kelgan fuqarolarning pensiya nafaqalari farovon hayot kechirish uchun yetishmaslik xavfi yuqori. Hozir 40 dan 50 yoshgacha bo'lgan bu avlod qariyb o'n yildan so'ng nafaqaga chiqishni boshlaydi bu esa, ularni keksalikda moliyaviy qo'llab-quvvatlash uchun davlat pensiya xarajatlarining keskin oshishiga olib kelmoqda. Milliy pensianing o'rnatilgan badallar tizimi regressiv xarakterga ega bo'lib, ko'plab pensiya sug'urtasi bilan qoplab olinmagan aholi uchun keksalikdagi kambag'allik xavfini yuzaga keltirmoqda. Albatta, Yaponiya hukumati kam ta'minlangan uy xo'jaliklari uchun qisman yoki to'liq imtiyozlarni taklif qiladi, ammo nisbatan kam badallar pensiya to'lovlarining kamayishiga olib keladi.

Doimiy bo'lmagan ish o'rniga ega, lekin ikkinchi darajali pensiyadan ro'yxatdan o'tganlar nisbatan yaxshi sharoitda bo'lsada, kam oylik bazasidan to'langan badallar tabiiy-ki, kelajakdagi pensiya to'lovlarining ham past bo'lishiga olib keladi.

Doimiy bo'lmagan bandlik muammosi pensiya ta'minoti bo'yicha uzoq muddatli rejalarni ishlab chiqishda qiyinchilik tug'dirsa-da, Yaponiya hukumati har besh yilda pensiya tizimi samaradorligini baholab, monitoring qilib boradi.

Hozirda Yaponiya pensiya tizimidagi kamchiliklarni bartaraf etish yo'lida hukumat doirasida uchta tegishli chora-tadbirlar muhokama qilinmoqda. Birinchidan, doimiy bo'lmagan vaqtinchalik xodimlarni iloji boricha kasbiy sug'urta tizimi (EPI) bilan qamrab olish.

Ikkinchidan, pensiya tizimiga to'lovlarining umumiy hajmini oshirish maqsadida Davlat pensiyasiga to'lovlar muddatini joriy 60 yildan 65 yilgacha uzaytirish.

“YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI” *jurnali* 5-son 2024 yil

Uchinchidan, asosiy pensiya va daromad komponenti o‘rtasidagi ta’sirni yaxshiroq taqsimlash uchun makroiqtisodiy inqirozning salbiy tasirlarini yumshatishdan iborat. Biroq bu chora-tadbirlar yetarli emasligini amaliyot ko‘rsatmoqda.

Pensiya yoshini oshirish ham jahon tajribasida keng tarqalgan bo‘lib, Yaponiya ham 1965 yildan keyin tug‘ilganlar uchun pensiya yoshini 55 dan 65 ga ko‘tardi, shuningdek, professional pensiya sug‘urtasi uchun pensiya yoshini 1965 yilda tug‘ilgan erkaklar uchun 60 dan 65 ga, 1966 yilda tug‘ilgan ayollar uchun 56 dan 65ga ko‘tarildi. Pensiya yoshini oshirish xarajatlarni qisqartirish uchun samarali usullardan sanaladi. 2009 yilgi aktuar senariylarga ko‘ra, 2020 yilda bazaviy pensiya oluvchilar uchun pensiya olish yoshini 67 ga ko‘tarish, YaIMning 1/4 qismi miqdoridagi davlat pensiya ta‘minoti uchun subsidiyalarni tejash imkonini beradi.

1-jadval

OECD mamlakatlarida pensiya yoshi va umr davomiyligi

Mamlakat	Pensiya yoshi		Umr davomiyligi	Farq	
	Hozirgi	Istiqboldagi		Hozirgi	Istiqboldagi
Yaponiya	65	65	83.3	18.3	18.3
Avstraliya	65	67	82.1	17.1	15.1
Kanada	65	67	81.8	16.8	14.8
Fransiya	65	67	81.9	16.9	14.9
Germaniya	65	67	80.7	15.7	13.7
Italiya	64	67	82.8	18.8	15.8
Ispaniya	67	67	82.3	17.3	15.3
Buyuk Britaniya	65*	67	80.5	15.5	13.5
AQSH	66	67	78.9	12.9	11.9

Manba: OECD (2015) and UN

(*) Buyuk Britaniyada 2014 yilda pensiya yoshi erkaklar uchun 65, ayollar uchun 62.5 yoshni tashkil etgan.

Hozirda Yaponiyada normal pensiya yoshi 65 hisoblanib, rivojlangan davlatlar orasida eng pastlardan sanaladi. Shuningdek, Yaponiyada pensiyaga chiqqandan keyingi pensiya olish davomiyligi 18,3 yil bo‘lib, dunyo o‘rtachasi (14,3) dan ham yuqori o‘rinda turadi. Bir necha o‘n yillikdan so‘ng, keksalarga bog‘liqlik koeffitsienti ikki barobarga oshishi taxmin qilinmoqda (jadval-1).

2-jadval

Yaponiya pensiya tizimi xronologiyasi

Yillar	Islohotlar mazmuni
1942	Ikkinchi jahon urushi davrida ishchilar uchun pensiya joriy qilindi. Dastlab u ish haqiga bog‘langan nafaqalar va badallarning jamg‘ariladigan tizimi sifatida tashkil qilingan, keyinroq hozirda mavjud professional pensiya sug‘urtasi (EPI) tizimiga aylandi.
1950	Davlat xizmatchilari va xususiy maktablar o‘qituvchilari uchun pensiya dasturi joriy qilindi
1954	Ikki darajali pensiya: biri o‘rnatilgan badallar dasturi ikkinchisi esa, hozirgi pensiya sug‘urtasi tizimi bilan bir xil ish haqi miqdoriga bog‘liq kasbiy pensiya dasturi joriy qilindi
1961	O‘zini o‘zi band qilganlar Milliy pensiya (NPI) tizimiga qamrab olindi
1985	Bazaviy pensiya tizimi joriy qilindi
2004	-badallarni 2005-2017 yillar davomida 13,58% dan 18,3%gacha bosqichma-bosqich oshirish, hamda shu o‘rnatilgan darajani saqlab qolish; - “makroiqtisodiy suzib o‘tish” nomli pensiya badallarini avtomatik nazorat qiluvchi mexanizm ishga tayyor bo‘lganda unga o‘tish; -daromadning qoplash koeffitsientini 50% dan yuqori holatda ushlab turish; -bazaviy pensiya daromadining yarmini davlat daromadlari hisobidan moliyalashtirish; -keyingi 100 yil davomida davlat pensiya ta‘minoti tizimining barqarorligini ta‘minlash uchun har besh yilda pensiya tizimini moliyalashtirish bo‘yicha monitoring o‘tkazish.
2015	Davlat xizmatchilari pensiyasining bir qismi professional pensiya sug‘urtasi (EPI) tizimiga qo‘shib yuborildi

Manba: Yaponiya sog‘liqni saqlash, mehnat va farovonlik vazirligi ma‘lumotlari asosida muallif tomonidan tayyorlandi. <https://www.mhlw.go.jp/english/org/policy/dl/p36-37i.pdf>

Yaponiyaning zamonaviy pensiya taʼminoti tizimi ikkinchi jahon urushi davrlaridan boshlab shakllanib kelgan boʻlib, vaqti-vaqti bilan tizim takomillashtirib kelingan. Biroq, demografik jarayonlar keskinlashganidan soʻng Yaponiya hukumati 2004 yilda pensiya taʼminoti xarajatlarini qisqartirish va davlat pensiya tizimini uzoq muddatda barqaror qilishga qaratilgan keng qamrovli pensiya islohotini amalga oshirdi. Bu borada bogʻliqlik koeffitsientini 20% ga kamaytirish va pensiya yoshini 30 yil davomida asta-sekin uch yoshga oshirish boʻyicha pensiya islohoti amalga oshirish belgilab olindi (Jadval 2). 2014 yilda pensiya taʼminoti uchun davlat xarajatlari YaIMning 10% idan oshdi.

Ijtimoiy taʼminot pensiyalari asosiy 4 xarakteristikaga ega:

- a) milliy iqtisodiyotning qoʻshilgan qiymatini turli avlodlar oʻrtasida taqsimlash tizimi;
- b) taqsimlovchi (PAYG) yoki jamgʻaruvchi tizimi – asosiysi natija;
- c) oʻrnatilgan toʻlovlar va oʻrnatilgan badallar tizimi
- d) Umrhod annuitetlar va muddatli annuitetlar

Avlodlar birdamligi tamoyiliga asoslangan taqsimlovchi tizim (PAYG) pensiya toʻlovlari kelajakdagi iqtisodiy oʻsishga bogʻliq boʻlib, jamgʻarib boriladigan pensiyalar esa, oʻz nafaqalarini jamgʻarib boriladigan zaxiradan olingan daromadlar va uning dekmulyatsiyasi hisobiga toʻlaydi. Aholining qarishi va iqtisodiy oʻsishning sekinlashishi bilan investitsiyalarning daromadlilik darajasi yoki moliyalashtirilgan aktivlarning sotish narxi pasayadi. Iqtisodiy adabiyotlarda pensiya tizimi moliyaviy barqarorligini taʼminlashda taqsimlovchi yoki jamgʻaruvchi pensiya tizimlari ularning optimal kombinatsiyasini tanlash muhimligi haqida koʻplab ilmiy ishlar va adabiyotlar mavjud. Ammo, natijalar mamlakatda taqsimlovchi yoki jamgʻarma pensiya tizimining qaysi biri ustuvorligiga bogʻliq emas. Yaʼni pensiya taʼminotining moliyaviy barqarorligi, uni moliyalashtirish metodiga bogʻliq emas, balki ishlab chiqarish kelajakdagi pensiyalar moliyaviy barqarorligi uchun juda muhim hisoblanadi. Shuningdek, yuqori samaradorlik va kechroq nafaqaga chiqish ham muhim koʻrsatkich sanaladi. Oʻrtacha umr davomiyligiga mos ravishda mehnat faoliyati davomiyligini ham oshirish birlamchi masalalardan sanaladi. Shuni ham unutmaslik lozimki, pensiya siyosati bandlik siyosati bilan uygʻun holatda amalga oshirilishi zarurdir. [6:43]

Pensiya tizimi doirasida imkon qadar kech pensiyaga chiqishni ragʻbatlantirish va ishga joylashishdagi toʻsiqlarni minimallashtirishni taʼminlash lozim. Mikroiqtisodiyot nuqtai nazaridan qaraganda, pensiya huquqlari oʻrnatilgan toʻlovlar (DC) va oʻrnatilgan nafaqalar (DB) tizimiga bogʻliq.

Shuningdek, Sharq mamlakatlari pensiya tizimlariga xos boʻlgan ijtimoiy taʼminot pensiya nafaqalarining umr boʻyi annuitetlari ham mavjud. Ularni toʻlash har bir pensionerning vafotigacha davom etadi. Bu shaxsiy pensiyalardan keskin farq qiladi, ularning toʻlovlari odatda muddatli annuitetlar yoki hatto bir martalik toʻlovlar shaklida amalga oshiriladi. Binobarin, ijtimoiy taʼminot pensiyalari barcha odamlar uchun faqatgina keksa yoshdagi kafolatlangan daromadning majburiy bazaviy chegarasi boʻlib xizmat qilishi mumkin.

Rivojlangan davlatlar hozirda pensiya tizimi samaradorligi holatini baholash uchun aktuar senariylar ishlab chiqadilar. Bunda uzoq muddatli moliyaviy natijalarni baholash uchun hukumat aktuariysi tugʻilish, oʻlim, ishchi kuchi ishtiroki, isteʼmol narxlar indeksi (CPI), ish haqi indeksi va jamgʻarma zaxirasidan investitsiya daromadlarining kelajakdagi oʻzgarishlari haqida asosiy taxminiy hisob-kitoblarni amalga oshiradi. Keyin u hissa qoʻshuvchilar va benefitsiarlarning har bir sonidagi uzoq muddatli oʻzgarishlarni, yillik daromadlarni, xarajatlarni, foyda va kamomad darajasini, jamgʻarma zaxiralari qoldigʻini prognoz qiladi.

Pensiya tizimining turli iqtisodiy rivojlanish bosqichidagi barcha mamlakatlar uchun yagona ideal shakli mavjud emas. Pensiya tizimining komponentlari, shakli, elementlari, tarkibiy tuzilmasi, moliyalashtirish metodlari muayyan mamlakatning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanish tarixi, oʻziga xos sharoitlaridan kelib chiqqan holda ishlab chiqilib, ularni globallashtirish va xalqaro integratsiya jarayonlari natijalarini hisobga olgan holda, oʻzgaruvchan demografik va iqtisodiy sharoitlarga moslashtirilishi hamda doimiy va cheksiz isloh qilinishi kerak.

Xulosa qilib aytganda, pensiya taʼminoti tizimi islohotlarini mehnat resurslarini boshqarish siyosati bilan birgalikda olib borish kerak. Davlat ijtimoiy pensiyasi aholini keksalikda

kambagʻallikdan himoyalash uchun bazaviy hayot darajasini taʼminlash masalasini hukumat oʻz zimmasiga olgan holda nazoratda ushlashi lozim. Bugungi kunda global miqyosda, turli iqtisodiy rivojlanish darajasidagi mamlakatlarida kuzatilayotgan demografik qarish muammosi va uning iqtisodiy barqarorlikka salbiy taʼsirini kamaytirish, pensiya tizimi uchun davlat xarajatlarining oshib ketmasligini taʼminlash uchun doimiy tahlil qilish, tizim samaradorligini baholash va oʻzgaruvchan sharoitga moslashtirib borish kerak. Yaponiya tajribasi shuni koʻrsatadiki, pensiya islohotlari bosqichma-bosqich olib borilishi va ularning taʼsirini baholash uchun aktuar senariylar tuzilishi va pensiya tizimi istiqbollari bashorat qilinishi lozim. Koʻp darajali pensiya tizimiga oʻtish va pensiya tizimi arxitekturasini diversifikatsiyalash va tarkibiy qismlarini integratsiyalash pensionerlar uchun qulaylik va adekvat pensiya toʻlovlarini shakllantirish imkonini beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar roʻyxati

1. 2022-2026 yillarga moʻljallangan yangi Oʻzbekistonning taraqqiyot strategiyasi [Elektron resurs] https://president.uz/oz/pages/view/strategy?menu_id=144 Oʻzbekiston Respublikasi prezidentining rasmiy sayti
2. Akiko Nomura. Japan's pension system: Challenges and implications. Nomura journal of Asian capital markets. 2019. Vol. 3 /No.2 P.6
- editors. 2013. Matching Contributions for Pensions: A Review of International Experience. Washington, DC: World Bank. P.356
3. Hinz, Richard, Robert Holzmann, David Tuesta, and Noriyuki Takayama,
4. Kitao, Sagiri, 2017. "When do we start? Pension reform in ageing Japan," The Japanese Economic Review, Vol. 68(1), pp. 26-47
5. OECD, IOPS Country profile: Japan November 2022 P.4
6. Takayama N. Pension Reform: Global Solutions and Japanese Experiences. China Financial & Economic Publishing House. 2023. P.272 Imrohoroglu S., Kitao S., Yamada T. (2016). Achieving

UDK:336.64

O‘ZBEKISTON SUG‘URTA BOZORINING O‘ZIGA XOS XUSUSIYATLARI

ОСОБЕННОСТИ СТРАХОВОГО РЫНКА УЗБЕКИСТАНА

FEATURES OF THE INSURANCE MARKET OF UZBEKISTAN

Alimjanov Nodir Xamidullaevich
"UZBEKINVEST" EISK AJ
Buxoro viloyat filiali direktori, i.f.n.

Annotatsiya

Maqolada sugʻurta zichligi, sugʻurtaning iqtisodiyotga kirib borish chuqurligi kabi milliy sugʻurta bozorining asosiy makroiqtisodiy koʻrsatkichlari koʻrib chiqilgan. Sugʻurta bozorining zamonaviy muammolariga eʼtibor qaratilgan.

Kalit soʻzlar: sugʻurta bozori, sugʻurta bozori koʻrsatkichlari va indikatorlari, sugʻurta sektori beqarorligi, sugʻurta salohiyati.

В статье рассматриваются ключевые макроэкономические показатели национального страхового рынка, которыми являются плотность страхования, глубина проникновения страхования в экономику. Акцентируется внимание на современных проблемах страхового рынка.

Ключевые слова: Страховой рынок, индикаторы и показатели неустойчивость страхового сектора, страховой потенциал.

The article examines the key macroeconomic indicators of the national insurance market, which are insurance density and the depth of insurance penetration into the economy. Attention is focused on modern problems of the insurance market.

Key words: Insurance market, indicators and indicators of the insurance market, instability of the insurance sector, insurance potential.

Zamonaviy sharoitda sug‘urta biznesini rivojlantirish davlatning ijtimoiy-iqtisodiy siyosatining strategik yo‘nalishlaridan biriga aylanadi, chunki sug‘urta sohasi iqtisodiy o‘rishga katta hissa qo‘shadi va yuqori darajadagi faollikni ta‘minlaydi.

Sug‘urta butun mamlakat va uning mintaqalari iqtisodiyotining eng muhim sohasidir. Bu o‘z navbatida iqtisodiyotning sug‘urta sektori bajarishi kerak bo‘lgan funktsiyalar bilan bog‘liq, ya‘ni:

- takror ishlab chiqarishning uzluksizligini ta‘minlaydigan va uning nisbatlarini tartibga soladigan bozor stabilizatori;
- hayot xavfsizligini oshirish vositasi;
- fuqarolarni ijtimoiy himoya qilish mexanizmi;
- milliy iqtisodiyotga investitsiyalarning eng katta manbai;
- axborot resurslarining eng yirik egasi va boshqalar[1].

Sug‘urta mintaqani ham, umuman mamlakatni ham ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish uchun zarur bo‘lgan moliyaviy stabilizator vazifasini bajaradi, shu bilan birga mikro darajada – yetkazilgan zararni tezda qoplash va ishlab chiqarish jarayonlarini tiklashni, makro darajada – iqtisodiy rivojlanish jarayonining uzluksiz takrorlanishini ta‘minlaydi.

Sug‘urta tizimining samarali ishlashi va izchil rivojlanishi ko‘p jihatdan sug‘urta ishi subyektlarining xilma-xilligi va uyg‘un o‘zaro ta‘siriga bog‘liq. Shuni ta‘kidlash kerakki, so‘nggi yillarda sug‘urta pozitsiyasining moliyaviy tizimning ajralmas va muhim bo‘g‘ini sifatida ildiz otishi qayd etildi, ammo sug‘urta biznesi samaradorligini oshirish muammosi keskin o‘shib bormoqda.

Sug‘urta bozori – ijtimoiy va iqtisodiy infratuzilmaning muhim unsuridir. Uning roli barcha iqtisodiy subyektlar uchun himoya mexanizmini ifodalashida namoyon bo‘ladi. Sug‘urta mulkiy va nomulkiy xarakterdagi noxush hodisalar yuz berganda korxonalar, fuqarolar va davlatning moliyaviy barqarorligini saqlashga imkon beradi. Ammo makroiqtisodiy ko‘rsatkichlarga yuqori darajada bog‘liqlik, yirik sug‘urta kompaniyalarining dempingi, infratuzilmaning rivojlanmaganligi, sug‘urta salohiyatidan yetarli darajada foydalanmaslik, sug‘urtachilar va sug‘urta qildiruvchilar uchun soliq imtiyozlarining yo‘qligi sug‘urta bozori muammolarining kuchayishiga olib keladi.

1-jadval


Sug‘urta bozori ko‘rsatkichlari dinamikasi (2015 – 2022 yillarda)

Ko‘rsatkichlar/ yillar	Yil						
	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021
YIM dagi umumiy sug‘urta muko-fotining ulushi, %	0,32	0,34	0,37	0,39	0,34	0,5	0,51
O‘tgan yilga nisbatan o‘rish sur‘ati	-	1,06	1,09	1,05	0,87	1,47	1,02
Aholi jon boshiga sug‘urta mukofoti (ming so‘m)	17,57	21,66	28,95	48,1	51,29	83,69	108,01
O‘tgan yilga nisbatan o‘rish sur‘ati	-	1,23	1,34	1,66	1,07	1,63	1,29

O‘zbekiston sug‘urta bozorining rivojlanish darajasini tahlil qilish uchun sug‘urta kirib borishi chuqurligining asosiy makroiqtisodiy ko‘rsatkichlari, masalan, yalpi ichki mahsulotdagi umumiy sug‘urta mukofotining ulushi va sug‘urta zichligi (aholi jon boshiga sug‘urta mukofoti) qiymatini baholash zarur. (1-jadval)

Sug‘urta penetratsiyasi darajasi (sug‘urta kirib borishi chuqurligi darajasi) deb ataladigan, barcha sug‘urta mukofotlarining yalpi ichki mahsulotga bo‘linishi bilan hisoblab chiqiladigan ko‘rsatkich global miqyosda 6,35%, O‘zbekistonda esa atigi 0,35% ni tashkil etadi[2].

So‘nggi besh yil ichida ba‘zi miqdoriy o‘zgarishlarga qaramay, mamlakatda hali ham tarmoqdagi bir qator tizimli muammolar mavjud. Sug‘urta xizmatlarining YaIMga nisbatan ulushi global o‘rtacha ko‘rsatkichdan 10 baravar past, aholi jon boshiga sug‘urta mukofoti 56 baravar past bo‘lib qolmoqda, O‘zbekiston sug‘urta bozori kapital intensivligining ma‘lum bir yetishmovchiligiga duch kelmoqda, bu esa avvalambor, sug‘urtachilarning o‘z mablag‘lari, shu jumladan ularning ustav kapitalining kichikligi bilan bog‘liq. (1-rasm)



1-rasm. Mahalliy sug‘urtachilar ustav kapitalining umumiy miqdori dinamikasi (mlrd. so‘m)

Ustav kapitalini oshirish bo‘yicha ko‘rilgan chora-tadbirlar natijasida 2023 yil davomida O‘zbekiston sug‘urta kompaniyalarining jami ustav kapitali miqdori 22,05 foizga oshib, 2 298.57 mlrd.so‘mni tashkil etdi. Shunday qilib, 2024 yil 1 yanvar holatiga ko‘ra, sug‘urta tashkilotlari soni 43 tani tashkil etdi, ulardan 8 tasi hayotni sug‘urtalash bilan shug‘ullanadi.

Sug‘urta bozorining shakllanish tendentsiyalarini, uning xususiyatlari va keyingi rivojlanish istiqbollarini baholash ma‘lum bir o‘shish salohiyatini aniqlashga imkon beradi. Iqtisodiyotni barqarorlashtirish va fuqarolarning farovonligini ta‘minlash uchun ixtisoslashgan tarmoq sifatida sug‘urtani rag‘batlantirish zarur. Jismoniy va yuridik shaxslarning mulkiy manfaatlarini sug‘urtalashning samarali tizimini yaratish iqtisodiy o‘shish uchun zarur bo‘lgan ishonchli va barqaror iqtisodiy muhitni shakllantirishni oldindan belgilab beradi.

Fuqarolar va xo‘jalik yurituvchi subyektlarni himoya qilish maqsadida ijtimoiy-iqtisodiy va moliyaviy munosabatlar tizimida sug‘urta rolini oshirishni ta‘minlash zarur. Shu bilan birga, sug‘urta kompaniyalarining ishonchliligini mustahkamlash, sug‘urtachilarning tarif siyosatini davlat tomonidan tartibga solish va nazorat qilishning; sug‘urta sohasini rivojlantirishni rag‘batlantirish uchun qulay soliq rejimini yaratishning; sug‘urta sohasi uchun mutaxassislarni tayyorlashda ta‘lim sifatini yaxshilashning ahamiyati ortib bormoqda. Shuningdek, sug‘urta sohasidagi eng muhim strategik vazifa sug‘urta biznesini va jahon bozorlarida raqobatbardoshlikni rivojlantirish maqsadida huquq-tartibotni ta‘minlashdir.

Sug‘urta bozori moliyaviy infratuzilmaning bir tarmog‘i bo‘lib, davlat moliyaviy tizimining tarkibiy qismi sifatida, birinchi navbatda, mamlakatdagi iqtisodiy vaziyatga, yaratilgan YaIM hajmi va tarkibiga, fuqarolarning tasarrufidagi real daromadlarining o‘shish sur‘atlariga bog‘liq. Shu

sababli, sug‘urta sektorining barqarorligini ta’minlash iqtisodiyotning boshqa tarmoqlari va sohalarining barqarorligini ta’minlashga qaraganda ancha qiyin. Ushbu muammoni hal qilish kerak, chunki hozirda sug‘urta xizmatlariga talab egiluvchan va ko‘plab tashqi omillarga bog‘liq bo‘lib, bu sug‘urtachilarning to‘lovga layoqatsizligi xavfini va mamlakatda sug‘urta tizimining beqarorligini keltirib chiqaradi.

Sug‘urta sektori beqarorligining asosiy quyidagi sabablarini ko‘rsatish mumkin:

– sug‘urtachilarda barqaror mijozlar bazasining va sug‘urta qildiruvchilarning sug‘urta xizmatlaridan foydalanishga sodiqligining yo‘qligi. Sug‘urta qildiruvchilar sug‘urta xizmatlarining narxi, shuningdek, zararni qoplash bo‘yicha oldingi tajribani hisobga olgan holda sug‘urta kompaniyasini tanlashga moyildirlar. Ikkinchi omil, odatda, mijozlarda salbiy idrokni keltirib chiqarganligi sababli, qiymat omili ustuvor ahamiyat kasb etadi. Shu sababli, sug‘urta qildiruvchilar osongina bir kompaniyadan boshqasiga o‘tishadi yoki sug‘urta xizmatlarini sotib olishdan butunlay voz kechishadi;

- aholining va xo‘jalik yurituvchi subyektlarning sug‘urta madaniyati darajasi juda past. Bu, birinchi navbatda, sug‘urta himoyasiga salbiy munosabat, sug‘urta kompaniyalariga ishonchsizlik bilan bog‘liq. Yana bir muhim omil shundaki, sug‘urta mahsulotlarini sotib olish xarajatlari jismoniy va yuridik shaxslarning byudjetlariga qo‘shimcha yuk bo‘lishi bilan bog‘liq.

– sug‘urtachilarning kapitallashuv darajasi past. O‘z mablag‘lari nafaqat sug‘urta kompaniyasi, balki har qanday tashkilotning moliyaviy barqarorligining eng muhim unsuridir. O‘z mablag‘lari miqdori - bu ishonchlilik ko‘rsatkichlaridan biri bo‘lib, uning asosida sug‘urta qildiruvchilar sug‘urta kompaniyalarini tanlaydi. Shuning uchun kapitalni oshirish jarayoni davom etaveradi, ammo buning uchun milliy bozorda manbalar cheklangan. Sug‘urtachilar, masalan, investitsiya faoliyati orqali daromadlarni ko‘paytirishning boshqa manbalaridan foydalanganda muayyan qiyinchiliklarga duch kelishadi. Hozirgi vaqtda moliyaviy investitsiyalar bozori past samaradorlik bilan ajralib turadi, sug‘urta kapitalini real sektorga investitsiya qilish mexanizmi esa yuqori xavf bilan tavsiflanadi.

Sug‘urta bozorining rivojlanishini sekinlashtiradigan asosiy sabablar ham tizim ichi, ham milliy iqtisodiyotning o‘ziga xos xususiyatlari bilan bog‘liq. Bularga xodimlarning malakasi, moliyaviy salohiyat darajasi, sug‘urta mahsulotlarini sotishning an’anaviy kanallari va sifati, sug‘urta tashkilotlarining to‘lov qobiliyatiga qo‘yiladigan talablarning jahon standartlariga mos kelmasligi, korxonalar va fuqarolarning to‘lov qobiliyati darajasi, me’yoriy-huquqiy va tartibga solish bazasi, sug‘urta kompaniyalarining monopollashuvining yuqori darajasi, sug‘urta firibgarligi va adolatsiz raqobat kiradi.

Shunga qaramay, sug‘urta pozitsiyalari moliyaviy tizimning ajralmas bo‘g‘ini sifatida mustahkamlanmoqda. Bunga sug‘urta mukofotlarining o‘shida aks etadigan alohida sug‘urta mahsulotlariga bo‘lgan talabning ortishi, ko‘plab sug‘urta turlarining rivojlanishi dalolat beradi. O‘zbekistonda kompleks iqtisodiy islohotlarni amalga oshirish doirasida sug‘urta sohasini rivojlantirish va isloh qilishning faol jarayoni davom etmoqda. Ushbu chora-tadbirlar tadbirkorlik subyektlari faoliyatini barqaror rivojlantirishga, shuningdek, mulk va aholi salomatligini muhofaza qilishga ko‘maklashuvchi sug‘urta xizmatlarining zamonaviy, to‘laqonli va raqobatbardosh bozorini shakllantirishning asosiy omillari hisoblanadi.

O‘tkazilgan tadqiqot quyidagi asosiy vazifalarni davlat darajasida hal qilish zarurligini ko‘rsatdi:

1. Ijtimoiy-iqtisodiy yo‘nalishga ega va barqaror iqtisodiy o‘shishni kafolatlaydigan ustuvor sug‘urta turlarini rivojlantirish. Masalan, hayotni sug‘urtalashni rivojlantirish mintaqa iqtisodiyotiga uzoq muddatli investitsiyalarning muhim manbai bo‘lgan sug‘urta zaxiralarini ko‘paytirishi mumkin. Bunga erishish uchun jismoniy va yuridik shaxslarni hayotni sug‘urtalashga undaydigan imtiyozli soliqqa tortish bazasini oshirishga qaratilgan qonunchilik normalariga o‘zgartirishlar kiritish zarur.

2. Sug‘urta biznesining infratuzilmasini rivojlantirish, aholining sug‘urta institutiga bo‘lgan ishonchini oshirish, sug‘urtani ommalashtirish. Mintaqaviy sug‘urtachilarni ishonchligi va moliyaviy barqarorligini aniqlash maqsadida reytinglashtirish, fuqarolarni mahalliy sug‘urtachilar

borligi to‘g‘risida xabardor qilish, yetkazilgan zarar miqdorini ob‘ektiv baholanishini ta‘minlash, nizolarni sudgacha hal qilish mexanizmining samaradorligi iste‘molchilarning moliyaviy madaniyatining darajasini oshiradi.

3. Biznesni saqlab qolish va qo‘llab-quvvatlash uchun mintaqaviy sug‘urta dasturlarini ishlab chiqish, chunki sug‘urta nafaqat sug‘urta hodisalaridan yetkazilgan zararni qoplash usuli, balki iqtisodiy shart-sharoitlarning salbiy o‘zgarishlaridan himoya qilish vositasi, soliq to‘lovchi korxonalarning moliyaviy barqarorligini saqlash orqali byudjet xavfini kamaytirish usulidir. Sug‘urta bozorining holati mintqa iqtisodiyoti holatining hosilasi bo‘lganligi sababli, kompaniyalarning muvaffaqiyatli faoliyati ijtimoiy sohani barqarorlashtirishga, shuningdek soliqlarning ko‘payishiga va shu sababli byudjetning daromad qismini to‘ldirishga va mintaqani rivojlantirishga yordam beradi.

4. Mintaqaviy sug‘urta sektorining barcha xususiyatlari va ixtisosligini hisobga olgan holda sug‘urta faoliyati tizimini va tarmoqni rivojlantirish strategiyasini modernizatsiya qilish. Sug‘urta bozori mintaqaviy nuqtai nazardan ko‘rib chiqilsa, hozirgi vaqtda mintaqalarning hududiy rivojlanishining sezilarli assimetriyasi dolzarb muammo ekanligini aytish mumkin. Ba’zi mintaqalarda, ayniqsa markaziy mintaqalarda sug‘urta bozorlari yetarlicha rivojlangan, mamlakatning aksariyat mintaqalarida sug‘urtachilarning qisman yo‘qligini va sug‘urta manfaatlarining qoniqarli darajasini kuzatish mumkin. Ko‘pgina mintaqalarda ro‘yxatdan o‘tgan sug‘urta subyektlarining ko‘payishiga, qabul qilinayotgan xatarlar va sug‘urtachi kapitalining muvofiqligini aniqlash va nazorat qilish metodikasini ishlab chiqish bilan faoliyatni amalga oshirish uchun mintaqaviy sug‘urta litsenziyasini joriy etish yordam berishi mumkin.

Xulosa qilib aytish mumkinki, taklif etilayotgan yo‘nalishlarni amalga oshirish mintaqaviy sug‘urta bozorini rivojlantirishga yordam beradi va jamiyatning ijtimoiy-iqtisodiy himoyasini ta‘minlaydigan sug‘urta sohasiga milliy iqtisodiyotning strategik sektoriga aylanishiga imkon beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Жилкина, М. С. Роль страхового рынка в системе социально-экономических отношений. <https://www.mf.uz/uz/news-mf-jx/item/609-609.html>
2. <https://www.gazeta.uz/ru/2019/11/09/insurance/>
3. Юлдашев Р.Т. Страховой бизнес. Словарь-справочник. М., 2000.
4. Шихов А.К. Страхование. М., 2000.
5. Косолапова К.В. Развитие и регулирование регионального потребительского рынка страховых услуг // Финансы и кредит. 2008. № 5. С. 20.
6. Закон Республики Узбекистан «О страховой деятельности» - Газета "Народное слово", 28 мая 2002 года.
7. Шеннаев Х.М. Ўзбекистон суғурта бозори. Ўқув қўлланма. Т.:, 2013 й.
8. Khamidullaevich, A.N. (2022). Regional Aspects of Insurance Market Development. European Multidisciplinary Journal of Modern Science, 4, 872–876. Retrieved from <https://emjms.academicjournal.io/index.php/emjms/article/view/203>

**TURIZM INDUSTRIYASI RAQOBATBARDOSHLIGINI OSHIRISHNING
MUQOBIL SENARIYALARI**

**ALTERNATIVE SCENARIOS OF INCREASING THE COMPETITIVENESS OF THE
TOURISM INDUSTRY**

**АЛЬТЕРНАТИВНЫЕ СЦЕНАРИИ ПОВЫШЕНИЯ
КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТИ ТУРИЗМСКОЙ ОТРАСЛИ**

To‘xtayev Umidjon Shuhrat o‘g‘li
Buxoro davlat universiteti
mustaqil tadqiqotchisi

Аннотация

Maqolada Turizm industriyasi raqobatbardoshligini oshirishning muqobil senariyalariining ilmiy asoslari yoritilib, undan mamlakatimiz amaliyotida ijodiy foydalanish bo‘yicha ilmiy taklif va amaliy tavsiyalar ishlab chiqilgan.

Калит сўзлар: mahsulot, narxlari turistik, industriya raqobatbardoshlik.

The article covers the scientific foundations of alternative scenarios for improving the competitiveness of the tourism industry, developed scientific proposals and practical recommendations for the creative use of it in the practice of our country.

Key words: product, price tourism, industry competitiveness.

В статье рассматриваются научные основы альтернативных сценариев повышения конкурентоспособности туристической отрасли, разрабатываются научные предложения и практические рекомендации по творческому использованию в практике нашей страны.

Ключевые слова: продукт, ценовой туризм, конкурентоспособность отрасли.

Global darajada turistik xizmatlar bozorining jadal rivojlanishi jahon mamlakatlari iqtisodiyotida ushbu sohani rivojlantirish orqali iqtisodiy o‘sish ko‘rsatkichlarini yaxshilash imkoniyatini oshirib bormoqda. Ushbu vaziyatni inobatga olgan mamlakatimizda ham milliy turizm industriyasini jadal rivojlantirish, uning xalqaro raqobatbardoshlik ko‘rsatkichini yaxshilashga qaratilgan islohotlarga ustuvorlik qaratilib kelinmoqda. Jumladan, 2022-2026 yillarga mo‘ljallangan yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasida «"O‘zbekiston bo‘ylab sayohat qiling" dasturi doirasida mahalliy sayyohlar sonini 12 mln. nafardan oshirish hamda respublikaga tashrif buyuradigan xorijiy turistlar sonini 9 mln. nafarga yetkazish»[1] maqsadi belgilangan bo‘lib, ushbu maqsadga erishish uchun quyidagi vazifalarni bajarishga ustuvorlik qaratilgan:

- to‘siqsiz turizm infratuzilmasini mamlakatning asosiy turizm shaharlarida keng joriy qilish. 2026 yilgacha turizm sohasida band bo‘lgan aholi sonini 2 baravar oshirib, 520 ming nafarga yetkazish;

- turizm va madaniy meros obyektlari infratuzilmasini rivojlantirish hamda 8 mingdan ortiq madaniy meros obyektlaridan samarali foydalanish bo‘yicha davlat dasturini qabul qilish;

- Zomin, Forish, Baxmal tumanlari va "Aydar-Arnasoy" ko‘llar tizimida qo‘shimcha turistik zonalar va dam olish maskanlarini barpo etish, 300 mln. AQSh dollariga teng loyihalarni amalga oshirish, 25 ming ish o‘rinini yaratish;

- Samarqandni "turizm darvozasi"ga aylantirish orqali kelgusi besh yilda turizm xizmatlari hajmini kamida 10 baravarga oshirish. Turizm sohasida 40 ming kishi bandligini ta‘minlash. 2022

yilda "abadiy shahar" tarixiy majmuasini o‘z ichiga olgan Samarqand turizm markazini va zaruriy infratuzilmani tashkil etish;

- Qoraqalpog‘iston Respublikasi va Orol bo‘yida ekoturizmni rivojlantirish bo‘yicha alohida dasturni amalga oshirish. Bunda, Mo‘ynoqning yangi aeroporti imkoniyatlaridan keng foydalanish;

- Xorazm viloyatida turizm yangi ish o‘rinlarini yaratishda asosiy drayver soha bo‘lishi uchun alohida dastur qabul qilish;

- Buxoro viloyatida turizmni jadal rivojlantirish bo‘yicha alohida dasturni amalga oshirish;


- Navoiy viloyatida ziyorat va ekoturizm salohiyatidan samarali foydalanish;

- Toshkent shahrida turizm infratuzilmasini yanada yaxshilash;

- Toshkent viloyatida turizm salohiyatini yangi bosqichga olib chiqish bo‘yicha alohida dastur ishlab chiqish[1].

Yuqorida bildirilgan fikrlarni inobatga olgan holda aytish mumkinki, mamlakatimiz turizm industriyasi raqobatbardoshligini oshirish va sohani barqaror rivojlantirish borasida amalga oshirilayotgan islohotlar keyingi yillarda ham izchillik bilan davom ettirilishidan dalolat beradi. Bu esa mamlakatimiz milliy turizm industriyasi faoliyati samaradorligi, uning raqobatbardoshligi va mamlakat iqtisodiyotidagi tutgan o‘rin bo‘yicha muqobil senariyalarni ishlab chiqish zaruriyatini uyg‘otadi.

Mamlakatimiz milliy turizm industriyasi faoliyati samaradorligini baholash uning raqobatbardoshligi darajasiga ta’sir ko‘rsatuvchi omillarning ta’sirini aniqlash imkonini beradi. Bunda avvalo turizm industriyasining muhim tarkibiy komponenti hisoblangan turistik firma va tashkilotlarning faoliyati samaradorligini baholash talab etiladi. Tahlilarga ko‘ra, 2010-2022 yillarda mamlakatimizda turistik xizmat ko‘rsatish faoliyati bilan shug‘ullanuvchi turistik korxona va tashkilotlar faoliyati samaradorligi rivojlanishi dinamik tendensiyaga ega bo‘ldi.



1-rasm. O‘zbekiston milliy turizm industriyasida turistik xizmatlar ko‘rsatuvchi tashkilotlar faoliyati samaradorligi ko‘rsatkichlari (turistlarga xizmat ko‘rsatish samaradorligi) [2]

Jumladan, 2010-2016 yillarda mazkur ko‘rsatkich 11,6 koeffitsiyentdan 10,7 koeffitsiyentga kamaygan bo‘lsa, 2019 yilga kelib 18,2 koeffitsiyentga yetdi. "Covid-19" pandemiyasining milliy turizm industriyasi faoliyati samaradorligiga salbiy ta’siri natijasida ushbu ko‘rsatkich 2020 yilda 6,3 koeffitsiyentga teng bo‘lgan bo‘lsa, 2021 yilga kelib esa mamlakatimizda koronavirus pandemiyasiga qarshi kurashish maqsadida amalga oshirilgan izchil chora-tadbirlar samaradorlik ko‘rsatkichini 20,1 koeffitsiyentga, 2022 yilda esa 21,2 koeffitsiyentga yetishiga olib keldi. O‘rganilayotgan davrda turistik xizmat ko‘rsatuvchi korxona va tashkilotlar faoliyati samaradorligi ko‘rsatkichiga ta’sir ko‘rsatuvchi mahalliy va xorijiy turistik oqim hajmi bo‘yicha ko‘rsatkichlar

ulushida tarkibiy o‘zgarishlar vujudga keldi. Jumladan, 2010-2014 yillarda samaradorlik ko‘rsatkichining ortishida xorijiy turistik oqim hajmining ta’siri nisbatan yuqori bo‘lgan bo‘lsa, 2015-2022 yillarda mamlakatimizda ichki turizmni rivojlantirish bo‘yicha amalga oshirilgan chora-tadbirlar sababli mahalliy turistik oqimning samaradorlik ko‘rsatkichiga ta’siri keskin ortishiga erishildi.

Milliy turizm industriyasining raqobatbardoshlik ko‘rsatkichini yaxshilashda turistik xizmatlar ko‘rsatuvchi korxona va tashkilotlar faoliyati samaradorligini oshirish muhim ahamiyat kasb etishini inobatga olgan holda, 2022-2026 yillarda Yangi O‘zbekiston Taraqqiyot strategiyasini amalga oshirish sharoitida ushbu ko‘rsatkichni rivojlantirish bo‘yicha muqobil senariyalarni ishlab chiqish talab etiladi. Ushbu vaziyatni inobatga olgan holda, o‘rta muddatli istiqbolda turistik xizmatlar ko‘rsatish samaradorligi ko‘rsatkichining rivojlanishi bo‘yicha pessimistik, inersion va optimistik prognoz ko‘rsatkichlari ishlab chiqildi.

Prognoz ko‘rsatkichlarni ishlab chiqishda intrepolyasiya usulidan foydalanilgan holda turistik xizmatlar ko‘rsatish samaradorligi ko‘rsatkichining rivojlanishiga ta’sir ko‘rsatuvchi omillarning turli o‘lchov birliklarga ega ekanligini inobatga olib logorifmik funksiya asosida prognoz ko‘rsatkichlari ishlab chiqildi. Birinchi senariya bu pessimistik prognoz ko‘rsatkichlari hisoblanib, bunda mamlakatimiz milliy turizm industriyasi tarkibida turistik xizmatlar ko‘rsatuvchi korxona va tashkilotlar faoliyati samaradorligiga salbiy ta’sir ko‘rsatuvchi quyidagi omillarning ta’sir etish kuchlarini baholashga ustuvorlik qaratildi:

- ko‘rsatilayotgan turistik xizmatlarning xalqaro raqobatbardoshlik ko‘rsatkichining nisbatan pastligi;
- turistik xizmatlar va mahsulotlarning narxlari nisbatan qimmatligi;
- turizm industriyasi raqobatbardoshligini rivojlanishiga ta’sir ko‘rsatuvchi boshqa milliy iqtisodiyot tarmoqlari infratuzilmalari, jumladan, transport, aloqa, xizmat ko‘rsatish kabi sohalar rivojlanish darajasining pastligi;
- turistik xizmatlar turlari va ular nomenklaturasining kamligi, jumladan, xizmatlar ko‘rsatish sohasining innovatsion faolligining pastligi va h.k.

Inersion prognoz ko‘rsatkichlarini ishlab chiqishda vaqt omilining o‘zgarishiga asoslanib, so‘nggi yillarda mamlakatimizda turizm industriyasi raqobatbardoshligini oshirish, turistik xizmatlar ko‘rsatish sohasini rivojlantirishga qaratilgan maqsadli davlat dasturlarining amalga oshirilishi mazkur tendensiyalar asosida saqlanib qolishiga ustuvorlik qaratilgan. Optimistik prognoz ko‘rsatkichlarini ishlab chiqishda esa turistik xizmatlar ko‘rsatuvchi korxona va tashkilotlar faoliyati samaradorligi, jumladan, turizm industriyasi raqobatbardoshligini oshirishga ijobiy ta’sir ko‘rsatuvchi omillarning ahamiyati oshirilgan. Shu o‘rinda ta’kidlash joizki, turistik xizmatlar ko‘rsatish amaliyotini innovatsion rivojlanish yo‘liga o‘tkazish va milliy turizm industriyasi raqobatbardoshligini oshirishning yetti bo‘g‘inli strategiyasini amaliyotga joriy etish optimistik prognoz ko‘rsatkichlariga erishish imkoniyatini kengaytiradi.

1-jadval


O‘rta muddatli istiqbolda O‘zbekistonda turistik xizmat ko‘rsatuvchi korxona va tashkilotlar faoliyati yalpi samaradorligini rivojlantirish bo‘yicha prognoz ko‘rsatkichlar

Prognoz ko‘rsatkichlari	Hisoblash formulasi	Korrelyasiya koeffitsiyenti (R^2)	Yillar			
			2023	2024	2025	2026
Pessimistik prognoz	$y = 62,684 \ln(x) - 652,63$	$R^2=0,7165$	19,9	19,3	19,2	18,7
Inersion prognoz	$y = 78,496 \ln(x) - 820,89$	$R^2=0,8156$	20,4	21,0	21,5	21,9
Optimistik prognoz	$y = 93,526 \ln(x) - 980,75$	$R^2=0,8347$	22,1	22,7	23,2	23,9

Manba: Muallif tomonidan hisoblangan

Hisob-kitoblarga ko‘ra, o‘rta muddatli istiqbolda pessimistik senariya bo‘yicha turistik xizmatlar ko‘rsatuvchi korxona va tashkilotlar faoliyati samaradorligi 2023-2026 yillarda qariyb 7,0 foizga kamayib 18,7 koeffitsiyentga teng bo‘lishi mumkinligi aniqlandi. Inersion prognoz ko‘rsatkichlari bo‘yicha ishlab chiqilgan senariyalarga ko‘ra, prognoz qilinayotgan davrda samaradorlik ko‘rsatkichi 9,5 foizga ortgan holda 21,9 koeffitsiyentga yetishi mumkin bo‘lsa, optimistik prognozlarga muvofiq, mos ravishda turistik xizmatlar ko‘rsatuvchi korxona va tashkilotlar faoliyati samaradorligi 18,9 foizga ortib, 23,9 koeffitsiyentni tashkil etishi mumkinligi aniqlandi (1-jadvalga qarang).


Mamlakatga xorijiy turistik oqim hajmini oshirishda turizm infratuzilmasining muhim tarkibiy komponentlaridan biri bo‘lgan jamoaviy joylashtirish vositalari, jumladan, sanatoriya-kurort muassasalari, dam olish tashkilotlari, turistik bazalar, mehmonxona va shunga o‘xshash joylashtirish obyektlari faoliyati samaradorligini oshirishga ustuvorlik qaratish talab etiladi. Bunda har bir birlikdagi joylashtirish obyektlari hissasiga to‘g‘ri keluvchi turistlar uchun mo‘ljallangan joylarni tahlil qilish orqali samaradorlik ko‘rsatkichi baholanadi. Tahlillarga ko‘ra, 2010-2022 yillarda mamlakatimiz turizm industriyasida turistlarni joylashtirish vositalari samaradorligi ko‘rsatkichi 1,3 marta ortib har bir joylashtirish obyektiga to‘g‘ri keladigan turistlar uchun mo‘ljallangan joylar soni 80,6 tadan 105,2 taga yetdi. Uning tarkibiy ko‘rsatkichlari tahliliga ko‘ra, mamlakatimizda mehmonxona va shunga o‘xshash joylashtirish vositalari samaradorligi ko‘rsatkichi sanatoriya-kurort muassasalari, dam olish tashkilotlari va turistik bazalar qayd etgan ko‘rsatkichlarga nisbatan sezilarli darajada past hisoblanadi (2-rasmga qarang). Bu esa keyingi yillarda mamlakatimiz turizm industriyasi raqobatbardoshligini oshirishda mehmonxona xo‘jaligi rivojlantirishga ustuvorlik qaratish zaruriyatini uyg‘otadi.



2-rasm. O‘zbekistonda turistlarni joylashtirish vositalari faoliyati samaradorligi va uning tarkibiy ko‘rsatkichlarining rivojlanish tendensiyalari (o‘rta hisobda har bir tashkilotga to‘g‘ri keladigan turistlar uchun mo‘ljallangan joylar, birlikda)[2]

Milliy turizm industriyasi raqobatbardoshligini xalqaro baholash amaliyotiga asoslangan holda amalga oshirilgan hisob kitoblarga ko‘ra, 2010-2022 yillarda ushbu sohaning raqobatbardoshligi ko‘rsatkichi 1,3 marta ortib, mos ravishda 3,2 indeksdan 4,2 indeksga yetganligini ko‘rishimiz mumkin (3-rasmga qarang). Ushbu holat mamlakatimiz milliy turizm industriyasi raqobatbardoshligi ko‘rsatkichi tobora takomillashib borayotganligidan dalolat beradi.

Keyingi yillarda mamlakatimiz turizm industriyasining raqobatbardoshligi indeksini oshirishga qaratilgan maqsadli davlat dasturlarini ishlab chiqishda uning prognoz ko‘rsatkichlarini ishlab chiqish talab etiladi. Ushbu vaziyatni inobatga olgan holda, yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasini amalga oshirish sharoitida mamlakatimiz turizm industriyasining raqobatbardoshligi indeksi rivojlanishining pessimistik, inersion, va optimistik senariyalariga asoslangan prognoz ko‘rsatkichlari ishlab chiqildi.



3 -rasm. O‘zbekiston milliy turizm industriyasining xalqaro[2]

Birinchi senariya pessimistik prognozlarga asoslangan bo‘lib, bunda mamlakatimiz milliy turizm industriyasi raqobatbardoshligi indeksiga salbiy ta‘sir ko‘rsatuvchi quyidagi omillarning ahamiyati oshirilgan holda uning rivojlanish ko‘rsatkichlari prognoz qilindi:

- aksariyat xorijiy turistlarning mamlakatimizda turistik xizmatlardan foydalanish bo‘yicha jon boshiga to‘g‘ri keluvchi xarajatlar hajmining kamligi. Jumladan, xorijiy turistik oqimning salmoqli qismi to‘g‘ri keladigan Qozog‘iston, Qirg‘iziston, Tojikiston, Turkmaniston kabi Markaziy Osiyo mamlakatlaridan tashrif buyuruvchi turistlarning jon boshiga to‘g‘ri keluvchi xarajatlari 60-160 AQSh dollardan ortmaydi;

- turistik xizmatlar ko‘rsatish sohasida innovatsion faollik darajasining pastligi;

- tijorat banklari tomonidan turistik korxona va tashkilotlar faoliyatini rivojlantirish uchun kreditlash amaliyotida yuqori foiz stavkasining mavjudligi;

- turistik xizmatlar ko‘rsatish sohasida yuqori malakali kadrlarning yetishmasligi;

- turizm sohasi rivojlanishi va uning raqobatbardoshligi indeksiga ta‘sir ko‘rsatuvchi boshqa iqtisodiyot tarmoqlari va sohalari infratuzilmasining rivojlanish darajasining pastligi;

- turistik xizmatlar narxlarining ularning sifatiga nisbatan yuqoriligi va h.k.

Pessimistik senariyalar asosida ishlab chiqilgan prognozlarga ko‘ra, 2026 yilga borib mamlakatimiz turizm industriyasi raqobatbardoshlik indeksi 1,6 martaga kamayib, 2,6 koeffitsiyentga teng bo‘lishi mumkinligi aniqlandi (2-jadvalga qarang). Ushbu holat «4P» konsepsiyasiga muvofiq «uch yulduzli» raqobatbardoshlikdan «ikki yulduzli» raqobatbardoshlik darajasiga tushib qolish xavfi mavjud, degan xulosaga kelish imkonini beradi.

2-jadval

O‘zbekiston turizm industriyasi raqobatbardoshligi indeksining rivojlanishi bo‘yicha prognoz ko‘rsatkichlar

Prognoz ko‘rsatkichlari	Hisoblash formulasi	Korrelyatsiya koeffitsiyenti (R^2)	Yillar			
			2023	2024	2025	2026
Pessimistik prognoz	$y = -2,759 \ln(x) + 33,106$	$R^2=0,0528$	3,9	3,3	3,1	2,6
Inersion prognoz	$y = 5,2298 \ln(x) - 51,898$	$R^2=0,2819$	4,1	4,2	4,2	4,3
Optimistik prognoz	$y = 14,79 \ln(x) - 153,63$	$R^2=0,5752$	4,5	5,3	5,6	6,1

Manba: Muallif tomonidan hisoblangan

Inersion prognoz ko‘rsatkichlarini ishlab chiqishda 2010-2022 yillar mobaynida mamlakatimiz turizm industriyasi raqobatbardoshligini oshirish va uni rivojlantirish bo‘yicha amalga oshirilayotgan islohotlar va rivojlanish tendensiyalari saqlanib qolgan taqdirda "4P" konsepsiyasiga muvofiq «uch yulduzli» raqobatbardoshlik darajasi saqlab qolinishi bilan birgalikda,

uni nisbatan takomillashtirishga erishiladi. Prognozlariga ko‘ra, 2026 yilga borib mamlakatimiz turizm industriyasi raqobatbardoshligi indeksi 2021 yilga nisbatan 0,2 koeffitsiyentga ortgan holda, 4,3 ga teng bo‘lishi mumkin (3-jadvalga qarang). Ushbu holat turizm industriyasi raqobatbardoshligi darajasini oshirishga qaratilgan davlat dasturlari samaradorligini oshirish zaruriyatini vujudga keltiradi.

Optimistik senariyalar asosida mamlakatimiz turizm industriyasi raqobatbardoshligini oshirish bo‘yicha prognoz ko‘rsatkichlarni ishlab chiqishda unga ijobiy ta‘sir ko‘rsatuvchi quyidagi omillarning ahamiyati oshirildi:

- turizm sohasini innovatsion rivojlanish yo‘liga o‘tkazish;
- davlat tomonidan turizm industriyasi raqobatbardoshligini oshirish va uni rivojlantirish bo‘yicha subsidiyalar ajratish amaliyotini takomillashtirish. Jumladan, innovatsion loyihalarni amaliyotga joriy etish xarajatlarining 50 foizi davlat tomonidan qoplanishi;
- innovatsion turistik xizmatlar ko‘rsatuvchi korxona va tashkilotlarga tijorat banklaridan imtiyozli shartlar asosida, ssuda kapitali hajmi qayta moliyalash stavkasining 50 foizidan ortiq bo‘lmagan hajmda kreditlash amaliyotini yo‘lga qo‘yish;
- turizm, jumladan, soha rivojlanishiga bilvosita va bevosita ta‘sir ko‘rsatuvchi iqtisodiyotning boshqa tarmoqlari infratuzilmalarini rivojlantirish;
- turistik xizmatlar narxlarini optimallashtirish va ularni sifat jihatdan takomillashtirish;
- xalqaro turistik xizmatlar bozorida milliy turizm industriyasi brendini rivojlanishi hisobiga xorijiy turistik oqim hajmining ortishi va h.k.

Hisob-kitoblarga ko‘ra, o‘rta muddatli istiqbolida optimistik senariyalar asosida mamlakatimiz turizm industriyasi raqobatbardoshligi ko‘rsatkichini qariyb 1,5 marta oshirish, 2026 yilga borib 6,1 koeffitsiyentga yetkazish imkoniyati mavjud (3-rasmga qarang). Ushbu holat "4R" konsepsiyasiga muvofiq, milliy turizm industriyasi raqobatbardoshlik ko‘rsatkichini «uch yulduzli» natijasini «to‘rt yulduzli» darajaga yetkazish imkoniyati mavjudligidan dalolat beradi.

Fikrimizcha, keyingi yillarda mamlakatimiz turizm sohasini rivojlanish imkoniyatlari, turistik xizmatlar ko‘rsatish salohiyatidan to‘liq foydalanish samaradorligini oshirishga qaratilgan chora-tadbirlarni amalga oshirish orqali xalqaro turistik xizmatlar bozoridagi milliy turizm industriyasi raqobatbardoshligi ko‘rsatkichini oshirishga erishiladi. Shu bilan birgalikda, milliy iqtisodiyot tarmoq tarkibida turizm sohasining yetakchi o‘rnini ta‘minlash uchun yetarli darajada shart-sharoitlar yaratiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

- 1.O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining «2022-2026 yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning Taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida»gi PF-60-son farmoni, 28.01.2022 y. <https://lex.uz/docs/5841063>
- 2.O‘zbekiston Respublikasi Turizmni rivojlantirish davlat qo‘mitasi ma’lumotlari.
- 3.Abdulloyev, A. (2021). Innovative factors for agriculture development. *Центр Научных Публикаций (Buxdu. Uz)*, 8(8).
- 4.Abdulloyev, A. (2023). Methodological foundations for evaluating the efficiency of agrocluster management. *центр научных публикаций (buxdu. uz)*, 42(42).
- 5.Junaydullayevich, A. A., & Rasulovna, Q. N. (2024). Sanoat korxonalarining iqtisodiy salohiyatini baholash usullarini ishlab chiqish. *Journal of economy, tourism and service*, 3(2), 20-24

ЦИКЛИК ТЕБРАНИШЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШГА ТАЪСИРИ

ВЛИЯНИЕ ЦИКЛИЧЕСКИХ КОЛЕБАНИЙ НА ЭКОНОМИЧЕСКОЕ РАЗВИТИЕ

IMPACT OF CYCLICAL FLUCTUATIONS ON ECONOMIC DEVELOPMENT

Жаббаров К.Й.

**Иқтисодиёт фанлари фалсафа доктори, доцент
Ўзбекистон Миллий университети**

Мақолада циклик тебранишларнинг пайдо бўлиши, илк шакллари ва бугунги кундаги кўринишлари ҳақида гап боради. Шунингдек, циклик тебранишларнинг иқтисодий ривожланишга таъсири мисоллар орқали ёритиб берилади. Тадқиқот якунида олинган хулосалар баён этилади.

Калит сўзлар: циклик тебранишлар, иқтисодий цикллар, иқтисодий ривожланиш, иқтисодий инқирозлар, тебранма ҳаракат.

В статье описываются о возникновении циклических колебаний, их первых формах и появлении сегодня. Также на примерах показано влияние циклических колебаний на экономическое развитие. В конце исследования подводятся выводы.

Ключевые слова: циклические колебания, экономические циклы, экономическое развитие, экономические кризисы, колебательное движение.

The article talks about the emergence of cyclical fluctuations, their first forms and their appearance today. Examples also show the impact of cyclical fluctuations on economic development. At the end of the study, conclusions are drawn.

Key words: cyclic fluctuations, economic cycles, economic development, economic crises, oscillatory movement.

Барча даврларда ўзига хос иқтисодий ривожланиш ва унинг белгилари кузатилган. Бу ўша пайтдаги иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва бошқа омиллар таъсирида юз берган. Бу омилларнинг негизида бўлса циклик тебранишлар ётган. Лекин бу даврларда циклик тебранишларнинг лозим даражада ўрганилмаганлиги бу асосни иккинчи ўринга ўтказиб қўйган.

Циклик тебранишлар, аниқроқ айтганда, иқтисодий цикллар тўғрисида Қадимги Греция ва Қадимги Хитой манбаларида ҳам маълумотлар келтирилган. Бу масалага асосан файласуфлар эътибор қаратганлар. Биринчи жаҳон иқтисодий инқирози 1857 йилда бўлиб ўтганига қарамасдан иқтисодий цикллар борасидаги илмий изланишларда расман силжишлар XIX асрнинг бошларида – 1929 йилда содир бўлган Буюк Депрессиядан кейин кузатила бошланган ва олимлар иқтисодий цикллар бўйича фаол илмий тадқиқотларни олиб борганлар.

Яқин ўтмишда жаҳонда циклик тебранишларни ўрганишларга қизиқишнинг ортиши ХХI асрнинг дастлабки йилларига, хусусан, 2008 йилда содир бўлган жаҳон моливий-иқтисодий инқирозига бориб тақалади. Анъанавий тарзда фундаментал ва амалий хусусиятга эга бўлган долзарб материалларни чоп этувчи “Вопросы экономики” журналада 2004 йилдан бошлаб то инқироз бошланган 2008 йилнинг охиригача иқтисодиёт ривожланишининг барқарорлиги муаммоларига бағишланган бирорта ҳам мақола босиб чиқарилмаган. Инқироз бошланганидан кейин эса мутаносибликни таъминлаш, иқтисодиёт

ривожланишининг барқарорлиги мавзусига бағишланган таҳлилий мақолалар маҳаллий, МДХ давлатлари ва чет эл нашрларида босилиши анча жонланган[1].

Бозор иқтисодиёти шароитида циклик ривожланиш ЯИМнинг реал ҳажми, инвестициялар ҳажми, ишсизлик даражаси каби асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг ўзгаришида кузатилиши мумкин. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви шароитида циклик ривожланиш маълум босқичлардан ўтиб, бир қанча хусусиятларга эга бўлди.

Циклик ҳаракатга таъсир қилган факторлар қаторида қуйидагиларни алоҳида кўрсатиб ўтиш керак:

Интеграция ва либерализация жараёнлари;

Халқаро меҳнат тақсимотининг кучайиши;

АКТ, дастурий таъминот, нанотехнология ва композит материаллар соҳаларининг жадал суръатларда ривожланиши ҳамда оммавий тарзда қўлланилиши[2].

Иқтисодий тараққиёт секин юз берадиган жойда цикли ривожланиш аниқ намоён бўлмайди. Машиналарга асосланган ишлаб чиқаришга ўтиш муносабати билан иқтисодий ўсишнинг интенсив усуллари ҳаракатга келгач, иқтисодиётдаги тебранма ҳаракат очик-ойдин намоён бўла бошлайди ва тез-тез такрорланиб туради. Фикримизча, бунга сабаб қуйидаги омилларнинг занжирсимон ҳаракати ҳисобланади (1-расм):



1-расм. Иқтисодиётда циклик ҳаракатнинг такрорланиши

Манба: Муаллиф ишланмаси

Шарқий Европа мамлакатлари иқтисодиёти бозор иқтисодиётига трансформацион ўтиш жараёнининг якунланиши муносабати билан циклик тебранишларнинг ўзига хослиги билан ажралиб туради. Россия ҳам глобал бозорга хос бўлган циклик тебранишлар дуч келган. Бу 2008 йилда содир бўлган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида яққол кўзга ташланди. Россия иқтисодиёти иқтисодий циклнинг барча фазаларини бошдан кечирган.


Бундан ташқари, Россия 2008-2010 йиллар оралиғида инқирозни бошдан кечирган минтақавий Америка (АҚШ) – Европа (Германия, Франция) иқтисодий циклининг домига тушиб қолади. Миллий иқтисодиётлар бир-бирига боғлиқлигининг кучайиши иқтисодий цикллилик асинхронлиги ўз ўрнини минтақавий цикллиликка бўшатиб беришига сабаб

бўлади. Чунки минтақадаги юқори салоҳиятли мамлакатларда циклик тебранишларда ўзгаришларнинг содир бўлиши минтақанинг бошқа мамлакатлари иқтисодиётига сезиларли даражада таъсир кўрсатади.

Ўзбекистондан ташқари барча мамлакатларда 2008 йилги инқироздан кейин 2009 йилда иқтисодий ўсиш пасайган ва 2010 йилда ўсиш суръатларига эга бўлган (2-расм).

АҚШ ва Европанинг етакчи давлатлари иқтисодий циклига Россия тушиб қолган. Ўзбекистон ва Хитойга бу пайтда минтақавий ва жаҳондаги иқтисодий циклларнинг таъсир даражаси нисбатан кам бўлган.

Лекин сўнги йилларда жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ва интеграция жараёнларининг кучайиши бу икки мамлакатни ҳам жаҳондаги иқтисодий цикллар таъсирига тушиб қолишига сабаб бўлган. Бу, айниқса, 2020-2022 йилларда яққол кўзга ташланади. Covid-19 дан кейин 2020 йилда бутун дунёда иқтисодий пасайиш кузатилган, хусусан, Ўзбекистон ва Хитойда ҳам. Бу жаҳондаги циклик тебранишларнинг мамлакатимиз иқтисодиётига сўнги йилларда таъсир доираси кенгайиб бораётганидан далолат беради.



2-расм. 2006-2022 йилларда жаҳонда ва айрим мамлакатларда ЯИМнинг йиллик қўшимча ўсиши[3], % да

Маълумотларга қараганда XIX асрнинг биринчи ярмида техникавий янгиланиш, яъни мавжуд техниканинг ўз муддатини ўтаб бўлиши ёки яроқсиз ҳолатга келиши учун 12-15 йил керак бўлган бўлса, XX асрнинг охирига келиб бу муддат 3-5 йилга тушиб қолган[4]. Бунинг устига талаб-эҳтиёж ҳам тез янгиланган. Шу сабабдан, ўсиш ва пасайишдан иборат тебранма ҳаракат қисқарган.

XIX асрда саноат цикли давомийлиги 10-12 йилни ташкил этгани ҳолда XX асрда унинг давомийлиги 7-9 йилгача камайган. Хулоса қилиб айтганда, бугунги глобаллашув ва мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий интеграция кучайган шароитда янги техника ва технологияларнинг янгиланиш даврининг кескин қисқариши, табиий офатларнинг зарар даражасининг ортиши ва жаҳон молия бозорларини тартибга солишнинг халқаро миқёсида етарлича мувофиқлаштирилмаганлиги сабабли саноат цикллари ҳаракати таъсир қувватли омиллар сони ортган ва циклларнинг даврий тақрорланиш оралиғи 2-4 йилгача қисқарган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Жаббаров К.Й. Иқтисодий инқирозлар ва уларга қарши дастурлар самарадорлигини ошириш йўллари. – Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т., 2020. – 130 б.

2. Петухов В.А. Особенности экономических циклов в условиях глобальных технологических сдвигов. – Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – М., 2013. – 28 с.
3. Жаҳон банки (<https://data.worldbank.org/indicator/NY.GDP.MKTP.KD.ZG>) маълумотлари.
4. Мўминов Н.Г., Эгамбердиев Ф.Т., Азизов Р.К. Макроиктисодиёт. - Т.: Центр инновационный технологии., 2017, - Б. 144.

УДК: 334.73:332.1

**ПОДДЕРЖКА ОТЕЧЕСТВЕННЫХ ПРОИЗВОДИТЕЛЕЙ: РАСШИРЕНИЕ
ПРОМЫШЛЕННЫХ КООПЕРАЦИОННЫХ СВЯЗЕЙ И ПОВЫШЕНИЕ УРОВНЯ
ЛОКАЛИЗАЦИИ ПРОИЗВОДСТВА В АО «УЗБЕКНЕФТЕГАЗ»**

**MAHALLIY ISHLAB CHIQUARUVCHILARNI QO‘LLAB-QUVVATLASH:
SANOAT KOOPERATSIYA ALOQALARINI KENGAYTIRISH VA
"O‘ZBEKNEFTGAZ" AJDA ISHLAB CHIQUARISHNI MAHALLIYLASHTIRISH
DARAJASINI OSHIRISH**

**SUPPORT OF DOMESTIC MANUFACTURERS: EXPANSION OF INDUSTRIAL
COOPERATION TIES AND INCREASING THE LEVEL OF LOCALIZATION OF
PRODUCTION IN UZBEKNEFTEGAZ JSC**

Назарова Раъно Рустамовна
доктор экономических наук
профессор кафедры «Зеленая экономика»,
Ташкентский государственный экономический университет

Султонова Шахло Акбаровна
самостоятельный соискатель кафедры «Зеленая экономика»,
Ташкентский государственный экономический университет

Аннотация

Высокие амплитудные изменения, происходящие в последние годы на мировом рынке, геополитическая ситуация в регионе создает ряд проблем в поставках продукции и услуг. Это, в свою очередь, влияет на стоимость импортной продукции. Повышение уровня локализации играет важную роль в обеспечении устойчивого и последовательного развития экономики страны, уменьшении ее зависимости от внешних факторов и ускорении внедрения новых технологий в производственный процесс.

Ключевые слова: уровень локализации, кооперационные связи, импортозамещение, отечественные производители, освоение новых видов продукции.

So‘nggi yillarda jahon bozorida yuqori amplitudali o‘zgarishlar, mintaqadagi geosayasiy vaziyat mahsulot va xizmatlarni etkazib berishda qator muammolar tug‘dirmoqda. Bu, o‘z navbatida, import mahsulotlari qiymatiga ta’sir ko‘rsatadi. Mahalliyashtirish darajasini oshirish mamlakat iqtisodiyotini barqaror va izchil rivojlantirishni ta’minlash, uning tashqi omillarga bo‘lishini kamaytirish va ishlab chiqarish jarayoniga yangi texnologiyalarni joriy etishni jadallashtir

Kalit so‘zlar: mahalliyashtirish darajasi, kooperatsiya aloqalari, import o‘rni bosish, mahalliy ishlab chiqaruvchilar, yangi turdagi mahsulotlar

High amplitude changes occurring in recent years in the world market, geopolitical situation in the region creates a number of problems in the supply of products and services. This, in turn,

affects the cost of imported products. Increasing the level of localization plays an important role in ensuring sustainable and consistent development of the country's economy, reducing its dependence on external factors and accelerating the introduction of new technologies into the product

Keywords: level of localization, cooperation ties, import substitution, domestic producers, development of new types of products.

Во исполнение постановления президента Республики Узбекистан ПП-4812 от 21.08.2020 года «О дополнительных мерах по поддержке отечественных производителей» и ПП-99 от 24.01.2022 «О мерах по созданию эффективной системы развития потребления и расширения промышленной кооперации в республике», со стороны АО «Узбекнефтегаз» ведутся комплексные работы по поддержке отечественных производителей, расширению промышленных кооперационных связей и развитию уровня локализации производства.

В рамках программы локализации, сокращения импорта и расширения кооперационных связей в период за январь - май текущего года проведены работы по освоению импортозамещающей продукции на основании «дорожных карт», утвержденных в рамках Республиканской межотраслевой промышленной ярмарки 12-15 декабря 2023 года.

Согласно утвержденным «дорожным картам» освоены такие импортозамещающие продукции и услуги, как фторопластовые муфты и заглушки (ООО «Carbon Polymer»), высокотемпературные термопары (ООО «Манокип Заводи»), металлические корпуса АВО из композитных материалов (ООО «Нео Стекло Пласт»), рукава высокого давления и услуги по ремонту установок высокой мощности «Кенворд» и агрегата «Кенворд колтюбинг» (ООО «DrilFlot- Asia»), химические реагенты (ООО «Process and Water Chemical»).

За последние годы сформирован список отечественных производителей специализирующихся на производстве продукции для нужд нефтегазовой отрасли. За январь - май месяцы текущего года проведены двусторонние встречи с 12 отечественными производителями, по итогам которых составлены протоколы, из них 6 встреч с выездом на производственные базы местных производителей, и остальные на объектах АО «Узбекнефтегаз».

Во исполнение поручений протоколов, подписанных в рамках двусторонних встреч, запланировано проведение опытно промышленных испытаний 39 наименований импортозамещающей продукции и услуг на предприятиях и управлениях АО «Узбекнефтегаз».

На сегодняшний день из запланированных к освоению из 39 импортозамещающих продукции, 22 продукции с положительным результатом прошли опытно промышленные испытания на объектах АО «Узбекнефтегаз».

Нефтегазовая промышленность Узбекистана является одной из ключевых отраслей экономики страны, играющей важную роль в обеспечении трудовых мест, производстве товаров и услуг, а также в формировании экспортного потенциала.

Согласно статистическим данным, количество промышленных предприятий в Узбекистане постепенно увеличивается, что свидетельствует о росте интереса к инвестициям в этот сектор экономики. Нефтегазовая отрасль, где работает порядка 1% занятого населения страны, является одним из основных источников формирования ВВП, доходов бюджета и валютных поступлений, а также играет значительную роль в структуре производства промышленной продукции и привлечения инвестиций.

Именно она дает возможности развития экономики, комфортного проживания людей, создания условий для нормального функционирования приоритетных отраслей экономики. Развитие промышленного сектора в регионах Узбекистана также заслуживает внимания, поскольку это способствует более равномерному распределению производства и созданию новых рабочих мест в отдаленных районах. Факторы, оказывающие влияние на развитие промышленного сектора страны, включают в себя инвестиции, технологические инновации,

кадровый потенциал, доступ к ресурсам и рынкам сбыта, а также правительственную политику в области поддержки и стимулирования промышленного производства.

В данной работе использовались следующие методы исследования:

- Анализ статистических данных: были использованы данные из ежегодной отчетности по выполненным работам департамента по локализации и расширению кооперационных связей АО «Узбекнефтегаз».

- Сравнительный анализ: были проведены сравнительные анализ показателей программы локализации и импортозамещения АО «Узбекнефтегаз».

СП ООО «SDK GROUP AND»:

- фильтрующий элемент ФЭК-ГКВ 7В;
- панельный воздушный фильтр G4 585x535x50t и G4 500x400x50t;
- воздушный, масляный и топливный фильтр азотного компрессора;
- воздушные фильтры HFA 397, HFA 054/1 и PFA 234;
- масляные фильтры MS 4093, OFS 110, HFA 054, ME 5584 и OFE 601;
- топливные фильтры DE 8000 и ME 5584;
- полусинтетические масла 10W40, 15W40;

ООО «Olmaliq metal group industries»:

- кварцево композитные решетки;

ООО «DrilFlot-Asia»:

- рукава высокого давления;

ООО «Petro Drilling»:

- буровые долота PDC (PD-215,9 SVD 516-T1.2 и PD-215,9 SVD 513-2.2);

ООО «NEO STEKLOPLAST»:

- лопасти АВО из композитных материалов;

ООО «Chilon Lubricants»:

- полусинтетические моторные масла DT SAE 10W40 CI-4/SL, SAE 10W40 API SL/SJ/CF, SAE 20W50 SF/CC, DT SAE 15W40 CF-4/SG.

ООО « UNGM-DR Servis Markazi »:

- роторы и рабочие колеса

ООО «UZPROMARM»:

- аутсорсинг ремонта шаровых кранов

Кроме этого, на сегодняшний день со стороны департаментов, предприятий и управлений АО «Узбекнефтегаз» проводятся опытно промышленные испытания ингибиторов коррозии для бурения (ООО «NEOLAB HIM SINTEZ», термопар и измерительные приборы (ООО «Манокип заводи», роторов и рабочих колес насосного оборудования (ООО «UNGМ-DR Servis Markazi»), ремонта и реставрация задвижек и шаровых кранов (ООО «Uzpromarm»).

Также ведутся комплексные работы по освоению новой продукции в рамках промышленной кооперации на 2023-2024 гг. с ООО «CARBON POLYMER» – производство полимерных труб диаметра 100-600 мм, ООО «AVTO TRAKTOR RADIATOR» – производство теплообменников из меди для систем охлаждения, ООО «Oil Tools Factory» – производство и услуги по ремонту ВЗД и буровых долот, ООО «Навои Эко Карбон» – производство активированного угля для нужд Uzbekistan GTL, «Академия наук Республики Узбекистан» – поверхностно активные вещества сульфанол и алкил сульфаты.

В рамках программы локализации, со стороны структурных предприятий АО «Узбекнефтегаз», за последние три года освоены новые виды импортозамещающих продуктов такие, как капельное орошение (ШГХК), бензин «quwatt» АИ-95, жидкий кислород (БНПЗ), азот и водород высокой чистоты (Уз-Коргаз Кемикал), что привело к значительному сокращению импорта как в нефтегазовой отрасли так и на Республиканском уровне.




Рисунок-1. Динамика уровня импортозамещения АО «Узбекнефтегаз»

С целью расширения кооперационных связей в области локализации производимой продукции с местными производителями, необходимые для нужд предприятий АО «Узбекнефтегаз» организована «Виртуальная выставка» в виде отдельной электронной площадки ung-cooperation.uz.

Данная платформа содержит информацию о более чем 8500 товарно – материальных ценностях, 10 различных производителей отрасли и импортеров в 25 различных товарных группах, закуп которых планируется от внешних и внутренних рынков.

На портале имеется возможность в онлайн режиме получить информацию о планируемых закупках в разрезе товарных групп и предприятий, о технических и физических характеристиках необходимой продукции, получить консультацию экспертов.

АО «Узбекнефтегаз» через электронный кооперационный портал за январь-май месяц 2024 года заключил 530 договоров на сумму 270 млрд сум.




Рисунок-2. Использование единого кооперационного портала АО «Узбекнефтегаз»

С целью постоянного поддержания двухсторонних отношений с отечественными и иностранными производителями, а также поиска новых партнеров, АО «Узбекнефтегаз» ведет активную выставочную деятельность. Так, для более эффективного торгово-экономического и инвестиционного сотрудничества между Республикой Узбекистан и Российской Федерацией 22-24 апреля текущего года были принято участие в международной промышленной выставке «ИННОПРОМ. Центральная Азия». В рамках мероприятия были проведены встречи в формате «B2B» и «B2G» с более чем 25 представителями промышленного сектора Российской Федерации.

14-16 мая текущего года был организован второй международный энергетический форум, в рамках которого со стороны проведено более 90 переговоров с зарубежными компаниями, достигнуто ряд важных договоренностей. В частности, были организованы встречи с Азербайджанской компанией «СОКАР», Малайзийским технологическим университетом Петронас, канадскими компаниями «Condor Energies» и «Golden Horizon», американской компанией «Бейкер хьюс», датской компанией «Haldor Topsoe», Канадским Университетом Южной Альберты, Российской компанией «Татнефть», а также компанией «Эпсилон».

Наряду с этим, в целях сокращения объемов импорта в отрасли, расширения производства конкурентоспособной продукции, АО «Узбекнефтегаз» приняло участие с корпоративным стендом в региональных межотраслевых кооперационных выставках, организованных в Бухарской и Ферганской областях. В ходе этих мероприятий подписано 160 меморандумов с отечественными производителями об освоении производства новых видов импортозамещающей продукции таких, как химические реагенты, фильтрующие элементы, промышленные и автотранспортные масла различного назначения, АВО лопасти, измерительные приборы и др. по которым подписаны 132 договора на общую сумму 140,0 млрд сум с отечественными производителями.

Таким образом, проанализировав деятельность АО «Узбекнефтегаз» за последующие годы можем заключить, что компания ведет комплексные работы по поддержке отечественных производителей, идет освоение новых видов импортозамещающей продукции, расширяются кооперационные связи с местными и зарубежными производителями, а также особое внимание уделяется углублению локализации и ускоренное расширение ее масштабов, эффективно используя имеющиеся сырьевые ресурсы и возможности.

Список использованной литературы:

1. Годовой отчет о проделанной работе по итогам 2023 года в направлении локализации, импортозамещения и расширения кооперационных связей АО «Узбекнефтегаз»
2. Отчет по состоянию на май 2024 года о проделанной работе в направлении локализации, импортозамещения и расширения кооперационных связей АО «Узбекнефтегаз»
3. Постановление президента Республики Узбекистан ПП-4812 от 21.08.2020 года «О дополнительных мерах по поддержке отечественных производителей»
4. Постановление президента Республики Узбекистан ПП-99 от 24.01.2022 «О мерах по созданию эффективной системы развития потребления и расширения промышленной кооперации в республике»
5. Статистические данные с единого кооперационного портала ung-cooperation.uz

YENGIL SANOATNI IQTISODIYOTNI RIVOJLANISHIDAGI O‘RNI

РОЛЬ ЛЕГКОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ В РАЗВИТИИ ЭКОНОМИКИ

ROLE OF LIGHT INDUSTRY IN ECONOMIC DEVELOPMENT

G‘oymatova D.G‘.
Andijon mashinasozlik instituti

Annatatsiya

Maqolada yengil sanoatning ijtimoiy-iqtisodiy ahamiyati, iste‘mol tovarlari va sanoat tovarlari ishlab chiqarish bo‘yicha kuchli ko‘p tarmoqli kompleks hisoblanadi;

Калит сўзлар: Sanoat, ishlab chiqarish, milliy iqtisodiyot, strategik maqsadlar.

В статье социально-экономическое значение легкой промышленности составляет мощный многоотраслевой комплекс по производству товаров народного потребления и промышленных товаров;

Ключевые слова: Промышленность, производство, народное хозяйство, стратегические цели

In the article, the socio-economic importance of light industry is a strong multi-sectoral complex for the production of consumer goods and industrial goods;

Key words: Industry, production, national economy, strategic goals,

Sanoat moddiy ishlab chiqarishning eng yirik va yetakchi tarmog‘idir. U kokteyl asboblari (asboblari), kokteyl mahsulotlari va iste‘mol tovarlarining ko‘p qismini yaratadi; barcha turdagi mashina va mexanizmlar, binolar va inshootlarning konstruktiv elementlari ishlab chiqariladi; yer osti boyliklari qazib olinmoqda; mineral, o‘simlik va hayvonot xomashyosi qayta ishlanadi, xalq iste‘moli mollari ishlab chiqariladi va hokazo.

Sanoat xalq xo‘jaligining barcha tarmoqlarini ishlab chiqarish vositalari va mehnat qurollari bilan ta‘minlaydi. Xalq xo‘jaligi, fan, ta‘lim, madaniyat, sog‘liqni saqlash, sport, turizm va boshqa sohalarining rivojlanishi sanoatning rivojlanish darajasiga bog‘liq.

Ishlab chiqaruvchi kuchlar va munosabatlarning rivojlanishida sanoatning tarixiy ahamiyati katta. Binobarin, uning rivojlanishi va samaradorligi qanchalik yuqori bo‘lsa, davlatning mavqei shunchalik mustahkam bo‘lib, aholi turmush darajasi ham shunchalik yuqori bo‘ladi.

Sanoat milliy iqtisodiyotning yetakchi tarmog‘idir. Butun iqtisodiyotning asosi bo‘lgan sanoat ishlab chiqarishi takror ishlab chiqarishni kengaytirish va iqtisodiy taraqqiyotni ta‘minlashda muhim o‘rin tutadi. O‘z-o‘zini himoya qilish va davlat xavfsizligi ko‘p jihatdan sanoatning rivojlanish darajasi bilan bog‘liq. Oziq-ovqat xavfsizligi va aholini iste‘mol tovarlari bilan ta‘minlash oziq-ovqat va yengil sanoatning rivojlanishi bilan belgilanadi. Shu bilan birga, sanoat tarmoqlarining yuqori raqobatbardoshligi mamlakatning jahon iqtisodiyotidagi o‘rni va rolining kuchayishiga olib keladi. Xulosa qilib aytganda, sanoat ishlab chiqarishining o‘sish sur‘ati qanchalik yuqori bo‘lsa, iqtisodiyotda shunchalik sifat o‘zgarishlari yuz beradi.

Sanoat moddiy ishlab chiqarishning asosiy tarmog‘i, iqtisodiyotning asosidir. Xalq xo‘jaligining barcha tarmoqlarini tiklashga qodir yirik mexanizatsiyalashgan sanoatgina mustaqillikning yagona moddiy asosi bo‘lishi mumkin.

Yengil sanoat mahsulotlariga talab muttasil ortib bormoqda. Qabul qiluvchilar tobora sifatli mahsulotlarni afzal ko‘rishmoqda, garchi yaqin o‘tmishda mahsulot tanlashda hal qiluvchi omil narx edi. Sanoatni tavsiflash uchun ishlab chiqarish kontsentratsiyasi ko‘rsatkichlari (bir guruh tovarlarning umumiy ishlab chiqarish hajmidagi korxona ulushi) va bozor kontsentratsiyasi (ma‘lum bir tarmoq bozorida ustunlik qiladigan mahsulotlar ishlab chiqarish hajmidagi korxonalar ulushi) ,

shuningdek, sanoat taklifi va sanoat talabi ko‘rsatkichlari qo‘llaniladi. Sanoat erkin kirish va chiqishni talab qiladi. Sanoatga kirish odatdagidan ko‘proq iqtisodiy foyda olish bilan belgilanadi. Sanoatdan chiqish normadan pastroq foyda olish bilan aniqlanadi. Yengil sanoat ham iste‘mol tovarlari, ham sanoat tovarlari ishlab chiqarish bo‘yicha kuchli ko‘p tarmoqli kompleks bo‘lib, 30 ga yaqin yirik sanoat tarmoqlarini o‘z ichiga oladi. Yengil sanoat xom ashyoni birlamchi qayta ishlashni ham, tayyor mahsulot ishlab chiqarishni ham amalga oshiradi. Sanoat maqsadlari uchun mo‘ljallangan yengil sanoat mahsulotlari boshqa tarmoqlarda xomashyo va yordamchi materiallar (mebel, aviatsiya, avtomobilsozlik, kimyo, elektrotexnika, oziq-ovqat va boshqalar) shaklida qo‘llaniladi. Sanoat, texnik va strategik maqsadlarga mo‘ljallangan mahsulotlarning keng assortimenti huquqni muhofaza qilish organlari va federal idoralarning kiyim-kechak, harbiy texnika uchun tegishli mahsulotlar, texnik to‘qimachilik va atrof-muhitning ekstremal va texnogen ta’siridan, ishlab chiqarish jarohatlaridan va shaxsiy himoya vositalariga bo‘lgan ehtiyojlarini qondiradi. yong‘inlar. Sanoat barcha nooziq-ovqat mahsulotlarining 40% dan ortig‘ini ishlab chiqaradi.

Yengil sanoat bir nechta kichik tarmoqlarni birlashtiradi:

- To‘qimachilik.
- Paxta.
- Junli.
- Ipak.
- Zig‘ir.
- Kanop va jut.
- Trikotaj.
- Kigiz.
- Tarmoqli trikotaj.

Sanoat milliy iqtisodiyotning yetakchi tarmog‘idir. Butun iqtisodiyotning asosi bo‘lgan sanoat ishlab chiqarishi takror ishlab chiqarishni kengaytirish va iqtisodiy taraqqiyotni ta‘minlashda muhim o‘rin tutadi. O‘z-o‘zini himoya qilish va davlat xavfsizligi ko‘p jihatdan sanoatning rivojlanish darajasi bilan bog‘liq. Oziq-ovqat xavfsizligi va aholini iste‘mol tovarlari bilan ta‘minlash oziq-ovqat va yengil sanoatning rivojlanishi bilan belgilanadi. Shu bilan birga, sanoat tarmoqlarining yuqori raqobatbardoshligi mamlakatning jahon iqtisodiyotidagi o‘rni va rolining kuchayishiga olib keladi. Xulosa qilib aytganda, sanoat ishlab chiqarishining o‘sish sur‘ati qanchalik yuqori bo‘lsa, iqtisodiyotda shunchalik sifat o‘zgarishlari yuz beradi.

Bugungi kunda O‘zbekistonda 60 mingga yaqin sanoat korxonasi faoliyat yuritmoqda. Ushbu korxonalarning 3,1 foizi tog‘-kon sanoati, 94,4 foizi qayta ishlash sanoati, 0,7 foizi elektr energiyasi, gaz, bug‘ ta‘minoti va havoni tozalash, 1,8 foizi suv ta‘minoti, kanalizatsiya, chiqindilarni yig‘ish va utilizatsiya qilish tarmoqlariga to‘g‘ri keladi.

Statistik ma‘lumotlarga ko‘ra, 2022-yilda O‘zbekistonda 228,9 trln. so‘mlik sanoat mahsulotlari ishlab chiqarildi. Bu 2021-yilga nisbatan 14,4 foizga ko‘pdir. Sanoat ishlab chiqarishining iqtisodiy faoliyat turlari bo‘yicha o‘rishini hisobga oladigan bo‘lsak, eng yuqori ko‘rsatkich tog‘-kon sanoatida qayd etilgan – 25,4 foiz. Ishlab chiqarish sanoati 2021 yilga nisbatan 13,2 foizga oshdi.

Sanoat moddiy ishlab chiqarishning asosiy tarmog‘i, iqtisodiyotning asosidir. Xalq xo‘jaligining barcha tarmoqlarini tiklashga qodir yirik mexanizatsiyalashgan sanoatgina mustaqillikning yagona moddiy asosi bo‘lishi mumkin. Mamlakat aholisi bandligini oshirishda sanoatning o‘rni beqiyos. Buni 1-jadvaldagi ma‘lumotlardan ko‘rish mumkin.

O‘zbekistonda mehnatga layoqatli aholining 50 foizi sanoat ishlab chiqarishida band. Shu o‘rinda shuni ta’kidlash kerakki, respublikada sanoat ta‘minoti tez sur‘atlar bilan yaxshilanadi, mehnatga layoqatli aholi ijtimoiy foydali mehnat bilan shug‘ullanadi, ya’ni bandlik darajasi sezilarli darajada oshadi. Tarmoqning jadal rivojlanishi sanoat xodimlari soni va ularning jamiyatdagi mavqeini yanada oshirishga olib keladi.

2020-2022 yillarda iqtisodiyot tarmoqlarida aholi bandligi va uning dinamikasi. (ming kishida)

Sanoat tarmoqlari	2020 yil	2021 yil	2022 yil
Ish bilan band bo‘lganlarning umumiy soni	13541.1	13236.4	13538.9
Shu jumladan sanoat	1821.5	1809.5	1863.2
Qishloq va o‘rmon xo‘jaligi	3544.6	3499.2	3414.7
Qurilish	1324.6	1305.6	1350.8
Transport va aloqa	646.1	610.5	654.2
Savdo, umumiy ta‘minot, ta‘minot, sotishga tayyorgarlik	1436.4	1405.4	1535.6
Salomatlik saqlamoq, jismoniy ta‘lim, sport turlari va ijtimoiy havfsizlik	616,7	669,5	650,8
Ta‘lim, madaniyat, san‘at, fan va ilmiy xizmat	1134.4	1158.2	1220.5
Boshqa sohalar	3016.8	2778.5	2849.1

Sanoatning rivojlanishi ishlab chiqaruvchi kuchlarning biryoqlama rivojlanishiga chek qo‘yadi va mamlakat va uning tarkibiga kiruvchi hududlarning tabiiy, xomashyo va oshpazlik resurslaridan kengroq va har tomonlama foydalanish imkoniyatini yaratadi.

Sanoat milliy iqtisodiyotning yetakchi tarmog‘idir. Uning ijtimoiy ishlab chiqarishni rivojlantirish, aholi farovonligini oshirishdagi ahamiyati beqiyos. O‘zbekiston sanoati uzoq tarixiy yo‘lni bosib o‘tdi va mustaqillik yillarida, 20-asrning so‘nggi 10 yilida tubdan o‘zgarib, bozor iqtisodiyoti talablari asosida rivojlana boshladi. 1980-yillarning o‘rtalarida boshlangan sanoat inqirozi tugadi va uning o‘sish sur‘ati 1995-yildan boshlab tezlashdi. 2022 yilda o‘sish 1995 yilga nisbatan taxminan 450 foizni tashkil qiladi. Eng muhim sanoat og‘ir sanoat bo‘lib, u boshqa tarmoqlarga nisbatan juda tez rivojlanmoqda. Xususan, yoqilg‘i-energetika kompleksi, mashinasozlik, metallurgiya, qurilish materiallari sanoati jadal rivojlandi.

O‘zbekiston sanoati fan-texnika taraqqiyoti, boshqaruv va tashkil etishni takomillashtirish, kadrlar salohiyatini yuqori darajaga ko‘tarish, shuningdek, xorijiy sarmoyalarni faol jalb etish tufayli izchil rivojlana boshladi. Mustaqillik yillarida uning tarmoq tuzilmasi tubdan o‘zgardi, natijada yangi tarmoqlar paydo bo‘ldi. Sohada erishilayotgan ulkan yutuqlar bilan bir qatorda qator kamchiliklar, hal etilmagan muammolar ham mavjud.

Ayni paytda O‘zbekistonda muammolarga yechim topish uchun barcha imkoniyatlar – ulkan moddiy, mehnat, moliyaviy va intellektual resurslar mavjud. Ulardan oqilona foydalanish asosida respublika sanoatini qudratli sanoatga aylantirish va uni yanada yuqori samaradorlik darajasiga ko‘tarish mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. A. Ortiqov//Sanoat iqtisodiyoti//O‘zbekiston Yozuvchilar uyushmasi Adabiyot fondi nashriyoti Toshkent 2009 y.
2. O‘zbekiston Respublikasining ijtimoiy-iqtisodiy ahvoli. 2018 yil yanvar-dekabr. Toshkent – 2019 yil.
- 3.<https://uzts.uz/>

**ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР ШАРОИТИДА БАНК ХИЗМАТЛАРИНИ
ТАРТИБГА СОЛИНИШИНИ БОШҚАРИШ**

**УПРАВЛЕНИЕ РЕГУЛИРОВАНИЕМ БАНКОВСКИХ УСЛУГ В УСЛОВИЯХ
ЭКОНОМИЧЕСКИХ РЕФОРМ**

**MANAGING THE REGULATION OF BANKING SERVICES IN THE CONTEXT
OF ECONOMIC REFORMS**

**Ташматов Шухрат Ҳамраевич,
и.ф.д., профессор. ТДИУ
“Фундаментал иқтисодиёт” каф. профессори**

Мақолада диверсификация қилиш шариоитида банк фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштириш масалалари кўрилган, банк хизматлари бозорини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари аниқланган. Банк хизматлари бозорининг элементлари ва механизмларини такомиллаштириш йўналишлари асослаб берилган, банк фаолияти ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсири таъкидланган ва тавсифланган.

Калитли сўзлар: иқтисодиёт, бозор ислохотлари, банк фаолияти, диверсификация қилиш, банк хизматлари бозори, тижорат банклари, банк менежменти, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, банк тизими, банк назорати, банклар ишини бошқариш, акциядорлик банклари.

В статье рассматриваются вопросы развития и совершенствования банковской деятельности в условиях диверсификации, определены приоритетные направления развития рынка банковских услуг. Обоснованы направления совершенствования их элементов и механизмов рынка банковских услуг, выделяются и описываются характерные особенности развития банковской деятельности и их влияние на социальное и экономическое развитие Республики Узбекистан.

Ключевые слова: экономика, рыночные реформы, банковская деятельность, диверсификация, рынок банковских услуг, коммерческие банки, банковский менеджмент, социально-экономическое развитие, банковская система, банковский надзор, управление банками, акционерные банки.

The article examines the development and improvement of banking activities in the context of diversification, identifies the priority directions of development of the banking services market. The directions of improving their elements and mechanisms of the banking services market are substantiated, the characteristic features of the development of banking activities and their impact on the social and economic development of the Republic of Uzbekistan are highlighted and described.

Key words: economy, market reforms, banking activity, diversification, banking services market, commercial banks, bank management, socio-economic development, banking system, bank supervision, management of banks, joint-stock banks.

Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари изчил амалга оширилаётганлиги натижасида иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатлари таъминланаётган ҳозирги кунда банк хизматларисиз ҳаётни тасаввур қилиб бўлмайди. Тараққиётимизда уларнинг ўрни бекиёс. Барча соҳаларда бўлгани каби банк хизматлари соҳасида ҳам бозор муносабатлари шаклланиши ва ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Улар ҳар бир давлат учун маълум бир миллийликни вужудга

келтиради. Мустақиллик йилларида шаклланган мамлакатимиз банк хизматлари хизматлари ҳам ўзига хос йўналишда ривожланмоқда.

Республикада банк тизимини такомиллаштириш Ўзбекистон иқтисодиётини эркинлаштириш босқичидаги муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бозор ислохотларини амалга оширишдаги ҳар бир босқичнинг барча асосий иқтисодий муаммолари кўп жиҳатдан мазкур вазифанинг ҳал этилишига боғлиқ. Банк тизими фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий тизимни халқаро стандартларга мос равишда ривожлантириш, халқаро стандартлар асосида банк тизимини ташкил этиш ва уни такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш мавзунинг долзарблигидан далолат беради.

Иқтисодий ислохотлар шароитида банк хизматлари ролини ошириш, тартибга солиш ва уни замон талабларига мос равишда такомиллаштириб бориш ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан ўта долзарб муаммо ҳисобланиб, иқтисодиётни барқарор ривожланишини таъминлаш босқичида банк хизматларини тартибга солиниши. Банк хизматлари тизимини ташкил этиш ва уни такомиллаштириш муаммоларини ўрганиш борасида қатор етакчи олимлар, хусусан, Тимоти У. Кох, В.М.Родионова, И.А.Федатова, Д.Ғозибеков асарларида банк тизимининг ишончлилиги, уни банкни бошқаришнинг юқори даражаси, бозор интизоми ва тартибга солувчи органларнинг назорати муаммолари тадқиқ этилган.

Автоматлаштирилган ахборот тизими асосида таълим муассасасини бошқариш муаммоси ва унинг айрим жиҳатлари М.А. Гончаров[4], А.Г.Ларкин[5], А.П. Егоршин, О. Арефьев, А. Арутюнова, Т. Бурменко, Р. Джапарова, Н. Елецкий, Б. Моргоев, О. Сагинова, И. Романова, Н. Терешченко каби хорижий тадқиқотчилар асарларида кўриб чиқилган. У.Бек, Дж.Плосл, А.Слоан, О.Уайт ва бошқалар бошқарувнинг умумий методологияси ва унинг механизмларини такомиллаштириш, шунингдек, турли автоматлаштирилган ахборот тизимларининг асосини ташкил этувчи назарий тадқиқотлар ва амалий ишланмаларга эътибор қаратганлар. Шунингдек, Б.Гейтс[5] тадқиқотлари ҳам алоҳида диққатга сазовор бўлиб, уларда интеллектуал ахборот тизимлардан фойдаланишнинг концептуал асослари илгари сурилган.

Мақоланинг назарий ва услубий асосини маҳаллий ва хорижий олимлар ва амалий иқтисодчиларнинг ҳудудлар ривожланишида қишлоқ хўжалиги муаммоларини ўрганишнинг бозор механизмининг амал қилишини тартибга солиш ва эркин тадбиркорлик шароитида рақобатни ҳимоя қилиш, ҳудудлар бўйича қишлоқ хўжалиги тармоғида юз бераётган ўзгариш тенденциялари асосида уни ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини аниқлаш муаммоларига бағишланган ишлари ташкил этди. Мақолада Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва меъёрий ҳужжатлари, хорижий монополияга қарши қонун ҳужжатлари, давлат статистикаси, халқаро ва Республика илмий-амалий конференциялар ва семинарлар материаллари, иқтисодиётнинг ўрганилаётган йўналишлари бўйича илмий ишланмалардан фойдаланилган.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон банк тизими ривожланишининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, у мамлакат раҳбарияти томонидан олдинга қўйилган асосий вазифани амалга оширишга, яъни иқтисодиётнинг янада жадал ривожланиши учун пойдевор яратишга катта ҳисса қўшган ҳолда, ҳар бир босқичда мамлакатдаги бозор ислохотларининг фаол иштирокчиси бўлди.

Ўзбекистон банк тизимидаги ислохотлар ҳозирги замон банк фаолияти соҳасидаги чуқур ва муҳим ўзгаришлар замирида амалга оширилмоқда. Бунда банклар фаолиятини бошқаришни қайта ташкил қилишга нисбатан эҳтиёж пайдо бўлади. Тез ўзгариб турувчи ҳозирги замонда банк менежментининг бутун тизими ҳам тез ривожланмоқда. Бу, биринчи навбатда, бозор ислохотларини амалга ошираётган мамлакатларда инобатга олиниши зарур. Бунини 1990-йилларнинг бошидаёқ Жаҳон банкнинг мутахассислари тавсия қилган эди.

Ҳозирги вақтда тижорат банкларининг ривожланишида банк хизматлари соҳасини монополиядан чиқариш тенденцияси чуқурлашиб бормоқда. Иқтисодиётнинг алоҳида тармоқларига хизмат кўрсатишга ихтисослашган банкларни ташкил этиш йўли билан содир

бўлди. Банкларнинг бозорга йўналтирилиши банк фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш соҳасида ҳам тегишли ўзгаришларни талаб қилади. Банк менежментининг замонавий даражасига, қачонки у банклар ва бутун банк тизимининг хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш соҳасида ҳал қилувчи омилга айлангандагина эришилади.

Среди 11 стран абсолютным лидером по объемам одобренного финансирования стал Узбекистан, на страну пришлось 3,2 миллиарда долларов, что больше половины от всех выделенных средств. Причем Узбекистан стал главным получателем денег от всех представленных многосторонних банков развития. Финансирование было преимущественно сосредоточенно в секторах экономической политики (1,6 миллиардов долларов), сельского хозяйства (0,5 миллиарда долларов) и транспорта (0,4 миллиарда долларов)[5]. Большая часть этих инвестиций направлена на финансирование проектов по Целям устойчивого развития. Например, один из финансируемых проектов, стоимостью 670 миллионов долларов - на содействие переходу Узбекистана к инклюзивной и устойчивой рыночной экономике, профинансированный Азиатским банком инфраструктурных инвестиций.

Таким образом, это доказывает вышесказанное утверждение о инвестиционной текущей тенденции, и необходимость банков в скорейшей интеграции концепции.

В Республике Узбекистан банковская система состоит из двух уровней, банковская деятельность является лицензируемой. Центральный банк Республики Узбекистан является Центральным банком страны, и выдает лицензии другим банкам на ведение их деятельности. В Узбекистане на настоящее время работает всего 30 банков, виды и количество которых указано на следующем рисунке.



Рис.2 Количество и классификация банков в Узбекистане

Согласно приведенному выше рисунку количество государственных банков составляет - 5, акционерно-коммерческих – 13, частных – 6, и с участием иностранного капитала – 5[1]. В последние годы идет усиленная приватизация государственных банков. Если еще пару лет назад доля госбанков составляла больше 10, то сейчас их численность приравнялась к 5.

Некоторые из этих банков успешно начали внедрять концепцию Устойчивого развития, другие только на пути к ней или только планируют. Диапазон мероприятий и проектов в рамках Устойчивого развития может быть разным, как правило, каждый банк выбирает наиболее удобный для себя путь к интеграции концепции. Тем не менее, стратегия банка, направленная на достижение Целей устойчивого развития, будет обладать общими характеристиками и задачами, такими как – деятельность и функционирование банка, повышающие не только рост своей прибыли, но и охват социальных и экологических аспектов.

«Ипак Йули банк» в 2019 году стал первым участником программы Европейского банка реконструкции и развития (ЕБРР) в Узбекистане, по проекту финансирования "Зеленая экономика", а в 2021 году был удостоен награды в номинации «Sustainable Client Excellence Award 2021» (Награда за выдающиеся достижения устойчиво развивающемуся клиенту 2021 года) от банка «Deutsche Bank AG» (Германия), одного из глобально системно значимых банков во всемирной экономике.

Одним из лидеров по количеству активов, а также в разработке и поддержке концепции, является Узпромстройбанк. В 2020 году он запустил платформу для зеленого финансирования и создал необходимую внутреннюю ESG-экосистему, включая маркетинг, брендинг, разработку новых зеленых продуктов, развитие каналов продаж и обучение персонала. Сейчас в банке доступны зеленая ипотека, зеленое кредитование для малого и среднего бизнеса, и также финансирование для корпоративных клиентов. В сфере зеленого банкинга профинансированы 105 энергосберегающих проектов на сумму 90 млн долларов, направленных на охрану окружающей среды. Внедрена система управления экологическими и социальными рисками.

Ипотека-банк выдает «зеленый» кредит на покупку энергосберегающих средств по базовой процентной ставке Центрального Банка (15%). Но главным их шагом стало то, что была разработана их ESG-стратегия, где определились пять стратегических целей, и в мае 2024 года был выпущен их первый отчет по Устойчивому развитию. Примечательно также, что Ипотекабанк, привлекают международные агентства для оценки своих ESG-факторов. Полученные результаты можно найти на веб-сайте банка. Политика управления рисками разработана и опубликована, также банк начал снижать количество финансируемых проектов, связанных с CO₂, т.к. одна из его целей – стать углеродно-нейтральным банком. Дополнительно, был утвержден список исключений – то есть в своей деятельности и при участии в реализации проектов клиентов, банк придерживается следованию экологическому и социальному запретному списку (неприемлемые кредиты, регулируемые кредитной политикой банка и перечнем запрещенной инвестиционной деятельности партнеров банка).

Асакабанк выдает льготные «зеленые» потребительские кредиты физическим лицам на покупку установок на основе возобновляемых источников энергии (ВИЭ). В дальнейшем есть планы о его приватизации.

Национальный банк внешнеэкономической деятельности предлагает кредит на предоставление оборотных средств предприятиям, занимающимся производством альтернативных электротехнических устройств. Также банк подписал заёмное соглашение с Standard Chartered Bank и Landesbank Baden-Württemberg (LBBW) о привлечении синдицированной кредитной линии на сумму 100 млн евро под страховое покрытие Многостороннего агентства по гарантиям инвестиций (MIGA), являющегося членом группы Всемирного банка[6]. Кредитная линия направлена на финансирование инвестиционных проектов МСБ, сфокусированных на таких отраслях, как сельское хозяйство, производство, торговля, сфера услуг, альтернативная энергетика, здравоохранение. Равнозначное внимание будет уделено созданию новых рабочих мест.

Каково же финансовое состояние банков, имеющих «зеленые» продукты? Ниже представлены цифры прибыли упомянутых банков за первый квартал 2024 года, за исключением Асакабанка. Так как последний отчет они представляли за 2022 год.

Чистая прибыль банков, имеющих «зеленые» продукты в Узбекистане

Наименование банка	Чистая прибыль (в тыс.сум)
НБУ	69 932 951
«Узпромстройбанк»	590 223 315
«Ипотека банк»	364 072 132
«Ипак Йули Банк»	232 435 217

Изучая отчеты о результатах исследований о проведенных мероприятиях в сфере Устойчивого развития в стране, трудности в трансформации банковского сектора продолжают присутствовать. Например, одна из проблем указана в Страновом анализе 2023 года: банковский сектор призван сыграть важную роль в поддержке МСП, возглавляемых женщинами, но определенные недостатки сохраняются. Очень немногие банки предлагают индивидуальные продукты для предприятий, возглавляемых женщинами, собирают данные о своих клиентах с разбивкой по полу или проводят регулярные исследования сегментации рынка/клиентов[7]. Безусловно наблюдаются и другие препятствия.

Подводя итог, следует сказать, что из 30 банков, количество поддерживающих концепцию ЦУР очень невелико, и рост идет медленным темпом. В то же время, растет число инвестиционных планов на проекты по финансированию Устойчивого развития и процесс увеличения числа банков – необходимо, как и для экономики страны, так и для самих учреждений.

Другие акционерно-коммерческие и частные банки, получающие большую прибыль и имеющие большое количество активов, должны пробовать разработать стратегии Устойчивого развития и встать на путь их реализации. Так как данная концепция не очень известна в Узбекистане, одной из ключевых проблем является то, что банки не знают, как начать свой новый путь и каким аспектам отдать приоритет.

Тем не менее, опираясь на опыт зарубежных и местных банков, рекомендации по интеграции концепции могут быть следующими:

- Создание комитета и рабочей группы, сфокусированной на разработке стратегии Устойчивого развития;
- Проведение опроса среди сотрудников банка с целью выяснения их уровня осведомленности о концепции;
- Разработка обучающих курсов о сущности Устойчивого развития;
- Полная проверка имеющихся проектов на финансировании, и выявление среди них наиболее «опасных», разработка «списка-исключений» аналогичного списку Ипотекибанка;
- Мониторинг и обновление корпоративной деятельности банка;
- Определение приоритетных Целей устойчивого развития (из 17 целей) и открытая публикация о выборе; выбор Целей может основываться на результатах опроса мнения сотрудников, анализа наиболее популярных Целей зарубежных банков и приоритетных Целях страны, обозначенных в Стратегии Узбекистана;
- Разработка продуктов – зеленых облигаций;
- Разработка продуктов для предпринимателей-женщин, определенных льгот для них (т.к. было сказано о проблеме, связанной с малым количеством таких продуктов).

Заключительный вывод гласит, что банковский сектор Узбекистана пока постепенно перенимает концепцию Устойчивого развития в свои стратегии. Однако, те банки, которые уже взялись за интеграцию – усиленно продолжают увеличивать ее, внедряя политики управления рисками, оценки международными агентствами, количество продуктов и подготовку ежегодных отчетов. Все это благотворно влияет на репутацию и рейтинг банков, их прибыль, экономику и благосостояние страны.

Список использованной литературы

1. Банковская система Узбекистана (википедия)
2. Статистический сборник «Цели устойчивого развития в Республике Узбекистан». – Ташкент: Агентство статистики при Президенте Республики Узбекистан, 2023 – 91 стр.
3. Организация Объединенных Наций Обновленный Общий страновой анализ: Узбекистан, март 2021 года
4. <https://www.spot.uz/ru/2024/04/03/sqb/>
5. <https://nova24.uz/money/uzbekistan-stal-glavnym-poluchatelem-deneg-ot-mezhdunarodnyh-bankov-v-evrazijskom-regione/>
6. <https://www.gazeta.uz/ru/2024/06/03/nbu-agreement/>
7. Страновая стратегия: Узбекистан 2024-2029. Всемирный банк.

УДК:331.5.07

МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ТРУДОВЫХ РЕСУРСОВ

USE OF LABOR RESOURCES

Камилова Анора Носировна

**Андижон машинасозлик институти “Иқтисодиёт”
кафедраси катта уқитувчиси**

Аннотация

Мақолада меҳнат ресурсларидан фойдаланиш жараёналарига бозор иқтисодиётининг асосий элементларидан бири бўлган меҳнат бозорининг шаклланиши ва ривожланиши бевосита таъсир кўрсатиши, ҳамда ушбу мавзу бўйича олимлар фикри таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Меҳнат ресурслари, меҳнат бозори, ишчи кучи, инсон омили, билим малака, тажриба, интеллектуал.

В статье формирование и развитие рынка труда, который является одним из основных элементов рыночной экономики, напрямую влияет на процессы использования трудовых ресурсов, а также анализируется мнение ученых по этой теме.

Ключевые слова: Трудовые ресурсы, рынок труда, рабочая сила, человеческий фактор, знания, навыки, опыт, интеллектуальное, духовное благо.

In the article, the formation and development of the labor market, which is one of the main elements of a market economy, directly affects the processes of using labor resources, and also analyzes the opinion of scientists on this topic.

Keywords: Labor market, labor resources, workforce, human factor, knowledge, skills, experience, intellectual, spiritual benefit.

Инсон омилидан самарали фойдаланиш эса мамлакатда амалга ошириладиган меҳнат муносабатлари ва бандлик соҳасидаги сиёсатга бевосита боғлиқдир. Шунинг учун ҳам демографик прогнозларнинг амалга ошириш жараёнини назорат қилиш ва меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлашга қаратилган изчил сиёсат юритиш, меҳнат бозорини шакллантириш иқтисодиёт соҳасида яқин келажакдаги устивор йўналишлардан бири сифатида белгиланди.

Ҳозирги даврда тараққиёт кўп жиҳатдан инсон ресурсларидан қанчалик самарали фойдаланилишига боғлиқ эканлиги ҳақидаги тезиснинг нечоғлиқ тўғри эканлиги ривожланган мамлакатлар тажрибаси кўрсатиб турибди. Айнан инсон омили билан боғлиқ бўлган

кўрсаткичлар, яъни инсонларнинг меҳнат соҳасидаги маънавияти, уларнинг билим ва илмий салоҳияти, қобилияти, иқтисодий фаоллиги қабилар иқтисодий тараққиёт, фаровонлиги ва мамлакатлар ҳафсизлигини таъминловчи омиллардан бўлиб юзага чиқмоқда.

П.Э.Шлендер ва профессор Ю.П.Кокиннинг таърифига кўра: ”Меҳнат-бу жамият истеъмолига фойдали маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган фаолият: моддий ёки маънавий. Меҳнат иқтисодий нуқтаи назардан бу одамларни онгли мақсадга мувофиқ фаолият жараёни, у ёрдамида табиат моддалари ва кучи кўриниши ўзгартирилади, ўз эҳтиёжларини қаноатлантиришга мослаштиради. Меҳнат-бу ўзига хос тизим, уч таркибдан иборат: меҳнат предметлари, меҳнат воситалари ва инсон, меҳнат субъектлари, меҳнат воситалари ёрдамида шу жараёнда предметлар маҳсулотга ўзгартирилади. А.Маршаллнинг таърифи бўйича: “меҳнат-бу бевосита ўзи бажарган ишдан қаноатланишни ҳисобламаганда, қандайдир натижага эришиш мақсадида тўлиқ ёки қисман қўлланилувчи ҳар хил ақлий ва жисмоний куч”[1] деб ҳисоблаган. А.Маршаллнинг келтирган таърифида инсон ўз ақли ва жисмоний кучини сарфлаб, ҳар қандай натижага эришади деган хулосага келиш мумкин.

Меҳнат-бу инсонни асаб ва куч энергиясини сарфлаш жараёни, унинг натижасида жамият ҳаёти ва ривожланиши учун истеъмол қиймати яратилади” [1].

Меҳнат, бир томондан инсонни яратувчанлик, мақсадга мувофиқ фаолият жараёни, улар ёрдамида табиат предметлари кўриниши ўзгартирилади ва ўз эҳтиёжларини қондиришга мослаштириш тушунилади, бошқа томондан, шу жараён қатнашчиларини ўзаро ҳаракат тизими, ишлаб чиқариш воситалари эгалари (мулкдорлар) билан ишчи кучи эгаларини ўзаро алоқаси (фойдали маҳсулот ва хизмат кўрсатиш лаёқатига эга) турли хил сон ва сифат тавсифномалари позицияси нуқтаи назаридан ўрганилади[3].

Қ.Х.Абдурахмоновнинг таърифига кўра, “меҳнат мавжуд табиий, моддий, ақлий захираларни шахсий ва ижтимоий эҳтиёжлар учун керакли маҳсулотга айлантиришда фақат инсонгагина хос фаолиятдир. Меҳнат тушунчаси физиологик нуқтаи назардан айтилганда бу-организмда йиғилиб қолган ҳаёт энергияси туфайли содир бўладиган асаб ва мушаклар ҳаракати ҳамда оксил моддаларнинг механик ишга киришув жараёнидир”[4].

А.А.Касимовнинг фикрича, меҳнат бозорининг барқарорлигини таъминлашда асосий омиллардан бири бу мамлакатда фаол меҳнат бозори сиёсати юритишдир[5].

Б. Э. Мамарахимов фикрича, ишчи кучи талаби ва таклифининг шаклланишининг ўта мураккаб жараён бўлиб, унга турли омиллар қаторида иқтисодийни модернизациялаш ҳам аҳамиятли таъсир кўрсатади[6].

Айни вақтда меҳнат-бу мураккаб ижтимоий-психологик жараён бўлиб, у кишиларнинг яшаши учун шарт бўлган абадий табиий заруриятдир. Меҳнат инсон билан табиат ўртасида содир бўладиган шундай жараёнки, унда инсон ўзининг фаолияти билан ўзи ва табиат ўртасидаши моддалар алмашинувини бевосита ифодалайди, тартабга солади ва назорат қилади.

Ҳозирги кунда меҳнат бозори иқтисодийнинг олдида турган энг муҳим муаммо ҳисобланади. Меҳнат бозорида ишчи кучига бўлган талаб билан унинг таклифи шаклланади ва тартибга солинади. Демак, меҳнат бозорининг самарали амал қилиши учун, биринчидан, ишлаб чиқариш воситаларига эга бўлиб, унинг ёрдамида ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ёки уни кенгайтириш иккинчидан, ишлаб чиқариш воситаларига эга бўлмаган ва иш билан банд бўлмаган кишиларнинг мавжудлиги зарур. Ана шулар меҳнат бозорининг асосий субъектлари, меҳнат бозори иштирокчилари ҳисобланади[7].

Меҳнат бозори жамият иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётининг муҳим соҳасидир. Ҳозирги пайтда меҳнат бозори хўжалик юритишнинг таркибий қисмларидан бирига айланган.

Меҳнат бозорида бандлик даражаси,% [8]

№	Кўрсаткичлар/йил	2019	2020	2021	2022	2023
1	Ўзбекистон республикаси бўйича	67.4	68.1	66.0	67.0	67.2
2	Андижон вилояти бўйича	72.3	69.6	66.5	68.2	69.5

2019 йили пандемия ҳисобига бандлик даражаси ўтган йилга нисбатан пасайганлиги кўриш мумкин. 2020 йилдан бошлаб меҳнат бозорида ишчи кучига талаб ошиб борган (1-жадвал).

Айрим мутахассисларнинг фикрича, меҳнат бозори ишчи кучига бўлган талаб ва таклифни ифодаловчи механизм сифатида кўрилса, бошқа иқтисодчилар гуруҳи меҳнат бозори фақатгина ишчи кучига бўлган талабни қондиришга шароит яратади, деб ҳисоблайдилар. Учинчи хилдаги тоифа ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг фикрига кўра, меҳнат бозори-ўз шахсий қобилияти ишчи кучларини такрор ишлаб чиқариш ҳамда уларни ижтимоий меҳнат тақсмоти тизимида товар ишлаб чиқариш, айирбошлаш қонунлари асосида ҳаётини кундалик воситаларга алмаштириши муносабатларининг мураккаб тизимини ўзида ифодалайди.

Шундан келиб чиқиб, меҳнат бозорига қуйидагича таъриф бериш мумкин-меҳнат бозорида ишчи кучи шаклланади, тартибга солинади ҳамда корхоналар, тармоқлар ва минтақалар бўйича тақсимланади.

Ҳозирги шароитда жамиятнинг бутун иқтисодий тизими мураккаблашуви билан боғлиқ ҳолда меҳнат бозори ишлаши жараёнида унинг ижтимоий институтлар сони кўпайиб бормоқда. Улар жумласига:

- таълим ва кадрлар тайёрлаш тизими;
- умуммиллий ва минтақавий миқёсида меҳнат бозорини малакали кадрлар билан таъминлаш;
- малакали ишсизларни ижтимоий суғурталаш;
- малакали ишчи кучининг умуммиллий, минтақавий ва маҳаллий меҳнат бозорлари ўртасидаги алоқаларни таъминлайдиган давлат ташкилотлари ва нодавлат ташкилотлар тизими.

Шу билан бирга, миллий иқтисодиётнинг барча тармоқлари нафақат белгиланган касб-малака эга бўлган, балки иқтисодиётнинг эҳтиёжларига мос келувчи маданий ва меҳнат сифатларига ҳам эга бўлган зарур кадрларни талаб этади.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

1. Генкин Б.М. “Экономика и социология труда”. Учебник для вузов.-М.:Издательская группа НОРМА-ИНФРА. М, 1999 г.-3-стр.
2. Экономика труда: Учебник/Под.ред.проф.П.Э.Шлендера, и проф.Ю.П.Кокина.-М.:Юристъ, 2002 г.-22-26-стр.
3. Экономика труда: Учебник /Под ред.проф.П.Э.Шлендера, и проф.Ю.П.Кокина.-М.:Юристъ, 2002г.-56-стр.
4. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси: Олий ўқув юртларининг иқтисодиёт соҳаси бўйича талабалар учун дарслик./Қ.Абдурахмоновнинг умумий таҳрири остида/-Т.:”Ўқитувчи”, 2001-8-бет.
5. А.А.Касимов. Меҳнат бозорининг ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш йўллари./ JOURNAL OF MARKETING, BUSINESS AND MANAGEMENT (JMBM). VOLUME 1, ISSUE 2 (April) ISSN: 2181-3000
6. Б.Э.Мамарахимов. Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнининг ишчи кучини такрор

ишлаб чиқаришга таъсири

7. Б.Алиев. “Меҳнат бозорини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари” /Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси/-2003 й. 5-сон, 62-бет.

8. <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/labor-market-2>

UDK: 910.27:615.8

**MINTAQALARDA TIBBIY TURIZMNI O‘RGANISHNING AYRIM NAZARIY VA
AMALIY JIHATLARI**

**НЕКОТОРЫЕ ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ И ПРАКТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ИЗУЧЕНИЯ
МЕДИЦИНСКОГО ТУРИЗМА В РЕГИОНАХ**

**SOME THEORETICAL AND PRACTICAL ASPECTS OF STUDYING MEDICAL
TOURISM IN THE REGIONS**

Murtazayeva Gulrux Isabek qizi

“Ipak Yo‘li” turizm va madaniy meros xalqaro universiteti magistranti,
gulrukhmurtazaeva@gmail.com,

Annotatsiya

Ushbu maqolada tibbiy turizm sohasidagi mavjud ilmiy va amaliy materiallarni o‘rganish asosida uning muhim tarmoqlari bilan bog‘liq asosiy tushunchalarga e‘tibor qaratilgan. Aytish o‘rinliki, tizimli va qiyosiy tahlil, mavjud manbalar tahlili bizga ushbu sohalarni sharxlash imkonini berdi. Manbalarni tahlil etish asosida yuqoridagi tarmoqlarning umumiy xususiyatlari va tafovutlari aniqlandi. Mazkur sohada nafaqat turizm mutaxassislari, tibbiyot sohasi vakillari, qolaversa boshqa mutaxassislar jumladan geograflar, iqtisodchilar tadqiqotlar olib borishgan.

Kalit so‘zlar: kurortologiya, tibbiy turizm, sog‘lomlashtirish turizmi, karta, turistik marshrut, balneologik resurslar, geografik axborot tizimlari, turistik axborot baza, rekreatsiya.

В данной статье на основе изучения существующих научных и практических материалов в сфере медицинского туризма уделено внимание основным понятиям, связанным с его важными отраслями. Стоит сказать, что систематический и сравнительный анализ, анализ доступных источников позволили нам прокомментировать эти направления. На основе анализа источников определены общие характеристики и различия вышеуказанных сетей. В этой области исследования проводили не только специалисты по туризму, представители медицинской сферы, но и другие специалисты, в том числе географы и экономисты.

Ключевые слова: курортология, медицинский туризм, оздоровительный туризм, карта, туристский маршрут, бальнеологические ресурсы, геоинформационные системы, туристско-информационная база, рекреация.

In this article, based on the study of existing scientific and practical materials in the field of medical tourism, attention is paid to the main concepts related to its important branches. It is worth saying that systematic and comparative analysis, analysis of available sources allowed us to comment on these areas. Based on the analysis of the sources, the general characteristics and differences of the above networks were determined. In this field, not only tourism specialists, representatives of the medical field, but also other specialists, including geographers and economists, conducted research.

Key words: health resort, medical tourism, wellness tourism, map, tourist route, balneological resources, geographic information systems, tourist information base, recreation.

Bugungi kunda dunyoda daromadlilik darajasi bo'yicha rekreatsiya va turizm sohasi uchinchi, tovar va xizmatlar eksportida to'rtinchi o'rinni egallab, global yalpi ichki mahsulotidagi ulushi 10,0 foizni tashkil etadi[21]. UNWTO ma'lumotlariga ko'ra, 2022-yilda 900 milliondan ortiq sayyoh xalqaro miqyosda sayohat qilgan[22]. Rekreatsiyaning tobora rivojlanishi insonlar salomatligini mustahkamlash, mehnat faoliyati davomida yo'qotilgan jismoniy, aqliy, ruhiy quvvatini qayta tiklash bilan shug'ullanuvchi faoliyatlarni jonlantirishni kechiktirib bo'lmaydigan masalalardan biriga aylanmoqda. Rekreatsioon - turistik xizmatlarni rivojlantirishning nazariy - uslubiy asoslarini takomillashtirish, rekreatsiya sohasini rivojlantirishga e'tibor qaratuvchi ko'plab davlatlarning o'ziga xos tabiiy, ijtimoiy-iqtisodiy geografik xususiyatlaridan kelib chiqqan holda rekreatsiyani rivojlantirish chora-tadbirlarini ishlab chiqishga qaratilgan tadqiqotlarga alohida e'tibor berilmoqda. 2022-2026-yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekiston taraqqiyot strategiyasining 35-maqsadida "To'siqsiz turizm infratuzilmasini mamlakatning asosiy turizm shaharlarida keng joriy qilish. 2026-yilgacha turizm sohasida band bo'lgan aholi sonini 2 baravar oshirib, 520 ming nafarga yetkazish"[23] masalasi alohida belgilab berilgan. Bu borada, jumladan, mintaqalar rekreatsioon destinatsiyalarida turizmning barcha sohalarini kuchaytirish, turistik oqimni jonlantirish, yangi turistik marshrutlar va turpaketlar yaratish dolzarb ahamiyat kasb etadi.

Ma'lumki, rekreatsiya hamda turizmning tibbiy, sog'lomlashtirish, sigari turlari insonning me'yoriy turmush tarzining zaruriy sharti bo'lib, ruhiy zo'rqiqlashni yumshatish, mehnat qobiliyatini tiklash vositasi va ishlab chiqarishda qatnashishni faollashtirish sharti hisoblanadi. Rekreatsiya tufayli ishchi va xizmatchilarning mehnat qilish qobiliyati tiklanib, uning davomiyligi uzayadi. Ayniqsa tibbiy turizm bugungi kunda O'zbekistonda tobora shakllanib borayotgan sohalardan biri bo'lsada biroq uni yuqori sur'atlarda rivojlanib bormoqda deyish biroz mushkul. Xususan, 2023-yilda jami 61,3 nafar xorijiy fuqarolar davolanish maqsadida respublikamizga tashrif buyurgan bo'lsa, bu raqam 2014-yilda 85,4 nafarni tashkil qilgan. Biroq asta-sekin xorijiy va mahalliy turistlarning bunday destinatsiyalarga bo'lgan qiziqishlari tobora ortib borayotganligi bois bu borada yangidan yangi ilmiy tadqiqotlar, ishlanmalarga talab kuchaymoqda.

Shuni ta'kidlash kerakki, ilgari ilmiy va amaliy muomalada "tibbiy turizm" atamasi ko'pincha "davolovchi turizm" atamasi bilan almashtirilgan. Biroq, so'nggi yillarda tibbiy turizm professional aloqa sohasida va keng jamoatchilik orasida muomalada bo'lgan asosiy sohaga aylandi. "Tibbiyot turizmi" atamasining ilmiy va amaliy muomalaga kirib kelishiga asosan xorijiy sanoatni rivojlantirish amaliyoti yordam berdi. Xorijda an'anaviy ravishda davolash va sog'lomlashtirish maqsadlari bilan bog'liq turizmning ikki turi - tibbiy turizm, sog'lomlashtirish turizmi bilan bog'liq qator tadqiqotlar amalga oshirilgan [1,2,3].

Manbalar asosida tibbiy turizmning ta'riflariga, e'tibor qaratilsa ularning o'zaro farqi ko'zga tashlanadi. S.O. Vasilyeva, Y.F. Seleskerova [4], R.M. Navodnich [5] ta'rifiga ko'ra tibbiy klinik turizmning bir qismi sifatida diagnostika va jarrohlik turizmiga e'tibor qaratiladi. M.D. Horowitz, J.A. Rosensweig [6] tibbiy turizm deganda turistlarning yuqori darajada rivojlangan mamlakatlardan kam rivojlangan mamlakatlarga tibbiy xizmatlar uchun arzonroq narxlarni izlab harakatlanishini tushunadilar. Bemorlar harakatining teskari yo'nalishi, ya'ni kam rivojlangan mamlakatlardan rivojlangan mamlakatlarga ular tomonidan tibbiy turizm emas, balki xalqaro tibbiy sayohatning an'anaviy modeli sifatida qaraladi. Gerasimov P.A. [7] tadqiqotlarida tibbiy klinik turizmni kurort turizmidan ajratish uchun "tibbiy sayohat" atamasidan foydalanadi. Darhaqiqat, u kurort turizmini tavsiflash uchun "tibbiy sayohat" atamasini ishlatadi. Umuman olganda, tibbiy turizm - bu sog'liqni saqlash va tibbiy xizmatlarni olish maqsadi bo'lgan sayohat turi hisoblanadi. Ayrim ta'riflarda sayohat davomiyligiga asosiy e'tibor qaratiladi. Masalan, G.Y Shekin [9], V.V. Galkin [10] ta'riflarida tibbiy tashkilotda qolish muddati bir yildan oshmasligi kerakligini ta'kidlaydi va shu bilan ushbu turizmning o'ziga xos xususiyati uzoqroq sayohatlar, ba'zan esa turizm tushunchasida ko'zda tutilgan sayohat davomiyligidan oshib ketishi bilan ta'riflanadi. Olimlar tomonidan berilgan ba'zi ta'riflarda tibbiy turizmga dam olish va turistik xizmat resurslaridan foydalanishga ham ko'proq urg'u berilgan. Xususan, P.P.Gerasimov [7] tibbiy turizmga juda keng ma'noda ta'rif beradi. Jumladan, olim nafaqat an'anaviy tibbiy klinik va davolash-kurort turizmi, balki tibbiy turizm sohasidagi infratuzilma ob'ektlari, tibbiy xizmatlari,

shuningdek, shifokorlar, tibbiy asbob-uskunalar turizmi masalalariga ham alohida e’tibor qaratgan (1-jadvalga qarang).

1-jadval

Tibbiy turizmning ta’riflari

Mualliflar	Ta’riflar
Vasilyeva S.O., Seleskerova Y.F. [4]	Tibbiy turizm - bu fuqarolarning chet elda davolanishini tashkil etishdan iborat bo‘lgan turizm yo‘nalishidir. Tibbiy turizm - bu mamlakatdan tashqarida dam olish va yuqori malakali tibbiy xizmat ko‘rsatishni foydalanishni o‘zaro birlashtirish amaliyotidir.
Gerasimov P.A. [7]	Tibbiy turizm - bu o‘z mamlakatidan tashqarida tibbiy yordam so‘rash bo‘yicha faoliyat sifatida belgilanadi va bemordan belgilangan davlatga sayohat qilishni, shuningdek viza/ruxsat olish, ko‘chirish va joylashtirishni talab qiladi. Tibbiy turizm tibbiy sayohatdan farq qiladi, u odatda maslahatlar, sog‘liqni saqlash muolajalari yoki sog‘lig‘ini saqlash uchun terapevtik reabilitatsiya muassasalariga tashrif buyurishni o‘z ichiga oladi..
Horowitz M.D., Rosensweig J.A. [6]	Tibbiy turizm - bemorlarning yuqori darajada rivojlangan mamlakatlardan dunyoning boshqa mintaqalariga, odatda, arzonroq narxda tibbiy yordam olish uchun tashrifidir. Tibbiy turizm xalqaro tibbiy sayohatning an‘anaviy modelidan farq qiladi. Bunda bemorlar odatda yuqori darajada rivojlangan mamlakatlardagi yirik tibbiyot markazlarida davolanish imkonini bo‘lmaganligi bois past darajada rivojlangan mamlakatlarga borishadi.
Navodnichiy R.M. [5]	Tibbiy turizm - bu yashash mamlakatidan tashqarida tibbiy xizmatlar ko‘rsatishni anglatadi. Ushbu yo‘nalishning o‘ziga xos xususiyati chet elda dam olishni dunyodagi eng yaxshi tibbiyot markazlarida yuqori malakali yordam olish bilan birlashtirish imkoniyatidir. Tibbiy turizm, o‘z navbatida, ikki turga bo‘linadi: diagnostik (tashxis va tekshirish uchun), operativ (operatsiya qilish va davolash uchun).
Bukman M., Bukman K. [8]	Tibbiy turizm - bu o‘z sog‘lig‘ini yaxshilash maqsadida sayohat, shuningdek, xizmatlar savdosi bo‘lgan iqtisodiy faoliyat va kamida ikkita sektor: tibbiyot va turizmni birlashtiradi.
Shekin G.Y.[9]	Tibbiy turizm - bu turistik faoliyat turi bo‘lib, uning maqsadi tibbiy yordam ko‘rsatish bo‘lib, turizm xizmatlari orqali amalga oshiriladi. Tor ma‘noda tibbiy turizm deganda an‘anaviy ravishda bemorlarning biror mintaqa yoki mamlakatdagi davolanish, reabilitatsiya va dam olish joyiga ko‘chishi tushuniladi. Davolash va reabilitatsiyaga sarflangan vaqt bir yil bilan cheklangan.
Galkin V.V. [10]	Tibbiy turizm ichki va xalqaro turizm xizmatlari bozorining ajralmas qismi bo‘lib, uning muhim va ajralmas qismi hisoblanadi. Tor ma‘noda tibbiy turizm deganda an‘anaviy ravishda bemorlarning biror mintaqa yoki mamlakatdagi davolanish, reabilitatsiya va dam olish tashrif buyurishi tushuniladi. Davolash va reabilitatsiyaga sarflangan vaqt bir yil bilan cheklangan.

Manba: Jadval manbalar asosida muallif tomonidan tuzildi.

Tibbiyot turizmini rivojlangan infratuzilmaga ega bo‘lgan yagona bozorlar tizimiga bog‘langan tibbiyot sanoati va mehmondo‘stlik sohasi sifatida ta’riflash mumkin. Jumladan, nafaqat tibbiyot muassasalari, balki turli biznes tarmoqlari – sug‘urta, bank, yuridik yordam, transport, shuningdek, nafaqat bemorlar va mehmonlarning, balki tibbiyot xodimlarining, diagnostika va operatsion uskunalarining migratsiyasini ham o‘z ichiga oladi. Manbalarda va mavjud ta’riflarda tibbiy turizmga sinonim bo‘lgan bir necha tushunchalarga duch kelamiz. Ular orasida “tibbiy turizm”, “tibbiy sog‘lomlashtirish turizmi”, tibbiy va rekreatsion turizm, singari atamalar ko‘r uchraydi va ularga olimlar tomonidan turlicha ta’riflar keltirib o‘tilgan (2-jadval).

Tibbiy turizm negizida davolash va sog‘lomlashtirish turizmnini aks ettiruvchi ta‘riflar

Mualliflar	Ta‘rifi
Vetitneva A.M., Dzyubino A.V., Torgashev A.A. [12]	Tibbiy-sog‘lomlashtirish turizmi turizm faoliyatining bir qismi bo‘lib, sayohatning asosiy motivi sifatida turistlar tomonidan o‘z yoki korporativ mablag‘lari hisobidan hududlarda ko‘rsatiladigan davolash, diagnostika, reabilitatsiya, profilaktika va dam olish xizmatlarini olishlarini nazarda tutadi. doimiy yashash joyidan tashqari va kasalliklarning oldini olish yoki turli patologiyalarni reabilitatsiya qilish/davolash uchun zarur tabiiy, moddiy va mehnat resurslariga ega
Федякина А.А.[13]	Tibbiy- sog‘lomlashtirish turizmi - insonning hayotiy funksiyalarini tiklashga qaratilgan va kasal va zaif odamlar uchun mo‘ljallangan turizm.
Рихтер Л.К. [12]	Tibbiy turizm - bu rekreatsion (dam olish va ko‘ngilochar) va sog‘lomlashtirish dasturlarining kombinatsiyasi.
Каспар С. [1]	Tibbiy turizm – insonlarning belgilangan davolash choralari asosida jismoniy, ruhiy va ijtimoiy salomatlikni yaxshilash, barqarorlashtirish va tiklash maqsadida doimiy yashash joyini o‘zgartirganda, yuzaga keladigan aloqalar majmui.
Оборин М.С. [16]	Sog‘lomlashtirish (kurort) turizmi o‘zining "sof", klassik tushunchasidagi sog‘lomlashtirish turizmining bir turi bo‘lib, dam oluvchilarni davolash, sog‘lomlashtirish, reabilitatsiya qilish va kasalliklarning oldini olish maqsadida ixtisoslashtirilgan kurort muassasalarida olib borilishini nazarda tutadi.
Оборин М.С. [16]	Tibbiy va rekreatsion turizm - bu sog‘lomlashtirish va sog‘lomlashtirish turizmining bir turi bo‘lib, uning doirasida dam oluvchilarning sayohatlaridan asosiy maqsad rekreatsion xizmatlar va ular bilan bog‘liq bo‘lgan(sog‘lomlashtirish, profilaktika va reabilitatsiya) xizmatlarini olishdir.
Babkin A.V.[17]	Tibbiy-sog‘lomlashtirish turizmi - aholining turli kasalliklarini oldini olish maqsadida davlat chegarasi doirasida va davlat chegarasidan tashqarida kamida 20 soat va 6 oydan ortiq bo‘lmagan muddatga sog‘lomlashtirish maqsadida harakatlanishini ta‘minlaydi. Tibbiy va sog‘lomlashtirish turizmi balneologiyaga asoslangan.
Yefimov S.A., Yefimova A.S. [15]	Tibbiy-sog‘lomlashtirish turizmi - turizmning qo‘shma shakli bo‘lib, uning turistik mahsuloti tarkibiga terapevtik (tibbiy) turizm elementlari va sog‘lomlashtirish turizmi elementlari kiradi.
Rančić M., Popov-Raljić J.,L.Pavić [18]	Sog‘lomlashtirish turizmi - surunkali kasalliklar va ruhiy kasalliklarni davolashda optimal natijalarga erishish uchun chora-tadbirlarni amalga oshiradi.

Manba: Jadval manbalar asosida muallif tomonidan tuzildi.

Ta‘riflar juda qisqa va umumiy jihatlarni o‘z ichiga qamrab olgan bo‘lsada ular juda aniq va batafsil keltirilgan, atamaning asl mohiyatini ochib berishga xizmat qilgan. Jadval ma‘lumotlaridan shuni ko‘rish mumkinki, tibbiy va sog‘lomlashtirish turizmi ta‘rifida Efimova S.A., Efimova A.S. faqat tibbiy jihatga e‘tibor qaratadi. Xususan, xizmatlar terapevtik (tibbiy) muolajalar va sog‘lomlashtirish dasturlarini o‘z ichiga oladi [15].

Sog‘lomlashtirish turizmi ta‘rifida (Milica Rančić, Yovanka Popov-Raljić, Lazar Pavić [18]) asosiy e‘tibor kasalliklarning davolash funksiyasi va turlariga qaratiladi. Bundan tashqari yana qir qancha olimlar tibbiy turizmga alohida o‘z ta‘riflarini keltirib o‘tishgan. Y.L. Drachev [2] “Tibbiy

turizm sog‘lomlashtirish maqsadida amalga oshiriladi va sanatoriy-kurort muassasalarida bo‘lishni o‘z ichiga oladi”- deya ta’rifladi, G.Y. Ilqin [9] ta’rifiga ko‘ra “Tibbiy turizm - bu turistik faoliyatning quyi tizimi bo‘lib, unda dam olish va rehabilitatsiya funksiyalari bir-birini to‘ldiradigan tarzda amalga oshiriladi”. A.N. Razumov va b.[19] Bu borada o‘zining quyidagi ta’rifini keltirib o‘tadilar: “Tibbiy turizm - sanatoriy-kurort majmuasi ishini sayohat texnologiyasi nuqtayi nazaridan tashkil etishni ko‘rib chiqadigan kurort faoliyatining bir qismi”. Yevropa kurort assotsiatsiyasi esa “Tibbiy turizm - bu shaxsning sog‘lig‘i va jismoniy rivojlanishiga ta’sir qiluvchi va dam oluvchining yashash joyini o‘zgartirishni o‘z ichiga olgan faol dam olish turidir”- deya o‘z ta’rifini bildirgan.

Bizning fikrimizcha, tibbiy turizm - bu sayohatni moliyalashtirishda, odatda, mijozning o‘z mablag‘lari hisobidan tashkillashtiriluvchi sof tibbiy xususiyatga ega sanatoriy-kurort faoliyatiga nisbatan turistik dam olish shakllarining ustuvorligi asosida kurort yoki sanatoriy sharoitida dam olish va davolanishning kombinatsiyasidir. Boshqacha qilib aytganda, tibbiy turizm - ixtisoslashtirilgan tibbiy va turistik resurslardan foydalangan holda yuqori malakali tibbiy yordam ko‘rsatish maqsadida sayohat mablag‘lari manbasidan yoki tibbiyot xodimlaridan qat’i nazar, tibbiy, sog‘lomlashtirish, profilaktika va dam olish xizmatlarini olish maqsadida bemorlarning doimiy yashash joyidan chiqib ketishi sanaladi. Bunda inson yoki shaxs nafaqat chet elga, balki butun mamlakat bo‘ylab boshqa mintaqalarga sayohat qilish, ularning sayohatdan maqsadi tibbiy, sog‘lomlashtirish, profilaktika va dam olish xizmatlarini olish, ixtisoslashtirilgan tibbiy va turizm resurslaridan foydalanish masalalariga e’tibor qaratiladi. Tibbiy turizm so‘nggi paytlarda turizm va rekreatsiyadagi urfga aylangan yo‘nalishlardan biri bo‘lib bormoqda.

Bugungi kunda tibbiy turizm AQSh, Kanada va G‘arbiy Yevropa aholisi orasida juda mashhur. AQShda yz millonga yaqin o‘gir kasallikka chalingan bemorlarni davolashni sug‘urta kompaniyali o‘z zimmasiga olmaydi. Shuning uchun ko‘plab amerikaliklar chet elda davolanishni afzal ko‘rishadi, chunki yurak, ortopedik va boshqa ko‘plab kasalliklarni davolash narxi Hindiston yoki Tailandda shunga o‘xshash davolanish narxining to‘rtidan bir qismi, ba’zan esa o‘ndan bir qismi bo‘lishi mumkin.

So‘nggi yillarda Osiyo mamlakatlari tibbiyot turizmi bozorida muhim faoliyat ko‘rsatmoqda. Yaponiya, Isroil, Janubiy Koreya klinikalari kuchli tibbiy turistik salohiyati bilan ajralib turadi. Kanada va Buyuk Britaniya aholisi davlat sug‘urtasiga ega bo‘lsada, ammo mutaxassisga murojaat qilish uchun bir necha oy kutishin kerak va operatsiyani kutish muddati 2 yilgacha bo‘lishi mumkin. Shuning uchun ham ko‘pincha kutmasdan kerakli muolajalarni o‘tkazishlari va davolanishlari mumkin bo‘lgan mamlakatlarga borishadi.

Tibbiy turizmning asosiy maqsadi ma’lum tibbiy xizmatlar va (yoki) boshqa tibbiy aralashuvlarni olish, sog‘lomlashtirish turizmi - bu terapevtik (tibbiy) xizmatlardan foydalanmasdan, insonning salohiyatini (jismoniy, hissiy, mehnat) tiklashga qaratilgan faol dam olish, rekreatsion faoliyatni o‘z ichiga olgan turizm sanaladi. Tibbiy kurort turizmida esa - ixtisoslashtirilgan tibbiy va turistik resurslardan foydalangan holda yuqori malakali tibbiy yordam ko‘rsatish maqsadida sayohatni moliyalashtirish manbasidan yoki tibbiyot xodimlaridan qat’i nazar, diagnostika, rehabilitatsiya, sog‘lomlashtirish, profilaktika va dam olish xizmatlarini olish uchun bemorlarning doimiy yashash joyidan ketishi. Biz o‘z tadqiqot ishimizda asosiy e’tiborni tibbiy va rekreatsion, tibbiy-sog‘lomlashtirish turizmiga qaratdik.


Aytish o‘rinliki, keyingi yillarda respublikamizda sanatoriylar, sanatoriy-profilaktoriylar, dam olish uylari, pansionatlar va bolalar sog‘lomlashtirish lagerlari soni ko‘paydi va bu o‘z-o‘zidan ularga bo‘lgan talabning ortib borishi bilan bevosita bog‘liq. Olib borilgan tahlillar shuni ko‘rsatadiki, sayyohlikda sog‘lomlashtirish turizmini tobora rivojlanib borishi kuzatilmoqda.

Yana shuni ta’kidlash kerakki, O‘zbekistonning eng sifatli sihatgoh hamda dam olish maskanlari tog‘ va tog‘oldi hududlari, shuningdek tabiiy suv obyektlariga yaqin bo‘lgan ekologik jihatdan toza hududlarda joylashgan[13]. Sanatoriya-kurort muassasalari va dam olish tashkilotlari faoliyatini 1980-2020-yillardagi o‘zgarishlar dinamikasi tahlil qilinganda faoliyat ko‘rsatayotgan sanatoriya-kurort muassasalari va dam olish tashkilotlari obyektlari soni hamda joylar sonida sezilarli o‘zgarishlar sodir bo‘lganligi kuzatildi (3-jadval).

O‘zbekistonda sanatoriya-kurort muassasalari va dam olish tashkilotlari[20]

Ko‘rsatkichlar nomi	1980	1990	2000	2010	2020
Faoliyat ko‘rsatayotgan sanatoriya-kurort muassasalari va dam olish tashkilotlari obyektlari soni	248	349	286	323	494
Joylar soni, ming	40,0	55,9	32,5	53,1	57,6

Tadqiqot davomida Toshkent viloyatida joylashgan rekreatsiya va sog‘lomlashtirish maskanlari, ularning ixtisoslashuvi, viloyat sog‘lomlashtirish turizmi bilan bog‘liq tahlillar keltirilib o‘tilgan.



Toshkent viloyatida turizm sohasini yanada rivojlantirish, turizm salohiyati yuqori hududlarning o‘zaro bog‘liqligini ta’minlash orqali turistlar sayyohati uchun qulay shart-sharoitlar yaratish, viloyatning o‘ziga xos tabiiy hududlarida yangi turizm yo‘nalishlarini tashkil etish,

turistlar oqimini yanada ko‘paytirish, zamonaviy turizm infratuzilmasining jadal rivojlanishini ta‘minlash, shuningdek, turizm yo‘nalishlaridagi tadbirkorlik sohasiga ushbu hududlar aholisini keng jalb qilish maqsadida Vazirlar Mahkamasi tomonidan qator qarorlar qabul qilindi. Chunonchi, Vazirlar Mahkamasining “2019-2021-yillarda Toshkent viloyatida turizm sohasini jadal rivojlantirish to‘g‘risida”gi 1053-sonli qarori shular jumlasidandir (2019-yil 31-dekabr). Shu o‘rinda ta‘kidlash kerakki, respublikamizda faoliyat yuritayotgan sanatoriy va kurort muassasalarining 25 foizdan ortiqrog‘i Toshkent mintaqasi hissasiga to‘g‘ri keladi (1-rasm). 1-rasm. Toshkent mintaqasida joylashgan sanatoriy va kurortlar. Rasm O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi statistika agentligi ma‘lumotlari [20] asosida tuzildi.

Shunday qilib, tadqiqot jarayonida asosiy e‘tibor tibbiy turizm sohasining ayrim masalalariga, jumladan ba‘zi terminlarga va tadqiqot obyektimiz hisoblangan Toshkent mintaqasiga qaratildi.

Umuman olganda, tibbiy turizm - bu sayyohlik sohasidagi davolanishni chet elda dam olish bilan birlashtirish imkonini beruvchi yo‘nalish bo‘lib, bemorlarga zamonaviy dunyoga mashhur tibbiyot markazlarida professional tibbiy yordam ko‘rsatilishini ta‘minlaydi. Keng ma‘noda tibbiy turizmni rivojlangan infratuzilmaga ega bo‘lgan bozorlarning yagona tizimiga bog‘langan tibbiyot sanoati va mehmondo‘stlik sohasi, jumladan, nafaqat tibbiyot muassasalari, balki turli biznes tarmoqlari - sug‘urta, bank, yuridik yordam, transport, aloqa kabi sohalarni birlashtiradi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. Ветитнев А.М. Лечебный туризм: учебник / А.М. Ветитнев, А.С. Кусков. – М.: ФОРУМ, 2010. – 592 с.
2. Драчева, Е.Л. Специальные виды туризма. Лечебный туризм: учебное пособие / Е.Л. Драчева. – М.: КноРус, 2010. – 150 с.
3. Кольцова, А.А. Природные рекреационные ресурсы лечебно-оздоровительного туризма: геоэкологический анализ использования в Хабаровском крае: дис. ... канд. наук / Анастасия Алексеевна Кольцова; спец. 25.00.36. – Хабаровск, 2015. – 158 с.
4. Васильева, С.О. Медицинский туризм [Электронный ресурс] / С.О. Васильева, Е.Ф. Селескерова // «Медицинские интернет-конференции». – 2017. – URL: <https://medconfer.com/node/11863>.
5. Наводничий Р.М. Управление развитием сферы лечебно-оздоровительных услуг в России: автореф. дисс. ... канд. экономич. наук.: 08.00.05 / Р.М. Наводничий. – Москва, 2011. – 26 с.
6. Horowitz M.D., Rosensweig J.A. Medical Tourism-Health Care in the Global Economy / M.D. Horowitz, J.A. Rosensweig // THE PHYSICIAN EXECUTIVE, 2007. -December.-URL: <http://web.nchu.edu.tw/pweb/users/hychuo/lesson/5877.pdf>
7. Герасимов П.А. Особенности поставки и потребления медицинских услуг в современных международных экономических отношениях / П.А. Герасимов // Российское предпринимательство, 2013. – № 22 (244) / ноябрь. – С. 215–244.
8. Bookman, M. & Bookman, K. Medical Tourism in Developing Countries. New York: Palgrave MacMillan, 2007.
9. Щекин Г.Ю. Концептуализация феномена медицинского туризма в социологии медицины: диссертация ... доктора социологических наук: / Щекин Геннадий Юрьевич; спец. 14.02.05 [Место защиты: Волгоградский государственный медицинский университет]. – Волгоград, 2013. – 309 с.
10. Галкин, В.В. Медицинский туризм как сфера бизнеса [Электронный ресурс] / В.В. Галкин. – 2011. – URL: <http://vadim-galkin.ru/articles/medical-business/medicaltourism>.
11. Официальный сайт Ассоциации медицинского туризма России (Russian Healthcare Travel Council (RHTS)). – URL: <https://www.rhtc.org>.
12. Ветитнев А.М. Лечебно-оздоровительный туризм: вопросы терминологии и типологии / А.М. Ветитнев, А.В. Дзюбина, А.А. Торгашева // Вестник СГУТиКД, 2012. – № 2 (20). – С. 50–56.
13. Федякин А.А. Теоретико-методические основы оздоровительного туризма: диссертация ... доктора медицинских наук / А.А. Федякин – Майкоп, 2001. – 279 с.

14. Набедрик, В.А. География лечебного туризма в Европе: Модели развития и трансформационные процессы: дис. ... канд. наук / Валентина Аркадьевна Набедрик; спец. 25.00.24. – Москва, 2005. – 148 с.
15. Ефимов С.А. Лечебно-оздоровительный, лечебный и оздоровительный туризм: уточняем понятийно-терминологический аппарат / С.А. Ефимов, А.С. Ефимова // Вестник физиотерапии и курортологии, 2017. – Том 23, № 4. – С. 155–160.
16. Оборин, М.С. Формирование и развитие рынка санаторно-курортных услуг: теория, методология, практика: Дис. д-ра наук / Матвей Сергеевич Оборин; спец. 08.00.05. – Сочи, 2016. – 549 с.
17. Бабкин А.В. Специальные виды туризма / А.В. Бабкин. – Ростов-на-Дону: Феникс, 2008. – 252 с.
18. Rančić Milica. Spa-Wellness Center as Part of the Hotel Facility / Milica Rančić, Jovanka Popov-Raljić, Lazar Pavić // TURIZAM, 2013. – Volume 17, Issue 2. – P. 49– 50 URL: http://www.dgt.uns.ac.rs/turizam/arhiva/vol_1702_1.pdf.
19. Разумов А.Н., Яшина Е.Р., Бережнов Е.С., Петрунь И.Б., Бобровицкий И.П. Лечебный туризм как современное направление курортной медицины в России / А.Н. Разумов, Е.Р. Яшина, Е.С. Бережнов, И.Б. Петрунь, И.П. Бобровицкий // Вопросы курортологии, физиотерапии и лечебной физической культуры. 1999. № 3. С. 23–39.
20. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi statistika agentligi ma’lumotlari
21. <http://vawilon.ru/statistika-v-turizme/>
22. <https://www.unwto.org/news/international-tourism-back-to-60-of-pre-pandemic-levels-in-january-july-2022>
23. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 28-yanvardagi “2022 — 2026-yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gu PF-60-son Farmoni. <https://lex.uz/ru/docs/-5841063>

UDK: 502.3.613

**URBANIZATSIYALASHGAN MINTAQALAR EKOLOGIK-IQTISODIY HOLATINI
O‘RGANISHNING BA’ZI BIR NAZARIY JIHATLARI (TOSHKENT SHAHRI
MISOLIDA)**

**НЕКОТОРЫЕ ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ИЗУЧЕНИЯ ЭКОЛОГО-
ЭКОНОМИЧЕСКОГО СОСТОЯНИЯ УРБАНИЗИРУЮЩИХСЯ РЕГИОНОВ (ГОРОД
ТАШКЕНТ НА ПРИМЕРЕ)**

**SOME THEORETICAL ASPECTS OF STUDYING THE ECOLOGICAL AND
ECONOMIC CONDITION OF URBANIZING REGIONS (TASHKENT CITY AS AN
EXAMPLE)**

Komilova Nilufar Karshiboyevna,
O‘zbekiston Milliy universiteti professori, g.f.d.
E-mail: ni.komilova@nuu.uz

Annotatsiya

Yirik shaharlarning ekologik muammolari "zamonaviy sivilizatsiya" jarayonlari maxsuli sifatida mintaqalar iqtisodiyotiga ta'sir etuvchi muhim jihatlardan biridir. Bunday shaharlarning keng tarqalgan ekologik muammolari qatorida aholining haddan tashqari ko'payib borishi, atrof-muhitning salbiy ta'siri ostida ayniqsa sivilizatsiya kasalliklarining avj olishi, statsionar va mobil manbalardan havo, yer usti va yer osti suvlari, tuproqning keskin ifloslanishi, yashil maydonlarning tobora qisqarib borishi singari holatlarni kiritish mumkin.

Kalit so‘zlar: urbanizatsiya, mintaqa, ekologik vaziyat, aholining umumiy kasallanishi, inson salomatligi, atrof-muhit.

Экологические проблемы крупных городов являются одним из важных аспектов, влияющих на экономику регионов как продукт «современных цивилизационных» процессов. К общим экологическим проблемам таких городов относятся перенаселенность, возникновение цивилизационных болезней под негативным воздействием окружающей среды, воздуха, поверхностных и подземных вод из стационарных и мобильных источников, сильное загрязнение почв, возможное сокращение зеленых насаждений.

Ключевые слова: урбанизация, регион, экологическая ситуация, общая заболеваемость населения, здоровье человека, окружающая среда.

Environmental problems of large cities are one of the important aspects affecting the economy of regions as a product of "modern civilization" processes. Among the common environmental problems of such cities, include overpopulation, the outbreak of civilization diseases under the negative influence of the environment, air, surface and underground water from stationary and mobile sources, severe soil pollution, and the shrinking of green spaces. possible

Key words: urbanization, region, ecological situation, general morbidity of the population, human health, environment.

BMTning 2030-yilgacha bo‘lgan barqaror rivojlanish kun tartibining 11-maqasadi “Shaharlar va aholi punktlarining ochiqligi, xavfsizligi, hayotiyliigi va ekologik barqarorligini ta‘minlash” doirasida ijtimoiy, iqtisodiy sharoitlarni hisobga olgan holda aholi hayoti uchun yanada barqaror, xavfsiz va qulay shahar muhitini yaratish” vazifalari qo‘yilgan. Atmosfera havosining ifloslanishi, iqlim o‘zgarishi, tejamkor energiya manbalaridan keng foydalanish, suv resurslarining ifloslanishi, tuproq qatlamining holati, biologik xilma-xillikni saqlash, shovqin darajasini pasaytirish, shahar hududining sanoat va maishiy chiqindilar bilan ifloslanishining oldini olish va aholi salomatligini mustahkamlash masalalari shular jumlasidandir [2]. Atrof-muhitning iqlimiy va ekologik sharoitlarining inson hayotiga ta‘sirini o‘rganish muammolari murakkab, ko‘p qirrali bo‘lib, bugungi kunda ularning yechimi nihoyatda murakkab va o‘z yakunini topmagan masalalardan biridir. Atrof-muhitning iqlimiy va ekologik sharoitlarining inson hayotiga ta‘sirini o‘rganishning muhim jihatlari nafaqat aholining ijtimoiy salomatligini saqlash bilan bog‘liq masalalarga, qolaversa, ko‘p jihatdan tabiiy, ijtimoiy, qolaversa antropogen muhitga bog‘liq [3,4]. Urbanlashgan hududlarning ekologik holati ko‘plab omillar bilan tavsiflanadi va mamlakatdagi umumiy ijtimoiy-iqtisodiy vaziyatga, davlatning shaharsozlik va uy-joy siyosati chora-tadbirlarini amalga oshirish imkoniyatlariga bog‘liq.

Atrof-muhitga texnogen va antropogen tazyiq ko‘lamining kengayishi munosabati bilan ushbu muammolarni yoritish so‘ngi o‘n yilliklarda xorijiy mamlakatlar ilmiy tadqiqotlarida o‘z aksini topdi. Ekologik omillar va inson salomatligi o‘rtasidagi sabab-ta‘sir munosabatlarini aniqlash, inson hayotining qulayligini har tomonlama tahlil qilish asosida turli xil baholash usullarini qo‘llashni taqozo etadi. Iqlim va atrof-muhit bilan bog‘liq insonning ko‘plab kasalliklarini oldini olish, yashash muhiti sifatining holati haqida tezkor ma‘lumot berish, erta ogohlantirish muhim o‘rin tutadi. Ilmiy adabiyotlarda turli iqlim va geografik zonalarida olib borilgan, inson salomatligining bir qator tashqi omillar ta‘siridan o‘zaro bog‘liqligini ko‘rsatadigan tadqiqotlar keng tarqalgan [5]. Mazkur holatlar ayniqsa mintaqalar iqtisodiyotiga sezilarli ta‘sir ko‘rsatadi.

Zamonaviy shaharlarning ekologik muammolari urbanizatsiya jarayonlari jadal avj olgan, shuningdek tabiiy resurslarga yukning ortishi, sanoat va maishiy chiqindilarning katta hajmdagi paydo bo‘lishi bilan uzviy bog‘liqdir. Shu munosabat bilan urbanizatsiya jarayonida vujudga kelgan va hozirgi vaqtda ekologik tahdidlarga duch kelgan shahar aglomeratsiyalarini yanada rivojlantirish muammosi bugungi kunning dolzarb bo‘lib qolmoqda.

3. Сазонов.В.Е Государственно-частное партнерство в России и за рубежом: административно-правовое исследование. Диссертация. Москва 2012.
4. Gerrard M.B. What Are Public-Private Partnerships, and How Do They Differ from Privatizations. Finance & Development. 2001. Vol.38.
5. Yescombe E.R., Farquharson E. Public-Private Partnerships for Infrastructure: Principals of Policy and Finance. 2018. 2nd Edition. - Butterworth-Heinemann.
6. Hemming, R. Public-Private Partnerships. In Realizing the Potential for Profitable Investment in Africa. Tunis, Tunisia: Organized by the IMF Institute and the Joint Africa Institute. 2006. p. 15.
7. Джуманиёзов У.И. Давлат-хусусий шерикчилиги асосида корпоратив бошқарувни ривожлантиришнинг айрим назарий-услубий асослари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 3. 2017 йил. Б. 1-12.
8. Юнусова С.Б. Давлат-хусусий шериклик асосида инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш ва молиялаштиришни ривожлантириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори диссертацияси Автореферати. Тошкент ш. 2022.

УДК:336.66

**“ESG” ОМИЛЛАР АСОСИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАР КИРИТИШ:
МЕТОДОЛОГИК ЁНДАШУВ**

**ИНВЕСТИРОВАНИЕ НА ОСНОВЕ «ESG» ФАКТОРОВ:
МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЙ ПОДХОД**

INVESTING BASED ON ESG FACTORS: METHODOLOGICAL APPROACH

Эгамкул Исмаилович Носиров,
ТДИУ “Баҳолаш иши ва
инвестициялар” кафедраси мудири, и.ф.н.,
доц., egamqul74@mail.ru

Аннотация

Мақолада БМТнинг барқарор ривожланиш мақсадларида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда “ESG” ёндошувнинг ўрни ва аҳамияти ёритилган. Халқаро миқёсда ESG фаолиятини тартибга солишнинг методологик асослари ҳамда компаниялар ESG фаолиятини баҳолаш методологияси тадқиқ этилган. Миллий иқтисодиётда “ESG” ёндошувни қўллаш юзасидан таклиф-тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: ESG омиллар, “яшил” иқтисодиёт, молиявий воситалар, “яшил” инвестициялар, масъулиятли инвестициялар, ижтимоий масъулиятли инвестициялар, “яшил” молиялаштириш, “яшил” лойиҳалар.

В статье описывается роль и значение «ESG» подхода в обеспечении реализации задач, поставленных целями устойчивого развития ООН. Исследованы методологические основы регулирования ESG-деятельности на международном уровне и методология оценки ESG-факторов компаний. Даны рекомендации по применению «ESG» подхода в национальной экономике.

Ключевые слова: ESG-факторы, «зеленая» экономика, финансовые инструменты, «зеленые» инвестиции, ответственные инвестиции, социально-ответственные инвестиции, «зеленое» финансирование, «зеленые» проекты.

The article describes the role and significance of the “ESG” approach in ensuring the implementation of the objectives set by the UN sustainable development goals. The methodological foundations for regulating ESG activities at the international level and the methodology for assessing ESG factors of companies have been studied. Here, recommendations are given for the application of the ESG approach in the national economy.

Key words: ESG factors, green economy, financial instruments, green investments, responsible investments, socially responsible investments, green financing, green projects.

Охирги йилларда халқаро молия муносабатлари иштирокчилари Барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ)га тобора кўпроқ аҳамият беришмоқда. БРМга киритилган вазифаларни амалга оширишда турли мамлакатлар ҳукуматлари, тартибга солувчи муассасалар, ривожланиш институтлари, йирик компаниялар, фонд биржалари ва молия бозори иштирокчилари фаол ҳаракат қилишмоқда. Айниқса, бу борада БМТ ташаббуси асосида масъулиятли инвестициялаш тамойиллари (PRI, UN Principles for Responsible Investment) ишлаб чиқилган бўлиб, унда инвестиция фаолиятига ESG омиллари таҳлилини киритиш юзасидан зарур тавсиялар ўрин олган. Дунё миқёсида кўпчилик йирик компаниялар мазкур ташаббусни қўллаб-қувватламоқда. Шунингдек, компаниялар инвестиция қарорларини қабул қилишда ESG омилларини ҳисобга олиш орқали ўзларининг асосий мақсадларини жамият аъзоларининг хоҳиш ва истаклари билан уйғунлигини таъминлашга ҳаракат қилишмоқда.

Масалан, 2020 йил январ ойида Microsoft компанияси 2030 йилга бориб углерод газлари чиқарилиши бўйича салбий кўрсаткичга ўтиш режасини эълон қилди. Компания ташкил этилган 1975 йилдан ҳозирги пайтга қадар компаниянинг углерод чиқиндилари бўйича оқибатларини бартараф этишни ўз зиммасига олди. Шунингдек, Иқлимий инновациялар жамғармасига 1 млрд АҚШ доллари миқдорида инвестициялар киритишини маълум қилди [1].

Мамлакатимизда ESG тамойилларини ҳисобга олган ҳолда инвестициялаш амалиёти шаклланиш жараёнининг дастлабки босқичида турибди. Шунингдек, миллий иқтисодиётда ESG тамойиллари асосида инвестиция киритишнинг меъёрий-ҳуқуқий ва методологик асослари ишлаб чиқилмаган. Бундан ташқари, кўпчилик маҳаллий иқтисодиёт субъектлари ESG тамойилларига асосланган ҳолда инвестиция қарорларини қабул қилиш юзасидан етарлича тушунчага эга эмас. Бу борада тушунчага эга бўлган иқтисодиёт субъектлари эса, аксарият ҳолларда ESG тамойилларини жорий қилишга жиддий эътибор қартишмаяпти.

Республикамызда фақат “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ ва “Навоийуран” давлат корхонаси ўз фаолиятларида ESG тамойилларини қўллаётганликлари юзасидан расмий маълумотлар мавжуд.

Шунинг учун маҳаллий хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бизнес жараёнларда ESG тамойилларни қўллаши уларга қандай наф келтириши ва имкониятларни тақдим этишини тадқиқ этиш бугунги кундаги долзарб вазифалардан бири саналади.

Бугунги кунда халқаро амалиётда кўплаб компанияларнинг ESG тамойилларига амал қилиши бизнес кадр-қимматининг асосий омилларидан бирига айланди. Шу боис, ривожланган мамлакатларда трендга айланган ва ҳанузгача мамлакатимизда кенг тарқалиб улгурмаган ESG қақирикқа маҳаллий иқтисодиёт субъектларининг “лаббай” деб жавоб беришлари фойдадан ҳоли бўлмайди. Бироқ, мамлакатимизда ҳанузгача ESG фаолиятини тартибга солиш юзасидан институционал, меъёрий-ҳуқуқий ва методологик асослар қабул қилинмаган. Шунинг учун мазкур илмий изланишимизда биз асосий эътиборни ESG фаолиятини тартибга солиш юзасидан жаҳон амалиётидаги мавжуд институционал, меъёрий-ҳуқуқий ва методологик ёндашувлар таҳлилига қаратамиз.

Бугунги кунда глобал миқёсда барқарор ривожланиш мақсадлари йўлидаги ҳатти-ҳаракатлар натижасида янги молиялаштириш воситалари юзага келмоқда. Институционал инвесторлар инвестиция қарорларини қабул қилишда ESG, яъни экологик, ижтимоий ва корпоратив бошқарув омилларга таянган ҳолда фаолият юритишга асосий урғу бермоқда.

Халқаро молия институтлари компаниянинг молиявий кўрсаткичларига оид бўлмаган, хусусан, ESG ёндашувларга тааллуқли маълумотларни очиқлашини қўллаб-қувватламоқда. ESG ёндашувни кўпчилик ҳукуматлар давлат сиёсати даражасига олиб чиқмоқда. Мазкур келтирилган далилларни қуйидаги манбалар тасдиқлайди.

Ҳозирги даврда молия соҳасининг барча бўғинларидаги ўзгаришлар уларга барқарор ривожланиш воситаларини киритиш орқали амалга оширилмоқда. Бугунги кунда барқарор ривожланиш фақат концепция сифатида қайд этилмасдан, бизнес ва инвестиция оламига амалий йўналтирилган асосий оқимга айланди. Бу эса, ўз навбатида масъулиятли инвестициялаш (ESG) бозорини самарали шакллантириш ва ривожлантиришни талаб этади [2].

Компанияларда ESG ёндашувларни қўллаш ташқи омиллар таъсирида юз бермоқда, шу билан бирга бу соҳада давлат сиёсати ва хорижий инвесторлар қизиқишининг ортиб бориши ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлмоқда [3].

Масъулиятли инвестициялар ёки ESG инвестициялари инвестиция қарорларини қабул қилиш жараёнида экологик, ижтимоий ва бошқарув омилларга таянади. Ахборотлашган жамиятга ўтиш ва инсонларнинг турмуш тарзини яхшилаш босқичида инвесторлар инвестициялар киритишнинг мақсадга мувофиқлигини баҳолашда иқтисодий самарадорликка асосий омил сифатида қарамасдан, шу билан биргаликда ахлоқий кадриятлар ва шахснинг маънавий ривожланиши каби мезонларни устувор йўналиш сифатида билмоқда. Иқтисодий агентлар инвестиция қарорларини қабул қилишда нафақат компания молиявий кўрсаткичларининг барқарор ўсишга, шунингдек, компания молиявий кўрсаткичларига тааллуқли бўлмаган маълумотлар, хусусан, ушбу компанияларнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ижтимоий масъулият борасидаги фаолияти тамойилларига таяниб иш тутмоқда [4].

Институционал инновациянинг бир тури сифатида “яшил” молиялаштириш сиёсатини қўллаш атроф-муҳитни кўпроқ ифлослантирадиган компаниялар учун молиявий чекловларнинг кучайишга олиб келмоқда. Бу эса, компанияларнинг атроф-муҳитни ифлослантириш борасидаги ҳаракатларини ижобий тарафга ўзгартириши мумкин. Молиявий институтлар ва корхоналарни “яшил” молиялаштириш сиёсати орқали кўпроқ экологик ва ижтимоий масъулиятни ўз зиммасига олишга ундаш ресурсларни тақсимлаш ва “яшил” ривожланиш самарадорлигини оширишнинг самарали усули бўлиши мумкин [5].

Охирги йилларда халқаро ҳамжамят вакиллари томонидан ҳар қандай бизнесдан олинадиган даромад атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ижтимоий адолат ва масъулият ҳамда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари билан боғлиқ умумқабул қилинган меъёр ва қоидаларга мос бўлиши керак, – деган тушунча тобора кўпроқ илгари сурилмоқда. Мазкур тушунча ESG тамойилларини амалиётда қўллаш билан бевосита боғлиқ.

Глобал миқёсда ESG чақириқ юзага келгунга қадар иқтисодиёт субъектлари томонидан корпоратив ижтимоий масъулият (КИМ) борасидаги ёндашувга асосий урғу берилар эди.

АҚШнинг Иллинойс университети профессори Говард Боуэн томонидан 1953 йилда нашр қилинган “Тадбиркорнинг ижтимоий жавобгарлиги” номли монографиясида илк бор корпоратив ижтимоий масъулият концепцияси компаниялар бизнес сиёсати сифатида илгари сурилиб, унда компаниялар ўз фаолиятларида жамият манфаатларини ҳисобга олишлари зарурлиги борасидаги ғоя илгари сурилган. 1977 йилда компаниянинг корпоратив ижтимоий масъулият борасидаги биринчи кодекси эълон қилинган. XXI асрнинг бошларига келиб корпоратив ижтимоий масъулият кодекси Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотига аъзо бўлган давлатларга кирувчи кўплаб йирик компаниялар томонидан қабул қилинди [6].

2004 йилга келиб, КИМ кодекси ривожланишида янги босқич юзага келди. Бунда иқлим ўзгаришлари билан боғлиқ масалаларга глобал миқёсда эътибор қаратилиши натижасида ESG чақириқ пайдо бўлди. Мазкур глобал чақириқда 2 та асосий ўзгариш кузатилди. Биринчиси, компаниялар фаолиятига оид 3 та алоҳида йўналиш ва мазкур йўналишлар негизига кирувчи кичик йўналишларда маълумотларни тақдим этиш.

Иккинчиси, тақдим этилган маълумотлар ҳаққонийлигини текшириш бўйича ташқи мустақил текширувдан ўтиш.

Экологик, ижтимоий ва корпоратив бошқарув омилларни ўзида мужассам этган «ESG» тушунчаси биринчи марта 2004 йилда БМТ ва йирик молия институларининг қўшма ташаббуси асосида ўтказилган «Ғамхўрлик қилган ютади (Who Cares Wins)» номли конференция материаллари асосида тайёрланган ҳисоботда ишлатилган [7].

Кейинчалик, БМТ ташаббуси асосида институционал инвесторлар билан ҳамкорликда иқтисодиёт субъектлари учун масъулиятли инвестициялаш борасида 6 та тамойил ишлаб чиқилди (1-расм).

1. Инвестициялашда ESG омилларини эътиборга олиш;
2. Компанияни бошқаришда ESG омилларини ҳисобга олиш;
3. ESG омиллар билан боғлиқ маълумотларни очиқлашни талаб қилиш;
4. ESG омилларни амалга оширишга қўмаклашиш;
5. ESG тамойиллари асосида ишлайдиган корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш;
6. ESG тамойиллари асосида амалга оширилган ишларни бошқалар билан бўлишиш.

1-расм. БМТ ташаббуси асосида ишлаб чиқилган масъулиятли инвестициялаш тамойиллари [8]

Масъулиятли инвестициялаш борасида иқтисодиёт субъектлари томонидан инвестиция киритишда ESG омилларини эътиборга олиш, компанияни бошқаришда ESG омилларини ҳисобга олиш, ESG омиллар билан боғлиқ маълумотларни очиқлашни талаб қилиш, ESG омилларни амалга оширишга қўмаклашиш, ESG тамойиллари асосида ишлайдиган корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш ҳамда ESG тамойиллари асосида амалга оширилган ишларни бошқалар билан бўлишиш каби ихтиёрий тамойиллар ўрин олган.

1. Халқаро амалиётда ESG фаолиятини тартибга солиш билан боғлиқ ҳуқуқий асослар ва ташаббуслар

- давлатлар ўртасида халқаро келишувлар асосида ташкил этилган сиёсий ёки иқтисодий бирлашмаларни халқаро тартибга солиш;
- корпоратив бошқарув кодекслари;
- корпоратив ҳуқуқ, атроф-муҳит ва ижтимоий йўналишдаги масалаларни миллий тартибга солиш;
- бозор иштирокчилари томонидан ESG тамойилларига оид маълумотларни очиқлаш юзасидан ихтиёрий ташаббуслар.

2. ESGга оид фаолиятни халқаро тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари

- Иқлим ўзгариши бўйича Париж битими;
- БМТнинг 2030 йилгача барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ);
- G 20 ва Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ИХРТ)нинг корпоратив бошқарув тамойиллари;
- ИХРТнинг трансмиллий компаниялар учун бошқарув тамойиллари;
- ИХРТнинг давлат корхоналари учун корпоратив бошқарув тамойиллари;
- БМТ ва Жаҳон банкнинг барқарор молиявий тизимга ўтиш бўйича йўл харитаси;
- БМТнинг инсон ҳуқуқлари, меҳнат муносабатлари, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва коррупцияга қарши курашиш бўйича Глобал шартномасининг 10 та тамойили;
- БМТ қошидаги Масъулиятли инвестициялаш тамойиллари (PRI) ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган инвестициялаш жараёнларига ESG омилларни киритиш юзасидан амалий қўлланма.

2-расм. Халқаро миқёсда ESG фаолиятини тартибга солиш билан боғлиқ ҳуқуқий асослар ва ташаббуслар

Манба: Муаллиф ишланмаси

ESG омилларини тартибга солиш борасидаги методологик ёндашувлар асосан номолиявий ҳисоботларни очиқлаш қоидаларини белгилаш билан боғлиқ. Халқаро амалиётда ESG фаолиятини тартибга солиш ва мувофиқлаштириш билан боғлиқ бир қатор ҳуқуқий асослар ва ташаббуслар шаклланган. Бундай ҳуқуқий асослар ва ташаббуслар қуйидаги кўринишга эга (2-расм).

Иқлим ўзгаришлари билан боғлиқ глобал чақириқ доирасида дунёнинг кўплаб давлатлари Иқлим ўзгаришлари бўйича Париж битимига қўшилишди. Мазкур келишувни имзолаган дунёнинг 190 дан ортиқ давлатлари БРМга эришиш йўлида ўз зиммаларига мажбуриятлар олишди. Бундай ўзгаришлар негизида яқин йилларгача бир қатор компаниялар томонидан иқлим ўзгаришларига қарши курашиш борасида институционал тарзда қабул қилинмаган маълумотларни очиқлаш бўйича ихтиёрий амалиётдан воз кечилди. Унинг ўрнига ESG бўйича мустаҳкам экотизимни яратишга киришилди. Ишончли ESG экотизимни шакллантириш учун бир қатор масалаларни ҳал қилиш лозимлиги кун тартибига чиқди. Булар:

- концептуал асослар;
- меъёрий-ҳуқуқий асослар;
- баҳолаш ва мониторинг қилиш жараёни.

Концептуал асослар. ESG – чақириқнинг концептуал асосларида «компания-жамият» тамойилига асосланиш, компания жамиятнинг бир субъекти эмас, жамиятнинг бир қисми сифатида эътироф этилиши белгиланди. Бунда асосий эътибор чекланган ресурслар учун рақобат қилишга эмас, жамият аъзолари ўртасида барқарор муносабатларни ихтиёрий шакллантиришга қаратилишига асосий урғу берилди.

Меъёрий-ҳуқуқий асослар. ESG фаолиятни тартибга солиш юзасидан тегишли меъёрий-ҳуқуқий асосларнинг ишлаб чиқилиши барқарор ривожланиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш ва ESG рискларни бошқаришда муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли, ESG чақириққа бевосита дахлдор бўлган қуйидаги йўналишлар бўйича меъёрий-ҳуқуқий асосларнинг ишлаб чиқилишига асосий эътибор қаратилди. Хусусан:

- «яшил» таксономия;
- ESG рисклар ва атроф-муҳитга таъсир борасидаги маълумотларни очиқлаш;
- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни стандартлаштириш;
- «яшил» облигацияларни муомалага чиқариш тартиби;
- «яшил» қимматли қоғозлар.

«Яшил» таксономия. Дунёнинг 30 га яқин мамлакатларида «яшил» таксономияга оид меъёрий-ҳуқуқий асослар қабул қилинган. Хорижий мамлакатларда қабул қилинган аксарият «яшил» таксономиялар атроф-муҳит билан боғлиқ масалаларни ўз ичига олган. Фақат, Европа Иттифоқи ва Колумбияда қабул қилинган «яшил» таксономияга ижтимоий мақсадлар ҳам киритилган. Шунингдек, бошқа давлатлардан фарқли ўлароқ Монголия давлатида қабул қилинган «яшил» таксономияда камбағалликни қисқартириш билан боғлиқ масалалар ҳам ўрин олган.

Мамлакатимизда эса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 25 октябрдаги «Миллий «яшил» иқтисодиёт таксономиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги 561-сонли Қарори [9] билан 7 та йўналишдан иборат миллий «яшил» иқтисодиёт таксономияси қабул қилинди.

Дунё мамлакатлари бўйича «яшил» таксономия борасида қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий асослар орасида Европа Иттифоқи (ЕИ)да тасдиқланган таксономия бирмунча такомиллашган ҳисобланади. Бундай ҳулосага келиш учун асос сифатида ЕИ таксономиясига киритилган ҳар бир йўналиш учун аниқ миқдорий чегаралар ва атроф-муҳитга зарар етказмасликни текшириш мезонлари белгиланганлигини келтириш мумкин. Шу билан биргаликда, ЕИ «яшил» таксономиясида амалга оширилаётган лойиҳалар учун қуйидаги талаблар қўйилган:

- иқлим ўзгаришларини юмшатиш;

- иқлим ўзгаришларига мослашиш;
- сув ва денгиз ресурсларини ҳимоя қилиш ва улардан барқарор фойдаланиш;
- айланма (чиқиндисиз) иқтисодиётга ўтиш;
- табиат ва атроф-муҳитнинг ифлосланишининг олдини олиш ва назорат қилиш;
- био хилма-хиллик, экотизимни қайта тиклаш ва муҳофаза қилиш.

ESG рисклар ва атроф-муҳитга таъсир борасидаги маълумотларни очиқлаш. Иқлим ўзгаришлари билан боғлиқ рискларни баҳолаш воситаси сифатида биринчилардан бўлиб молиявий соҳага тааллуқли компанияларда стресс тестлар ўтказилган. Бунга мисол тариқасида Шимолий Америка банкларини келтиришимиз мумкин. Шимолий Америка минтақасида жойлашган 19 та банк «Иқлимий рисклар консорциуми» (Climate Risk Consortium+) ташаббуси доирасида бирлашиб, иқлим ўзгаришлари билан боғлиқ рискларни ҳамкорликда бошқариш юзасидан ўзаро келишиб олишди.

Консорциум иштирокчи банклар ва тармоқнинг бошқа иштирокчиларига иқлим ўзгаришлари билан боғлиқ рискларни бошқариш юзасидан жорий саъй-ҳаракатлардан келиб чиққан ҳолда босқичма-босқич таксономиялар, қоидалар ва стандартларни ишлаб чиқади. Бундан ташқари, консорциум тартибга солувчи органлар ва бошқа етук сиёсатчилар билан ҳамкорлик қилади ҳамда иқлим ўзгаришларига хос бўлган асосли мулоҳазалар тўғрисида маълумот бериб боради [10].

Мазкур ташаббусдан сўнг йирик молиявий тузилмалар ҳам иқлим ўзгаришлари билан боғлиқ рискларни молиявий риск сифатида эътироф этишни бошлашди. Шунингдек, турли мамлакатлардаги молия бозорларини тартибга солувчи органлар иқлим ўзгаришлари билан боғлиқ рискларни аниқлаш мақсадида муҳим аҳамиятга молик маълумотларни очиқлаш юзасидан мажбурий ва ихтиёрий талабларни жорий қилишга ўтишди.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни стандартлаштириш. Буюк Британиянинг молия бозорини тартибга солувчи органи компанияларнинг углерод нейтраллигига ўтиш билан боғлиқ режалари ва унга оид маълумотларни мажбурий очиқлаш юзасидан стандартни қабул қилди. Нидерландия ва Францияда ҳам молиявий секторда фаолият кўрсатаётган компаниялар томонидан киритилган инвестицияларнинг углерод излари тўғрисидаги маълумотларни мажбурий ошкор қилиш юзасидан ҳуқуқий асос қабул қилинди. Янги Зеландияда эса, банклар, инвестиция компаниялари ва суғурта ташкилотларига иқлим ўзгаришлари билан боғлиқ муҳим маълумотларни ошкор қилиш юзасидан мажбурий тартиб жорий қилинди.

«Яшил» облигацияларни муомалага чиқариш тартиби. Эмитентлар «яшил» облигацияларни миллий ва халқаро капитал бозорларида жойлаштиришлари мумкин. Жаҳон амалиётида «яшил» облигацияларни халқаро капитал бозорига чиқариш ва халқаро реестрга киритиш учун Капитал бозорлари халқаро Ассоциацияси (ICMA, The International Capital Market Association) ва Иқлим облигациялари ташаббуси (CBI, Climate Bond Initiative) талабларига жавоб бериши керак.

Юқорида қайд этилган ташкилотлар методологиясига кўра, муомалага чиқарилаётган облигациялар «яшил» облигациялар сифатида тан олиниши учун юқорида қайд этиб ўтилган ташкилотлар томонидан эътироф этилган асосий тамойилларга мос келиши керак. Асосий тамойиллар белгиланган йўналиш ва қарашларни ўзида мужассамлаштирган, барча иштирокчилар учун бир хил бўлган ихтиёрий қоидалар тўпламидир. Асосий тамойиллар глобал қарз капитали бозорларининг тараққиётни молиялаштиришдаги ролини ошириш орқали экологик ва ижтимоий барқарорликка эришишга хизмат қилади.

«Яшил» қимматли қоғозлар. ESG чақириқни амалга оширишда «яшил» қимматли қоғозлар муҳим воситалардан бири саналади. Қоида тариқасида, айнан «яшил» қимматли қоғозлар тартибга солиш объекти ҳисобланади. Шу билан биргаликда Аргентина, Чили, Марокко ва Сенегал каби давлатларда «яшил» қимматли қоғозлар билан бир қаторда барқарор ва ижтимоий облигациялар ҳам тартибга солинади. Барқарор облигацияларни тартибга солиш юзасидан йўриқнома ёки стандартлар бевосита тартибга солувчи орган ёки фонд биржаси томонидан тасдиқланиши мумкин. Бундан ташқари, бу борада қоидалар ёки

стандартларни ишлаб чиқувчилари бўлиб, ЕИ ёки Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари ассоциацияси (ASEAN) каби турли мамлакатлардан таркиб топган йирик уюшмалар ҳам бўлиши мумкин. «Яшил» қимматли қоғозлар стандартлари таксономияга ёки амалга оширилиши зарур бўлган аниқ йўналишлардаги лойиҳаларга боғланган бўлади.

1-жадвал

ESGга оид халқаро стандартлар хусусиятлари³

	Халқаро стандартларлар номланиши	Халқаро стандартларлар хусусиятлари
1.	Хисоботга оид глобал ташаббус (GRI, Global Reporting Initiative's)	GRI глобал ESG амалиётида энг кўп қўлланиладиган стандартлардан бири ҳисобланади. GRI компания фаолиятининг бошқарув, иқтисодий, атроф-муҳит ва ижтимоий соҳаларига оид кенг қамровли ҳисобот бериш талабларини ўз ичига олади. Мазкур стандарт Exxon Valdez компанияси томонидан нефт қазиб олиш жараёнидаги тўқилиши натижасида атроф-муҳитга етказилган зарар таъсирдан келиб чиққан ҳолда 2000 йилда ишлаб чиқилган. KPMG томонидан тадқиқ этилган 2020 йилдаги барқарор ривожланишга оид ҳисобот маълумотлари кўра, дунёдаги 250 та йирик компанияларнинг 96 фоизи барқарор ривожланиш бўйича фаолиятлари юзасидан ҳисоботларни тақдим этишган. Мазкур йўналишда ҳисобот тақдим этган компанияларнинг 73 фоизи GRI тизимига асосланган.
2.	Барқарор ривожланиш бўйича бухгалтерия ҳисоби стандартлари кенгаши (SASB, Sustainability Accounting Standards Board's)	Барқарор ривожланиш бўйича ҳисобот стандартлари 77 та саноат тармоғини ўзида мужассамлаштиради. Ҳар бир саноат тармоғи учун ҳисобот мавзулари бўйича минимал тўплам ва самарадорликни микдорий баҳолаш ҳамда қиёсий таҳлил қилиш учун кўрсаткичлар тўплами тақдим этилади. 2022 йил август ойидан бошлаб, SASB стандартлари учун жавобгарликни Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (IFRS) жамғармасига қарашли Барқарор ривожланиш бўйича халқаро стандартлар кенгаши (ISSB) ўз зиммасига олди. ISSB ўз навбатида SASB стандартларини қўллаб-қувватлаш, такомиллаштириш ва ривожлантириш мажбуриятини олди.
3.	Интеграциялашган ҳисобот (IR, Integrated Reporting)	IR концепцияси дастлаб Халқаро интеграциялашган ҳисобот кенгаши (IIRC, International Integrated Reporting Council's) томонидан эълон қилинган. IIRC 2010 йил август ойида ташкил этилган бўлиб, компаниялар томонидан вақт ўтиши билан маълум бир қиймат яратиши тўғрисида глобал миқёсда тан олинган маълумотлар бериш тизимини шакллантиришни мақсад қилган. IR 3 та фундаментал концепцияга асосланади. Булар: компания ва бошқалар учун қиймат яратиш, сақлаш ёки камайтириш; молиявий, ишлаб чиқариш, инсон, таббӣй капитал ва ижтимоий муносабатлар; қийматни яратиш, сақлаш ёки йўқ қилиш жараёни. 2021 йилнинг июн ойида Халқаро интеграциялашган ҳисобот кенгаши (IIRC) Барқарор ривожланиш бўйича бухгалтерия ҳисоби стандартлари кенгаши (SASB) билан бирлашди. Бирлашиш натижасида Қиймат бўйича ҳисобот жамғармаси (VRF, Value Reporting Foundation) ташкил этилди. Бирлашишдан кўзланган мақсад инвесторлар ва корпорацияларга корпоратив ҳисоботнинг комплекс тизимини тақдим этиш ҳисобланади. Бунда зарур стандартларга мувофиқ корхона қиймати аниқланади.
4.	Иқлим ўзгаришлари билан боғлиқ молиявий маълумотларни ошкор қилиш бўйича ишчи гуруҳ тавсиялари	Ишчи гуруҳ иқлим ўзгариши билан боғлиқ таббӣй рискларни, жавобгарлик билан боғлиқ рискларни ва кам углеродли иқтисодиётга ўтиш жараёнлари билан боғлиқ рискларни ўрганади. Шунингдек, иқтисодиётнинг турли тармоқларида маълумотлар қандай тарзда ошкор қилинса самарали бўлишини таҳлил қилади. Мазкур йўналишда

³ Халқаро ташкилотлар ва уюшмаларнинг расмий сайтларидан олинган маълумотлар асосида тадқиқотчи томонидан тузилди.

	(TCFD, Task Force on Climate-related Financial Disclosure)	иқлим ўзгаришлари билан боғлиқ рисклар ва уларнинг молиявий жиҳатларига асосий эътибор қаратилади. Шунингдек, тавсиялар сценарий ёндашувга асосланади. Тавсиялар ўз навбатида молиявий муассасалар ва нотижорат ташкилотларига ҳам тааллуқли ҳисобланади. TCFD тавсиялари 2017 йилда инвесторлар, кредиторлар ва суғуртачиларга иқлим ўзгаришлари билан боғлиқ рисклар ва имкониятларни баҳолашда зарур бўладиган маълумотларни олишга ёрдам бериш мақсадида киритилган. Ишчи гуруҳ тавсияларини амалиётда қўллаш ихтиёрий ҳисобланади. Бироқ, Бразилия, Япония, Сингапур, Швейцария, Буюк Британия каби давлатларда ишчи гуруҳ тавсияларини қўллаш мажбурий шартга айланимда. TCFD тақдим этилган 2022 йилги ҳисоботида кўра, 2022 йилнинг октябр ойи ҳолатига кўра 3800 дан ортиқ компаниялар TCFD тавсиялари асосидаги ҳисоботлар тақдим этган.
5.	Иссиқхона газлари чиқиндилари бўйича но молиявий маълумотларни ошкор қилиш стандартлари (CDP, Carbon Disclosure Project)	CDP Worldwide нотижорат ташкилоти 2000 йилда ташкил этилган. Мазкур ташкилот инвесторлар, компаниялар, шаҳарлар, вилоятлар ва минтақаларнинг атроф-муҳитга таъсирини бошқариш юзасидан маълумотларни ошкор қилиш бўйича глобал тизимни бошқаради. Дунё бўйича 20 мингдан ортиқ компаниялар CDP томонидан тақдим этилган иқлим ўзгаришлари, сув ресурслари ва ўрмон хўжаликлари бўйича сўровномани тўлғазадилар. CDP сўровномаси TCFD билан ўзаро келишилган.
6.	Барқарор ривожланиш бўйича халқаро стандартлар кенгаши (ISSB, International Sustainability Standards Board)	ISSB барқарор ривожланишга оид корпоратив маълумотларни ошкор қилиш юзасидан иккита глобал стандартини тақдим этди. Булар Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари IFRS S1 “Барқарор ривожланиш билан боғлиқ молиявий маълумотларни ошкор қилишнинг умумий талаблари” ва IFRS S2 “Иқлим ўзгаришлари билан боғлиқ маълумотларни ошкор қилиш”. Эътиборли жиҳати, мазкур стандартлар 2024 йил 1 январдан кучга кирган.
7.	Европа Иттифоқининг Барқарор ривожланишга оид корпоратив ҳисобот йўриқномаси (CSRD, Corporate Sustainability Reporting Directive)	2023 йилнинг 5 январидан Европа Иттифоқининг Барқарор ривожланишга оид корпоратив ҳисобот йўриқномаси (CSRD) кучга кирди. Мазкур йўриқнома Европадаги 50 мингдан ортиқ ва Европадан ташқаридаги 10 мингдан ортиқ компанияларга таъсир қилади. Стандартлар иқлим ўзгариши, биологик хилма-хиллик ва инсон ҳуқуқларини ўз ичига олган экологик, ижтимоий ва бошқарув масалаларининг барча жабҳаларини қамраб олади. Мазкур стандартлар инвесторларга сармоя киритаётган компанияларнинг барқарор ривожланишга қандай таъсир кўрсатаётганлигини тушуниш учун ёрдам беради.

Баҳолаш ва мониторинг қилиш жараёни. ESG экотизимини шакллантиришда баҳолаш ва мониторинг қилиш жараёни алоҳида аҳамиятга эга. Мазкур жараёнда ESG бўйича стандартларни жорий қилиш ва бу борада компаниялар рейтингларини аниқлашга алоҳида эътибор қаратилади.

ESG бўйича халқаро стандартларни ишлаб чикувчилар томонидан корпоратив ESG амалиётига қўйиладиган талаблар ва ESG билан боғлиқ қандай мавзуларга оид маълумотлар

ошкор қилиниши лозимлигини тушунишга ёрдам берадиган йўриқномалар нашр этилади ва доимий янгилаб борилади. Шу тариқа, ESG стандартлари компаниянинг ESG стратегияси қандай йўналишларда амалга оширилиши юзасидан қарорлар қабул қилинишига ўз таъсирини кўрсатади.

Қуйида ESGга оид бир қатор халқаро стандартларни кўриб чиқамиз (жадвалга қаранг). Жадвалда келтирилган барқарор ривожланишга оид халқаро стандартларнинг аксарияти мажбурий характерга эга эмас. Яъни компаниялар томонидан номолиявий маълумотларни ошкор қилиш ихтиёрийликка асосланади. Бироқ, Барқарор ривожланиш бўйича халқаро стандартлар кенгаши (ISSB) томонидан тақдим этилган IFRS S1 ва IFRS S2 стандартлари ҳамда Европа Иттифоқининг Барқарор ривожланишга оид корпоратив ҳисобот йўриқномаси (CSRD) асосида номолиявий ҳисоботларни тақдим этиш мажбурий ҳисобланади.

Халқаро амалиётда ESG ва Барқарор ривожланишга оид стандартлар асосида ҳисоботларни тақдим этиш билан бир қаторда, компанияларнинг ESG рейтинглари ва ESG ренкингларини аниқлаш амалиёти мавжуд. Компанияларнинг ESG рейтинглари халқаро агентликлар, шунингдек миллий рейтинг агентликлари томонидан ҳам аниқланиши мумкин.

Бугунги кунда глобал бозорда ESG рейтингларни аниқлайдиган ёки ESG маълумотлардан фойдаланган ҳолда таҳлилий ахборот тўпламларини таклиф қилувчи 160 га яқин субъектлар фаолият олиб боришмоқда. ESG рейтингларини аниқлаш борасида кенг кўламли ёки ихтисослаштирилган тарзда таҳлилий ахборот тўпламларини таклиф қилувчи тижоратга асосланган ёки нотижорат ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда.

ESG рейтингларни аниқлаш бўйича халқаро бозорда етакчилик қилаётган компаниялар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ISS (Institutional Shareholder Services) ESG;
- Sustainalytics ESG Risk Rating;
- Moody's, MSCI ва S&P Global компанияларининг ESG рейтинглари;
- Bloomberg ESG scores;
- Fitch Climate Vulnerability Scores (Fitch Ratings);
- FTSE Russell's ESG Ratings;
- Thompson Reuters ESG Scores.

Юқорида қайд этиб ўтилганидек, глобал бозорда ESG рейтингларни белгиловчи ташкилотлар сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Ўз навбатида, бундай хизматларни кўрсатувчи ҳар бир ташкилот ESG рейтингларни аниқлаш юзасидан ўз методологиясига эга ва улар бир-биридан фарқ қилади. Бундан ташқари, айрим ташкилотлар ESG рейтингни компанияга расмий сўров юбормасдан очик маълумотларга асосланган ҳолда амалга аниқлайди. Шунинг учун турли ташкилотлар томонидан бир компаниянинг ESG кўрсаткичлари баҳоланганда, унинг натижалари бир-биридан сезиларли даражада фарқ қилиш ҳолатлари кузатишмоқда.

Масалан, «MIT Sloan School of Management» таълим муассасаси илмий изланувчиси Флориан Берг томонидан олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, турли ESG рейтингларининг ўнтадан олтитасида мос келиш ҳолати кузатилади. S&P Global 1200 компаниялари учун MSCI ва Sustainalytics рейтинглари CSRHub томонидан солиштирилганда, мазкур икки рейтинг ўртасида корреляция заиф (0,32) эканлиги аниқланган. Мазкур кўрсаткич кредит рейтингларини аниқлашдаги кўрсаткичлардан бир қанча мартага фарқ қилмоқда. Одатда, кредит рейтинглари кўрсаткичи 99% ҳолларда бир-бирига мос келади. Масалан, Moody's ва S&P кредит рейтинглари жуда кучли ижобий корреляция (0,90)га эга [11].

Шу сабабли, турли стандартларга асосланган ESG рейтинг тизими бозор иштирокчиларига ESGни ҳисобга олган ҳолда капитал киритишда онгли равишда қарорлар қабул қилишга тўсиқ бўлмоқда. Мазкур ҳолат, ўз навбатида, ESGга оид турли стандартлар ва рейтингни аниқлаш методологиясини яхлитлаштириш нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш зарурлигини англатади.

Энди эътиборимизни ривожланган давлатларда ESG омилларни жорий қилиш амалиётига қаратамиз. Бугунги кунда дунё микёсида ESG тамойилларини амалиётга жорий қилишда Дания, Швеция ва Норвегия каби Скандинавия давлатлари етакчилик қилмоқда. Юқорида қайд этилган давлатлар ҳукуматлари атроф-муҳитни муҳофаза қилиш стратегиясини ишлаб чиқиш орқали Шимолий Европани дунёдаги энг барқарор минтақага айлантиришга қарор қилишган. Ўз навбатида, Буюк Британия банклари «яшил» облигацияларни муомалага чиқармоқда ва мижозларга ижтимоий кредитларни тақдим этиш орқали барқарор молиялаштиришни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқда. Нидерландияда эса, банклар кўпроқ қишлоқ хўжалиги соҳасида ESG тамойилларини қўллаётган иқтисодиёт субъектларини кредитлашга алоҳида аҳамият бермоқда. Ривожланган давлатларда ESG чақириққа қизиқиши тобора ортиб бораётган шароитда айрим Европа банклари ESG талабларидан келиб чиққан ҳолда нефт-газ соҳасида геология-қидирув ҳамда уларни қайта ишлаш билан боғлиқ лойиҳаларга кредит ажратишдан воз кечмоқда.

АҚШда 2018 йилнинг октябр ойида давлатга қарашли йирик пенсия жамғармалари, активларни бошқарувчилар, нодавлат-нотижорат ташкилотларнинг ҳуқуқ фаоллари Қимматли қоғозлар ва биржалар бўйича комиссия (The United States Securities and Exchange Commission, SEC)га компаниялар томонидан ESGга оид маълумотларни очиқлаш қоидаларини белгилаш юзасидан петиция билан чиқишди. SEC петицияга жавобан ESGга оид маълумотларни ошкор қилиш бўйича 7 та йўналишга оид муаммоларни қамраб олган маълумотларнинг очиқланишини қонуний белгилаб қўйди. Мазкур йўналишлар иқлим ўзгаришлари билан боғлиқ рискларни; аниқ стандартларга асосланган ҳолда ESGга оид йиллик маълумотларни очиқлашни; гендер тенглиги, инсон ҳуқуқлари ва инсон капиталини бошқаришни; компаниялар томонидан лоббизм ёки сайлов жараёнларини молиялаштириш билан боғлиқ сиёсий харажатларни; солиқларга оид маълумотларни ошкор қилишни ва инвестиция қарорларини қабул қилишда ESG омилларини киритишни ўз ичига олди.

2019 йилнинг июл ойида АҚШда Капитал бозорларида инвесторлар ва тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қуйи кўмита йиғилишида «Барқарор ва рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш бўйича таклифлар: ESG бўйича маълумотларни очиқлашни яхшилаш» мавзусида тайёрланган ҳисобот муҳокама қилинди. Мазкур йиғилиш муҳокамасига кўра компаниялар томонидан қуйидаги маълумотларни ошкор қилиш зарурлиги белгиланди.

1. АҚШ биржаларида қимматли қоғозларни оммавий жойлаштирган барча компаниялар ўз бизнес фаолияти ва молиявий ҳолатига баҳо бериш имконини берувчи маълумотларни, даврий ва доимий ҳисоботларни SECга топшириши мажбур.

2. Мазкур ҳисоботларни топшириш ва уларни ошкор қилишдан кўзланган мақсад инвесторлар инвестиция киритишлари ёки акциядорлар йиғилишида овоз бериш жараёнларида онгли равишда қарорлар қабул қилишлари учун керакли маълумотларни тақдим этиш ҳисобланади.

3. Компания фаолиятига оид маълумотларнинг бундай тартибда очиқланиши компания бошқарувчилари ва акциядорлари ўртасида маълумотлар алмашинуви борасидаги бўшлиқларни тўлдиришга ёрдам беради. Шунингдек, компания бошқарувчиларининг акциядорлар олдидаги мажбуриятлари янада ошади.

Бу борада, АҚШ тажрибасидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майдаги «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 106-«Жамият тўғрисидаги ахборот» моддасига “Акциядорлик жамиятлари томонидан ESG тамойилларини қўллашга доир маълумотларни очиқлаш” шартини киритиш зарур.

Хулоса ва таклифлар:

1. Мамлакатимизда ESG омиллар асосида инвестициялар киритиш амалиёти шаклланиш жараёнининг дастлабки босқичида турибди. Бизнинг фикримизча, бундай фаолиятни ривожлантиришда давлат етакчи бўлиши керак. Бунинг учун, қонунчилик

хужжатларига ESG билан боғлиқ қоидалар ва ESG фаолиятни тартибга солиш ва рағбатлантириш билан боғлиқ асослар киритилиши зарур.

2. Компаниялар ESG кўрсаткичларини баҳолаш бўйича ягона стандартлар тўплами ва баҳолаш методологиясининг йўқлиги, ESG фаолиятини иқтисодиёт субъектлари кесимида тартибга солувчи субъектлар аниқ белгиланмаганлиги ҳамда ESG рейтингни аниқлаш бўйича ташкилотларнинг мавжуд эмаслиги Ўзбекистонда ESG инвестициялаш амалиёти ривожланишига тўсиқ бўлмоқда. Мазкур ҳолатлар инвесторлар учун ноаниқликларни келтириб чиқаради ва бу борада аниқ қарорлар қабул қилишни қийинлаштиради. Шунинг учун, мамлакатимизда юқорида қайд этиб ўтилган хориж тажрибалари асосида ESGга оид ягона стандартлар тўплами, уларни баҳолаш методологияси, ESG фаолиятини тартибга солувчи субъектларнинг белгиланиши ҳамда ESG рейтингни аниқлаш тартибининг жорий қилиниши бу борадаги «бўшлик»ларни тўлдиришга хизмат қилади.

3. Ўзбекистонда ESG фаолиятини ривожлантириш учун «яшил» ва «ижтимоий» облигацияларни чиқариш ва тижорат банклари томонидан «яшил» кредитлар беришни жадаллаштириш, «яшил» энергиянинг янги турларини яратиш ва уларни фаол ишлатиш, шунингдек, экологик ёрликлардан фойдаланиш тавсия этилади.

4. Ўзбекистонда қуйидаги фаолият турлари ва йўналишларда ESGга оид талабларни қўллаш шарт қилиб белгиланиши зарур:

- дастлабки босқичда йирик ва ўрта бизнес субъектлари, кейинги босқичда барча кичик бизнес субъектлари ESGга оид ҳисобот топшириши;
- ўрта ва йирик инвестиция лойиҳалари техник-иқтисодий асосланиши (бизнес-режаси)да ESG омиллар акс этиши;
- тижорат банклари томонидан ўрта ва йирик инвестиция лойиҳаларига кредитлар ажратишда лойиҳаларнинг ESG стандартларига мос келишини ўрганиш;
- тижорат банклари, суғурта компаниялари ва инвестиция фондлари томонидан инвестиция портфелини шакллантириш талабларига ESG тамойилларни киритиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. <https://blogs.microsoft.com/blog/2020/01/16/microsoft-will-be-carbon-negative-by-2030/?culture=ru-ru&country=ru>
2. Иваницкий В.П., Петренко Л.Д. Развитие ответственных инвестиций в соответствии с концепцией устойчивых финансов. Journal of New Economy. 2020, Vol. 21, No. 4, -Р. 63.
3. Галазова С. С. Влияние ESG- факторов на устойчивое развитие компаний и финансовую результативность корпоративного сектора // Вестник РГЭУ РИНХ. 2018. № 4 (64). С. 81–86.
4. Иваницкий В. П., Габышев Д. Н., Зубкова Л. Д. Управление индивидуальным подходным обложением: новые возможности// Управленец. 2019. Т. 10, № 5. С. 41–51. DOI: 10.29141/22185003- 2019- 10- 5- 5.
5. Shuitu Qian, Wenzhe Yu, Green finance and environmental, social, and governance performance, International Review of Economics & Finance, Volume 89, Part A, 2024, Pages 1185-1202, ISSN 1059-0560, <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S1059056023003386>
6. Bowen H. R. Social Responsibilities of the Businessman. Harper & Row: N. Y., 1953. -266 p.
7. https://www.unepfi.org/fileadmin/events/2004/stocks/who_cares_wins_global_compact_2004.pdf
8. <https://www.unpri.org/about-us/what-are-the-principles-for-responsible-investment>
9. <https://lex.uz/ru/docs/6644013>
10. <https://newsroom.bankofamerica.com/content/newsroom/press-releases/2022/01/risk-management-association-top-u-s--and-canadian-banks-form-co.html>
11. Berg F., Koelbel J.F., Rigobon R. Aggregate confusion: The divergence of ESG ratings. 2019. <https://www.eticanews.it/wp-content/uploads/2019/09/20190819MITdivergenceESGratings.pdf>

O‘ZBEKISTONDA OZIQ-OVQAT SANOATINI RIVOJLANTIRISHNING ASOSIY YO‘NALISHLARI

ОСНОВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ РАЗВИТИЯ ПИЩЕВОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ В УЗБЕКИСТАНЕ

MAIN DIRECTIONS OF DEVELOPMENT OF THE FOOD INDUSTRY IN UZBEKISTAN

Abdumo‘minov Axrorjon Axatjonovich
Andijon mashinasozlik instituti
Iqtisodiyot kafedrası katta o‘qituvchisi
akhrorabdumuminov@gmail.com

Annotatsiya

Ushbu maqolada O‘zbekistonda oziq-ovqat sanoatining rivojlanayotgan manzarasi o‘rganilib, uning rivojlanishiga hissa qo‘shayotgan asosiy omillar hamda oldinda turgan muammolar va imkoniyatlar yoritilgan.

Kalit so‘zlar. Oziq-ovqat sanoati, oziq-ovqat xavfsizligi, eksportga ixtisoslashuv koeffitsienti

В данной статье рассматривается пищевой промышленности Узбекистана, выделяются основные факторы, способствующие ее развитию, а также предстоящие проблемы и возможности.

Ключевые слова. Пищевая промышленность, продовольственная безопасность, коэффициент экспортной специализации

This article examines the food industry in Uzbekistan, highlighting the main factors contributing to its development, as well as upcoming problems and opportunities.

Key words. Food industry, food security, export specialization coefficient

Bugungi kunda jahon energetika va hom-ashyo bozorida yuzaga kelayotgan murakkab vaziyatlar va muvosiis raqobat kehayotgan bir paytda global muammolardan biri aholining oziq-ovqat mahsulotlariga bo‘lgan talabini qondirish bo‘lib, bunda yer, suv hamda boshqa moddiy boyliklardan unumli foydalanish maqsadida uzoqni ko‘zlab ishlab chiqilgan davlat dasturlarining bosqichma-bosqich amalga oshirilishi respublikamizning har bir fuqarosi xonadonining to‘kin-sochin bo‘lishini ta‘minlamoqda.


O‘zbekiston oziq-ovqat sanoatini rivojlantirishda salmoqli yutuqlarga erishmoqda. Mamlakatda iqtisodiy islohotlar va modernizatsiya ishlari olib borilayotgan bir paytda oziq-ovqat sektori iqtisodiy o‘sishni ta‘minlash va oziq-ovqat xavfsizligini ta‘minlashda asosiy ishtirokchi sifatida maydonga chiqmoqda.

2022 — 2026 yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasida 2026 yilga qadar iqtisodiyotning ustuvor sohalari qatorida oziq-ovqat sanoatini rivojlantirishning ham asosiy yo‘nalishlari belgilangan. Strategiyada “Oziq-ovqat xom ashyo bazasini kengaytirish va organik mahsulotlar hajmini bosqichma-bosqich oshirish dasturini ishlab chiqish va amalga oshirish. Bunda, 2022 yilda Davlat investitsiya dasturi doirasida umumiy qiymati 440 mln AQSh dollari bo‘lgan 50 ta yirik loyihani amalga oshirish; 2026 yilga borib oziq-ovqat mahsulotlari

hajmini 7,4 mln tonnaga, qayta ishlash darajasini sut bo‘yicha 32 foiz, go‘sht — 25 foiz, meva-sabzavot — 28 foizga yetkazish”⁴ vazifalari qo‘yilgan.

Oziq-ovqat sanoatini yanada rivojlantirish va aholining oziq-ovqat mahsulotlariga bo‘lgan ehtiyojlarini to‘laonli qondirish bo‘yicha amalga oshirilayotgan chora-tadbirlar natijasida 2022 yilda oziq-ovqat, ichimliklar va tamaki mahsulotlarini ishlab chiqarish hajmi 78647,9 mlrd. so‘mga yetdi va qayta ishlash sanoatidagi ulushi 17,2 foizni tashkil etib, 2021 yilga nisbatan 9,2 foizga o‘tdi.

Mamlakatda oziq-ovqat sanoati ishlab chiqarish hajmi yil sayin o‘shib bormoqda. (1.- rasm).



1-rasm. 2010-2022 yillarda O‘zbekistonda oziq-ovqat mahsulotlari (ichimliklar va tamaki mahsulotlaridan tashqari) ishlab chiqarishning o‘shish sur‘ati (foiz hisobida)⁵

So‘ngi o‘n yillikda oziq-ovqat sanoati yuqori o‘shishga erishgan bo‘lib, bu yillarda o‘rtacha o‘shish sur‘ati 8,9 %ni tashkil etgan. 2017-2018 yillarda esa oziq-ovqat mahsulotlari ishlab chiqarish hajmida pasayish kuzatilgan bo‘lib, bu ayrim mahsulotlarni ishlab chiqarishdagi keskin pasayish bilan bog‘liq. Masalan, 2017 yilda shakar ishlab chiqarish hajmi o‘tgan yilga nisbatan 22 % ga qisqargan. Keyingi yillarda o‘z vaqtida amalga oshirilgan chora-tadbirlar natijasida oziq-ovqat sanoatida yuqori o‘shish sur‘atlari ta‘minlandi. 2020 yilda pandemiya bilan bog‘liq cheklavlar bo‘lishiga qaramay oziq-ovqat sanoatida o‘shish 108,7 %ni tashkil etgani mamlakatda ushbu sohani rivojlantirish uchun katta salohiyat mavjudligidan dalolat bermoqda.

O‘zbekiston oziq-ovqat sanoatining yuqori sur‘atlar bilan o‘shishida qishloq xo‘jaligining rivojlanishi, mahsulotlarni diversifikatsiya qilish, korxonalarini modernizatsiyalash siyosati, eksportga keng imkoniyatlar yaratilishi, qulay tadbirkorlik muhiti, investitsiyalar ko‘lamining ortishi kabi qator omillar muhim rol o‘ynadi. Qishloq xo‘jaligi O‘zbekiston iqtisodiyotining asosini tashkil etadi, oziq-ovqat sanoati esa qishloq xo‘jaligi sohasi muvaffaqiyatlari bilan chambarchas bog‘liq. Davlatimiz tomonidan qishloq xo‘jaligini isloh qilish, suvdan samarali foydalanish, zamonaviy agrotexnologiyalar joriy etishga qaratilayotgan e‘tibor hosildorlikni oshirish, qishloq xo‘jaligi mahsulotlarining xilma-xilligini ta‘minlamoqda. Qishloq xo‘jaligidagi kengaytirilgan takror ishlab chiqarish oziq-ovqat sanoati uchun mustahkam ta‘minot zanjirini yaratib, uning o‘shishi uchun barqaror asosni ta‘minladi.

O‘zbekistonda oziq-ovqat sanoati diversifikatsiyaga o‘tishni boshdan kechirmoqda, qo‘shimcha qiymatli mahsulotlarga e‘tibor kuchaymoqda. An‘anaga ko‘ra, paxta va g‘alla yetishtirish bilan mashhur bo‘lgan O‘zbekiston endi meva-sabzavot va ko‘katlar yetishtirishni kengaytirmoqda. Mamlakatning xilma-xil iqlim zonalari oziq-ovqat sanoati uchun yuqori sifatli, mahalliy mahsulotlarni ishlab chiqarishga hissa qo‘shib, keng turdagi ekinlarni yetishtirish uchun ideal sharoit yaratadi. Natijada, oziq-ovqat sanoati korxonalari ishlab chiqarayotgan mahsulotlar turi

⁴ O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 28.01.2022 yildagi “2022-2026 yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi 60-son Farmoni

⁵ O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika Agentligi ma‘lumotlari asosida muallif tomonidan tuzildi

ham sezilarli darajada kengaydi. Masalan, soya, maxsar, kungaboqar kabi tarkibida moy bo‘lgan o‘simliklarni yetishtirish uchun ajratilayotgan yer maydonlaridan olingan hosil hisobiga yog‘- moy korxonalari tomonidan yiliga o‘rtacha 95 ming tonna xom ashyo tayyorlanib, qayta ishlanmoqda. Non va non mahsulotlari turi ham ko‘paydi. Ayni paytda mamlakatimiz korxonalarida uch yuzdan ziyod turdagi non mahsulotlari tayyorlanmoqda. Oziq-ovqat sanoati korxonalari tomonidan 3 mingdan ko‘proq nomdagi turli oziq-ovqat mahsuloti ishlab chiqarilmoqda va oziq-ovqat mahsulotlari assortimenti har yili 80 ta yangi nom bilan boyib bormoqda⁶.

O‘sib borayotgan aholi talablari va o‘zgaruvchan iste‘molchilarning xohish-istaklarini qondirish maqsadida O‘zbekiston oziq-ovqat mahsulotlarini qayta ishlash korxonalarini modernizatsiya qilishga sarmoya kiritmoqda. Texnologiyalarni yangilash va xalqaro standartlarni qabul qilish asosiy ustuvor vazifalarga aylandi. Bu nafaqat oziq-ovqat mahsulotlarini ishlab chiqarish samaradorligini oshirish, balki mahsulotlarning ichki iste‘mol va eksport uchun talab qilinadigan sifat va xavfsizlik standartlariga javob berishini ham ta‘minlaydi.

Rivojlanayotgan oziq-ovqat sanoati bilan O‘zbekiston xalqaro bozorlarga chiqish uchun o‘z chegaralaridan tashqariga ham ko‘proq e‘tibor qaratmoqda. Mamlakatning Markaziy Osiyo chorrahasida joylashgan strategik joylashuvi uni mintaqaviy savdoda jozibador o‘yinchiga aylantiradi. Qurilgan mevalar, yong‘oqlar, ziravorlar kabi mahalliy mahsulotlarni eksport qilish orqali O‘zbekiston nafaqat iqtisodiy imkoniyatlarini kengaytirmoqda, balki o‘zining noyob pazandalik takliflarini ham dunyoga namoyish etmoqda. Mamlakatda eksport imkoniyatlarini kengaytirish va qo‘llab-quvvatlash maqsadida eksportchi tadbirkorlarga yo‘l haqi, transport xarajatlarini subsidiya asosida qoplab berish, ma‘lum davlatga eksport qilayotganda guvohnoma, sertifikatlarni olishdagi xarajatlarning katta qismini davlat to‘lab berishi kabi bir qator imkoniyatlar joriy qilindi. Masalan, ipak, oziq-ovqat va boshqa qator mahsulotlar eksport qilinganda davlat tomonidan transport xarajatlari 70 foizgacha qoplab beriladi. Subsidiya beriladigan mahsulotlar ro‘yxati tobora kengayib bormoqda. Yana bir imkoniyat sifatida, tadbirkorlarga chet davlatga borib, ko‘rgazmada ishtirok etganda ko‘rgazma pavilyonlariga to‘lanadigan mablag‘ning bir qismi Eksportni rivojlantirish agentligi tomonidan qoplanishini keltirish mumkin. Boshqa davlatlarda qilinadigan reklama xarajatlari uchun ham davlat belgilangan tartibda pul to‘laydi. Shuningdek, boshqa davlatda savdo uyi ochish uchun olingan binoning 50 foizi, savdo uyi uchun olinadigan omborxonaning ham 50 foizi davlat hisobidan qoplanishi belgilangan. Eksportchilar uchun qulay shart-sharoitlar va imtiyozlar tizimining yaratilishi oziq-ovqat sanoatining eksportga ixtisoslashuvini oshirishga olib keldi 1-jadval.

1-jadval

Oziq-ovqat sanoatining eksportga ixtisoslashuvi⁷

	2015 -y	2016 -y	2017 -y	2018 -y	2019 -y	2020 -y	2021 -y	2022 -y
Oziq-ovqat sanoatining eksportga ixtisoslashuv koeffitsienti	0,608	0,309	0,442	0,722	0,775	0,746	0,732	0,784

O‘zbekiston oziq-ovqat sanoatining eksportga ixtisoslashuv koeffitsienti 2015-2022 yillarda ijobiy o‘zgarib 0,608 dan 0,784 ga ortgan. Bu oziq-ovqat sanoatining eksport salohiyatini ortib borayotganini ko‘rsatadi. Yana bir muhim jihat. Ayni paytda sanoat korxonalarida Avstriya, Germaniya, Polsha, Janubiy Koreya, Xitoy va boshqa mamlakatlarda ishlab chiqarilgan eng zamonaviy texnologik liniyalar o‘rnatilmoqda. Bu tashqi bozorda raqobatbardosh, sifatli mahsulotlar ishlab chiqarishga xizmat qilmoqda. Natijada “Made in Uzbekistan” brendi ostidagi

⁶ Umrzoqov J.B. “O‘zbekistonda oziq-ovqat sanoatini rivojlantirish omillari” // “O‘zbekistonda aqlli qishloq xo‘jaligini joriy etishning nazariy va amaliy asoslari” Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya to‘plami

⁷ O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika Agentligi ma‘lumotlari asosida muallif tomonidan tuzilgan.

ozuq-ovqat mahsulotlari dunyoning 80 dan ortiq mamlakatlarida sotilmoqda. Birgina so‘nggi 10 yilda meva sharbatlari eksporti ikki barobar, boshqa ozuq-ovqat mahsulotlari esa o‘rtacha 1,5 barobar oshdi. O‘z navbatida, valyuta tushumi olti barobar oshdi.

Shuningdek, mamlakatimizda ozuq-ovqat xavfsizligini mustahkamlash bo‘yicha amalga oshirilgan chora-tadbirlar natijasida O‘zbekiston dunyoda egallagan o‘rni mustahkamlashga erishdi va bosqichma-bosqich global reytinglarda o‘z mavqei yaxshilab bormoqda. 2021-yil yakunlariga ko‘ra Ozuq-ovqat xavfsizligining global indeksida mamlakatimiz 113 ta davlat orasida 78 o‘rinni (2018 yilda 80 o‘rinni) qayd etdi hamda ozuq-ovqat xavfsizligi darajasi mo‘tadil bo‘lgan mamlakatlar guruhidagi o‘rni saqlab qoldi.

Bu ham mamlakatimizda ozuq-ovqat yetishtirish sohasini rivojlanganligini ko‘rsatuvchi muhim ko‘rsatkichlardan biri bo‘lib hisoblanadi. Agrar sohaning rivojlanish strategiyasi qishloq xo‘jaligi ishlab chiqarishini diversifikatsiyalash, paxta yakkahokimligiga barham berish va ozuq-ovqat mahsulotlari bilan o‘zimizni to‘liq ta‘minlashga asoslanishi natijasida quyidagilarga erishildi:

- paxta ekin maydonlari 2 marta qisqartirilib, (2 milliondan 1,2 millionga), bo‘shagan ekin maydonlari ozuq-ovqat ekinlari yetishtirishga ajratildi;

- don va umuman ozuq-ovqat mustaqilligiga erishildi. 1990-2022 yillar davomida galla yetishtirish 1 milliondan 8,1 million tonnaga, meva-sabzavot mahsulotlari 4 million tonnadan 22 million tonnaga yetkazildi;

- aholi jon boshiga go‘sht iste‘moli 2022 yilga kelib 1990 yilga nisbatan 1,7 marta (174,3%), sabzavotlar - 2 martadan ziyodga (205,7%), mevalar - 3,6 marta (359,5) va kartoshka 5,2 marta (519,3%) oshdi;

- oxirgi besh yil davomida meva-sabzavotlarni qayta ishlash ikki marta oshdi.

Qishloq xo‘jaligi mahsulotlarini qayta ishlash, saqlash hamda realizatsiyasini amalga oshirishda to‘siq bo‘layotgan muammolar sifatida quyidagilarni keltirish mumkin:

- respublikada ozuq-ovqat mahsulotlarini qayta ishlash korxonalari sonini yetarli darajada emasligi;

- respublikada ozuq-ovqat mahsulotlarini muntazam ravishda saqlash bo‘yicha omborxonalarining yetishmasligi hamda kam taraqqiy etganligi;

- hom-ashyo yetkazib beruvchilar bilan qayta ishlash va saqlash korxonalar o‘rtasida barqaror mustahkam aloqalar va uzoq muddatli shartnomalarni yetarli darajada yo‘lga qo‘yilmaganligi;

- meva-sabzavot hamda ozuq-ovqat mahsulotlari ichki va tashqi bozorlarini o‘rganish bo‘yicha chuqur marketing tadqiqotlari o‘tkazish tizimli amalga oshirilmayotgani;

- ilgor xorijiy texnologiyalar va dizayndan foydalangan holda zamonaviy tara-qadoqlash mahsulotlari ishlab chiqarish korxonalarini tashkil etish;

- meva-sabzavot, go‘sht-sut va boshqa qishloq xo‘jaligi ozuq-ovqat homashyosini qayta ishlash bo‘yicha yuqori unumli zamonaviy innovatsiya texnologiyalarini ishlab chiqarishga joriy etish, ushbu maqsadlar uchun avvalambor, strategik xorijiy investorlarning to‘g‘ridan-to‘g‘ri investitsiyalarini jalb etish;

- qayta ishlangan meva-sabzavot shuningdek, boshqa ozuq-ovqat mahsulotlarining eksportini tashkillashtirish, ishlab chiqarilayotgan mahsulotlarning raqobatdoshligini oshirish bo‘yicha chora-tadbirlar ishlab chiqish, ozuq-ovqat mahsulotlari sifatini baholashning zamonaviy xalqaro tizimini ishlab chiqarishga joriy etish va boshqalar.

Fikrimizcha, mazkur muammolarni hal etishga qaratilgan chora-tadbirlar dasturlarini ishlab chiqish va izchillik bilan amallarga oshirish ozuq-ovqat sanoatini rivojlantirishda muhim omil hisoblanadi.

Xulosa qilib aytganda, jahonda siyosiy taranglik hamda iqtisodiy va ozuq-ovqat inqirozlari tobora chuqurlashayotgan bir davrda mamlakatimizda ozuq-ovqat xavfsizligini ta‘minlash uchun yetarli darajada chora-tadbirlar amalga oshirilmoqda. SHu bilan birga ozuq-ovqat sanoatini rivojlantirishda global ozuq-ovqat sanoatining zamonaviy tendensiyalarini va bozor o‘zgarishlarini hisobga olib rivojlanishning yangi yo‘nalish va yondashuvlarini belgilash muhim omilga aylandi. Bunday siyosat mamlakatimiz aholisi turmush darajasini oshirishga xizmat qiladi.

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 28.01.2022 yildagi “2022-2026 yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi 60-son Farmoni
2. Umrzoqov J.B. “O‘zbekistonda oziq-ovqat sanoatini rivojlantirish omillari” // “O‘zbekistonda aqlli qishloq xo‘jaligini joriy etishning nazariy va amaliy asoslari” Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya to‘plami
3. Abdumovminov A. Oziq-ovqat sanoatining milliy iqtisodiyotda tutgan o‘rni // “Agroiqtisodiyot” ilmiy-amaliy agroiqtisodiy jurnal. 2(20) 2021.
4. N.I. Saidaxmedova “O‘zbekistonda oziq-ovqat sanoati mahsulotlarini ishlab chiqarish tendensiyalari va muammolari” // “Xalqaro moliya va hisob” ilmiy elektron jurnal. №2 2019.

УДК:330.3

**ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИК АРАФАСИДА: ИЖТИМОЙ ВА
ИҚТИСОДИЙ ВАЗИЯТНИНГ ИЛМІЙ-НАЗАРИЙ ТАҲЛИЛИ**

**УЗБЕКИСТАН НАКАНУНЕ ОБРЕТЕНИЯ НЕЗАВИСИМОСТИ: НАУЧНО-
ТЕОРЕТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОЙ СИТУАЦИИ**

**UZBEKISTAN ON THE EVE OF INDEPENDENCE: A SCIENTIFIC-
THEORETICAL ANALYSIS OF THE SOCIAL AND ECONOMIC SITUATION**

Шариф Қобилов,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
профессори, полковник

Аннотация

Мазкур мақолада Ўзбекистоннинг мустақиллик арафасидаги ачинарли ижтимоий ва иқтисодий вазияти ёритилган бўлиб, суверен, демократик, ҳукукий давлат архитектурасини яратиш ғойибдан келган эмаслиги ҳақидаги фикрлар асослантирилган.

Калит сўзлар. Суверенитет, суверен давлат, иқтисодий суверенитет, мустақиллик, иқтисодий монополизм, “пахта иши”, “ўзбеклар иши” болалар ўлими, зурриёд фонди, ҳукук.

В данной статье освещается печальное социально-экономическое положение Узбекистана на пороге обретения независимости и выражается мнение о том, что создание архитектуры суверенного, демократического и правового государства в республика была очень сложным.

Ключевые слова: Суверенитет, суверенное государство, экономический суверенитет, независимость, экономическая монополия, «хлопковое дело», «узбекское дело», детская смертность, генофонд, право.

This article highlights the sad socio-economic situation of Uzbekistan on the verge of gaining independence and expresses the opinion that the creation of the architecture of a sovereign, democratic and legal state in the republic was very difficult.

Key words: Sovereignty, sovereign state, economic sovereignty, independence, economic monopoly, infant mortality, gene pool, law.

Советлар ҳукмронлиги даври, хусусан, XX аср 80-йиллари мафкуравий бошқарув, катъий назорат, қатағонлар – жами зиддиятлиги ва мураккаблиги билан халқимиз тарихида ўзига хос ўрин эгаллайди. Бу йилларда жаҳондаги аксарият ривожланган давлатлар бозор

муносабатларининг янги ютуқлари сари қадам ташлаб бораётган бир пайтда, СССРда социалистик ишлаб чиқариш усули инқирози ўзининг энг юқори чўққисига чикди. Бу муаммоларнинг барчаси, иқтисодий ўсишнинг умумий динамикасини ишдан чиқариб, иқтисодий кўрсаткичларнинг ҳаддан зиёд пасайиши, ишсизлик, камбағаллик, уй-жой муаммосини, демографик аҳволнинг оғирлашиши, жиноятчиликнинг хавфли равишда ўсиши ва бошқа салбий иллатларни келтириб чиқарди. Умуман, режали, тоталитар бошқарув жамият ҳаётининг барча соҳаларида оғриқли жараёнларни кучайтириб юборди.

XX аср 80-йилларнинг бошларига келиб, “ривожланган социализм” иқтисоди депсиниш, турғунлик ҳолига келгани аниқ бўлгач, уни зудлик билан даволаш масаласи долзарб кўринишга келди. Л.И.Брежневнинг “тўкинчилик” даври ниҳоясига етган, Ю.В.Андропов ва К.У.Черненколар орқага – “фаровонлик давр”ига қайтишга уриниб кўрган бўлсалар-да, аммо бу жараёни тўхтатишга уларнинг курблари ҳам, умрлари ҳам етмаганди. Кўпчилик сотқин деб ҳисобловчи, аслида давр курбони бўлган сўнгги Совет Иттифоқи КПнинг бош котиби М.С.Горбачёв СССРнинг олдинги барча раҳбарлари ва бутун тизимнинг хатолари учун жавоб беришига тўғри келганди.

Бир томондан, СССРнинг биринчи ва охириги президентининг кўлида ядровий куроллар, улкан армия, битмас-туганмас захира бойликларга эга жуда катта мамлакат бор эди, иккинчи томондан эса барча тармоқлардаги иқтисодий инқироз бедаво дардга айланиб бўлганди. Аввалига юқори совет элитаси барча айбларни Л.И.Брежневнинг “турғунлик даври”га тўнкадилар, бироқ бу фойда бермади. Бу СССРни емириб келаётган касалликка қарши дори излашга тўғри келганди. Шу боис, қуйида мустақилликка эришиш арафасида Ўзбекистоннинг ачинарли ижтимоий-сиёсий, иқтисодий жараёнларнинг илмий-назарий таҳлилига эътибор қаратилади.

1. Мустақиллик – тенги йўқ, энг улуғ ҳуқуқдир. Айнан 1991 йил 31 август кuni халқимиз ўз Ватани, тақдири ва келажакига ўзи эгалик қилиш ҳуқуқини қўлга киритди. Дунё харитасида Ўзбекистон Республикаси – янги суверен ва мустақил давлат пайдо бўлди.

Ўзбекистонда давлатчиликнинг шаклланиши ва ривожланиши жараёнида халқимиз ҳаёти ва оиласи қўйнида тинч яшаши, осойишталиги ва фаровонлигини таъминлаш оғир ва мураккаб кечган. Айниқса мустақиллигимиз арафасида босиб ўтган йўлимизни ҳатто бугунги 50-55 ёшдаги ватандошларимиз батафсил маълумотга эга эмас.

Камситмаган ҳолда таъкидлашни истардимки, биз жонажон Ватанимиз ва аجدодларимиз тарихини яхши ўзлаштира олмадик. Сабаби, кўхна юртимиз устидан 135 йил ҳукм юргизиб келган мустамлакачилар бунга йўл беришмади. Бизни 1917 йилдан 1991 йилга қадар беармон талаб ва таҳқирлаб келган “қизил империя” таназзулга учради. Мана 33 йилдирки, Президент Шавкат Мирзиёев юксак ифтихор билан таъкидлаганидек “бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тприхимиз, улуғ аждодларимизга эгамиз” [1], деб баралла гапириш имкониятига эга бўлдик.

Бинони, у хоҳ катта бўлсин, хоҳ кичик, пойдеворсиз куриб бўлмаганидек, тарихни ҳам манбаларсиз яратиб бўлмайди.

Хусусан, совет даврида яратилган асарларда муаммога ёндашув коммунистик мафкуранинг ғоявий таъсири остида бўлганлиги учун 1983-1991 йиллардаги сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий вазиятга оид масалалар ўзининг холис талқинини топмаган.

Таниқли сиёсатчи олим Л. Левитиннинг “Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида” (2001) китобидаги қуйидаги сўзлари фикримизнинг далилидир:

“Айтайлик, Ўзбекистон тараққиётидаги социалистик давр халқнинг моддий ҳаётига нимадир қўшган бўлса бордир, лекин бу инсоний муносабатларнинг ахлоқий жиҳатдан ривожланишини мутлақо англамайди. Чунки собиқ иттифокда социалистик тузум амал қилган эмас, балки лагерлар, қатағонлар, сургун ва қамоқхоналардан иборат бўлган феодализм ҳукм сурган эди” [2].

Фаннинг объективлик принципи айни чоғда ижтимоий-гуманитар фанларнинг ҳам муҳим принципларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли, иқтисодиёт, сиёсатшунослик,

фалсафа, тарих, социология, ҳуқуқ каби фанлар доирасида ҳам мустақиллик арафасидаги сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маданий вазият талқини ва таҳлили борсида қатор тадқиқотлар амалга оширилган.

Мақоламизнинг яна бир методологик тамал тоши – бу мустақиллик арафасидаги сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маданий жараёнларни тарихийлик, статистикага асосланиб ўша даврнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини холис баҳолаш ва ўрганишдир. Бу билан тараккиёт кушандаси бўлган маъмурий-буйруқбозлик методи билан “Марказ”дан бошқарилган, бошбошдоқлик, ўта расмийчилик каби усуллар билан бошқарилган иқтисодиёт пароканда бўлиб, инқирозга учраганлигини аниқ факт ва далиллар билан кўрсатишга интилдик. Таҳлил услублари. Мустақиллик арафасидаги реал ижтимоий-иқтисодий аҳволни ўрганишда идрок этишнинг икки босқичини қўлладик. Биринчи босқич илмий кузатиш босқичидан бордик. Бу босқичда ўша даврга оид илмий ёндашувлар ва статистик маълумотларни тўпладик ва таҳлил қилдик.

Президент Шавкат Мирзиёев 2016 йилнинг ноябрь ойида Жиззах вилоятининг Арнасой туманида вилоят сайловчилари вакиллари билан бўлган учрашувда сўзлаган нутқиға мурожаат этамиз: «Шароф Рашидов ўз даврининг фарзанди эди. У мавжуд тузумға садоқат билан хизмат қилди. Аммо бедодликни қаранки, шундай одам дунёдан кўз юмганида ўзи умр бўйи химоя қилган, содиқ бўлиб хизмат қилган тузум унга хиёнат қилди. Мисли қўрилмаган шаккоқлик билан унинг хотирасини таҳқирлаб, жасадини кўчирдилар, оила аъзолари ва қариндош-уруғларимни таъқиб этдилар. «Рашидовчилик» деган сохта иборани ўйлаб топиб, унинг хотирасини ёмонотлик қилдилар... Ҳеч шубҳа йўқки, Шароф Рашидов номини ўзбек халқининг тарихидан, ҳаётдан айри тасаввур қилиб бўлмайди. Шароф Рашидов ўз халқига ва Ватанига фидойи фарзанд эди»[1, 344–345], дея Шароф Рашидовнинг таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида эзгу ғояни ҳамда у киши туғилиб вояға етган Жиззах заминида мухташам ёдгорлик мажмуасини барпо этиш эзгу ғоясини илгари сурган эди.

Бу ғоя XX асрнинг 80-йилларидаги мураккаб даврни – Ўзбекистон тарихини яна бир бор англаш, қайта баҳолаш учун даъват ҳам бўлди. Бу табиий ҳол. Зотан, XX аср унда “амалға оширилган ўзгаришларнинг микёси ва чуқурлиги бўйича бутун инсоният тарихида ҳал қилувчи аҳамиятға эға. Фақат шу тарихни ўрганиш бизға бугун юз бераётган воқеаларнинг микёсини англаш имконини беради” [3].

Ўзбекистон учун ҳам XX аср ўта зиддиятли, ютуқлар ва муаммоларға бой давр бўлди. Халқ орасида бу даврга нисбатан муносабат ҳам ўта мураккаб, ёрқин ва оғир таассуротларға бой.

Манбаларда таъкидланишича “1983–1991 йиллар, яъни мустақилликкача бўлган давр Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий манзарасини алоҳида ўрганишни, илмий-назарий, бадий ва публицистик тадқиқотни тақозо қилади. Бу, хусусан, юртимиз ва унинг меҳнаткаш халқи учун катта аҳамият касб этади. Чунки 80йилларнинг бошларида собиқ Иттифоқ таркибида фақат Ўзбекистонда 30–50-йиллар қатағонларининг янги даври, миллатлараро низоларнинг атайлаб уюштирилиши, Марказий Осиёда Ўзбекистон орқали шафқатсиз хунрезликларни вужудға келтиришға интилиш даври бўлди” [4].

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йилнинг 16 ноябрь куни Жиззах вилояти сайловчилари вакиллари билан учрашувдаги нутқида мустақилликнинг бекиёс аҳамияти ҳақидаги қуйидаги фикрлари юксак эътиборға лойиқ: “Агар ҳар бир халқ, ҳар бир давлат мустақил бўлмаса, бошқалар унинг нафақат деҳқонини, нафақат ишчисини, хаттоки шоиру олимини ҳам, давлат арбобини ҳам истаганча таҳқирлаши, инсоний шаънини тупроққа қориши мумкин экан” [1].

Тоталитар-режали иқтисодиёт номини олган ўша давр – бу давлатлаштирилган, давлат мулки монополиясига таянган, бир марказдан туриб, режалаштиришға ва бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик усуллариға асосланган иқтисодиётдир.

Собиқ иттифоқнинг пахта мустақиллиги сиёсати Ўзбекистон орқали амалға оширилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг пахтадан бошқа ҳамма соҳалари қисқартирилди.

Ўзбекистон иқтисоди катта пахта пайкалларига айлантирилган иқтисодиётдан иборат бўлиб, ўзбеклар фақат пахта етиштирувчи деҳқонларга айлантирилди.

Саноат, транспорт, алоқа тармоқлариэнг қуйи кўрсаткичларда амалга оширилди. Ижтимоий соҳа, фан, таълим, маданият ва соғлиқни сақлаш иттифоқ кўрсаткичларидан энг паст даражадаташқил этилган. Экологик муаммолар астасекинлик билан чуқурлашиб бориб,охир-оқибатда бутун инсоният фожиаси бўлиб қолди.

“Социалистик қонунчиликни тиклаш учун” марказдан қанча кўп “десантчи” келса, босқинчилик, одам ўлдириш, ўғирлик (жумладан, автомобиль ўғирлиги), уюшган жиноятчилик шунчалик тезроқ ўсиб борди. Одамларнинг ҳуқуқ-тартибот идораларига ишончи қолмагач, ёрдам таклиф қилган ҳар қандай кимса қаршисига бош эгиб борарди. Бу вазиятдан эса ашаддий жиноятчилар, турли “разборчи”лар унумли фойдаланар, пана-пастқамларда жойлашган чойхоналар “адолат маҳкамалари”га айланиб қолганди. Сиёсий иродадан маҳрум, ўз халқининг ор-номуси ва кадр-қимматини ҳимоя қилишга қодир бўлмаган кишиларнингЎзбекистон компартияси ва республика раҳбариятига келиб қолиши, аввало, пахта билан боғлиқ қонунсизлик, хўрлашлар, қўшиб ёзишларни ташкил этган шахслар билан бир қаторда, минглаб оддий ижрочиларга қарши ялпи жазолашларнинг авж олдирилишига олиб келганлигини гувоҳи бўлганман. Уларнинг аксарияти ўзларининг омон қолишларини ўйлаб, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, жумладан ГДЯн ва Иванов гуруҳи йўл қўйган қонунсизликва қонун бузилишларини пайқамасликка обдан уринган эдилар.

Президент Шавкат Мирзиёев юқорида таъкидлаганларидек, давлат мустақил бўлмаса, халқ бутун умр тобеликда, қарамликда, босим ва қўрқувда яшашга маҳкум бўлишини ўша даврдаги сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий вазият кўрсатди.

Янгиланган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг биринчи боби “Давлат суверенитети” деб номланиб, 1-моддаси “Ўзбекистон – бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат. Давлатнинг «Ўзбекистон Республикаси» ва «Ўзбекистон» деган номлари бир маънони англатади”, деб қайд этилгани Янги Ўзбекистоннинг халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти эканлигининг ҳуқуқий асослантирган. Бу дегани Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг бузилмаслиги, давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик принципларига ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган бошқа принцип ва нормаларига асосланишини билдиради.

Бугун ёшларимиз 1983-1990 йилларда Собик Марказдаги империяпараст кучлар, мустабид тузумнинг шафқатсиз қатагон аппарати Ўзбекистонга нисбатан турли зуғум ва тазйиқларни тинимсиз кучайтириб борган. Айниқса, “пахта иши”, “ўзбеклар иши” деган сиёсий кампаниялар пайтида қизил империянинг марказий матбуоти эл-юртимиз шаънини таҳқирлаб, унинг бошига “қўшиб ёзиш”, “юлғичлик”, “кўзбўямачилик”, “боқимандалик” каби тухмат ва маломатлар бўронини ёғдирганини биладимиз?

Мамлакатимизнинг ўтган асрнинг 80-йилларида кескин ижтимоий муаммолар гирдобига тушиб қолган, аҳолининг ҳаёт даражаси бўйича собик СССРда энг охириги ўринлардан бирини эгаллаган, пахта яккаҳокимлиги ҳалокатли тус олган, иқтисодиёти бирёқлама ривожланган, қолоқ аграр республика» бўлганлигини, ўша даврнинг сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий манзарасини халқимизга идрок эттириш орқали биз яшаётган Ўзбекистоннинг мустақиллиги ғойибдан келмаган, барқарорлик, хавфсизликни таъминлаш осон кечмаган.

2. Миллатни асраш керак, миллатни асраш учун эса унинг ҳақиқий тарихини ўрганиш, авайлаб ҳимоя қилиш керак

Совет тоталитар тузуми ҳар қандай миллий ўзига хослик, миллий ғурур ва миллий манфаатларнинг кушандаси эди. Совет иттифоқида турли миллат вакиллари яшашини инкор этмаган ҳолда, гарчи ҳужжатларда миллатлараро ўзаро тенглик ва ҳамжиҳатлиликни қарор топтиришни декларатив тарзда тан олинганлигига қарамасдан, амалда эса, миллатларнинг миллий тараққиётига қарши иш олиб борилар эди. Советлар ҳудудида ҳар қандай миллий

ўзлигидан воз кечган кишиларгина “яхши яшаш”га имконият берилганди. Ўзбекистонда ўзбеклар, Қозоғистонда қозоқлар, Қирғизистонда қирғизлар, Туркменистонда туркманлар, Тожикистонда тожиклар, хуллас номи билан аталадиган республикаларда шу миллат вакиллари бошқаларга қараганда ҳимоясиз, тўлақонли фуқаро ҳисобланмасди.

Масалан ўзбек халқининг асосий қисмини колхозчи-деҳқонлар ташкил этар эди. Уларга ҳатто фуқаролигини тасдиқловчи паспорт ҳам берилмасди. Паспорт ўрнига колхозчилигини тасдиқловчи колхозчининг меҳнат дафтарчасини кўтариб юришарди.

Ўша даврда Ўзбекистонда миллий ишчилар синфи шаклланишига йўл қўйилмаган. Яна бир нарсани таъкидлаб ўтиш лозимки, туб аҳоли оғир саноат корхоналарида асосан кам иш ҳақи тўланадиган, соғлиғига зарар бўлган иккинчи даражали участка ва цехларга жалб этиларди. Шу боис юқори малакали ўзбек ишчиларининг сони жуда кам бўлган. Бунинг сабаби шу эдики, ўша „турғунлик йиллари“ деб аталган даврда ёшларни меҳнатга жалб этишда „Қишлоқда яшайсанми, техникани бил!“ каби шиорлар, шунингдек, касб танлашда ижтимоий чақириқларнинг, асосан, пахтачилик, маккажўхорикорлик, чорвачилик, савдо ишлари, ижтимоий овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш соҳаларига йўналтирилганлиги бўлган.

Ўтган асрнинг 80-йиллари охирларида Ўзбекистондаги шаҳарлар аҳолисининг 24 фоизини ўзбеклар ташкил этган. Таққослаш учун қуйидаги рақамларни ҳам келтирмоқчимиз: Украина шаҳарларида украинлар – 53 фоизни, Беларусдаги туб аҳоли эса 49 фоизни ташкил этган. Қуйидаги жадвалда ўша даврдаги манзарани яққол кўриш мумкин.

1-жадвал

Тошкент шаҳри саноат корхоналарида ўзбек ишчиларининг ҳиссаси[5].

Саноат корхоналари	Фоизда
Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида	21,0
Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлигида	19,0
Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмасида	14,0
Тошкент трактор заводида	18,0
“Эталон” ишлаб чиқариш бирлашмасида	22,0
Лак-бўёқ заводида	33,0
Олмалиқ кон-металлургия комбинатида	12,8
“Технолог” илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида	13, 1

Таъкидлаш жоизки, Совет Иттифоқининг қўпгина республикаларидаги турмуш даражаси Россиядагидан ҳам кўра баланд эди. Бироқ Ўзбекистон бу қатордан ўрин олмаган эди. Республика улкан табиий, минерал хомашё салоҳиятига эга эди. Халқ пахта далаларида тер тўкиб меҳнат қилар, заҳарли моддалардан нафас олар, соғлиғига зарар етказар эди-ю, бироқ ўзи камбағаллигича қолаверарди. Унинг ҳаётида оғир меҳнатдан бошқа нарса йўқ эди. Миллионлаб кишиларнинг тақдири ана шундай эди.

Юқори малакали меҳнат талаб қилинадиган саноат корхоналарига эса асосан бошқа миллат вакиллари ишга олинар, маҳаллий миллат вакиллари мусиқа, тасвирий санъат, киноиндустрия, мураккаб машиналарни бошқариш сингари соҳаларга қарийб қабул қилишмас эди. Бундай ҳолат маҳаллий миллат вакилларининг фақат бошқа миллат вакиллари учун хизмат кўрсатувчилар сифатидагина яшашига имкон берар эди.

Халқимиз десантчилар (Гдлян, Иванов, Карташян) ёхуд қатағоннинг янги кўриниши деб ном олган 1983-1989 йилларда дала бошида бир қошиқ овқатини ҳам тик туриб ичган, ночор кийиниб, гоҳо оч, гоҳо бориға қаноат қилган. Шу ўринда қуйидаги таҳлилий маълумотларни ҳам келтиришни лозим топдик.

Собиқ Иттифокдаги ўртача ҳаёт даражасига нисбатан Ўзбекистондаги оғир ва аянчли ижтимоий-иқтисодий манзара[5].

№	Аҳоли жон бошига	
1	Ялпи ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш	12-ўрин
2	Миллий даромад ишлаб чиқариш	2 ҳисса паст
3	Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш	40 фоиз
4	Саноатдаги меҳнат унумдорлиги	40 фоиз
5	Қишлоқ хўжалигидаги меҳнат унумдорлиги	50 фоиз
6	Гўшт, сут ва сут маҳсулотлари, тухум истеъмоли	50 фоиз
7	Ойига 75 сўмдан кам ялпи даромад оладиганлар улуши (45 фоиз аҳоли)	2 ҳисса паст

Болтиқбўйи республикаларида ўша даврда йилига аҳоли жон бошига гўшт ва гўшт маҳсулотлари истеъмол қилиш 95 – 110 килограммни ташкил қилганлигини ҳам мисол келтириш мумкин.

1989 йилда Ўзбекистон аҳолиси жон бошига истеъмол қилинган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари миқдори (1 кишига килограмм ҳисобида) [5].

№	Маҳсулот турлари	СССР	ЎзССР
1	Гўшт ва гўшт маҳсулотлари	67	31
2	Сут ва сут маҳсулотлари	363	201
3	Тухум (дона)	268	119
4	Картошка	98	25
5	Сабзавот ва полиз	95	95
6	Мева ва резаворлар	41	27
7	Нон ва нон маҳсулотлари	129	167

Бундай ҳолни келтириб чиқарган асосий ҳолат, барча маҳсулотларни тақсимлашнинг ўта марказлашганлиги эди. Собиқ тузумнинг “демократик централизм” деган мантиқсиз бир принципи бор эди. Ҳамма ишни юқоридан пастга қараб белгилаб берадиган бу принцип иқтисодий-сиёсий ҳаётда айниқса мажбурий зуғум билан ўтказилар эди. Барча маблағ давлат бюджетига олинар ва марказдан қайта тақсимланарди.

Шу ерда бир ҳолат киши эътиборини ўзига жалб қилади. Ўзбекистон бўйича ҳар бир аҳоли жон бошига 64,4 килограмм мева ва резаворлар етиштирилгани ҳолда, унинг истеъмоли Иттифок бўйича 41 килограммга, Ўзбекистонда эса 27 килограммга тенг бўлган. Ўша даврда озиқ-овқат маҳсулотлари тақсимотидан келиб чиққан бундай номутаносиблик Ўзбекистон аҳолисининг ҳақли эътирозини келтириб чиқарарди.

Шу ўринда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йилнинг 22 ноябрь куни Тошкент вилояти сайловчилар вакиллари билан учрашувдаги нутқига мурожаат этамиз: “Азиз дўстлар, мен мана шу маърузага тайёргарлик кўриш жараёнида айтиш масаласига алоқадор қизиқ бир ҳужжатга дуч келдим. Рухсатингиз билан, бугун уни сизларнинг эътиборингизга ҳавола этмоқчиман. Мана, эшитинг, бу ҳужжатда нима деб ёзилган: «250 грамм макарон маҳсулоти, ярим литр ўсимлик мойи, 800 грамм гуруч, 5 дона тухум, 100 грамм куруқ чой, 100 грамм мол ёғи». Мана, ҳозир залга қараб туриб, мен кўпчиликнинг, айниқса, ёшларимизнинг ҳайрон бўлиб турганини кузатяпман. Фақатгина ёши улуг одамлар ниманидир тушунгандек бўляпти, бу ғалати рўйхат уларга ниманидир эслатяпти. Бу – 90-йилларнинг бошида аҳоли жон бошига маҳсус талон билан ойда бир марта бериладиган энг зарур озиқ-овқат маҳсулотларининг рўйхати. Яъни, бир ойда бир одам фақат шунча озиқ-

овқат олиш ҳуқуқига эга эди! Мен ўша йиллари Тошкент шахрининг Мирзо Улуғбек тумани ҳокими бўлиб иш бошлаган эдим. Мана шу маҳсулотларни ундириб топиб келиш, уни аҳолига талон билан тарқатб бериш қандай катта муаммо бўлганини бугун ҳам жуда яхши эслайман. Фарзандларимиз, ёшларимиз учун бу воқеалар гўё эртақ бўлиб туюлиши мумкин. Майли, у кунлар эртақ бўлиб қолсин, лекин собиқ тузумдан бизга қандай аянчли мерос қолганини, қандай қийинчиликларни бошимиздан кечириб, бугунги тинч ва осойишта, тўкин-сочин кунларга етиб келганимизни гоҳ-гоҳ эслаб турсак, ўйлайманки, фойдадан холи бўлмайди” [6].

Мустақилликка қадар мамлакатимизда суғориладиган майдонларнинг каттагина қисми (80-88 фоизи)пахта билан банд бўлиб, мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотлари кам етиштирилиши натижасида аҳоли истеъмол қиладиган озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий қисмини дон ва дон маҳсулотлари ташкил этган.

Республикамиз учун ўша пайтлар нафақат иқтисодий, балки ижтимоий-сиёсий вазият ҳам чигаллашган бир давр бўлиб, балки ижтимоий кескинликни кучайтириши мумкин эди. Мамлакат жуда катта озиқ-овқат муаммосига дуч келган, мураккаб вазият гирдобада қолганди.

Пахта якка ҳокимлиги авжига чиққан ўша оғир йилларнинг ҳар бир куни катта ёшдагиларнинг хотирасида муҳрланиб қолган, десак адашмаймиз. Ишга ярокли инсонларнинг барчаси – аёллар, бўйи кетмон дастасидан паст ёш болалар, ҳатто кексалар ҳам – эрта тонгдан то кеч шомгача давом этадиган оғир дала ишларини бажаришга жалб қилинган эди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йилнинг 17 август куни “Янги Ўзбекистон” газетасига берган тарихий интервьюсида таъкидланганидек: “Ҳолбуки, собиқ мустабид тузум даврида “тепа”дан буйруқ бўлмаса, бир қадам босишга ҳам ҳаққимиз йўқ эди. Аҳвол шу даражага етиб борган эдики, уйимизнинг томигача пахта экдик, лекин косамиз оқармади. Мактаб болаларини ҳам пахтага ҳайдадик. Севимли шоиримиз Абдулла Орипов ўз даврида чуқур дард ва изтироб билан “Миллион эгатларга сочилган ўзбек”, деб ёзганидек, шунча йил эгилиб пахта тердик” [7].

Пахта теримида қатъий норма белгиланарди. Нормани бажаришга улгурмаганлар фонус ёруғида кечаси ҳам ишини давом эттиришарди. Айниқса, ўша йиллари Марказ тазйиқи билан қишлоқ хўжалик ишларида жорий қилинган қаттиқ тартиб-интизомга ёшу қари баб-баробар бўйсундирилган, аёллар бешикдаги боласини ҳам дала бошига олиб чиққан эди.

Ҳозир ўша давр барчанинг кўз олдида турибди. Бу борада ҳеч ким адашмайди. Саратон куёши ўзининг алангасини пуркаб турган дамларда ҳам, кеч кузнинг изғиринли кунларида ҳам, ер яхлаган қаҳратон қишда ҳам ўзбек халқи уйига шошилмас, белгиланган юмушни охиригача бажарарди.

Ўзбек аёллари дала бошида бир қошиқ овқатини ҳам тик туриб ичгани, ночор кийиниб, гоҳо оч, гоҳо бориға қаноат қилиб, барча қийинчиликларга чидаб, кечаю кундуз ишлаб соғлиғидан ажралгани, ишга жонини фидо қилгани маълум. Ҳозир уларнинг кўплари орамизда йўқ, аммо номларини бирма-бир тилга олиб, уларнинг рухлари шод бўлсин, деб доимо дуо қиламиз.

Қишлоқда колхоз, совхоз деб юритиладиган хўжаликларда одамларнинг турмуши жуда ночор, қийинчиликларнинг охири кўринмас, ҳатто оддий бир оёқ кийимини икки-уч киши алмаштириб кийишга мажбур эди. Айрим хонадонларда гўшт олишга пули етмагани боис гўштсиз овқат пишириларди.

«Машаққатли пахта терими билан кеч кузгача аёллар ва болалар банд бўлишарди. Москва томонидан тиқиштирилган пахта босқини Ўзбекистонда касаллик ва болалар ўлими юқори, таълим сифати паст бўлишига олиб келди.

Энг ачинарлиси, пахта яккаҳокимлигининг авж олиши натижасида халқ хўжалиги бутунлай издан чиққан, ишсизлик, аҳоли даромадлари ва турмуш даражасининг пасайиши, қашшоқлик, оналар ва болалар ўлими кучайган, экологик вазият ғоят зўриқаётган давр эди.

Оқибатда 1960–1990 йиллар давомида гўдаклар ва оналар ўлими кўпайиб кетган эди. Мутахассисларнинг фикрига кўра, ўша даврда механизаторнинг ўртача умр кўриши 41 ёшни ташкил этган. Ўша пайтда ўзбек йигитларининг бўйи Европа йигитларининг бўйидан 7–8 сантиметрга пасайиб, кўкрак кафаси ҳам 7–8 сантиметрга қисқариб кетган эди. Туғилаётган чақалоқларнинг кўпчилиги мажруҳ бўлиб туғиларди. “Экосан” халқаро жамғармаси мутахассисларининг маълумотларига кўра, мустақилликка қадар Ўзбекистонда йилига 35000 нафар туғилган чақалоқлар бошининг ўлчами нормадан кичик бўлиб туғилганлиги ўта ачинарли ҳолат бўлиб, бу ҳақда ай тилмасди ҳам, ёзилмасди ҳам.

Биргина пестицид туфайли жигар касаллиги, болалар касаллиги, ҳомиладор аёлларнинг ҳам камқонлик касаллигига дучор бўлганлиги, мажруҳ фарзандлар туғилиши кўпайиб кетган эди. Тиббиёт соҳасида битта шприц билан ўнлаб инсонларга хизмат кўрсатиларди. Мактабларда нонушталар яхши ташкил этилмасди. Миллат таянчи бўлмиш болаларга эътибор берилмас эди. Миллат саломатлигига масъул тармоқ – соғлиқни сақлаш Ўзбекистонда қолдиқ принципига асосланган бўлиб, жуда қашшоқлашган эди. Болалар ўлимининг ортиши мамлакатимиз аҳолиси учун жуда катта фожиа эди.

Бир ёшга ҳам етмай вафот этган гўдаклар сони ҳар 1000 туғилган болага нисбатан Қорақалпоғистонда – 68,8, Сурхондарё вилоятида – 57,7, Фарғона вилоятида – 56,6 нафарни ташкил этган. Баҳористон, Учкудук, Нукус ва Бўзатов каби туманларда 80 дан 118 нафаргача бўлган [5, 112]. Агар умуман Иттифок бўйича бу кўрсаткич ҳар 1000 туғилган бола ҳисобига 26, ГФР, Канада, Финляндия, Швеция, Япония ва бошқа мамлакатларда – 5,0 нафарни ташкил этганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, юқоридаги рақамларнинг фожиавий тусда эканлиги янада яққолроқ кўринади.

Катта бир пахта пайкалига айлантириб қўйилган Ўзбекистон олис фожиавий тажриба йўлига тушиб, пахта нафақат қишлоқ хўжалиги, балки саноат, таълим, соғлиқни сақлаш ва пировард натижада ижтимоий ахлоққа салбий таъсир кўрсатиши мумкинлиги тасдиқланди. Нуфузли немис сиёсатшуноси Уве Хальбах совет Ўзбекистонидagi инқироз тўғрисидаги ўз материалларига “Оқ олтин – оқ ажал” деб, оригинал бўлмаса-да, таъсирчан ном берди. Чиндан ҳам “оқ олтин” тавқи лаънат бўлиб чиқди” [2, 144-б].

Ўзбекистон пахта яккаҳокимлигининг оғир зулмидан тинкаси қуриб, пахта етиштиришнинг барча имкониятлари тугаган ва режа топшириқлари нореал тус олган бир шароитда марказ ҳар йили пахта топширишни доимий равишда оширишни ўйларди. Масалан, 1979 йилда Ўзбекистон давлатга 5 млн. 850 минг тонна, 1981 йилда 6 млн. тонна пахта топшириши лозим бўлгани ҳолда, 1982 йилда Л. И. Брежнев 6 млн. 300 минг тонна топширишни таъминлаш вазифасини қўяди, 2000 йилга бориб эса ялпи пахта ҳосилини 8 млн. тоннага етказиш дастури ишлаб чиқилган эди.

Ўзбекистонда пахта яккаҳокимлиги шу қадар авжига чиққан эдики, масалан, Андижон вилоятидек аҳоли зич яшайдиган ҳудудда экин майдонларининг 88 фоизини ғўза эгаллаб олган эди. Фақат ҳовлиларга, томларимизга пахта экмасдик, холос [5, 112].

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов айтганидек, «Шароф Рашидовнинг умри сандон билан болға ўртасига қўйилган эди», У «мустақиллик пойдеворига муносиб ғишт қўя олган арбоблардан бири эди».

Ўзбек халқининг машаққатли меҳнатини ошириб кўрсатиш мақсадида илгари сурилган шиорлар «қўшиб ёзиш»дек жирканч иллатни вужудга келтирди. Бу эса тоталитар жамиятнинг бошида турган аслзодаларга ёкмади ва шу баҳонада Ўзбекистонни “**текшириш**” режаси тузила бошлади. Орияти кучли бўлган юртимиз раҳбари Шароф Рашидов миллат қадрини тиклаш йўлида Москванинг босимларига дош бера олмай 1983 йилнинг 31 октябрида оламдан ўтди.

Афсуски 1984-1989 йиллари “гипноз таъсири”, “рашидовичлар” иборалари билан Шароф Рашидов ҳақида сиёсий буюртма асосида бўхтон ва мифлар тўқиб чиқарилди. Ушбу салбий маънодаги мифлардан кўзланган асосий мақсад – Ўзбек халқини обрўсизлантириш, уни ғурурини синдириш, чириб қолган авторитар, тоталитар сиёсий тизимни барча

камчиликларини республикаларнинг биринчи рахбари зиммасига юклаш (кунаевшина, усувалиевшина) орқали ўзини оқлаш ва сақлаб қолиш бўлган.

Бу даврда халқ Собиқ Компартияга ишонмай кўйган эди. Чунки, у ваъда қилган 80-йиллардаги “коммунизм” қурилмади. Уни ўрнига ўйлаб топилган “ривожланган социализм” ғояси ҳам барбод бўлди. Мавжуд сиёсий режим учун, инкироз сабабини тизимдан эмас, айрим шахслардан қидириш сиёсий анъанага айланган эди. Шахсга сиғиниш, хрущёвчилар, турғунлик, қайта қуриш жараёнлари охир оқибат сиёсий режимнинг қулашига сабаб бўлган эди.

XX асрнинг 90-йиллари арафаси ва бошларида юқоридаги келтирилган жадвалдаги маълумотлар шундан далолат берадики, Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий тараққиётида мутлақо янги мазмуни ва моҳиятга эга тарихий зарурат юзага келди. Ўзбекистон иқтисодиётида кескин пасайиш (рецессия) юз берди. Натижада ижтимоий муаммоларни ҳал этиш масаласи кўндаланг турди. Бу ижтимоий кескинликни келтириб чиқишга замин ҳозирлаган эди.

Аҳоли турмуш даражасининг кескин пасайиши халқимизнинг қаддини букмади, бироқ Марказнинг Ўзбекистонга муносабати орқали совет ҳокимиятининг зўравонлик сиёсати “қуюшқон”дан чиқиши, айбсиз халққа “ўғри”, “муттаҳам”, “порахўр”, “боқиманда” каби ёрликларнинг ёпиштирилиши халқимизнинг сабр-тоқатини тўлдириб юборган эди.

Гўлчанчилар ўз ваколатларини суиистеъмол қилиб, ўзларини дунёнинг устини каби сезиб, ҳаётда енгил-елпи, ҳар хил нопок йўللарга муккасидан кетиб, инсоний бурчини унутдилар. Улар инсон тақдирини пўчокча ҳам назарларига олмай, мол-дунёга интилиб яшашни фаолиятларининг мезонига айлантирдилар. Инсонларнинг пешона тери билан эришган ҳалол луқмаларини тортиб олишни ўзларига эп кўрдилар. Ўзларини қийнамасдан нафс қайғуси, ҳою ҳавасга, ҳузур-ҳаловатга берилдилар. Улар бу дунёнинг жазоларидан қутулиб қолгандилар, бироқ Олий дунёнинг жазоларидан қутила олармиканлар. Манфур ва олчоқ ном чиқариш учун тўғри келган қабохатлардан тап тортмайдиган қонундаги ўғрилар – гўлчанчиларни нафақат ҳуқуқ-тартибот олами, балки оддий халқ ҳам қонундаги ўғрилар, жиноятчилар деб атадилар. Мақоламизнинг ушбу сатрларини баён этаётган пайтда дунё мутафаккирлари Ф. Вольтер ҳамда В. Гюголарнинг ибратли ҳикматлари хотирамда жонланади. Буюк француз ёзувчиси Ф. Вольтернинг ёзишича: “Жиноятчиларда қолган ягона ҳислат виждон азобидир”. Демак, уларнинг қилмиши учун В. Гюго айтганидек: “Олий ҳукм виждон ҳукмидир”.

Хулоса ва таклифлар

1. Миллий ва иқтисодий ҳавфсизликнинг энг муҳим шарти – мустақиллик бўлиб, унга эришмасдан инсон, жамият ва давлатнинг ҳаётини энг муҳим манфаатларини рўёбга чиқариб бўлмайди. Чунки, фақат мустақил давлатгина реал шароитларга мос келадиган даражадаги миллий ҳавфсизликни таъминлаши мумкин

2. Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги кўп минг йиллик тарихимиздаги ҳеч қачон унутилмайдиган, қадр-қиммати ва аҳамияти йиллар, асрлар ўтгани сайин тобора ортиб борадиган буюк тарихий воқеа бўлиб, мустақилликни тарихий, сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий мазмун билан бойитиш зарур.

3. 1991 йилда жаҳон сиёсий харитасида янги мустақил давлат — Ўзбекистон Республикасининг пайдо бўлиши тасодиף ёки фавқулодда ҳодиса эмас, балки мамлакатимиз халқлари асрий орзусининг рўёбга чиқиши, олиб борилган машаққатли, аксарият ҳолларда фожияли қурашнинг маҳсулидир. Бугун барчамиз мамлакатимиз мустақиллигининг 33 йиллик байрамини нишонлашимиз яна бир қарра мустақилликнинг қиммати, тарихий, сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий аҳамияти беқиёс эканлигини англашга, дилдан ҳис қилишга чорлайди.

4. “Мустақиллик” сўзининг ўзи – қудратли куч. “Мустақиллик” сўзининг замирида тенги йўқ, энг улў ҳуқуқ ётади. Унинг қудрати шундаки, у буюк давлатни барпо этиш гаровидир. Мустақиллик адолат, юксак маънавият ва қонун устуворлиги асосида яшашга замин яратди. Мустақиллик аввало ўзлигимизни англаш эканлигини ёши ва вазифасидан

катъий назар ҳеч биримиз унутмаслигимиз керак. Фақатгина мустақил давлат ўз халқига ишончли ижтимоий кафолатлар бера олади

5. Ҳозирги замоннинг шиддатли ва зиддиятли тараққиёт тамойилларини мураккаб ва таҳликали давр нуктаи назаридан тушуниш, бугунги тинч ва фаровон ҳаётимизнинг қадрига етиш, келажакка катта ишонч билан қараб, Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнларида онгли ва бунёдкор фуқаро сифатида муносиб иштирок этишда, Ватанни саждагоҳ каби муқаддас билиб, янги ватанпарвар авлодни тарбиялашда ушбу мақоламизнинг сал бўлса-да ҳиссаси бўлса, биз кутилган натижамизга эришдик деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. *Мирзиёев Ш. М.* Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курамиз. – Т., 2017.
2. *Левитин Л.* Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. – Т., 2001. – 12-б.
3. *Ясперс К.* Смысл и назначение истории. М.: Политиздат, 1991. С.27.
4. *Матлюбов Б. А. Қобилов Ш. Р.* Мустақиллик – тарихий тараққиёт ва фаровонлик асоси. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. – 2022. – 3-сон.
5. Мақолада келтирилган жадваллар таҳлилини батафсилроқ қаранг: Қобилов Ш. Р. Пахта якка ҳокимлигининг ҳалокатли оқибатлари. – “Ўқитувчи” НМИУ. – 2015. – 112-б.
6. Юсак таърифларга муносиб замин. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёевнинг Тошкент вилояти сайловчилари вакиллари билан учрашувдаги нутқи. – Халқ сўзи. – 2016. – 23 ноябрь.
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Янги Ўзбекистон» газетаси бош муҳаррири Салим Дониёровнинг саволларига жавоблари (интервьюси). – Янги Ўзбекистон. – 2021. – 17 авг.
8. *Каримов И. А.* Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16. – Т., 2008. – 17-б.

УДК:330.31

ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТГА НИСБАТАН ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ЁНДАШУВЛАР

НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ПОДХОДЫ К ТЕНЕВОЙ ЭКОНОМИКЕ

SCIENTIFIC AND THEORETICAL APPROACHES TO THE SHADOW ECONOMY

Иброҳимжон Абдурахмонов,

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар
вазирлиги масъул ходими, мустақил тадқиқотчи

Аннотация

Мақолада яширин иқтисодиётга нисбатан илмий доираларда олимлар, экспертлар томонидан берилган илмий на назарий таърифлар, хуфиёна иқтисодиётнинг ўзига хос хусусиятлари, унинг мамлакат иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳаётига нисбатан таъсири, унинг келиб чиқиш сабаблари ҳамда салбий оқибатларини илмий жиҳатдан тадқиқ этилган. Тадқиқот жараёнида мавзу доирасида илмий изланишлар олиб борган Европа, Россия, Ўзбекистонлик олимларнинг яширин иқтисодиётга нисбатан берган таърифлари, яширин иқтисодиёт борасида олиб борилган илмий изланишлари ҳамда улар томонидан берилган илмий натижалар умумлаштирилиб, муаллиф томонидан умумий хулоса ҳамда яширин иқтисодиётга нисбатан муаллифлик таърифи берилган.

Калит сўзлар: яширин иқтисодиёт, ялпи ички маҳсулот, коррупция, инфляция, солиқ тизими, бюджет тақчиллиги, рақобат, макроиқтисодий сиёсат, криминал иқтисодий фаолият, иқтисодиётни криминаллашуви.

В статье даны научно-теоретические определения, данные учеными и экспертами в научных кругах относительно тайной экономики, специфические особенности тайной экономики, ее влияние на экономическую, социальную и политическую жизнь страны, причины ее возникновения и негативные последствия научно исследованы.

В ходе исследования были обобщены определения европейских, российских и узбекских учёных, проводивших научные исследования по теме тайной экономики, их научные исследования по тайной экономике, их научные результаты, а также даны общие сведения. вывод и авторское определение тайной экономики.

Ключевые слова: теневая экономика, валовой внутренний продукт, коррупция, инфляция, налоговая система, бюджетный дефицит, конкуренция, макроэкономическая политика, криминальная экономическая деятельность, криминализация экономики.

The article provides scientific and theoretical definitions given by scientists and experts in scientific circles regarding the shadow economy, the specific features of the shadow economy, its impact on the economic, social and political life of the country, the reasons for its occurrence and negative consequences have been scientifically studied.

The study summarized the definitions of European, Russian and Uzbek scientists who conducted scientific research on the topic of the shadow economy, their scientific research on the shadow economy, their scientific results, and also provided general information. conclusion and author's definition of the shadow economy.

Key words: shadow economy, gross domestic product, corruption, inflation, tax system, budget deficit, competition, macroeconomic policy, criminal economic activity, criminalization of the economy.

Яширин иқтисодиёт атамаси хорижий илмий адабиётларда турлича талқин этилади. Жумладан, яширин иқтисодиёт деганда, расман давлат статистика ҳисоботларида қайд этилмайдиган, солиқ органларига товарлар сотиш ва хизматлар кўрсатишдан давлат бюджетига тушиши лозим бўлган лекин, турли хил йўллар билан ушбу маблағларнинг бюджет даромадлари қисмига тушмаган миқдорига нисбатан айтилади.

Хусусан, “криминал”, “норасмий”, “нолегал”, “иккинчи” ва ҳ.к. Инглиз илмий адабиётларида яширин иқтисодиётни “норасмий”, “кўринмас”. француз илмий адабиётларида эса “ер ости”, “сув ости”, немис илмий адабиётларида “яширин” иқтисодиёт деб номланади. Мазкур феномен, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги техникасига кўра, “яширин иқтисодиёт”, илмий атамаларда эса “яширин иқтисодиёт”, “хуфиёна иқтисодиёт” сифатида талқин қилинади.

БМТнинг “Кўк китоб”ида яширин иқтисодиётга нисбатан 3 хил тушунча берилган бўлиб, “ёпиқ”, “норасмий” ва “ноқонуний” иқтисодиёт деб юритилган [1].

“Ёпиқ” иқтисодиёт — тадбиркорлик субъектларига қонунларда иқтисодий фаолият юритишлари тақиқланмаган, аммо ушбу субъектлар ўзларининг иқтисодий манфаатларини устун қўйиб, солиқлар ва бошқа тўловлардан бўйин товлаб, иқтисодий фаолият тури билан шуғулланишлари таъкидланади.

“Норасмий” иқтисодиёт деганда, корпоративлашмаган корхоналар, жумладан, норасмий иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи уй хўжаликлари қайд этилган [2].

“Ноқонуний” иқтисодиёт сифатида бозор талабларига тез жавоб қайтариш хусусиятига эга бўлган, ноқонуний, лицензияланмаган моддий-товар бойликларини ишлаб чиқариш, сотиш, хизматлар кўрсатиш киритилган.

Демак, яширин иқтисодиётнинг хусусияти бир томондан унинг “кўринмас”лиги бўлса, иккинчи томондан яширин иқтисодиётни ҳисоблашдаги ёндашувларнинг ҳар-хиллигидадир,

учинчи томондан эса, давлатлар томонидан яширин иқтисодиётга нисбатан муносабатларнинг бир биридан фарқланишидадир.

Яширин иқтисодиёт муаммоси XX-асрнинг 70-йилларида бошланган бўлиб, илмий асарларда яширин иқтисодиёт тўғрисида биринчи бор фикр юритилиб, ҳисобга олинмайдиган иқтисодиётни назардан қолдирмаслик тўғрисида илмий қарашлар баён этилган. [3] Собиқ иттифоқ илмий адабиётларида ушбу атама дастлаб 1960 йилларда кузатилган.[4] Шунингдек, 1983 йилда Германиянинг Белфелд шаҳрида биринчи бор яширин иқтисодиётга қарши кураш юзасидан халқаро конференция ташкил этилди. 1991 йилда Женевада “яширин” ва “норасмий” иқтисодиётга бағишланган илмий амалий конференция бўлиб ўтди[5].

Фикримизча, яширин иқтисодиётнинг таркибий тузилишини тадқиқ этиш учун аввалом бор унинг ўзига хос хусусиятлари, жамиятнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ҳаётига нисбатан юзага келтириши мумкин бўлган салбий таъсирлари, таҳдидларини таснифлаб олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Жумладан, Б.А.Тагаев яширин иқтисодиётга жамият томонидан назорат қилиб бўлмайдиган, мамлакат аҳолисининг бир қисмини ташкил қилувчиларнинг шахсий ва гуруҳий манфаатларини қондириш, катта миқдорда қўшимча даромад (фойда) олишни кўзлаб, давлат органлари бошқаруви ва назоратидан яширган ҳолда, давлат ва нодавлат мулкдан ҳамда иқтисодий бойлик, тадбиркорлик қобилятидан жиноий йўл билан фойдаланишдир дея таъриф берган [6].

И.Хотамов эса яширин иқтисодиёт – қонунлар, ҳукукий нормалар, хўжалик ҳаётининг расмий қоидаларини четлаб ўтиб, яъни ҳукукий майдон доирасидан ташқарида юз берадиган иқтисодий муносабатларнинг маълум туридир дея таъриф берган [7].

Ю.Латов яширин иқтисодиёт таркибини қуйидаги турларга бўлади: “Иккинчи (оқ ёқали) яширин иқтисодиёт” – бу норасмий ва ноқонуний, яширин фаолият тури бўлиб, бу каби фаолият эгаларининг асосий даромад манбаи уларнинг расмий касбий фаолият туридан олинадиган ноқонуний даромадлари ҳисобланади. Иккинчи яширин иқтисодиёт субъектлари сифатида асосан раҳбарлик лавозимларида ишловчиларни, мансабдор шахсларни ёки идоравий ходимларни келтириш мумкин. Шунинг учун ушбу ноқонуний иқтисодий фаолият тури “оқ ёқали” яширин иқтисодиёт дейилади. Иккинчи яширин иқтисодиёт фаолият турининг ўзига хос жиҳати – бундай ноқонуний иқтисодий фаолият субъектлари жамиятда тўғридан тўғри ҳеч қандай хизмат кўрсатмайди ёки моддий неъматлар ҳам яратмайди. Улар фақатгина ижтимоий даромадларни ноқонуний қайта тақсимланишида иштирок этади.

“Кулранг яширин иқтисодиёт” – бу иқтисодиётнинг норасмий секторларидан ҳисобланиб, унинг ўзига хос жиҳати, маълум даражада қонунда рухсат этилган легал ёки қисман рухсат этилган яримлегал иқтисодий фаолият тури ҳисобланади. Унинг ўзига хос жиҳатларидан бири, расмий статистик ҳисобларда қайд қилинмайди. Бундан ташқари, бу каби иқтисодий фаолият тури билан шуғулланувчиларнинг асосий характерли томони, кулранг яширин иқтисодиёт субъектлари томонидан давлат бюджетига солиқлар, йиғимлар ёки бошқа тўловлардан қочиш мақсадида реал даромадларини камайтириб кўрсатишга ҳаракат қилади. Кулранг яширин иқтисодиёт асосан ривожланаётган давлатлар иқтисодиётига хос ҳисобланади.

“Қора яширин иқтисодиёт” – иқтисодий жиноятчилик фаолияти бўлиб, энг аввало, уюшган жиноятчилик билан боғлиқ. Бундай иқтисодий фаолиятнинг ўзига хос хусусияти шундаки, унинг субъектлари қонунда тақиқланган, ўта камёб бўлган товарлар моддий бойликларини сотиш, хизматлар кўрсатиш, наркотик моддаларнинг ноқонуний савдоси, фохишабозлик, ноқонуний қимор ўйинлари, рекёт ва бошқа фаолият турлари билан шуғулланади [8].

Яширин иқтисодиётга берилган таърифлар ўрганилганида, унга нисбатан турлича ёндашувлар мавжудлиги маълум бўлди. Жумладан, Россиялик олимлар унга нисбатан қуйидаги таърифларни беришган:

Ю.Латов яширин иқтисодиёт (shadow economy) – бу давлат назорати ва ҳисобидан ташқаридаги хўжалик юритиш фаолиятидир, шу билан бирга у расмий статистикада ўз аксини топмайди дея таърифлайди [9, 14].

Криминал ёндашув нуктаи назаридан (А.К.Бекряшев, И.П.Белозеровлар) яширин иқтисодиёт таркиби иккига яъни, “криминал яширин иқтисодиёт” ва “нокриминал яширин иқтисодиёт” га бўлинади [10].

“Криминал яширин иқтисодиёт” – ижтимоий хавфлилик даражаси юқори бўлган, биринчи навбатда инсоннинг соғлиғига ва ҳаётига тўғридан-тўғри хавф соладиган фаолият тури. Масалан, одам ва унинг организмлари, қурол-яроғ, наркотрафик моддаларининг ноқонуний савдосини киритиш мумкин.

“Нокриминал яширин иқтисодиёт” – ижтимоий хавфлилик даражаси юқори бўлмаган, инсонлар соғлиғи ва ҳаётига тўғридан-тўғри салбий таъсир кўрсатмайдиган иқтисодий фаолият тури. Жумладан, майда бизнес, яъни кундалик эҳтиёжни қондириш мақсадида савдо фаолияти билан шуғулланиш, деҳқон хўжаликларидаги бартер муносабатларини мисол сифатида келтириш мумкин. Мазкур таърифда муаллифлар асосий эътиборни криминалистик нуктаи назаридан ёндошган. Таъкидлаш лозимки, яширин иқтисодиёт, бу иқтисодий категория бўлиб, уни тадқиқ этишда иқтисодий қонуниятларни ҳам ҳисобга олиш лозим бўлади.

Норасмий иқтисодиётнинг ўзига хос яна бир жиҳати (K.F.Becker), бозор иқтисодиётининг назорат қилиб бўлмайдиган қисми сифатида таърифланади [11]. Фикримизча, берилган таъриф умумий маънода тўғри талқин сифатида баҳоланади.

Эрнандо де Сотонинг фикрича, яширин иқтисодиётни юзага келтирувчи сабаблардан бири сифатида, мамлакатдаги қонунларнинг “ёмон”лигидадир. Ушбу қонунлар иқтисодий фаол аҳолига сунъий равишда тўсиқ бўлиб, қонунга итоат қиладиган фуқароларни яширин иқтисодий фаолият юритувчи шахсларга айлантириб қўяди. Бу салбий ҳолатни бартараф этиш мақсадида мамлакатда иқтисодий фаолият соҳасидаги бюрократияни қисқартириш лозим. Иқтисодиётни эса босқичма-босқич либераллаштириб бориш ташаббусини илгари суриб, бу сиёсатни фирмаларни рўйхатга олиш тартибини енгиллаштириш, солиқлар юқини енгиллатиш, текширувчи инстанциялар сонини қисқартириш орқали амалга оширишни таклиф этади [12].

А.Бекряшев ва А.Белозеровларнинг фикрича, яширин иқтисодиётни келтириб чиқарувчи сабаблар қуйидагилар:

- бозор тўғрисидаги маълумотларнинг тўлиқ эмаслиги;
- бозорнинг жамият манфаати учун фаолият юритмаслиги;
- бозорнинг ташқи салбий омилларга қарши самарали тура олмаслиги;
- бозорнинг ижтимоий тенгсизликка қарши тура олмаслиги;
- қарорлар қабул қилишда бозор тўғрисида объектив маълумотларнинг етишмаслиги;
- сиёсий жараёнларнинг мукамал эмаслиги;
- давлат аппарати устидан назорат қилиш имкониятининг чекланганлиги;
- анонимлик [10].

Жамиятда яширин иқтисодиётни юзага келишига таъсир этувчи яна бир омил сифатида истеъмолчилар томонидан товар, хизмат ёки ишларни олаётган жараёнларида ўз фойдаларини кўзлаб қонунларни айланиб ўтишга ҳаракат қилишларида кўриш мумкин. Бунга мисол сифатида ҳарид қилинган товарларга ҳисобланган тўловларни касса назорат ускуналари орқали пул ўтказмаслик натижасида чек урилмаслиги, ёки нақд пулсиз ҳисоб-китоб жараёнида сотувчилар томонидан турли ҳил бахоналар билан тўлов терминалларининг ишламаётганлиги ёки уларнинг носоз ҳолда эканлигини бахона қилиб, харидордан нақд пул олиб, касса орқали айлантирилмаслиги натижасида савдода ҳисобланган солиқ ва бошқа тўловлардан қочиш каби амалиётларни кўриш мумкин.

Digital technologies are becoming an integral part of our daily lives. We see this when we use smartphones or withdraw money from plastic cards to make purchases, avoiding physical cash transactions. The share of cash in circulation is steadily decreasing in developed countries due to the convenience and speed of electronic payments. For example, Sweden is expected to become a country with no cash in circulation soon. In this country, non-cash transactions account for 97-98% of all monetary transactions, meaning that all money is managed through digital financial technologies. This article provides a comparative analysis of countries leading research on central bank digital currencies and discusses potential scenarios for the adoption of central bank digital currency. The analysis of the money supply change in Uzbekistan for the 2018-2024 period was conducted, and the benefits for the national economy following the Central Bank's introduction of new policies were also identified. The author provides suggestions for more effective implementation of the central bank's policies in the country's economic system.

Keywords. Digital technology, cryptocurrency, digital currency of the central bank, cash, monetary policy, money supply, e-sum.

Цифровизация вошла во все сферы экономической деятельности человека. Развитие цифровых технологий вносит свои нюансы в экономику. Сейчас невозможно представить экономические процессы без сложных расчётов компьютерной техники или без искусственного интеллекта. Меняются бизнес - модели, трансформируются экономические отношения на основе новых инновационных финансовых технологий. В финансовый оборот включаются новые виды денежных средств такие как частные криптовалюты или цифровые валюты эмитентом, которого является центральный банк. Всё это ведёт к изменениям политики регулирования, инструментов воздействия на экономику как на микро, так и на макроэкономическом уровне.

Сейчас на страницах средств массовой информации часто можно встретить такую информацию, как какое-нибудь государство ведёт разработку или стоит на пороге ввода в денежное обращение свою национальную цифровую валюту. Безусловно у многих появятся вопросы. Цифровая валюта – что это такое? Что она даст для экономики? Какие есть преимущества или недостатки у этой валюты? А заменят ли цифровые деньги обычные денежные средства?

Все эти вопросы делают тему этой статьи актуальной в период цифровых технологий и тем самым дают ответы на эти вопросы.

В научной литературе можно найти много работ и исследований посвящённых внедрению цифровых валют центрального банка. Не все учёные-экономисты едины во мнение о введении в обращения ЦВЦБ (цифровой валюта центрального банка). Выпуск ЦВЦБ значительно улучшит процессы функционирования платежной системы, а возможно, и эффективность трансмиссионного механизма денежно-кредитной политики[1]. Противники, со своей стороны, считают, что эффективность трансмиссионного механизма денежно-кредитной политики от выпуска ЦВЦБ является сомнительной. Более того, технологические риски станут триггером для роста (в несколько раз) ценовой и финансовой нестабильности[2]. Клаусен, Феррейра и Хакеброта в своих исследованиях пришли к выводу что, цифровые валюты, выпущенные центральными банками (ЦВЦБ), могут воздействовать на макроэкономические переменные, такие как инфляция, с помощью различных механизмов монетарной политики[3].


В научной статье использованы следующие методы исследования: синтез, статистический анализ, логический метод, сравнение показателей динамического ряда, графический метод.

Внедрение частных цифровых валют т.е. криптовалют способствовала появления новых вызовов для центрального банка, поставила перед угрозой всю систему банковского регулирования денежных средств в экономике. Поэтому центральные банки многих стран начали разрабатывать альтернативные решения этой проблемы. Страны начали работу в

рамках национальных пилотных проектов по изучению и внедрению цифровых валют центрального банка на основе распределённого реестра и блокчейна.

Под ЦВЦБ понимается цифровая форма фиатных денег, эмитируемая центральным банком и способная выполнять все функции современных денег. ЦВЦБ рассматривается в качестве доступной для экономических субъектов формы денег и может быть использована ими для осуществления платежей или расчетов в любой момент времени, в том числе уплаты налогов, а также прямых расчетов P2P и P2B[4].


Цифровая валюта – это не мода, которая захлестнула большинство стран, а необходимость развития и внедрения инновационных технологий. По данным статистики МФВ если на июль месяц 2018 года приходилось 19 стран в которых были начаты работы в области ЦВЦБ, на 2020 год этот показатель составил уже 39 стран, а на 2022 год в 97 странах велись исследовательские работы в этом направлении.



1 – рисунок. Страны ведущие работы в области внедрения ЦВЦБ[5]

Если говорить о конкретном регионе, на примере Ближнего Востока и Центральной Азии то данные исследования разнятся между странами.

Countries with CBDC interest



Source: IMF desk survey.

Note: Data labels in the figure use International Organization for Standardization (ISO) country codes. CBDC = central bank digital currency. ME&CA = Middle East and Central Asia.

IMF

2 – рисунок. Страны Ближнего Востока и Центральной Азии по внедрению Цифровой валюты центрального банка[6]

Опираясь на данные из рисунка 2, сделаем вывод, что страны ближнего зарубежья Казахстан и Кыргызстан являются странами-лидерами по внедрению цифровой валюты Центрального банка в нашем регионе.

В Узбекистане тоже ведется работа в этом направлении. В частности, в феврале 2022 года Центральный Банк Республики Узбекистан объявил о разработке и тестировании цифровой валюты с привлечением международных экспертов с учетом мирового опыта открытого банкинга[7].


Функционально выпуск ЦВЦБ могут быть двух видов:

- оптовые;
- розничные.

Оптовые цифровые валюты предназначена для обслуживания финансовых институтов.

А розничные доступны для широкого круга пользователей физических и юридических лиц.

Способ интеграции ЦВЦБ в обращение могут происходить по следующим моделям:



3 – рисунок. Модели интеграции в обращение ЦВЦБ.

Источник: Разработана автором


В первой модели, наличные деньги полностью заменяются на ЦВЦБ, во второй усиливается конкуренция с платёжными системами и в третьей модели повышается конкуренция с коммерческими банками по привлечению депозитов.

Влияние центробанковских цифровых валют на денежно-кредитную политику будет в значительной степени зависеть от формы и способа их интеграции в денежно-кредитную систему. В случае замены наличных денег эффект на денежно-кредитную политику ЦБ будет незначительным. Более значительный эффект будет наблюдаться, когда центробанковские цифровые валюты будут выпускаться как дополнение к наличным деньгам или иметь параллельное с ними обращение[8].

Внедрение цифровой валюты Центрального банка может решить одну из двух основных задач:

- 1) уменьшение наличности в обращении и увеличение доли безналичных расчетов;
- 2) повышение финансовой активности населения.

Согласно данным Центрального банка, по состоянию на 1 января 2024 года наличное денежное обращение в Узбекистане достиг 45,6 трлн. сумов. Общий объем наличных денег в 2018 году составил 19,4 трлн. сум, а в 2024 году 45,6 трлн. сумов, т. е. за этот период наличная денежная масса увеличилась на 26,2 трлн. сум или в 2,3 раза. Сумма наличных денег в обращение с каждым годом увеличивалась, но наблюдалось снижение доли наличных денег в общей денежной массе, если в 2018 году доля наличных денег составлял 26,5%, то к 2024 году этот показатель снизился до 21,4%. В период с 2018 по 2024 года доля наличных денег в общей денежной массе сократился на 5,1%. Основной причиной сокращения наличной денежной массы является мера Центрального банка, направленная на сокращение избыточной ликвидности денежного рынка, а также замена наличных денег на безналичные расчёты (электронные транзакции).



4 – рисунок. Объём наличной и безналичной денежной массы в Узбекистане в 2018-2024 гг., трлн. сум. (По состоянию на 1 января) [9]

Очевидно, по приведенным аналитическим данным, наличная денежная масса в Узбекистане сокращается из года в год. Внедрение в обращение Центральным Банком Республики Узбекистан национальной электронной цифровой валюты «е-сум», этот процесс ускорит.

Конечно, любой новый процесс требует времени от разработки проекта до его воплощения в жизнь. Для Узбекистана это инновационный метод, который он должен исследовать и проанализировать опыт зарубежных стран в области цифровой валюты центрального банка.

Центральный банк нашей страны находится в постоянном контакте с центральными банками других стран по вопросу введения цифровой валюты. В частности, ведутся переговоры с США, Россией, Индией, Сингапуром, Турцией, Швейцарией и другими странами. В рамках СНГ установлены тесные связи по обмену опытом с центральными банками России и Казахстана.

К чему приведет введение в нашей стране цифровой валюты Центрального банка?

- 1) стимулирование конкуренции на рынке платежей и расчётов;
- 2) возрастёт эффективность платежей между экономическими субъектами;
- 3) повысится безопасность и популярность средств с точки зрения их хранения и расходования;
- 4) способствует развитию безналичной платежной системы;
- 5) сократится количество коммерческих банков;
- 6) приведёт к снижению транзакционных издержек;
- 7) усилится контроль за расходами государственного бюджета;
- 8) уменьшится масштаб теневой экономики;
- 9) повысится контроль над налоговыми поступлениями;
- 10) усилится контроль над денежной массой в экономике и приведёт к повышению эффективности денежного обращения.

При внедрении цифровой валюты наряду с плюсами есть определенные минусы. К ним относятся кибербезопасность, низкая анонимность транзакций и другие.

Как было выше сказано, внедрение в обращение цифровой валюты центрального банка требуется время. Для эффективного внедрения цифровой валюты в Узбекистане можно дать следующие предложения:

- 1) разработка правовых нормативных документов по внедрению и регулированию цифровой валюты Центрального банка (е-сум) в Узбекистане;

2) разработать сценарий, основанный на опыте зарубежных стран и исходя из особенности нашей национальной экономики;

3) широко освещать о проделанной работе и планах по введению цифровой валюты в СМИ;

4) создать все условия для безболезненного внедрения ЦВЦБ и преодоления негативных последствий процесса для населения страны и субъектам бизнеса;

5) создание и развитие соответствующей инфраструктуры для обеспечения бесперебойной работы, а также стабильного функционирования цифровой валюты е-сум;

6) с целью обеспечения квалифицированными кадрами направлять их на переподготовку или практическую стажировку в зарубежные страны;

7) постоянно повышать финансовую грамотность населения, для этого организовывать краткосрочные курсы в общеобразовательных школах, системе профессионального образования (колледжах и техникумах), высших учебных заведениях;

8) поэтапное внедрение цифровой валюты е – сум на основе разработанного сценария и корректировать его по мере необходимости.

Процесс цифровизации экономики всё глубже охватывает экономическую деятельность субъектов производства и потребления, что способствует снижению наличных денег в обращении в национальной экономике. Появления частных криптовалют создают новые вызовы для регулирования денежно-кредитной политики государства. Альтернативным решением этих проблем являются внедрение цифровых валют центрального банка. Ввод цифровых валют центрального банка возможно по разным сценариям, но больший денежно-кредитный эффект от этого можно достичь при сценариях, когда ЦВЦБ являются дополнительными или параллельными валютами в обращении к традиционным денежным средствам. При внедрении ЦВЦБ в Узбекистане надо учитывать особенности национальной экономики, таких как степень её развития на данном этапе, состояние банковской системы, охват интернетом и др. ЦВЦБ способствует развитию монетарной политики государства, тем самым повышая его эффективность регулирования на денежную массу и экономику в целом. Правильно выбранная монетарная политика создаст дополнительные условия для снижения инфляции и безработицы в стране. Это способствует развитию бизнеса и повышению уровня жизни населения, которые являются основой целью национальной экономики.

Список использованной литературы

1. Bordo M., Levin A. Central bank digital currency and the future of monetary policy // NBER Working Paper. 2017. № 23711. DOI: <https://doi.org/10.3386/w23711>
2. Siciliani P. Competition for retail deposits between commercial banks and non-bank operators: a two-sided platform analysis // Bank of England Staff Working Paper. 25 May 2018. № 728.
3. Central Bank Digital Currencies. Report of the Committee on Payments and Market Infrastructures and The Markets Committee // BIS. March, 2018. 28 p.
4. Clausen, L., Ferreira, J., & Hackebroda, D. (2020). "The Macroeconomics of Central Bank Issued Digital Currencies." *Journal of Digital Finance*, 4(3), 123-145.
5. Сахаров Д.М. Цифровые валюты центральных банков: ключевые характеристики и влияние на финансовую систему. *Финансы: теория и практика*. 2021;25(5):133-149. DOI: 10.26794/2587-5671-2021-25-5-133-149
6. <https://www.imf.org/ru/Publications/fandd/issues/2022/09/Picture-this-The-ascent-of-CBDCs>
7. <https://www.imf.org/ru/>
8. <https://review.uz/uz/post/cifrovaya-valyuta-centralnx-bankov>
9. Д. А. Кочергин, А. И. Янгирова. Центробанковские цифровые валюты: ключевые характеристики и направления влияния на денежно-кредитную и платежную системы. *Финансы: теория и практика. Журнал*, Т. 23, № 4'2019. С 93
10. <https://cbu.uz/oz/statistics/dks/847195/>

“YASHIL” INNOVATSIYA TUSHUNCHASI VA UNING AHAMIYATI

ПОНЯТИЕ И ЗНАЧЕНИЕ «ЗЕЛЕННЫХ» ИННОВАЦИЙ

THE CONCEPT AND IMPORTANCE OF "GREEN" INNOVATION

Yokubjanov Doniyor Islom o‘g‘li
NamDU tayanch doktoranti

Annotatsiya

Atrof-muhit muammolari sayyoramizga yetarlicha o‘z ta‘sirini ko‘rsatib kelmoqda, uning yomon oqibatlari tufayli jamiyatlar inqirozga uchramoqda. Insonlar va tabiat yonma-yon yashaydigan dunyoga o‘tish zamon talabiga allaqachon aylanib bo‘ldi. Yer shari faqatgina inson aqlining innovatsion yechimlari orqali tartibsizliklardan keyin yana qayta tiklanishi mumkin. Bu kabi yechimlarning biri bu “yashil” innovatsiyadir. Bu tejamkorlik, unumdorlik va eng muhimi iqtisodiy o‘lishni saqlab qolgan holda yashil rangga o‘tish uchun ajoyib imkoniyatdir. “Yashil” iste‘molchilarning ko‘payishi bilan ko‘plab kompaniyalar yashil kelajakni yaratishga hissa qo‘shish maqsadida “yashil” innovatsiyalarga o‘tishmoqda. Xo‘sh, “yashil” innovatsiya o‘zi nima? Uning ahamiyati qanday? Ushbu maqolada yuqoridagi savollarga javob berishga harakat qilamiz.

Kalit so‘zlar: “yashil” innovatsiya, atrof-muhit, ekologiya, zaharli gazlar, iqlim o‘zgarishi, yoqilg‘i, energetika.

Экологические проблемы оказали достаточное влияние на нашу планету, и общество находится в кризисе из-за его плохих последствий. Переход к миру, где люди и природа живут бок о бок, уже стал требованием времени. Только благодаря инновационным решениям человеческого разума Земля сможет оправиться от хаоса. Одним из таких решений являются «зеленые» инновации. Это прекрасная возможность стать экологичным, сохраняя при этом эффективность, производительность и, самое главное, экономический рост. С ростом числа «зеленых» потребителей многие компании обращаются к «зеленым» инновациям, чтобы внести свой вклад в более «зеленое» будущее. Итак, что же такое «зеленые» инновации? Каково его значение? В этой статье мы постараемся ответить на поставленные выше вопросы.

Ключевые слова: «зеленые» инновации, окружающая среда, экология, токсичные газы, изменение климата, топливо, энергетика.

Environmental problems have had enough impact on our planet, and societies are in crisis due to its bad consequences. The transition to a world where people and nature live side by side has already become the demand of the times. Only through the innovative solutions of the human mind can the Earth recover from chaos. One such solution is "green" innovation. This is a great opportunity to go green while maintaining efficiency, productivity and most importantly economic growth. With the rise of "green" consumers, many companies are turning to "green" innovation to contribute to a greener future. So, what is "green" innovation? What is its significance? In this article, we will try to answer the above questions.

Key words: "green" innovation, environment, ecology, toxic gases, climate change, fuel, energy.

Oxirgi o‘n yillik davomida global iqtisodiy rivojlanish oqibatida ekologiyamizdagi o‘zgarishlarning salbiy ta‘siri tufayli “yashil” innovatsiyalarning ahamiyati amaliyotda ham, ilmiy doiralarda ham ortib bordi. Bizning ma‘lumotimizga ko‘ra, “yashil” innovatsiya nisbatan yangi tushuncha bo‘lganligi sababli so‘nggi va keng qamrovli adabiyotlarni ko‘rib chiqishning o‘zi yetarli

emas. Ayniqsa, atrof-muhitga salbiy ta’sirni kamaytiradigan innovatsiyalarni tavsiflovchi turli tushunchalar mavjud. Adabiyotlarda ushbu innovatsiya turini tavsiflash uchun “yashil”, “eko”, “ekologik” va “barqaror” kabi tushunchalardan keng qo‘llaniladi. Ushbu maqolada biz “yashil” innovatsiyalar sohasidagi mavjud adabiyotlar to‘plamiga umumiy nuqtai nazarni taqdim etish va sohadagi eng faol olimlar, muassasalar va tegishli nashrlarning ilmiy tadqiqotlarini o‘rganib, tahlil qilish orqali “yashil” innovatsiya tushunchasini oydinlashtirishni maqsad qilganmiz.

“Yashil” innovatsiyalar bo‘yicha adabiyotlar so‘nggi o‘n yillikda keng va muhim qo‘llanilishi, shuningdek, ekologik xabardorlik va yashil mahsulotlar va xizmat ko‘rsatish tufayli rivojlandi va kengaytirildi.

“Yashil” innovatsiyalar, atrof-muhit boshqaruvining asosiy omili sifatida [1; 2; 3; 4;], tashkilotlar va jamiyatlar uchun hayotiy ahamiyatga ega; ushbu sohadagi tadqiqotlar asosan so‘nggi yillarda o‘sish tendentsiyasiga ega bo‘ldi. Bundan tashqari, atrof-muhitning buzilishi insoniyatning omon qolishi uchun katta xavfga aylandi. Ko‘pgina tashkilotlar va jamoalar atrof-muhitni muhofaza qilish va iqtisodiy o‘sishga erishish strategiyasi sifatida yashil innovatsiyalarga yuzlandi. Atrof-muhit barqarorligi va iqtisodiy rentabellik ham katta ahamiyatga ega[5], “yashil” innovatsiyalar tashkilotlarni barqaror raqobat ustunligiga erishishga imkon berishi mumkin[6].

Ushbu maqola mavzusi bo‘yicha avval amalga oshirilgan tadqiqotlarni tahlil qilgan holda biz o‘rganishimiz, yechim topishimiz kerak bo‘lgan savollarni shakllantirib oldik. Yig‘ilgan ma’lumotlarni tanlagan tadqiqot usullarimiz va tahliliy uslublarimiz orqali chuqur tahlilini amalga oshiramiz. Tadqiqot natijalarimizdan ko‘zlagan samarani olishimiz uchun, albatta tadqiqot mavzusi doirasida yetarlicha sifat va miqdoriy ma’lumotlar to‘plashimiz kerak bo‘ladi. “Yashil” innovatsiya haqida yurtimiz va chet el olim, tadqiqotchilari tomonidan yaratilgan adabiyotlarning elektron, hamda bosma nashrlarini to‘plash tadqiqot mavzumizni nazariy jihatlarini yoritib berish uchun kerak bo‘ladi. Tadqiqotni amalga oshirish jarayonida yig‘ilgan sifat ma’lumotlarini miqdorlashtirilgan va miqdorlashtirilmagan usullar yordamida tahlil qilamiz. “Yashil” innovatsiya bilan bog‘liq to‘plangan miqdoriy ma’lumotlarimizni tasviriy va inferensial statistika usulidan keng foydalanib tahlil qilishga harakat qilamiz. Jumladan, ma’lumotlarni grafiklar va tasvirlash usullari yordamida tadqiqotimizni boyitamiz.

Germaniya iqtisodiyotning barcha sohalariga “yashil” tamoyillarni joriy etish borasida chiqindisiz ishlab chiqarish siklini ishlab chiqqan soha bo‘yicha ilg‘or davlatlardan biridir. Germaniya chiqindilarni qayta ishlash va ulardan qayta foydalanish bo‘yicha dunyoda birinchi hisoblanadi. Germaniyada patentli texnologiyalarning 23 foizi atrof muhit sohalariga to‘g‘ri keladi hamda shamol va quyosh energetikasi sohasidagi kompaniyalarning 30 foizdan ortig‘i nemis kompaniyalari hisoblanadi.

Ekologik innovatsiyalar bo‘yicha Shvetsiya tajribasi muhim ahamiyatga ega. Shvetsiya qayta tiklanadigan energiya va mahalliy yoqilg‘i manbalaridan foydalanish sohasida jahonda yetakchi mamlakat hisoblanadi[10].

Shvetsiyada maishiy chiqindilarning deyarli barchasi yo‘q qilinadi, bu dunyodagi eng yuqori ko‘rsatkichlardan biri hisoblanadi. Qayta tiklanadigan energiya manbalariga o‘tish jarayonida uy egalariga soliq imtiyozlari beriladi. Shu bilan birga, ekologik toza yoqilg‘ida harakatlanuvchi avtomobil egalari uchun ham soliqlarda imtiyozlar bor[12].

Ekologik investitsiyalar uchun moliyaviy imtiyozlar borasida Gollandiya tajribasiga to‘xtalib o‘tish e’tiborga molik, Gollandiyada MIA va VAMIL Gollandiyalik kompaniyalar tomonidan ekologik texnologiyalardan foydalanishga rag‘batlantirishning ikki alohida usullari sifatida qaraladi.


O‘rganishlarimiz natijasida aytishimiz mumkinki, “yashil” yoki ekologik innovatsiyalar atrof-muhitga yetkaziladigan zararni minimallashtirishga va tabiiy resurslardan maksimal darajada samarali foydalanishga yordam beradigan innovatsiyalarning barcha shakllarini anglatadi.

Bu kompaniyalarning raqobatbardoshligini, iqtisodiy va ekologik ko‘rsatkichlarini yaxshilaydigan amaliyotlardan biri hisoblanadi. Bu kabi innovatsiyalarda energiya tejamkorligi, chiqindilarni qayta ishlash, atrof-muhitni muhofaza qilish, resurslar barqarorligi va yashil mahsulot dizayni e’tiborga olinishi kerak bo‘lgan asosiy omillardir.

Amalga oshirish shakli va yuzaga kelishi mumkin bo‘lgan oqibatlariga qarab, Ketrin A.Ramus yashil innovatsiyalarni uch turga ajratdi. Bular:

1. Kompaniyaning atrof-muhitga ta’sirini kamaytiradigan yashil innovatsiyalar (mahsulotlardan qayta foydalanish va qayta ishlash orqali).
2. Kompaniyaning atrof-muhit muammolarini hal qiluvchi yashil innovatsiyalar (zararli komponentlardan foydalanishni kamaytirish orqali).
3. Ekologik toza mahsulotlar ishlab chiqaradigan va samarali jarayonlardan foydalanadigan yashil innovatsiyalar (resurslar yoki energiyani tejash orqali).

Ekologik innovatsiyalar uch tomonlama o‘lchovga ega: uning maqsadlari (asosiy yo‘nalish), uning mexanizmlari (o‘zgartirish kiritish usullari) va ta’siri (atrof-muhitga ta’siri) (1-rasm).



1-rasm. Eko-innovatsiyalarning 3 tomonlama o‘lchovi

Ekologik innovatsiyalar texnologik va texnologik bo‘lmagan o‘zgarishlarni ham o‘z ichiga oladi. “Yashil” innovatsiyalar odatda yashil bo‘lmagan innovatsiyalardan quyidagi xususiyatlari bilan ajralib turadi:

- Atrof-muhitga bo‘lgan salbiy ta’sirni kamaytiradi.
- Innovatsiyaning maqsadi mahsulot, protsedura, xizmat yoki tizimdir.
- Bozorda raqobatbardoshlikni saqlab qolgan holda mijozlar talablarini qondiradi.
- U “yashil” taklifni ishlab chiqish uchun mahsulotning butun hayot davrini o‘rganib chiqadi va yangilik kiritadi.

- Iqtisodiy yoki ekologik jihatdan yechim beradi.

Shunday qilib, yashil innovatsiya ekologik barqaror o‘lishning kalitidir, chunki u sof va bexatar dunyoga o‘tish imkonini beradi.

“Yashil” innovatsiyalar bo‘yicha izlanishlarimiz orqali ko‘plab atrof-muhitga foydali bo‘lgan ekologik toza innovatsion yechimlarni aniqladik va quyida ularning asosiylari haqida to‘xtalib o‘tamiz.

Sho‘r suvni chuchuklashtirish uchun quyosh energiyasidan foydalanish suv tanqisligi, cho‘llanish va ochlikni hal qilishning keng ko‘lamli yechimiga aylanishi mumkin. Elemental Water Makers kabi kompaniyalar allaqachon butun dunyo bo‘ylab quyosh energiyasi yordamida suvga eng ko‘p muhtoj bo‘lgan odamlarga arzon, xavfsiz va ishonchli suv yetkazib berish maqsadida suvni chuchuklashtirish loyihalarini amalga oshirib kelishmoqda.

2050-yilga kelib dunyo aholisining taxminan 70%i shaharlarda yashayapgan bo‘ladi. Demak, aholi sonining oshib borishi tufayli insonlar o‘ta zich holatda yashashadi. Bu esa o‘z navbatida yashil dunyoning yo‘qolib ketishi hamda ekologiyamizga zaharli gazlarning katta hajmda zarar yetkazishiga sabab bo‘ladi. Bu kabi muammolarga yechim sifatida yashil binolarni ko‘rib chiqishimiz mumkin. Ko‘p qavatli binolarning har bir xonadonida yashil hududlarni tashkil etish mumkin. Misol uchun, balkon yoki penthauslarda bunga sharoit topiladi.

“Yashil” avtomobillar ya’ni elektr, vodorod yoki sintetik yoqilg‘i yordamida harakatlanuvchi avtomobillar ham yana bir ulkan innovatsion yechim bo‘la oladi. Chunki an’anaviy transportlar yoqilg‘i moylari yordamida harakatlangani uchun havoga katta miqdorda karbonat anhidrid gazlarini chiqaradi. Hozirgi kunda bu sohada yetakchi bo‘lib turgan kompaniyalardan biri Tesla kompaniyasi hisoblanadi. Unga 2003-yilda Ilon Mask tomonidan asos solingan. Teslaning oldiga qo‘ygan asosiy maqsadi _ dunyoning barqaror energiyaga o‘tishini tezlashtirish.

Barchaga ma’lumki, plastmassalar yoki plastik chiqindilar atrof-muhitga yetarlicha zarar yetkazuvchi moddalar hisoblanadi. Okeanlardagi yig‘ilib ketgan plastik chiqindilar haqida juda ko‘p eshitamiz. Olimlar bu borada ko‘plab tadqiqotlar o‘tkazib kelishgan. Va bugungi kunga kelib, tabiatga zararsiz muqobil variantlar kashf qilindi. Ulardan biri biologik parchalanadigan plastmassa bo‘lib, u bir muncha vaqt o‘tgach oddiygina parchalanib, yo‘qolib ketadi ya’ni o‘simliklar va hayvonlar uchun “ozuqa”ga aylanadi. Masalan, Veganbottle butunlay tabiiy bioplastikadan ishlab chiqariladi va u plastik butilkalarni o‘rnini butunlay egallay oladi. Veganbottlening barcha qismlari, qopqog‘idan tortib o‘ramigacha, 100% biologik parchalanadigan materiallardan tayyorlanadi. Shishasi shakar qamish ekstraktidan tayyorlanadi. Shakar qamish boshqa ekinlarga qaraganda ancha kam suv talab qiladi va shisha ishlab chiqarishning o‘zi an’anaviy ishlab chiqarishga qaraganda kamroq energiya sarflaydi.

Kompaniyalar “yashil” innovatsiyalarga o‘tish qiyinchiliklar tug‘dirishi bilan birgalikda imkoniyatlar ham yaratishini anglab yetishdi.

Ko‘pgina kompaniyalar xomashyo sotib olishdan tortib to yakuniy foydalanish va utilizatsiya qilishgacha bo‘lgan mahsulotning hayot davrining ekologik jihatini yaxshilash uchun kompaniyaning ichki muhitini baholamoqdalar.

Biroq, “yashil” innovatsiyaga o‘tish oson jarayon emas. Shu sababli, kompaniyaga maksimal darajada ushbu maqsadga erishish uchun aniq yo‘l xaritasi kerak bo‘ladi.

- Kichik o‘zgarishlar qilish: Yangi kompaniyalar standart protokol doirasida rivojlanish va ishlab chiqarish jarayoniga kichik o‘zgarishlar kiritish orqali “yashil” innovatsiyalar sari harakatlarini boshlashlari kerak.

- Talab darajasida bo‘lgan aniq bir yo‘nalishni belgilash: Bu yangi texnika, ishlab chiqarish liniyasi uchun yangi g‘oyalar hamda ekologik toza va foydali bo‘lgan yangi xom ashyodir. An’anaviy fikrlash usullariga “Yashil” elementini qo‘shish biroz ko‘proq amaliyotni talab qilishi mumkin lekin imkonsiz narsa emas.

- Moliyaviy imkoniyatlarga ega bo‘lish uchun tashkilotlar va aksiyadorlar bilan professional aloqalarni o‘rnatish: Potentsial hamkorlar tarmog‘ini yaratish kompaniyani rivojlantirish maqsadiga erishishga ulkan yordam beradi. Bu kelajakda kompaniya uchun yangi eshiklarni ochadi. Misol uchun, IBM kabi kompaniyalar atrof-muhitni muhofaza qilish maqsadlari sari olg‘a siljish imkonini beruvchi hamkorlikni yo‘lga qo‘yishgan va bu ularga raqobatchilardan ustunlikka ega bo‘lishga yordam beradi.

- Strategik ustunlikka erishish uchun kompaniya qoidalarini qaytadan yozish: Bu biznesning asosiy qoidalarini o‘zgartiradi va uni qayta shakllantiradi. Bu nimani talab qiladi? To‘siqlarni yengib o‘tish uchun uzoqni ko‘radigan yetakchilikni talab qiladi.

- “Yashil” innovatsion tashabbuslarga g‘ov bo‘luvchi asosiy to‘siqlar:

- Sabrsizlik: Ko‘pgina kompaniyalar uzoq muddatli harakatlarning natijasini kutgandan ko‘ra qisqa muddatli rentabellikni afzal ko‘rishadi.

- 99% e’tiborsizlik: Ba’zi korxonalar o‘z mahsulotlarining qisman atrof-muhitga bo‘lgan ta’sirini kamaytirishga e’tibor qaratishadi, lekin 99% tomonini esa e’tibordan chetda qoldirishadi. Bu kompaniyaning ishonchliligiga putur yetkazishi mumkin.

- Nazoratni yo‘qotishdan qo‘rqish: Kompaniya o‘z operatsiyalari ustidan nazoratni yo‘qotish qo‘rquvini yengish bilan birga hamkorlikka ishonishi kerak. Har ikki tomon optimal munosabatlarda o‘zaro manfaatli shartlarni izlaydi.
- Daromadning yetarli emasligi: Ba’zi firmalar “yashil” innovatsiyalarga o‘tish uchun yetarli daromadga ega bo‘lmayligi mumkin, chunki atrof-muhitni muhofaza qilish xarajatlari nihoyatda yuqori.
- Muvaffaqiyatsizlikdan qo‘rqish: Ba’zi korxonalar innovatsion urinishlari muvaffaqiyatsiz yakunlanishidan qo‘rqib kerakli talablarni bajarishdan qochishadi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati

1. Frank Tietze and Cornelius Herstatt. What is Green Innovation? – A Quantitative Literature Review. The XXII ISPIM Conference 2011. <https://ssrn.com/abstract=1846882>
2. Aguilera-Caracuel, J. and Ortiz-de-Mandojana, N. (2013) Green Innovation and Financial Performance: An Institutional Approach. *Organization & Environment*, 26, 365-385. <https://doi.org/10.1177/1086026613507931>
3. DANIEL LUIS ARENHARDT, LUCIANA FLORES BATTISTELLA, and MARCIA ZAMPIERI GROHMANN (2016) THE INFLUENCE OF THE GREEN INNOVATION IN THE SEARCH OF COMPETITIVE ADVANTAGE OF ENTERPRISES OF THE ELECTRICAL AND ELECTRONIC BRAZILIAN SECTORS: *International Journal of Innovation Management* Vol. 20, No. 01, 1650004 (2016). <https://doi.org/10.1142/S1363919616500043>
4. Yu-Shan Chen (2008) The Driver of Green Innovation and Green Image – Green Core Competence: *Journal of Business Ethics* volume 81, pages 531-543 (2008). <https://link.springer.com/article/10.1007/s10551-007-9522-1>
5. Alexander Fliaster and Michael Kolloch (2017) Implementation of green innovations – The impact of stakeholders and their network relations: *R&D MANAGEMENT*, 47(5). <https://doi.org/10.1111/radm.12257>
- Salim Karimi Takalo
, Hossein Sayyadi Tooranloo, Zahra Shahabaldini parizi (2021) Green innovation: A systematic literature review: *Journal of Cleaner Production* Volume 279, 10 January 2021, 122474. <https://doi.org/10.1016/j.jclepro.2020.122474>
6. Mert Gürlek and Muharem Tuna (2018) Reinforcing competitive advantage through green organizational culture and green innovation: *The Service Industries Journal* 38(7-8):467-491. https://www.researchgate.net/publication/321136446_Reinforcing_competitive_advantage_through_green_organizational_culture_and_green_innovation
7. Joseph A. Schumpeter and innovation C Ziemnowicz - *Socialism and Democracy*, 1942 – Springer
8. Salim Karimi Takalo, Hossein Sayyadi Tooranloo, Zahra Shahabaldini parizi (2021) Green innovation: A systematic literature review: *Journal of Cleaner Production* Volume 279, 10 January 2021, 122474. <https://doi.org/10.1016/j.jclepro.2020.122474>
9. Трофимов Н.А. Инновации для “зелёного” развития // Наука за рубежом: ежемесячное обозрение.- 2014.-№34.-С.9-12
10. Bo‘taboyev M.T. va Ismanov I.N. “Yashil” iqtisodiyot, T.: “Fan ziyo” nashriyoti, 2023.
11. Xakimova N.A. “Yashil iqtisodiyot”ga o‘tish yo‘nalishlari va ustuvorlik xususiyatlari. 2019, 1 vol., issue 1, pp. 54-60
12. www.feedough.com - <https://www.feedough.com/what-is-green-innovation-types-examples/>
13. www.ecocation.org - <https://ecocation.org/10-examples-of-green-innovation/>
14. www.imagine5.com - <https://imagine5.com/articles/10-green-innovations-that-came-from-the-blue/>
15. www.ashtonmanufacturing.com.au - <https://ashtonmanufacturing.com.au/66-of-consumers-willing-to-pay-more-for-sustainable-goods-nielsen-report-reveals/>

16. www.businesswire.com -
<https://www.businesswire.com/news/home/20110605005064/en/SCA%E2%80%99s-Tork%C2%AE-Brand-Releases-Green-Business-Survey>
17. www.dualcitizeninc.com - <https://dualcitizeninc.com/global-green-economy-index/>
18. www.theworldcounts.com - <https://www.theworldcounts.com/challenges/planet-earth/waste>
19. green-business.ec.europa.eu - https://green-business.ec.europa.eu/eco-innovation_en
20. worldpopulationreview.com - <https://worldpopulationreview.com/country-rankings/carbon-footprint-by-country>

ТАЪЛИМ ВА ИЛМ-ФАН ОРҚАЛИ ОБРЎ-ЭЪТИБОР ТОПГАН ОЛИМ

ХАСАНОВ РУСТАМ РАББИМОВИЧ



“Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз” ҳикматининг акс садолари бугун шиддатли ислохотларда бўй кўрсатмоқда. Ўзбекистон дунё иқтисодиёти, сиёсати ва маданиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаб, илм-фан, таълим, маданият, спорт ва бошқа соҳаларда ўз мавқеини мустаҳкамлаб бормоқда. Бугун барчамиз учун қувонарли ва ёқимли фурсат. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти бўлим бошлиғи, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Рустам Раббимович 60 ёшни қаршиламоқда.

Рустам Раббимовичнинг ҳаёт йўли Ўзбекистон Республикаси таълим ва илм-фанига хизмат қилиш бўлиб, таълим ва фан соҳасида фаолият юритиш олим ҳаётининг энг муҳим неъматга айланди.

Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Хасанов Рустам Раббимович 1964 йилда Қашқадарё вилояти Чирокчи туманида туғилган. 1989 йилда Тошкент Халқ хўжалиги институтини (ҳозирги Тошкент давлат иқтисодиёт университети) имтиёзли диплом билан тугаллади. У институт илмий кенгаши қарорига биноан «Сиёсий иқтисод» кафедрасига ассистент вазифасига ишга қабул қилинди.

Р.Р.Хасанов Тошкент халқ хўжалиги институти базасида Тошкент молия институтининг ташкил этилиши муносабати билан 1991 йилдан «Сиёсий иқтисод» кафедраси катта ўқитувчиси, 1993-1995 йиллари ушбу институт аспиранти, 1995-1999

йилгача «Умум иқтисодий назария» кафедрасида катта ўқитувчи вазифасида ишлади. У илмий тадқиқот ишларини Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Ахмад Ўлмасов раҳбарлигида олиб борди. 1997 йил Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Д.005.10.02 рақамли бирлашган ихтисослашган кенгашда «Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида аҳоли даромадларининг табақаланиш омиллари» мавзусидаги 08.00.01- «Иқтисодий назария» ихтисослиги бўйича номзодлик диссертациясини, 2005 йил «Шаклланаётган бозор муносабатлари тизимида даромадлар ва уларнинг табақаланиши» мавзусидаги 08.00.01- «Иқтисодий назария» ихтисослиги бўйича докторлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади. 2010 йили “Иқтисодий назарияси” ихтисослиги бўйича профессор унвонига эришди.

1999-2012 йиллар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси (ҳозирги Давлат бошқаруви академияси) «Ижтимоий-иқтисодий жараёнларни бошқариш» кафедраси доценти, «Бозор иқтисодиёти асослари ва тамойиллари» факультети декан муовини, 2005 йилдан «Кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш» факультети декани ҳамда «Молиявий ресурсларни бошқариш» кафедраси мудир лавозимида фаолият юритди. Академиядаги фаолияти давомида янги ўқув дастурларини яратишда, қисқа муддатли малака ошириш курслари, қайта тайёрлаш уч ойлик курслари ва бошқа ўқувларни ташкил этишда ташкилотчилик ва раҳбарлик қилди.

2012-2014 йиллар Тошкент молия институти «Фалсафа ва Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» кафедраси мудир, «Иқтисодиёт назарияси» кафедраси профессори лавозимида ишлади. 2014-2019 йилларда Тошкент давлат иқтисодиёт университети «Иқтисодиёт назарияси» кафедраси профессори лавозимида фаолият кўрсатди.

Профессор Рустам Раббимович Иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш (ҳозирги иқтисодиёт ва молия вазирлиги) ҳузуридаги “Кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш” ўқув маркази директори, Бизнес ва тадбиркорлик Олий мактаби директори, Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институтида таркибий бўлинмалар раҳбари сифатида фаолият юритган. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти бўлим бошлиғи лавозимида фаолият олиб бормокда.

Р.Р. Хасановнинг илмий ишларнинг асосий қисми таъсирчан мавзуларга асосланади. Олимнинг илмий-тадқиқот йўналиши даромадлар ва уларнинг табақаланиши муаммоларига бағишланган. Нашр этилган монография ва илмий мақолаларида даромадларнинг ижтимоий-иқтисодий мазмуни янгича талқин этилиб, даромадлар табиати жиҳатидан бозор ва нобозор типларига ажралиши асослаб берилди. Бозор даромадларининг иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан қонуний ва ноқонуний тус олиши, тақсимотни меҳнат натижаларига кўра, мулк ва капиталнинг ҳажми ва самараси ҳамда тадбиркорлик қобиляти даражасига қараб юз бериши, ҳар қандай бозор даромади бозор қоидаларига биноан ресурсларни самарали ишлатиш натижаси эканлиги, бозор даромадларининг табақаланиш омиллари иқтисодий ва ижтимоий-демографик бўлиши, бу ресурсларни ҳар хил даражада ва муқобил ишлатиш натижаси эканлиги, даромадларининг табақаланиши уларнинг шакли, ҳосил бўлиш усули ва миқдори жиҳатидан турлича бўлиши ва бу объектив жараён эканлиги олим томонидан асослантирилди.

Профессор Р.Р.Хасанов илмий ишларида аҳоли турмуш даражасини аниқлаш ва уларни миллий иқтисодиётга хос қонуниятлар асосида таҳлил қилиш масалаларини ҳам ёритиб келади. Камбағаллик трансформация даври учун нафақат мерос, балки унинг ўзи яратадиган ҳолат эканлиги, ундаги ички табақаланишнинг кучайиши турли тоифадаги камбағалларни юзага чиқариши, бунинг учун тирикчилик минимуми белгиланиши, унинг минимал қиймати умумий бўлолмаслиги, балки мамлакатнинг иқтисодий ривожланганлик даражасига боғлиқ бўлиши борасидаги илмий ишлари алоҳида эътиборга сазовор бўлди. У 2007-2012 йиллар мобайнида Ўзбекистон Миллий университети ва Тошкент Молия институтлари бирлашган Ихтисослашган Кенгаш аъзоси сифатида илмий тадқиқот ишларини муҳокама қилишда ва

тақриз беришда фаол иш олиб борди. Унинг илмий раҳбарлигида бир нечта номзодлик ва докторлик диссертацияси ялари ҳимоя қилинган.

Олим бир нечта давлат грантлари бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб борди. Хусусан, «Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш механизмининг такомиллаштириш», «Иқтисодиётни ислохотлашда давлат ва бозор механизмларининг узвийлиги», «Оилавий бизнесни ташкил этишнинг ижтимоий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш» мавзуларида илмий-тадқиқот ишларини республикаимиз иқтисодчи олимлари ҳамкорлигида амалга оширди.

Проф. Р.Р.Хасанов мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнини кенг тарғиб қилишда фаол иштирок этиб, ЎзМТРК каналларида, хусусан Ўзбекистон–24, Студия–24, “Муносабат” кўрсатувларида Янги Ўзбекистон тараққиёти жараёнларида амалга оширилаётган туб ислохотлар моҳияти, эришилган ютуқлар, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимлари борасида мунтазам чиқишлари билан халқимизга танилган олимдир.

Проф.Р.Р.Хасанов “Тараққиёт стратегияси”, “Ўзбекистон–2030” стратегиясининг мазмун-моҳияти, Ўзбекистон ислохотларнинг дунёда муқобили бўлмаган янги йўлини танлагани, дунё мамлакатлари билан конструктив ва тенг шерикчилик асосида дўстона алоқалар ўрнатгани, айниқса Марказий Осиё давлатлари билан иноқлик ва ҳамкорликнинг янгича моделини яратганлиги, ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг пировард мақсади аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришга қаратилганлиги юзасидан ўз маърузалари билан семинар ва анжуманларда, малака ошириш марказларида фаол иштирок этади.

Олимнинг 400 дан ортиқ илмий-услубий ишлари, 2 та дарслиги, 10 га яқин ўқув-услубий қўлланмаси ҳамда, 100 дан ортиқ илмий мақолалари чоп этилган.

Биз, Сизнинг ҳамкасбларингиз ва дўстларингиз, сизнинг ютуқларингиз, меҳнатсеварлигингиз ва одавийлигингизга қойил қоламиз. Сизга, азиз Рустам Раббимович, сihat-саломатлик, узок умр, кейинги ҳаёт ва ижодий ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз! Сизга юбилей муборак!

Хурмат билан,

Олимлар гуруҳи: А.В.Вахабов, А.В.Вахобов, Ш.А.Тошматов, Э.Г. Набиев, Ҳ.Ахмедов, З.Ҳайдаров, Ш.Тошмуродов, Б.Рустамов, Ш.У.Ражабов, Ш.Р.Қобилов.

Muassis: Mirzo Ulug‘bek nomidagi O‘zbekiston Milliy universiteti

Muharrirlar:

dots. N.A.Kudratxodjayeva

Texnik muharrir:

I.M.Nig‘matullayev

Ro‘yxatdan o‘tish tartibi № 4715

Jurnaldan ko‘chirib bosilganda «Yangi O‘zbekiston iqtisodiyoti» dan olindi, deb yozilishi shart

Chop etishga tavsiya etildi: 29.07.2024 nusxa 50

Format 70x108 1/8. Shartli bosma taboq 18,0. Buyurtma №__5__

Sotuvda kelishilgan holda

ООО «KLASSIC PRINT» MCHJ bosmaxonasida chop etilgan.

Toshkent sh., Chilonzor ko‘chasi 19, 28-uy

Учредитель: Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека

Редакторы:

доц. М.И.Саидкаримова

Тех. редактор:

И.М.Нигматуллаев

Регистр № 4715

При использовании материалов журнала «Экономика Нового Узбекистана» необходимо сделать на него ссылку

Подписано к печати: 29.07.2024

Формат 70x108 1/8. Усл. печ. л. 18,0 Тираж 50 экз. Заказ №__5__

Цена договорная

Отпечатано в типографии ООО «KLASSIC PRINT» г. Ташкент, ул Чилонзор 19, 28 дом.

Founder: The National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek

Editors:

I.M.Nigmatullayev

Technical editor:

I.M.Nigmatullayev

Registration № 4715

When copying the entire journal material, it should be indicated that material was taken from the journal: “The economy of New Uzbekistan”.

Signed for printing: 29.07.2024

Format 70x108 1/8. The number of printed pages accepted 18,0. Circulation 50 copies.

The order № 5

Cost agreed.

Printed at the Tashkent ООО «KLASSIC PRINT» MCHJ. Press. Tashkent, Chilanazar street 19, 28.

МИРЗО УЛУГБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ “ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИ” ЖУРНАЛИГА МАҚОЛА РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАЛАБЛАРИ

Журнал тахририяти 5 бетдан кам бўлмаган ҳажмдаги мақолани қабул қилади. Мақола матни Microsoft Word дастурида 14 шрифт ўлчамида, 1.5 интервалда, юқоридан ва пастдан 2 см, ўнгдан 2 см, чапдан 2.5 см жой қолдирилиб, тахририятга топширилиши лозим. Мақолада чизма, графиклар, жадваллар ва расмлар келтирилиши мумкин. Журнал бир йилда 6 марта нашр этилади.

Мақола таркиби:

- юқорида чап томонда УДК кўрсатилади;
- муаллиф исм-шарифи ўзбек, рус ва инглиз тилларида қисқартирилмаган ҳолда ўнг томонга ёзилади;
- шаҳар ва ташкилот номи;
- мақола номи ўзбек, рус ва инглиз тилларида берилади;
- мақола номидан сўнг ўзбек, рус ва инглиз тилларида аннотация ва калит сўзлар ёзилади.
- матн сўнгида фойдаланилган адабиётлар рўйхати берилади.

ТРЕБОВАНИЯ К ОФОРМЛЕНИЮ СТАТЬИ В ЖУРНАЛ “ЭКОНОМИКА НОВОГО УЗБЕКИСТАНА” НАЦИОНАЛЬНОГО УНИВЕРСИТЕТА УЗБЕКИСТАНА ИМЕНИ МИРЗО УЛУГБЕКА

Редакция журнала принимает статьи объемом не менее 5 страниц, набранных в редакторе Microsoft Word в виде компьютерного файла. Шрифт - Times New Roman – 14, междустрочный интервал 1.5, все поля страницы сверху и снизу – 2 см, справа – 2 см, слева – 2.5 см. В статью можно добавлять графические материалы – рисунки, таблицы и т.д.

Структура статьи:

- в верхнем левом углу указывается УДК;
- имя и фамилия автора без сокращений на узбекском, русском и английском языках по правому краю;
- название города, организации;
- название научной статьи на узбекском, русском и английском языках;
- после названия статьи - аннотация, ключевые слова на трех языках;
- список источников и литературы размещается в конце текста.

YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI

5

ISBN 978-9943-5256-3-4

Qog‘oz bichimi 60x84 1/16. Times New Roman
garniturasida terildi.

Ofset uslubida oq qog‘ozda chop etildi.

Nashriyot hisob tabog‘i 18, Adadi 25. Buyurtma № 5

Bahosi kelishuv asosida

OOO «KLASSIC PRINT» MCHJ MChJ

bosmaxonasida chop etildi.

Manzil: Toshkent shahar Chilonzor tumani,

Chilonzor ko‘chasi 19, 28-uy